

Усмон УМАРОВ

МОЛИЯ НАЗАРИЯСИ
ФАНИДАН ЎҚУВ-
УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ БАЗИРЛИГИ

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Усмон УМАРОВ

«МОЛИЯ НАЗАРИЯСИ»
ФАНИДАН ЎҚУВ-УСЛУБИЙ
ҚЎЛЛАНМА

Тошкент — 2004.



Тақризчи: иқтисод фаилари доктори, профессор А.Ўлмасов

«Молия назарияси» фашидан ушбу қўлланма Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган ва Тошкент Молия институти томонидан ишлаб чиқилган ўқув дастури асосида тайёрланган. Қўлланма олий ўқув юртларининг молия мутахассисликлари ва молияни ўрганувчилар учун мўлжалланган бўлиб, ундан академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқитувчилари ва талабалари ҳам фойдаланишлари мумкин.

The educational - methodic module on the on course of «Finance Theory» has been worked out in accordance with program, asserted by the Ministry of Higher and Secondary Special Education of the Republic of Uzbekistan. It deals with an approximate program of the course, its working plan, the plans of the themes, the list of literature on the, the essential notions and terms, the independent outof-classic work of the students, the subjects os undergraduate's theses, glossary and short content of every theme. The module is assigned for the students, specializing in «Finance», «Economics» at the Higher Educational Institutions, for the teachers and students of academic Lyceums and colleges.

Настоящая учебно-методическая модуль разработан по курсу «Теории финансов» в соответствии с программой, утвержденной Министерством высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан. В нем рассмотрена примерная программа курса, его рабочий план, планы тем, список литературы по темам, основные понятия и термины, самостоятельные внеаудиторные работы студентов, тематика курсовых работ, словарь и краткое содержание каждой темы. Учебное пособие предназначено для студентов, обучающихся по специальности «Финансы», «Экономика» высших учебных заведений, а также для преподавателей и учащихся академических лицеев и колледжей.

© У. Умаров, 2004.

© «Истиқбол» нашриёти .

КИРИШ

Ўзбекистон ижтимоий ҳимояланган бозор иқтисодиётига ва очик ташки сиёсатга асосланган демократик давлат ва фуқаролар жамиятига ўтишни ўзининг пировард мақсади этиб белгилаган ҳозирги шароитда халқ хўжалигининг барча соҳаларда самарали фаолиятни юрита олувчи, юксак малакали иқтисодчи кадрларнинг роли тобора ортиб боради. Шу боисдан мамлакатимизда «Таълим тўғрисида қонун» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилинди.

Ўзбекистонни буюк мамлакатга айлантиришда «Таълим тўғрисида қонун», «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талабларига жавоб бера оладиган, юксак малакали иқтисодчи, молиячи, менежерлар, солиқчи, банкирлар тайёрлашда «Молия назарияси» фани муҳим роль ўйнайди. Шу боисдан муаллиф «Молия назарияси» фанидан ўқув-услубий қўлланмани тайёрлади.

Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиши жараёнида молиявий муносабатларда бўлаётган туб ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда молиянинг объектив зарурлиги, моҳияти ва функциялари, молия тизими ва унинг структурасидаги ўзгаришлар, бозор иқтисодиёти шароитида молиядан фойдаланиш муаммолари, молиявий сиёсат ва молия механизми, молияни бошқариш, молиявий назорат, молиянинг микродаражада амал қилиши, тижоратчилик асосида фаолият юритувчи корхоналар ва ташкилотлар молияси, потижорат фаолиятини юритувчи муассаса ва ташкилотлар молияси, давлат молияси, давлат бюджети, бюджет тизими ва бюджет жараёни, бюджетдан ташқари фондлар, давлат кредити, маҳаллий молия ва унинг регион иқтисодий тараққиёти учун роли, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида молиянинг роли масалалари Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент асарлари ва чет эл адабиётлари асосида назарий жиҳатдан асосли ва қисқа баён қилинган.

Шуни таъкидлаш керакки, муаллифлар «Молия назарияси» фанидан барча мавзуларни ҳар томонлама ва чуқур ёритишни эмас, балки унинг мазмуни ва моҳиятини қисқача ёритишни мақсад қилиб қўйганлар. Ушбу қўлланма янги педагогик технологиялардан фойдаланиш ва муаммоли дарс ўтишида анча қулайликлар яратади.

Қўлланмада мавзуларнинг намунавий режаси, семинарлар ре-

жаси, тавсия этиладиган адабиётлар, энг мухим тушунча ва атамалар, талабаларнинг аудиториядан ташқари мустақил ишлари, талабалар билимини назорат қилиш формалари каби масалалар бўйича тавсияномалар берилган.

Унда курс ишларининг намунавий тематикаси, назорат ишларининг намуналари, тест материалларидан намуналар ва молиядан глоссарий ҳам берилган.

Маълумки, ҳозирги пайтда олий ўқув юртларида, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида молия фанидан дарслик, ўқув қўлланмалари, айниқса методик қўлланмалар етарли эмас. Шу боисдан бу фанини ўқитишда маълум қийинчиликлар кузатилмоқда ва муаллиф бу ҳолатни бартараф қилишда ушбу қўлланма ўз ўрнини топади деган умидда.

Ушбу қўлланма олий ўқув юртлари талабалари учун мўлжалланган бўлиб, ундан академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари талабалари ҳамда «Молия» фанини ўрганувчилар фойдаланишлари мумкин.

I БЎЛИМ. МОЛИЯ ҲАҚИДА УМУМИЙ ТУШУНЧА

1.1-МАВЗУ. МОЛИЯНИНГ ОБЪЕКТИВ ЗАРУРЛИГИ, МОҲИЯТИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ

1. Молиянинг зарурлиги ва моҳияти

“Молия” тушунчасини кўпинча пул билан аралаштирадilar. Аммо молия ва пул бир хил бўлса, нега бир категория учун ҳар хил атамалар ишлатилган. Молия нимани билдиради?

Маълумки, “finis” атамаси (лот. finis — охириги, якуний, финиш деган маънони билдиради) XV — XVIII асрларда Италиянинг савдо шаҳарларида вужудга келиб, дастлаб ҳар қандай пул тўловларини билдирган. Кейинчалик “finis” сўзидан “finansia” сўзи келиб чиқиб, у пул тўловлари маъносини билдиради. Лотинча “finansia” сўзидан “finans” (хазина) сўзи келиб чиқди. Кейинчалик у давлат пул маблағлари фондини ташкил этиш борасида аҳоли билан давлат ўртасидаги пул муносабатлар тизими билан боғлиқ тушунча сифатида ишлатилган. Бу атама, биринчидан, икки субъект ўртасидаги пул муносабатларини аке эттирган; иккинчидан, бу муносабатлар жараёнида субъектлар ҳар хил ҳуқуққа эга бўлганлар, улардан бири (давлат) алоҳида ҳуқуққа эга бўлган; учинчидан, бу муносабатлар жараёнида пул маблағларидан умумдавлат фонди — бюджет шаклланади. Демак, бу муносабатлар фонд характерига эга бўлади. Тўртинчидан, маблағларни бюджетга узлуксиз келиб туришини солиқлар, тўловлар ва давлатнинг мажбурий характердаги бошқа тўловларисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Демак, молия — бу давлат томонидан ташкил қилинган пул муносабатлари мажмуаси бўлиб, бу жараёнда иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий вазифаларни амалга ошириш учун пул маблағлари умумдавлат фонди шаклланиши ва фойдаланиши амалга оширилади.

Молия вужудга келишининг шарт-шароитлари куйидагилардан иборат:

Биринчи шарт-шароити. Марказий Европада биринчи буржуа революцияси натижасида монархия режимлари сақланиб қолсада, аммо монархларнинг ҳокимияти анча чекланади, давлат бошлиғи (монарх)нинг хазинадан ажралиш юз беради. Пул маблағларидан

умумдавлат фонди – бюджети пайдо бўлади ва давлат бошлиғи ундан ўз хоҳишича (бир ўзи) фойдалана олмайди.

Иккинчи шарт-шароити. Бюджетнинг шаклланиши ва ишлатилиши доимий характери олади, яъни маълум таркибдаги, структурадаги ва қонуи билан мустақкамлашган давлат даромадлари ва харажатлари тизими вужудга келади.

Учинчи шарт-шароити. Пул формасидаги солиқлар асосий характери эгаллайди, ҳолбуки, илгари давлатнинг даромадлари асосан натура тўловлари ва меҳнатни бўйсундириш асосида шаклланган.

Шундай қилиб, давлатчилик ривожланиши ва пул муносабатларининг бу босқичида яратилган маҳсулотни қиймат формасида тақсимлаш мумкин бўлди. Тақсимлаш муносабатлари жамият иқтисодий муносабатларининг бир қисми, ва молия бу иқтисодий муносабатларининг соҳаси сифатида иқтисодий категориядир. Уларнинг ўзига хос иқтисодий йўналиши – давлатнинг пул фондларини шакллантириш формаси асосида амалга ошади.

Молия ривожланишининг икки асосий босқичи бор. Биринчи босқичи – молиянинг ривожланмаган формаси. Унда унумсизлик характери хос бўлган, яъни пул маблағларининг асосий қисми (бюджетнинг 2/3 қисми) ҳарбий мақсадларга сарфланган ва амалда иқтисодиётга ҳеч қандай таъсир кўрсатмаган. Шунингдек, бу босқичда молия тизими тор бўлиб, у фақат битта бўғин – бюджетдан иборат бўлган, молиявий муносабатлар сони ҳам чекланган. Бу муносабатларнинг ҳаммаси бюджетнинг шаклланиши ва фойдаланиши билан боғлиқ бўлган.

Иккинчи босқичи – молиявий тизимнинг кўп бўғинлилиги, иқтисодиётга юқори даражада таъсир кўрсатиш, молиявий муносабатларининг турли-туманлиги билан характерланади. Бу босқичда молия ижтимоий такрор ишлаб чиқаришга, яъни моддий неъматлар, ишчи кучи ва ишлаб чиқариш муносабатларига бевосита таъсир кўрсатишнинг муҳим қуролига айланади.

Бозор иқтисодиётида молиянинг роли ўсиб боради, яъни:

а) анъанавий субъектлар билан бир қаторда янги хўжалик субъектларининг пайдо бўлиши билан молиявий муносабатларининг янги гуруҳлари вужудга келади, улар орасидаги алоқалар мураккаблашади;

б) молия пул муносабатларининг мустақил соҳасига айланади,

гўёки ажралиб чиқади. Бу шунда кўринадикки, бозор муносабатларида пул муомала воситаси функциясини бажариши билан бирга капиталга айланади, яъни ўз-ўзидан ўсадиган қийматга айланади;

в) молиянинг макро даражадаги тизими роли пасаяди ва микро даражада молиянинг аҳамияти кучаяди, натижада молиявий сиёсат революцион хусусиятларга эга бўлади.

2. Молиянинг бошқа иқтисодий категориялар билан алоқаси

Товар-пул муносабатлари иқтисодий тизими — пул, баҳо, кредит, фойда, иш ҳақи, қиймат (пул) иқтисодий категориялари барча мажмуасининг пайдо бўлиши ва ривожланишига сабабчи бўлади.

Қиймат (пул) иқтисодий категориялари тизимида молия маълум ўрни эгаллайди. Молия — бу иқтисодий тизим ичидаги ижтимоий такрор ишлаб чиқаришнинг ҳар хил субъектлари ўртасидаги пул, фақат пул муносабатларини билдиради.

Маълумки, жамият иқтисодий муносабатлари мажмуи иккита катта гуруҳга — пул ва натура муносабатларига бўлинади:

I иқтисодий муносабатлар мажмуаси	
II пул муносабатлари	III натурал муносабатлар

Жамиятдаги иқтисодий муносабатлар таркиби ва структураси.

Иқтисодиёт назариясида молия категория сифатида халқ хўжалигида пул ресурсларини ҳосил этиш, уларни тақсимлаш ва ишлатиш борасидаги иқтисодий муносабатларни билдиради, дейилади.

Барча қиймат (пул) иқтисодий категорияларининг пайдо бўлиши ва ривожланишида асосий сабабчиси бўлган товар-пул иқтисодий муносабатларда пул, баҳо, кредит, фойда, иш ҳақи ва бошқалар такрор ишлаб чиқариш жараёнида амал қилади.

Бу иқтисодий категориялар орасида молия муҳим роль ўйнайди. Аҳоли билан судья, князь ёки қирол шахсидаги давлат ўртасидаги пул муносабатларида бу сўз тўловнинг тугаллашганиги, ҳисоб-китоб узил-кесил бўлганлигини билдиради. Шундай қилиб, молия давлат ихтиёридаги пул ва моддий қийматли нарсалар деган янги мазмунга эга бўлди.

Молия —бу пул эмас, балки иқтисодий муносабатдир, яъни давлат ўзига бириктирилган функцияларни бажаришида фойдаланадиган фондлар ва ундан фойдаланишидаги муносабатлардан иборатдир.

Ижтимоий тараққиётнинг дастлабки босқичларида давлат ўз даромадларининг анча қисмини натурал тўловлар ҳисобида шакллантирган. Бу товар-пул муносабатларнинг кам ривожланганлигини билдиради ва шунга мувофиқ бу даврларда ижтимоий маҳсулот фақат истеъмол қийматга эга бўлган.

Жамиятда товар-пул муносабатлари кенгайиши ва мустаҳкамлаши билан давлатнинг функциялари ҳам кенгайди ва мураккаблашди. Бу биринчи навбатда ягона иқтисодий тизим доирасида ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ягона структурасини таъминлаш билан боғлиқ бўлган давлатнинг иқтисодий функциясини амалга ошириш заруратидан келиб чиқади.

Бундай шароитда давлатнинг пул тўловларини шакллантириши аҳамияти кескин ортади ва шунга мувофиқ натурал тўловлар аҳамияти камаяди. Ҳозирги пайтда бюджет даромадлари сифатида ижтимоий маҳсулотдан натурал тўловлар амалда қўлланилмайди. Демак, молия иқтисодий тизим доирасидаги ижтимоий такрор ишлаб чиқаришнинг турли субъектлари ўртасидаги иқтисодий муносабатлардир. Аммо такрор ишлаб чиқариш жараёнида хизмат қилувчи барча иқтисодий категориялар учун ҳам пул характерлидир. Шу билан молия соҳаси фаолиятига кирувчи пул муносабатларини янада конкретлаштириш зарур.

Маълумки, моддий ишлаб чиқариш базис, давлат эса устқурма ҳисобланади. Ишлаб чиқариш жараёнини эса узлуксиз, доимо сарф қилинган ишлаб чиқариш воситаларининг қийматини қоплаш (амортизация сарфлари), ходимларга иш ҳақи тўлаш (иҳ) ва фойда (ф) олишсиз амалга ошириб бўлмайди.

Демак, яши миаллий маҳсулотнинг дастлабки тақсимлангани доимо давлат иштирокисиз амалга ошади. Давлат вужудга келгач, давлат аппаратини моддий таъминлаш ва давлат функцияларини бажариш учун пул зарур, уни эса моддий ишлаб чиқаришдан бошқа жойдан олиб бўлмайди. Демак, давлат пайдо бўлиши билан қайта тақсимлаш муносабатлари (тақсимлангани тақсимлаш) тизимини шакллантириш объектив зарур бўлади ва товар пул муносабатлари ривожланиши билан пул (молия) формасини олади.

Ишлаб чиқариш натижасида яратилган ялпи миллий маҳсулот қийматини тақсимлаш жараёнида қийматнинг хўжалик субъектлари ўртасида тақсимланиши, уларнинг ҳар бири маълум мақсадли йўналишда бўлиши ўта мураккабдир. Шу боисдан у турли хил иқтисодий категориялар ёрдамида амалга оширилиб, уларнинг ҳар бири ўзига хос ролни бажаради. Молия қийматни тақсимлашда иштирак этар экан, баҳо, иш ҳақи, кредит сингари иқтисодий категориялар билан чамбарчас боғлиқ ва ўзаро бир-бирига таъсир кўрсатади.

Ялпи миллий маҳсулот қиймати ва унинг элементларининг дастлабки тақсимланиши ҳамда пул даромадлари ва жамғариш ҳар хил формаларининг ташкил топиши молиявий муносабатлар пайдо бўлишининг боғланғич нуқтаси ҳисобланади. Бу жараённинг амалга ошириш учун ишлаб чиқаришда яратилган қиймат реализация қилиниши лозим. Баҳо эса маҳсулот қийматининг пулга айланиши ва тақсимлаш объектига айланишининг иқтисодий инструменти ҳисобланади. Фақат баҳо иқтисодиётнинг у ёки бу бўғинига, у ёки бу мулкдор ихтиёрига тушадиган пул воситалари миқдори белгилаб беради.

Аммо ялпи миллий маҳсулот қийматининг барча элементлари ишлаб чиқариш жараёнида яширинган формада бўлади. У тақсимлаш босқичида жамғариш фонди (амортизация ажратмалари ва айланма воситалар) ва ишлаб чиқаришнинг турли қатнашчилари ўртасида тақсимланадиган даромаднинг ҳар хил турлари (иш ҳақи, ижтимоий сугуртага ажратмалар, фойда)га айланади. Қийматнинг яширин формада бўлган турли қисмлари баҳо ёрдамида эмас, балки молия ва иш ҳақи ёрдамида конкрет формани олади. Фақат молия ва иш ҳақи туфайли биринчи тақсимот жараёни пул даромадларининг ҳар хил формаси — жамғариш ва ажратмалар, структура исбатлари ижтимоий қонусларга мувофиқ белгиланади ва ташкил топади.

Ялпи миллий маҳсулот қийматини тақсимлашда молия билан бир қаторда иш ҳақи ҳам иштирак этади. Тақсимотнинг бу формаси конкрет ходимлар даромадини шаклланиши заруратидан келиб чиқади. Иш ҳақи иқтисодий категория сифатида ялпи маҳсулот қийматини ходимларнинг қилган меҳнатининг сифати ва миқдorigа мувофиқ оладиган индивидуал даромадларининг шаклланишида вужудга келадиган қиймат муносабатларини акс эттиради.

Қийматнинг тақсимланишида кредит ҳам иштирок этади. У қўп жиҳатдан молия билан бир хилдир. Аммо кредит молиядан шу билан фарқ қиладики, у қайтарилш асосида амал қилади — ҳар қандай ссуда шартномада белгиланган муддатдан кейин кредиторга қайтарилш лозим.

Кредит ресурслари корхоналар, ташкилотлар, аҳоли ва бошқалар қўлида вақтинча бўш турган пул воситаларини қайта тақсимлаш жараёнида шаклланади. Молиявий ресурслар эса қийматни тақсимлаш жараёнида шаклланадиган даромадлар ва жамғармалардан ташкил топади. Кредит ресурслари маълум муддатга ва шартлар билан берилади ҳамда қайтарилади. Молиявий ресурслар эса ҳеч қандай шарт қўйилмасдан берилади ва қайтарилмайди. Аммо молия ҳам, кредит ҳам тақсимлаш жараёнида ўзаро бир-бири билан боғлиқ. Молиявий ресурслар ва кредит ресурсларининг ўзаро бир-бирларига боғлиқлиги ва бир-бирини тақозо этиши улардан комплекс фойдаланишда яққол намоён бўлади.

3. Бозор иқтисодиёти шароитида молиянинг зарурилиги

Ҳар қандай иқтисодий фаолнят маблағ, пул талаб қилади. Ишлаб чиқариш қаерда бўлмасин, барибир молияни юзага чиқаради. Чунки маҳсулотлар ва хизматлар фақат тақсимлангандан сўнг истеъмол этилиши мумкин. Улар қиймат шаклида тақсимланганда дастлаб турли мақсадларни мўлжаллаган пул ресурслари ҳосил бўлади, улар товарларга айирбонланиб, шундан сўнг истеъмол қондирилади. Демак, маҳсулот ишлатилиши учун тақсимланганда пул шаклидаги *молиявий фондлар* ҳосил бўлади, бу табиатан молиявий ресурс ҳисобланади.

Молиянинг пулсиз амал қилиши мумкин эмас. Агар пул молия амал қилишининг зарур шarti бўлар экан, унинг вужудга келишидаги асосий сабаб, хўжалик субъектлари ва давлатнинг фаолиятини таъминлайдиган ресурсларга бўлган эҳтиёждир. Хўжалик юритиши фаолиятида ҳам, давлат бошқаруви фаолиятида ҳам бу эҳтиёжни молиясиз қондириш мумкин эмас.

Миллий маҳсулот қийматини тақсимлаш қуроли сифатидаги молия туфайли хўжалик фаолиятида доимо ўзгариб турувчи такрор ишлаб чиқариш пропорцияларини истеъмол эҳтиёжларига мослаштириш имконини беради.



Даставвал, ялли миллий маҳсулот қийматини тақсимлаш пропорциялари бевосита ишлаб чиқариш муносабатлари структурасини акс эттиради, яъни олинган маблағ товар ишлаб чиқариш шароитларини акс эттирган қиймат элементлари ўртасида пропорционал тақсимланади. Аммо бу ҳолда тақсимланган маблағ ижтимоий маҳсулотнинг ўзгариб турувчи эҳтиёжларига мос келмайди. Бу эса уни қайта тақсимлашни тақозо этади. Қайта тақсимлаш жараёни маълум мақсадга йўналтирилган пул фондларини шакллантириш орқали амалга оширилади. Ижтимоий эҳтиёжнинг ривожланиб бориши хўжалик субъектлари учун яратиладиган пул (молия) фондлари таркиби ва структурасининг ўзгаришига олиб келади.

Ялли миллий маҳсулот қийматининг фонд формасида тақсимланиши ишлаб чиқариш билан истеъмолни бир-бирига боғлаб бориш имконини беради ва истеъмол янги такрор ишлаб чиқаришнинг бошланғич босқичи нуқтаси бўлади. Агар биз такрор ишлаб чиқариш жараёнини қараб чиқсак, у узлуксиз такрорланиб турувчи 4 босқичдан: ишлаб чиқариш (*I*), тақсимлаш (*T*), айирбошлаш (*A*), ишлаб чиқариш истеъмоли (*III*) ва шахсий истеъмолни (*Ши*) ўз ичига олувчи истеъмолдан ($I\text{I}_{\text{см}}$) дан иборат бўлади. Бу жараёни 12-бетда кўрсатилган шакл орқали ифодалаш мумкин.

Такрор ишлаб чиқаришнинг ҳар бир босқичи ишлаб чиқариш ва айирбошлаш орқали реализация қилинган қийматни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш натижасида шакллانган пул фондлари бўлгандагина амалга ошириш мумкин. Шундай қилиб, молия товар хўжалиги шароитида ижтимоий тараққиётнинг турли-туман эҳтиёжлари учун объектив зарурдир. Молия хўжалик юритишининг барча звеноларида ҳам ижтимоий такрор ишлаб чиқаришнинг зарур элементи ҳисобланади. Хўжалик юритиш субъектлари ва давлатнинг ижтимоий эҳтиёжлари турли-туман бўлганлиги учун молиявий алоқаларнинг ҳар хил турлари пайдо бўлади. Шунга мувофиқ молиявий муносабатларни уч йирик соҳага бўлиш мумкин:

- корхона, ташкилот ва муассасалар молияси;
- сугурта;
- давлат молияси.

Молиявий муносабатларнинг бу бўғинлари янада майда бўғин ва элементлардап ташкил топади, жумладан, *корхона молияси соҳасида* — тижоратчилик фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар молияси, нотижоратчилик фаолияти билан шуғулланувчи таш-



1-шакл.

килот ва муассасалар молияси, жамоат ташкилотлари молияси; *давлат молияси соҳасида* — давлат бюджети, нобюджет фондлар, давлат кредити ва ҳ.к.

4. Молиянинг функцияси

Молиянинг моҳияти ва функциялари тўғрисида иқтисодчиларнинг фикрлари турличадир. Масалан, иқтисодчи олим А.М.Бирман молиянинг уч асосий функцияси бор деб кўрсатади:

- хўжалик жараёнларини пул маблағлари билан таъминлаш;
- пул билан назорат қилиш;
- тақсимлаш функциялари.

Иқтисодчилар А.М. Александров ва Э.Э. Вознесенский кўрсатадиларки, молия-пул фондлари шаклланиши, пул фондларидан фойдаланиши ва назорат қилишни билдиради. И.Т. Балабанов бозор муносабатларига ўтиши билан молия ўзининг тақсимлаш йўналишини йўқотади деб ҳисоблайди. Шунингдек, М. Расуловнинг «Бозор иқтисодиёти асослари» (Тошкент, «Ўзбекистон», 1999) дарслигида «Молиянинг ўзига хос вазифалари бўлиб, булардан асосий тўрт хилини кўрсатиш мумкин: тақсимлаш, рағбатлантириш, ижтимоий ҳимоялаш, иқтисодий ахборот вазифаларидир», дейилади.

К. Қоражонов ва О.Х. Садатовларнинг «Иқтисодийёт назарияси» (Термиз, 2001) кўргазмалари ўқув қўлланмасида «Молиянинг вазифаларига — пул ресурсларини тақсимлаш; ишлаб чиқаришни рағбатлантириш функцияси; аҳолини ижтимоий ҳимоялаш функцияси; корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий, молиявий аҳволи ҳақида ахборот бериш функцияси; аудиторлик хизматлари» кiritилган (83-бет).

Академиклар В.И. Видяпин, Г.П. Журавлева, С.С. Гуломов, М.Ш. Шарифхўжаев, Н.Х. Абдурахмоновлар таҳрири остида chop этилган «Экономическая теория» дарслигида (Тошкент, 1999) молиянинг тақсимлаш ва назорат функциялари бор деб таърифланади (472-бет).

Умуман, молиянинг функциялари тўғрисида кўпчилик иқтисодчиларнинг фикрлари куйидагилардан иборат:

а) Пул фондлари (даромадларини) ташкил қилиши. Бу асосан солиқ сиёсати орқали амалга ошади. Натижада ҳар хил фондлар: марказлашган (давлат бюджетни), марказлашмаган (регионал ва маҳаллий даражада) мақсадли фондлар ва б. шаклланади.

б) Пул фондлари даромадларидан фойдаланиши. Давлат аппаратини моддий таъминлаш, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг рационал ва самарали структурасини яратиш ва жамият томонидан қўллаб қувватлаш, кам таъминланганларни моддий таъминлаш.

в) Назорат функцияси. Бу асосан давлатнинг молиявий сиёсатини амалга оширади.

Шундай қилиб молия бу давлатнинг мавжудлиги белгиси бўлиб, унинг ўз функцияларини бажариш заруратидан келиб чиқадиган пул муносабатлари тизими шаклида ифодаланади ҳамда ялпи миллий маҳсулот қийматини қайта тақсимлаш эҳтиёжларига мувофиқ марказлашган ва марказлашмаган пул фондлари даромадларини маълум мақсадда шакллантиришдаги давлатнинг, ҳуқуқонлик мавқеини ифодалаш формасидир.

Демак, молия — бу давлат томонидан ташкил этилган пул муносабатлари мажмуаси бўлиб, бунда пул маблағлари фондининг шаклланиши ва фойдаланиши жараёни амалга ошишини ҳеч ким инкор этмайди.

Юқоридаги турли-туман қарашларни қайд этиш билан бирга, биз кейинги фикрга тўлиқ қўшилаемиз. Бизнинг фикримизча ҳам молия асосан икки функцияни бажаради: тақсимлаш функцияси

ва назорат функцияси, лекин моддий ишлаб чиқариш тармоқларида молия пул даромадларининг шаклланиши функциясини ҳам бажа-ради.

Молия ўз функциясини аниқ молиявий воситалар орқали ба-жаради, харажатлар, амортизация, фойда, акция курси, дивиденд, солиқлар, тўловлар, дотация, компенсация кабилар шулар жумла-сидандир. Улар *молия ресурсларини* ташкил этади. Молия ресурс-лари ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун пул манбаи бўлиб хиз-мат қилади. Масалан, инвестициянинг 1% ортиши иқтисодий ўсиш суръатларини 0,4% оширади, деб фараз қилсак, инвестиция ре-сурсларининг 5% ортиши 2% ўсиш беради, 3% камайиши эса ишлаб чиқариш ҳажмини 1,2% камайтиради.

Молиявий ресурслар орасида фойда асосий ўрин тутади, чунки фойда соф даромад сифатида иқтисодий ўсиш манбаи ҳисобланади.

Молиявий ресурслар икки турда бўлади:

1. *Микроресурслар* ёки марказлашмаган ресурслар. Улар кор-хона, фирма, компания, концерн, ташкилот, жамият уюшмалари доирасида бўлиб, хўжалик субъектларининг ўзига тегишли ёки улар қарзга олган пул маблағларидан иборат.

2. *Макроресурслар*, улар умумдавлат миқёсида ташкил топади. Улар бюджет ҳисобидан ёки бюджетдан ташқари фондлар ҳисо-бидан пайдо бўлади, давлат ихтиёрида туради.

Бозор иқтисодиётида микроресурслар бирламчи, улар усту-ворликка эга бўлади, чунки иқтисодий эркинлик шароитида хў-жаликнинг дастлабки бўғини — корхона, фирма, компания ва хўжаликлар молияси иқтисодий ўсиш таянчи ҳисобланади.

Аммо макроресурслар иқтисодиётни тартибланишда *асосий роль* ўйнайди, улар давлатнинг иқтисодий вазифасини амалга ошириш-га хизмат қилади.

Иқтисодий фаолиятни молиялаштириш уч усул билан амалга ошади:

1. Иқтисодий субъектлар ўзини-ўзи молиялаштиради.
2. Иқтисодий субъектлар ўз маблағи етишмаса, қилинган сарф-ларни банк кредити ҳисобидан қоплайди.
3. Субъектлар фаолияти учун пул маблағлари зарур бўлганда давлат ҳисобидан ҳам ажратилади.

Молия бозорида икки гуруҳ субъектлар пул билан муносабатда бўлади:

1. Пул эгалари ёки уни сақлаб турувчилар, яъни аҳоли, фирма, компания ва давлат муассасалари.

2. Пулга мухтож бўлган субъектлар.

Ҳар икки субъект орасидаги олди-берди молиявий бозорни ташкил этади.

Маърузанинг тавсия этиладиган намунавий режаси:

1. Молиянинг зарурлиги ва моҳияти.
2. Молиянинг бошқа категориялар билан алоқаси.
3. Бозор иқтисодиёти шароитида молиянинг зарурлиги.
4. Молиянинг функциялари.
5. Молиянинг моҳияти ва функциялари тўғрисида ҳар хил қарашлар.

Семинарнинг намунавий режаси :

1. Молия категорияси ва унинг моҳияти.
2. Товар ҳужалиги шароитида молиянинг зарурлиги.
3. Молиянинг функциялари.
4. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида Ўзбекистонда молиявий ўзгаришлар.
5. Молиянинг моҳияти ва функциялари масалаларидаги ҳар хил қарашлар.

Адабиётлар:

И. Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент, 1998.

И. Каримов. "Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида". Тошкент, 1995.

И.Каримов. Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига ҳос йўли. Тошкент, 1993.

Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономикс. М., «Дело» ЛТД, 1993.

Самуэльсон П., Нордхауз В. Экономика. М., 2000.

Н.Григорн-Менкью. Принципы экономикас. Санкт-Петербург, 1999.

Шодмонов Ш. ва б. «Иқтисодиёт назарияси. Тошкент, 2002.

Финансы и кредит. А. Ю. Казаков таҳрири остида. Екатеринбург, 1994.

Финансы. Учебное пособие. Под ред. В.М.Родионовой. М., 1995.

Г. И. Рузовин. Основы рыночной экономики. М., 1996.

Общая экономическая теория. М., 1995.

Общая финансовая теория. М., 1997.

Чжен. Пул ва молия бозорлари. Тошкент, 1997.

- Абдуллаев Ё. Пул. 100 савол ва жавоб. Тошкент, 1998.
Абдуллаев Ё. Кредит. 100 савол ва жавоб. Тошкент, 1997.
Финансы. Под руководством А.М.Ковалёвой. М., 1999.
А.Д.Шеремет, Р.С.Сайфуллин. Финансы предприятий. М., 1999.
Н. Хайдаров. Молия. Тошкент, 2001.
Финансы. Учебное пособие. Под редакцией В.М.Родионовой. М., 1995.

Реферат ва маъруза мавзулари:

1. Молия иқтисодий категория сифатида ва унинг белгилари.
2. Молиявий ресурслар ва пул ресурслари.
3. Иш ҳақи ва уларнинг кредит ресурсларидан фарқи.

Талабаларнинг аудиториядан ташиқари мустақил ишлари:

1. Мавзуга доир иқтисодий атамаларни махсус дафтарга ёзиб олиш ва ўрганиш.
2. И.Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» асаридан Ўзбекистоннинг молиявий аҳволи, табиий ресурслари масалаларини ўқиб конспект қилиш.
3. Молиявий муносабатларда моддий-ашёвий тарзда ўз аксини топган молиявий ресурсларнинг шаклланиши ва фойдаланиш схемасини тузиб чиқинг.

Назорат саволлари ва уларни амалга ошириш формалари:

1. Мавзуга доир иқтисодий атамаларни талабалар қанчалик ўзлаштиришга эришганини аниқлаш.
2. Иқтисодчилар асарларида келтирилган молия тўғрисидаги тушунчаларни тўплаш ва уларни таҳлил қилинг. Улардан қандай хулоса чиқарасиз?
3. Молиянинг вужудга келишининг зарур шартлари нималардан иборат?

Мавзуга доир иқтисодий атамалар:

Молия. Иқтисодий муносабатлар. Иқтисодий категория. Молиявий муносабатлар. Пул даромадлари. Жамғарини. Тақсимот муно-

сабатлари. Молиявий ресурслар. Миллий бойлик. Ялпи миллий маҳсулот. Жамғариш фонди. Иш хақи. Давлат молияси. Молиявий муносабатлар мажмуаси. Молиянинг функцияси. Тақсимот функцияси. Ноишлаб чиқариш соҳаси. Назорат функцияси. Молиявий интизом.

1.2-МАВЗУ. МОЛИЯ ТИЗИМИ

1. Молиявий тизим тўғрисида умумий тушунчалар

Молиявий тизим ушбу жамият структурасида шаклланадиган молиявий муносабатлар мажмуасидир. Молиявий муносабатлар ушбу жамият тизимига мос бўлган умумий иқтисодий муносабатларнинг бир қисми ҳисобланади. Молия ёрдами билан давлат иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий соҳалардаги турли-туман функцияларини бажариш учун зарур бўлган пул маблағларини ташкил қилади ва улардан фойдаланади. Давлат молия ёрдами билан миллий даромадни қайта тақсимлашда, ижтимоий тақрор ишлаб чиқаришга, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланишига, иқтисодий структуранинг шаклланиш жараёнига таъсир кўрсатади. Давлат молия механизидан фойдаланган ҳолда ўзининг ижтимоий функцияларини амалга оширади, давлат аппаратини, қуроли кучларни сақлайди, қўп қиррали ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширади.

Молия тизими кенг маънода ҳар хил мақсаддаги кредит муассасалари билан яқиндан ўзаро алоқада амал қиладиган давлат молиясининг барча институтлари (тармоқлари)ни ўз ичига олади.

Давлат молияси тизимида *давлат бюджети* муҳим роль ўйнайди. Давлат молияси у ёки бу мамлакатнинг хусусиятларини, унинг ижтимоий-иқтисодий хусусиятларини, шунингдек, давлат қурилиши формаларини акс эттирувчи мураккаб механизмдан иборатдир. Шунга боғлиқ равишда мамлакатнинг бюджет тизими ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа формаларининг мажмуаси асосида давлат ўзининг ҳар хил даражадаги молиявий тизимини тuzади.

2. Молия тизими бўғинлари

Жамиятдаги молия муносабатларининг мажмуасига молия ти-



зими дейилади. Ҳозирги пайтда молия тизимини йириклаштирилган ҳолда уч бўғинли моделда кўриш мумкин:

1. Умумдавлат молияси.

2. Маҳаллий молия.

3. Давлат корхоналари, ташкилотлар ва муассасалар молияси. У мулкчиликнинг ҳар хил формаларига тегишли корхоналар — давлат, хусусий, аралаш, акционер ва б. молиясини ўз ичига олади.

Давлат молияси миллий даромад ва миллий бойлик қийматининг бир қисмини давлат, унга қарашли корхона, ташкилотларнинг пул фондига айлантириб, уларнинг иқтисодий ўсишини таъминлаш, жамият аъзолари умумий эҳтиёжини қондириш, мамлакатни идора этиш учун тақсимлаш ва ишлатиш борасидаги муносабатдир. Давлат молияси таркибига давлат бюджети, бюджетдан ташқари уюштирилган пул фондлари, давлат кредити ва давлат корхоналари молияси қабиларни киритиш мумкин.

Давлат молияси даромадлар ва харажатларнинг яхлитлигидан иборат. Давлат даромадлари ички ва ташқи манбалардан тушади. Аммо асосийси ички маъба.

Солиқлар — миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнида унинг бир қисмини давлат ихтиёрига олиш шаклидир. Солиқ бюджет ва бюджетдан ташқари пул фондларини ташкил этишнинг асосий воситаси ҳисобланади.

Солиқлар уч хил функцияни бажаради:

а) фискаль, яъни давлат бюджетига узлуксиз пул тушириб туриш;

б) хўжалик фаолиятини рағбатлантириш;

в) аҳоли айрим тоифаларини ижтимоий ҳимоя қилиш.

Ўзбекистонда солиқларнинг асосий турлари: қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, экспорт ва импорт товарларнинг бож тўлови, республика ҳудудидан олиб чиқиб кетилаётган хом ашё ресурслари ва маҳсулотларга солинадиган бож тўловлари, жамоа хўжалиги аъзоларининг меҳнат ҳақи фондидан олинадиган солиқ, корхонанинг мол-мулкига солинадиган солиқ, аҳолидан олинадиган даромад солиғи, ер солиғи ва бошқалар.

Давлат заёмлари давлатнинг аҳоли, корхона, фирма ва ташкилотлардан қарз олиши ҳисобига ўз молия ресурсини ҳосил этиш воситасидир. Давлат харажати даромадидан ошиб кетган шароитда орадаги камомад заём билан тўлдирилади.

Эмиссия давлат томонидан қўшимча қоғоз пулларни чиқариш ва қўшимча кредитни уюштиришдир.

Даромадлар давлат харажатларини қоплаш манбаи ҳисобланади.

Давлат ўз вазифаларини бажариши учун харажатлари таркибига давлатнинг инвестиция учун ажратаётган, ижтимоий вазифаларни бажаришга қаратилган, давлатни бошқариб туриш, мудофаа учун юзатиётган харажатлар асосий ўринда туради.

Умумдавлат молиясига давлат кредити ва махсус (бюджетдан ташқари) ва мақсадли фондлар ҳам киради: давлат ижтимоий суғурта (давлат ижтимоий суғурта фонди), нафақа фонди, хайрия фондлари ва ҳ. к.

Молия тизимининг яна бир тармоғи маҳаллий бюджетлардир. Маҳаллий бюджет пул маблағлари жамғармаси бўлиб, унда даромадлар манбаи ва уларнинг миқдори ва ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори киради.

3. Молия тизимида давлат бюджетининг роли

Молия тизимида давлат бюджети муҳим роль ўйнайди. Давлат бюджети давлат пул маблағларининг марказлаштирилган жамғармаси бўлиб, унда даромадлар манбаи ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молиявий йил давомида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори кўзда тутилади.

Ҳозирги замон давлатлар бюджети давлат функцияларининг барча табақаларини ақс эттирувчи мураккаб, кўп планли ҳужжатдир. *Бюджет*, аввало, давлатнинг даромадлари ва харажатларини ўзида ақс эттиради. Харажатлар бюджетдан бериладиган маблағларнинг мақсади ва йўналишини ақс эттириб, у ўз навбатида ушбу давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тараққиёти хусусиятларини белгилаб беради.

Қабул қилинган классификация бўйича бюджетнинг асосий харажатлар статъялари қуйидагиларга бўлинади: 1) давлатни бошқариш харажатлари; 2) ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжлар харажатлари; 3) ҳарбий харажатлар; 4) давлатнинг хўжалик фаолияти харажатлари; 5) ташқи иқтисодий функцияларни амалга ошириш харажатлари. Илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари

харажатлари ҳам давлат харажатларининг ажралмас қисмидир.

Давлатнинг турли-туман функцияларининг тобора ортиб бориши шунга олиб келадики, давлат харажатлари масштаби жами миллий маҳсулот ўсиши суръатидан анча тез ўсиб боради. Жумладан, АҚШнинг давлат харажатлари XX асрда 350 мартадан кўпроқ ортди.

Давлат харажатларининг муҳим стратегик мақсадларидан бири — иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш секторлари амал қилиши учун тобора қулай инфраструктурали шароит яратишдир. Бунга ижтимоий инфраструктура, яъни маориф ва соғлиқни сақлаш харажатлари кириди.

Барча мамлакатларда ҳарбий харажатлар муҳим ҳиссани ташкил этиб турибди. Масалан, 1989 йилда АҚШ федерал бюджетига ҳарбий мақсадлар учун 27,7%, бошқа харажатлар 72,8%ни ташкил этган.

Ҳозирги бюджет механизми структурасида ҳар хил мақсадли фондлар муҳим роль ўйнамоқда. Масалан, АҚШ федерал бюджетига 800 дан ошиқ шундай фондлар, яъни ижтимоий таъминот фонди, йўл қурилиши фонди кабилардан тортиб, кичкина мақсадга аталган фондларгача бор.

4. Солиқлар ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий мазмуни

Давлат даромадларини тўплашнинг муҳим манбаи солиқлар ҳисобланади. Ҳозирги пайтда ривожланган мамлакатлар давлат бюджетлари *тушумларининг 80 – 90%и солиқлар ҳисобидан шаклланади*. Солиқларнинг энг муҳим кўринишларидан бири *даромад солиғи* бўлиб, у аҳоли даромадларидан олинадиган солиқлар ва коорпорацияларнинг фойдаларидан олинадиган солиқлардир. АҚШда *даромад солиғининг 4/5 қисми аҳоли даромадларидан олинадиган солиқлардир*.

Юридик шахслар (корпорация, корхона), шунингдек, капитал мулкдорлар декларация бўйича солиқ тўлайди. Ёлланма меҳнат шахслари эса даромад солиғи чегириб ташланган ҳолда иш хақи оладилар. Даромад солиғи олиш маълум минимумдан сўнг бошланади (солиқлар олинмайдиган минимум). Номинал даромадлар ўса бориши билан даромад солиғи тўловчилар ҳам кўпайиб боради. *Солиқ ставкаси* солиқларни ҳисоблаш нормаси бўлади. Тажрибада

солиқ ставкасининг ҳар хил турлари учрайди. Маълум объект бирлигига (жумладан, енгил машинага) *қатъий ставка* белгиланади. *Пропорционал ставка* даромад миқдоридан қатъий назар ягона процент кўринишида белгиланади. Мол-мулк қиймати ёки даромад оша бориши билан *прогрессив ставка* ҳам кўпая боради.

Бюджет ресурсларининг ташкил топишида *эгри солиқлар* (билвосита солиқлар) ҳам муҳим роль ўйнайди. Товарлар қийматиغا қўшиладиган ва истёмолчи тўлайдиган солиқларга эгри солиқлар дейилади. Италия, Испания, Франция, Дания каби мамлакатларда ҳозирги пайтда эгри солиқлар анча миқдорни ташкил этади.

Эгри солиқлар асосан уч хил кўринишда бўлади: акцизлар, фискал монопол солиғи ва божхона пошлинаси.

Эгри солиқ тўлашнинг асосий формаси акциз бўлиб, у товарнинг баҳосига қўшимча қўшиш ёки хизматлар тариф ставкасига қўшимча қўшиш йўли билан амалга ошади. Акцизлар аввало кенг энг зарур товарларга, коммунал, транспорт ва бошқа фаолият соҳаларидан олинади. Қийматга қўшилган солиқ акциз кўринишларидан биридир. Бунинг моҳияти шундан иборатки, бу солиқ ишлаб чиқариш фаолиятининг маълум босқичдаги қийматгагина қўшилади, бутун оборотдан олинadиган даромадга эмас.

Фискал монопол солиғи — эгри солиқ кўринишидан бири бўлиб, унда ишлаб чиқарилган товарлар давлат монополияси ҳисобланади. Бундай товарлар баҳосининг бир қисми тўлиқ давлат даромадига ўтади. Эгри солиқ кўринишларидан бири божхона пошлинасидир. Бу пошлина у ёки бу товарни давлат чегарасидан ўтказиш пайтида олинади. Ҳозирги пайтда айниқса импорт пошлиналари муҳим роль ўйнайди.

5. Молия тизимида маҳаллий молиянинг роли

Давлат молия тизимида ҳокимият маҳаллий органлари молияси муҳим роль ўйнайди. Маҳаллий бюджет тизими у ёки бу мамлакатнинг маъмурий бўлиниши хусусиятини акс эттиради (АҚШда штатлар ва мунициполитетлар бюджети, Германияда ерлар бюджети, Францияда департаментлар ва коммуналар бюджети, Ўзбекистонда вилоят, туман бюджети ва бошқалар.)

Маҳаллий бюджет харажатлари турли-туман бўлиб, асосан шу региондаги ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларни қондиришга қара-

тилган. У транспорт ва алоқа объектларини ўрнатиш, мактаблар, соғлиқни сақлаш муассасаларини қуриш, ишчи кучини қайта тайёрлаш каби мақсадлар учун сарфланади.

Маҳаллий бюджетга тушумлар маҳаллий солиқлар ҳисобидан, шунингдек баъзи солиқсиз даромадлар статъяларидан шаклланади. Маҳаллий солиқларга мулклардан олинадиган солиқлар, ҳар хил эгри солиқлар (бензин, тамаки, алкоголь ичимликлар ва б.) муҳим роль ўйнайди. Солиқсиз даромадларга маҳаллий органлар мулки жойлашган ердан олинадиган суд пошлинаси, ҳар хил йиғилишлар, транспортдан тушган солиқлар киради.

Бюджет камомадлари (дефицитлари) бюджет жараёнининг энг муҳим хусусиятларидан бири даромад ва харажатларни баланслаштириш (тенглаштириш)дир. Аммо ҳозирги давр деярли барча мамлакатларда давлат харажатлари даромадларидан анча ошиб кетиши ва шу асосда жуда катта бюджет камомади билан характерланади. Бунинг кўпгина сабаблари бўлиб, улар орасида иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда давлат фаолиятининг кескин кўпайиши, бюджет харажатларининг тез ўсиб бориши (аввало ҳарбий харажатларнинг) муҳим роль ўйнайди. Бюджет камомадлари иқтисодий ва сиёсий соҳаларда кризис ҳодисаларини туғдиради ва пул муомаласи соҳасида кескин ихтилофларга олиб келади.

Давлат қарзлари. Иқтисод соҳасида ҳозирги давлатлар фаолиятининг муҳим муаммоларидан бири бюджет камомадларини бошқаришдир. Бюджет камомадларини молиялаштириш (маблағ билан таъминлаш)нинг муҳим шарти давлат кредитларини ривожлантиришдир. *Давлат кредити* молиявий-иқтисодий муносабатлар мажмуи бўлиб, унинг ёрдамида давлат заём берувчи ёки кредитор ролини ўйнайди. Бу йўл билан давлат мамлакат ичидагина эмас, бошқа мамлакатларда ҳам заём ва кредит чиқаради.

6. Молия тизимида корхона молиясининг роли

Корхона молияси — бу корхоналарга пул фондларини шакллантириш билан боғлиқ пул ҳаракати натижасида пайдо бўладиган иқтисодий, пул муносабатларидир.

Корхона молияси молия системасининг асоси ҳисобланади, чунки у халқ хўжалиги комплексининг бош звеноси ҳисобланади. Корхона молиясининг аҳволи умумдавлат ва регионал пул фонд-

лари, молиявий ресурслар билан таъминланиш даражасига бевосита таъсир кўрсатади. Агар корхонанинг молиявий ахволи қанча мустаҳкам бўлса, умумдавлат ва регионал пул фондлари шунча кўп бўлади ва ижтимоий, маданий ва бошқа эҳтиёжларни кондириш имкони ҳам шунча кўп бўлади. Демак, молия – бозор иқтисодиётининг объектив иқтисодий категориясидир. Молия механизми нормал ишламаса, бозор иқтисодий нормал фаолият кўрсатолмайди. Ўзбекистонда ўтказилаётган иқтисодий ислохотлар бу қонданнинг тўғри эканлигини тасдиқлади. Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодиёт ва молияни тартибга солишда корхона, фирма ва регионлар мустақиллиги билан давлат манфаатларини уйғунлаштириб олиб бориш ҳаёт тақозосидир. Ҳозирги пайтда корхона, фирма молиявий муносабатларини учта гуруҳга бирлаштириш мумкин:

1. Корхона, фирма билан бошқа корхона, фирма ва ташкилотлар ўртасидаги молиявий муносабатлар.

2. Корхонанинг ўз ичидаги молиявий муносабатлар.

3. Корхона, фирма билан молия-кредит системаси ўртасидаги молиявий муносабатлар.

Юқоридаги молиявий муносабатлар кўрсатадики, бозор иқтисодиёти шароитида корхона, фирма молияси муҳим роль ўйнайди.

Маърузанинг тавсия этиладиган намунавий режаси:

1. Молия тизими тўғрисида умумий тушунча.
2. Молия тизими бўғинлари.
3. Молия тизимида давлат бюджетининг роли.
4. Солиқлар ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий мазмуни.
5. Молия тизимида маҳаллий молиянинг тутган ўрни.
6. Молия тизимида корхоналар молиясининг роли.

Семинарнинг намунавий режаси:

1. Молиявий тизим ва унинг бўғинлари.
2. Микродаражадаги молиявий муносабатлар.
3. Корхона ва ташкилотлар молияси.
4. Макродаражадаги молия. Давлат молияси ва унинг звенолари.
5. Бюджетдан ташқари фондлар.
6. Давлат кредити ва унинг роли.

7. Молия ва унинг иқтисодий категориялар (нарх-наво, кредит, иш ҳақи) билан алоқаси.

Адабиётлар:

- И. Каримов.* Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент, 1998.
- И. Каримов.* Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент, 1995.
- И. Каримов.* Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Тошкент, 1993.
- Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. Тошкент, 2003.
- Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р.* Экономикс. М., «Дело» ЛТД, 1993.
- Самуэльсон П., Нордхауэс В.* Экономика. М., 2000.
- Н. Григори Менкью.* Принципи экономикс. Санкт Петербург, 1999.
- Шодмонов Ш. ва б.* Иқтисодиёт назарияси. Тошкент, 2002.
- Финансы и кредит. А.Ю.Казаков таҳрири остида. Екатеринбург, 1994.
- Финансы. Москва. Учебное пособие. Под ред. В.М. Родионовой. 1995.
- Г. И. Рузавин.* Основы рыночной экономики. М., 1996.
- Общая экономическая теория. М., 1995.
- Общая финансовая теория. М., 1997.
- Чжен.* Пул ва молия базалари. Тошкент, 1997.
- Абдуллаев Ё.* Пул. 100 савол ва жавоб. Тошкент, 1998.
- Абдуллаев Ё.* Кредит. 100 савол ва жавоб. Тошкент, 1997.
- Финансы. Под руководством *А.М.Ковалёвой.* М., 1999.
- А.Д.Шеремет, Р.С.Сайфулин.* Финансы предприятий. М., 1999.
- Н.Хайдаров.* Молия. Тошкент, 2001.

Реферат ва маъруза мавзулари:

1. Молиявий тизим звеноларининг тавсифи.
2. Ўзбекистон бюджети классификациясининг моҳияти ва ролини таҳлил қилиш.
3. Қийматни тақсимлашда молиявий методнинг баҳо, иш ҳақи ва кредитдан фарқини таҳлил қилиб кўрсатиб беринг.

Талабаларнинг аудиториядан ташқари мустақил ишлари:

1. Мавзуга доир таянч иқтисодий атамаларни луғат дафтарингизга ёзиб олинг ва уларнинг таърифини билиб олинг.
2. Вилоятингизда бюджетдан ташқари қандай фондлар мавжуд?

Улар тўғрисида аниқ маълумотлар тўпланг.

3. Такрор ишлаб чиқариш жараёнининг ишлаб чиқариш, айир-бошлаш ва истеъмол босқичларида молиявий муносабатлар вужудга келадими? Асослаб беринг.

Назорат саволлари ва уларни амалга ошириш шакллари:

1. Ўзбекистонда молиявий тизимнинг қандай звенолари бор?
2. Ўзбекистон давлат бюджети даромадлари структураси нималардан иборат?
3. Вилоят маҳаллий бюджети қандай мақсадларда сарфланади?
4. Ўзбекистонда бюджетдан ташқари қандай фондлар бор?
5. Молия категориясининг нарх-наво, иш ҳақи ва кредит категорияларидан фарқлари нималардан иборат? Асосланг.

Мавзуга доир иқтисодий атамалар:

Молиявий система. Молиявий система звенолари. Бюджет тузилиши. Бюджет тузилиши принциплари. Фойда. Миллий даромад. Кредит. Кредит ресурслари. Банк кредити. Ялпи даромад. Жамғариш. Амортизация ажратмалари. Оборот (айланма) воситалар. Бюджет харажатлари. Бюджет даромадлари манбалари. Бюджет харажатлари структураси. Ялпи миллий маҳсулот. Нарх-наво (баҳо). Иш ҳақи. Иқтисодий категориялар. Қийматнинг биринчи тақсимланиши. Асосий фондлар. Қоплаш фонди. Ижтимоий сугурта маблағлари йўналишлари. Суғуртанинг функциялари. Суғуртанинг турлари. Пенсия фонд маблағлари. Иш билан бандлик давлат фонди. Медицина суғуртаси манбалари.

1.3-МАВЗУ. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА МОЛИЯДАН ФЙДАЛАНИШ

1. Ижтимоий такрор ишлаб чиқаришда молиядан фойдаланишнинг объектив иқтисодий шароитлари ва имкониятлари

Молия иқтисодий моҳиятига кўра иқтисодий категориядир. Хў-

жалик амалиётида жамият ундан ижтимоий тараққиёт жараёнида онгли равишда фойдаланиши мумкин.

Ижтимоий такрор ишлаб чиқаришда молиядан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги объектив шарт-шароитлари бу категориянинг функциялари — тақсимлаш ва назоратда намоён бўлади. Тақсимлаш функцияси молиявий ресурсларни ва мақсадли пул фондларини ижтимоий ишлаб чиқариш ва унинг айрим қисмлари тараққиёти эҳтиёжлари учун шакллантириш имконини беради. Назорат функцияси эса молиявий ресурслар ҳаракати орқали жамиятдаги иқтисодий жараёнлар оқимини акс эттиради ва барометрга ўхшаш иқтисодиётда ва унинг айрим структура звеноларида бўлаётган ўзгаришларни билдиради.

Ижтимоий такрор ишлаб чиқаришда молиядан фойдаланишнинг объектив шарт-шароитлари бу молиявий муносабатлар қандай конкрет ташкилий-ҳуқуқий формаларда амал қилишига боғлиқ бўлади.

Кундалик ҳўжалик ҳаётида молия категориясининг ўзи эмас, балки давлат томонидан белгилаб қўйилган турли хил молиявий муносабатларнинг конкрет кўриниш формалари муҳимдир. Молия категорияси билан унинг ташқи формалари ўртасида катта фарқ бор: биринчиси доимо объектив, реал ишлаб чиқариш муносабатларини билдиради, иккинчиси эса субъектив, чунки, кишилар фаолияти билан боғлиқ бўлади.

Ташкилий формалар туфайли молиядан иқтисодни бошқаришнинг фаолият инструменти, қуроли сифатида фойдаланиш мумкин бўлади. Молия ҳўжалик юритишнинг иқтисодий инструменти сифатида ижтимоий ишлаб чиқаришга ҳам миқдор (сон), ҳам сифат жиҳатидан таъсир кўрсатади.

Молия тақсимлаш категорияси сифатида бутун такрор ишлаб чиқариш жараёнига хизмат қилади. Молия, аввало, моддий ишлаб чиқариш соҳасида хизмат қилиб, янги қиймат яратишда иштирок этади. У туфайли реализация қилинган қиймат тақсимланади, даромадлар жамғариш ва ҳоказолар шаклланади. Улар асосида мақсадли пул фондлари ва турли хил ижтимоий эҳтиёжларни қондиришга аталган фондлар ташкил топади.

Умуман молия:

а) кенгайган такрор ишлаб чиқариш эҳтиёжларини молиявий таъминлаш;

б) иқтисодий ва ижтимоий эҳтиёжларни молиявий тартибга солиш;

в) фаолиятнинг энг яхши кўрсаткичларини молиявий рағбатлантириш имконини беради.

2. Такрор ишлаб чиқариш жараёнини молиявий таъминлаш

Такрор ишлаб чиқариш жараёнини молиявий таъминлаш — бу давлат ва хўжалик субъектлари қўлидаги молиявий ресурслар ҳисобидан такрор ишлаб чиқариш харажатларини қоплашдир.

Молиявий ресурсларни шакллантиришда ялпи миллий маҳсулот қийматининг барча элементлари иштирок этади, аммо унинг асосий манбаи:

1) миллий даромад, айниқса унинг соф даромаддан иборат бўлган қисмидир. Соф даромад ва унинг асосий молиявий формаси — фойданинг ўсиши молиявий ресурслар ўсишининг кўп ёки оз бўлишига таъсир қилади;

2) ялпи маҳсулотдан ташқари молиявий ресурсларнинг яна бир манбаи ташқи иқтисодий фаолиятдан келган даромаддир;

3) молиявий ресурслар миллий бойликнинг бир қисми ҳисобида ҳам шаклланади (бюджет маблағларининг қолган қисми, суғурта ташкилотларининг резерв фондлари, мамлакат олтин захирасининг бир қисмини сотишдан келган маблағ, ортиқча бўлган мол-мулкни сотишдан келган маблағ ва б);

4) молиявий ресурсларни шакллантириш учун заёмдан ва жалб қилинган маблағлардан (банк кредити, кредитор қарзи, акция ва облигацияларни чиқаришдан келган маблағлар ва бошқалардан) фойдаланилади.

3. Молиявий бозор ва унинг молиявий ресурсларни жалб қилиш ҳамда тақсимлашдаги роли

Иқтисодиётни бошқаришнинг маъмурий-қўмондонлик тизимидан воз кечилган ҳозирги шароитда молиявий ресурсларни сифарбар этиш молиявий бозор ёрдамида амалга оширилади. У халқ хўжалигида пул воситалари ҳаракатини ташкил этишнинг асосий формаси — қимматли қоғозлар бозори ва ссуда капиталлари бозори сифатида кўринади.

У ёки бу субъектда молиявий ресурсларнинг етишмаслиги ва бу эҳтиёжни қондириш учун эса бошқа субъектларда бу манбанинг борлиги молиявий бозор амал қилишининг объектив шарт-шароитлари ҳисобланади.

Маълумки, бўш пул воситалари баъзиларда мавжуд бўлиб, уларни инвестиция қилиш эҳтиёжи туғилади. Вақтинча бўш турган пул маблағларини тўплаш ва ундан самарали фойдаланишда пул воситалари эгалари (инвесторлар) билан улардан фойдаланувчилар (инвестиция олувчилар) ўртасида воситачилик қилиш учун молиявий бозор ташкил этилади.

Вақтинча бўш турган пул маблағларини тўплаш ва инвестиция учун сарфлаш молия бозорида қимматли қоғозлар воситасида муомилага киритилади.

Молия бозорида қимматли қоғозлар фойдаланиш характери жиҳатидан икки гуруҳга: облигация ва акцияга бўлинади. Қимматли қоғозларга акция ва облигациядан ташқари хазина мажбурияти, вексел, омонат сертификати ва бошқа ҳужжатлар ҳам киради.

4. Иқтисодиётни тартибга солишда молиядан фойдаланиш

Мамлакат иқтисодиёти — бу мураккаб халқ ҳўжалиги комплекси бўлиб, унинг турли қисмлари (тармоқлар, ҳудудлар, ишлаб чиқариш турлари ва б.) нотекис тараққий этади. Чунки жамият эҳтиёжи жуда ўзгарувчан бўлиб, ишлаб чиқариш доимо унга мослашиши лозим. Иқтисодиёт тараққиётининг нотекислиги шунга олиб келадикки, унинг баъзи тармоқлари илгарилаб кетади, бошқалари эса ривожланишда орқада қолади. Халқ ҳўжалиги комплексининг нормал ривожланиши эса барча структура бўғинлари бир-бири билан узвий боғланиб тараққий этишига, иқтисодиёт турли қисмларининг ўзаро бир-бирига боғлиқ равишда ривожланишига уни тартибга солиш орқали эришилади, яъни жамият эҳтиёжларининг ўзгаришига қараб, ишлаб чиқариш ва унинг структура бўғинларининг ўсиш суръатлари ўзгаради. Бозор иқтисодиёти шароитида у молиявий ресурсларнинг қайта тақсимланиши йўли билан амалга ошади.

Иқтисодиётни тартибга солиш, аввало, ўз-ўзини тартибга солиш ёрдамида амалга ошади. Бунда ишлаб чиқариш иштирокчиларининг ўзлари ижтимоий ишлаб чиқаришнинг турли бўғинларидаги

молиявий базани шакллантириш ва ундан фойдаланиш методидан фойдаланадилар.

Бозор иқтисодиёти шароитида ўз-ўзини тартибга солиш билан бир қаторда иқтисодиётга давлатнинг аралашуви ҳам катта таъсир кўрсатади. Давлатнинг иқтисодиётга бундай аралашуви жамиятнинг барча эҳтиёжларини — энг йирик структура ўзгаришларини таъминлаш, иқтисодий тараққиётнинг устувор йўналишларини қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфраструктураси объектларини кенгайтириш ва такомиллаштириш каби вазифаларни ҳал этиш заруриятидан келиб чиқади.

Давлат инвестиция, солиқ, бюджет ва амортизация сиёсати, давлатнинг ҳар хил структура фаолияти орқали иқтисодиётга таъсир кўрсатиш воситалари билан мамлакат иқтисодиётига таъсир қилади.

Иқтисодиётни тартибга солишда молиявий тизимнинг барча соҳалари ва бўғинлари корхона молияси, суғурта, давлат бюджети ва бошқалар ҳам иштирок этади.

5. Молия иқтисодни рағбатлантириш қуроли сифатида

Ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида турли-туман қиймат ричаглари ёрдамида амалга оширилаётган иқтисодий рағбатлантиришнинг роли тобора ортиб боради. Булар орасида тақсимлаш қуроли сифатида молия ишлаб чиқариш омилларига ва бутун такрор ишлаб чиқариш жараёнига жуда катта таъсир кўрсатади. Бу имконият ҳар хил формада ва турли-туман методлар орқали амалга оширилади. Ҳозирги шароитда Ўзбекистон халқ хўжалигини юқори суръатлар билан ривожлантириш, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, иқтисодиётнинг устивор йўналишларини белгилаб, уни энг замонавий техника ва технология асосида юксалтириш энг муҳим вазифа ҳисобланади. Бу вазифаларни амалга оширишда молиявий рағбатлантириш методларидан кенг фойдаланилади. Булар орасида хўжалик субъектлари моддий манфаатдорлигига таъсир қилувчи молиявий муносабатларнинг ташкилий формалари муҳим аҳамият касб этади.

Молиявий рағбатлантириш халқ хўжалиги пропорцияларини шакллантириш, тартибга солиш методларидан бири ҳисобланади. Ижтимоий ишлаб чиқаришни иқтисодий рағбатлантириш усуллари

давлатнинг иқтисодиётга аралашуш методларидан биридир.

Ижтимоий ишлаб чиқаришни молиявий рағбатлантириш ва унинг самарадорлигини ошириш қўйидаги молиявий стимуллар ёрдамида амалга оширилади:

1. Молиявий ресурсларни инвестиция қилишнинг самарали йўналишлари.
2. Рағбатлантириш фондлари.
3. Ишлаб чиқаришни интенсив ривожлантиришнинг бюджет методлари.
4. Махсус молиявий имтиёзлар.

Маърузанинг тавсия этиладиган намунавий режаси:

1. Ижтимоий такрор ишлаб чиқаришда молиядан фойдаланишнинг объектив шарт-шароитлари ва имкониятлари.
2. Такрор ишлаб чиқариш жараёнини молиявий таъминлаш.
3. Молиявий бозор ва унинг молиявий ресурсларни жалб қилиш ҳамда тақсимлашдаги роли.
4. Иқтисодиётни тартибга солишда молиядан фойдаланиш.
5. Молия иқтисодни рағбатлантириш қуроли сифатида.
6. Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида Ўзбекистон иқтисодиёти тартибга солишда молиядан фойдаланиш.

Семинарнинг намунавий режаси:

1. Ижтимоий такрор ишлаб чиқариш ва молия.
2. Такрор ишлаб чиқариш жараёнини молиявий таъминлаш.
3. Ўзбекистонда молиявий ресурсларни тақсимлашда молиявий бозорнинг роли.
4. Ўзбекистон иқтисодиётини барқарорлаштиришда молиядан фойдаланиш.
5. Молия ва унинг иқтисодий рағбатлантиришдаги роли.

Адабиётлар:

- И.Каримов.* Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент, 1998.
- И.Каримов.* Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент, 1995.
- И.Каримов.* Ўзбекистон-- бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Тошкент, 1993.

- Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. Тошкент, 2003.
- Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономикс. М., «Дело» ЛТД, 1993.
- Самуэльсон П., Нордхаус В. Экономика. М., 2000.
- Н.Григори-Менкью. Принципы экономикс. Санкт-Петербург, 1999.
- Шодмонов Ш. ва б. Иқтисодиёт назарияси. Тошкент, 2002.
- Финансы и кредит. А.Ю.Казаков тахрири остида. Екатеринбург, 1994.
- Финансы. Учебное пособие. Под. ред. В.М.Родионовой. М., 1995.
- Г.И.Рузавин. Основы рыночной экономики. М., 1996.
- Общая экономическая теория. М., 1995.
- Общая финансовая теория. М., 1997.
- Чжен. Пул ва молия бозорлари. Тошкент, 1997.
- Абдуллаев Ё. Пул. 100 савол ва жавоб. Тошкент, 1998.
- Абдуллаев Ё. Кредит. 100 савол ва жавоб. Тошкент, 1997.
- Финансы. Под руководством А.М.Ковалёвой. М., 1999.
- А.Д.Шеремет, Р.С.Сайфулин. Финансы предприятий. М., 1999.
- Н.Хайдаров. Молия. Тошкент, 2001.

Реферат ва маъруза мавзулари:

1. Ўзбекистон иқтисодиётини юксалтиришда молиянинг роли.
2. Ўзбекистонда молиявий бозорнинг ташкил топиши ва молиявий ресурсларни жалб қилиш ҳамда таксимлашда унинг роли.

Талабаларнинг аудиториядан ташқари мустақил ишлари:

1. Ушбу мавзудаги иқтисодий (молиявий) тушунчалардан фойдаланиб молиявий кроссвордлар тузинг.
2. Мавзуга доир молиявий тушунчаларни ёзиб чиқинг ва ўрганинг.
3. А.Ўлмасов, М.Шарифхўжаевларнинг «Иқтисодиёт назарияси» дарслигидан мавзуга доир материалларни ўқиб, конспект олинг.

Назорат саволлари ва уларни амалга ошириш формалари:

1. Ижтимоий ишлаб чиқаришда молиядан фойдаланишнинг объектив шарт-шароитлари нималардан иборат?
2. Ижтимоий ишлаб чиқаришда молиявий ёрдам кўрсатишнинг асосий йўналишлари нималардан иборат?

3. Молиявий ресурслар нима? Уларнииг турлари ва ўсиш манбалари нималардан иборат?
4. Молиявий резервлар нима учун керак?
5. Қимматли қоғозлар нима?
6. Фонд биржаси нима? Фонд биржасидаги молиявий операцияларда кимлар қатнаша олади?

Мавзуга доир иқтисодий атамалар:

Бозор хўжалиги. Ижтимоий ишлаб чиқариш. Молиявий метод. Моддий ишлаб чиқариш. Ижтимоий эҳтиёжлар. Ишлаб чиқариш структураси. Марказий молиявий ресурслар. Хўжалик субъектлари. Ўз-ўзини молиялаштириш. Кредитлаш. Давлат томонидан молиялаштириш. Молиявий бозор. Қимматли қоғозлар бозори. Акция. Облигация. Вексель. Хазина.

II БЎЛИМ. МОЛИЯНИ БОШҚАРИШ

2.1-МАВЗУ. МОЛИЯВИЙ СИЁСАТ ВА МОЛИЯ МЕХАНИЗМИ

1. Молиявий сиёсатнинг мазмуни ва аҳамияти

Хар қандай жамиятда ҳам давлат ўзининг функциялари ва вазифаларини амалга ошириш мақсадига эришиш учун молиядан фойдаланади. Давлатнинг ўз олдига қўйган мақсадларини амалга оширишда молия муҳим роль ўйнайди.

Молиявий сиёсатнинг мазмуни кўп қирралидир. У қуйидаги бўғинларни ўз ичига олади:

- Молиявий ривожлантиришнинг илмий концепциясини ишлаб чиқиш. У иқтисодий қонунлар талабларини чуқур ўрганиш, халқ хўжалиги ривожланиши аҳволини ҳар томонлама таҳлил қилиш, ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатлари, аҳоли эҳтиёжларининг перспектив ривожланиши асосида шаклланади.

- Истиқболда ва жорий даврда молиядан фойдаланишнинг асосий йўналишларини белгилаш.

- Қўйилган мақсадларга эришишга қаратилган амалий ҳаракатларни олиб бориш.

Юқоридаги учта бўғин бирлиги молиявий сиёсатнинг мазмунини белгилаб беради.¹ Молиявий сиёсат ҳал қилнадиган вазифаларнинг характери ва даврининг узоқ муддатлигига боғлиқ ҳолда молиявий стратегия ва молиявий тактикага бўлинади. Молиявий стратегия маълум иқтисодий ва ижтимоий стратегия, йирик миқёсдаги вазифаларни бажаришга ва истиқболга мўлжалланган узоқ муддатли молиявий сиёсат йўлидир. Уни ишлаб чиқиш жараёнида молия ривожланишининг асосий тенденцияларини прогнозлаштирилади. Ундан фойдаланиш концепциялари шакллантирилади, молиявий муносабатларни ташкил қилиш принциплари белгиланади.

Молиявий тактика эса молиявий ресурсларни қайта гуруҳлашнинг, молиявий алоқаларни ташкил қилиш усулларини ўз вақтида ўзгартиришлар йўли билан жамият ривожланишининг конкрет вазифаларини ҳал қилишга қаратилгандир.

2. Молиявий механизм ва молиявий сиёсатни амалга оширишда унинг роли

Молиявий сиёсатни амалга оширишда, уни ҳаётга муваффақиятли тадбиқ қилишда молиявий механизмдан фойдаланилади. У иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт учун қулай шарт-шароитларни таъминлаш мақсадида жамият томонидан қўлланиладиган молиявий воситаларни ташкил қилиш усуллари мажмуасидан иборатдир. Молия механизми молиявий муносабатларни ташкил қилиш форма ва методлари, уларнинг миқдорларини аниқлаш усулларини ўз ичига олади.

Молия механизми структураси анча мураккаб бўлиб, унга молиявий муносабатларнинг турли-туманлиги туфайли ҳар хил элементлар киради.

Давлат ҳокимиятнинг қонуний ва ижроия органи сифатида иқтисодий қонунлар амал қилишини, молия ривожланиши қонуниятлари, иқтисодий ва молиявий сиёсат вазифалари асосида ялпи маҳсулот, миллий даромадни тақсимлаш методлари, пул жамғармалари формаларини белгилайди, тўловлар турини кўриб чиқади. Давлат молиявий ресурслардан ва бошқалардан фойдаланиш принциплари ва йўналишларини аниқлайди.

Молиядан самарали фойдаланиш учун режалаштириш ва прогнозлаштириш, молиявий муносабатларни (солиқлар, харажатлар ва ҳ.к.) ташкил қилиш усулида қўлланиладиган нормативларни

амалга ошириш, молиявий муносабатларнинг форма ва методлари, ҳар хил турларини қўлланишнинг тўғрилигини назорат қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Ижтимоий ҳўжалик айрим тармоқлари хусусиятлари ва молиявий механизмни соҳалар ва бўғинларга бўлиш асосида молиявий механизм; корхоналар ва ҳўжалик ташкилотлари молиявий механизмига, суғурта механизмига ва давлат молияси амал қилини механизмига бўлинади. Ўз навбатида юкоридаги соҳалар айрим структура бўғинларини ўз ичига олади. Масалан, Давлат молия механизми бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар амал қилини механизмига бўлинади.

Молиявий механизмнинг айрим соҳалари ва бўғинлари ягона бир бутуннинг таркибий қисмлари ҳисобланиб, улар бир-бирига боғлиқ ва бир-бирини тақозо этади. Шу билан бирга ҳар бир соҳа ва бўғин нисбатан мустақил амал қилади.

Давлат молиявий муносабатларни ташкил қилиш усулларини белгилар экан, уни шунга мувофиқ қонун ости актлар билан мустақамлайди, қонунлар чиқаради.

Ҳозирги шароитда жамиятнинг барча соҳаларида туб ўзгаришлар бўлаётган экан, қонуний муаммоларни ўз вақтида ҳал қилиш муҳим аҳамиятга эгадир.

3. Ҳозирги шароитда давлатнинг молия сиёсати

Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтаётган ҳозирги шароитда давлат мамлакат иқтисодий ва ижтимоий тараққиётига олиб келадиган молиявий сиёсатни юритмоқда ва бу соҳада мавжуд бўлган айрим камчиликларни бартараф қилишга интилмоқда. Бу камчиликлар илгаридан сақланиб келинаётган молиявий сиёсатнинг догматик, яъни ижодий бўлмаган характери, мамлакатимиз тараққиётидаги ўзгараётган шароитларга тезда мослашаолмаслиги, ҳал қилиниши лозим бўлган вазифаларни бажариш учун зарур усуллар тоша билмаслик, стратегик концепцияли ишланмаларнинг йўқлиги, молиявий сиёсатнинг халқ ҳўжалиги талабларига тўла жавоб бера олмаслиги, молиявий ҳўжалик юритишнинг энг муҳим талаблари маблағга қараб яшашнинг бузилганлиги (боқимандалик), фуқаролар ижтимоий эҳтиёжларини қондиришда молиявий базани белгилашда қаттиқдан фойдаланиш кабилардир.

Ҳозирги шароитда ишлаб чиқилган молиявий сиёсат конценциясининг мақсади ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ҳар томонлама ошириш, хўжаликларни ривожлантириш асосида халқнинг турмуш даражасини янада оширишдан иборатдир. Ҳозирги шароитда иқтисодий сиёсатнинг бош мақсади тубдан янгича қараш – халқ фаровонлигини оширишга қаратилган молиявий ресурсларни излаб топиш, яъни молиявий стратегиянинг ижтимоий йўналишидир.

Ижтимоий программанинг марказий нуқтаси ижодий ва юксак унумли меҳнат учун, мустақиллик ва ташаббускорлик учун, чинакам тadbиркорлик учун шароит яратиб беришдан иборат. Шу билан бирга аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, аввало кам таъминланган фуқароларни ҳамда муқобил даромад оладиган шахсларни (маориф, соғлиқни сақлаш, фан, бюджет ташкилотлари ходимлари ва ҳ.к.) ҳимоя қилиш ҳам кўзда тутилган.

Янги молиявий сиёсат мулкчиликнинг турли хил формалари, бозор муносабатларининг ривожланиши, капиталлар, ишчи кучи ва товарлар бозорининг тўла амал қилишини ҳисобга олиб ишлаб чиқилди. Жамият ҳаётининг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларига молиявий таъсир кўрсатишнинг асосий методлари – солиққа тортиш, молиявий ресурсларни зарур томонларга йўналтириш, молиялаштириш, молиявий бозор ва б.дир. Жаҳон тажрибаси бундай амалиётнинг самарали эканлигини кўрсатади.

Иқтисодиётни ривожлантириш ва мамлакат молиявий имкониятлари асосида уни кенгайтиришда, бу иқтисодиётга чет эл инвесторларини жалб қилиш муҳим аҳамиятга эга. Улар ҳар хил формаларда амалга оширилмоқда. Жаҳон тажрибаси бевосита чет эл инвестицияларининг катта самарадорлигини кўрсатади.

Аҳолига ижтимоий хизматни яхшилаш мақсадида бу соҳадаги муассаса ва ташкилотлар янги хўжалик механизмига ўтказилади. Улар эҳтиёжини бюджет ҳисобидан молиялаштириш жон бошига қилинадиган ижтимоий харажатлар ва бошқа кўрсаткичлар асосида аниқланадиган узоқ муддатли стабил нормативлар асосида амалга оширилмоқда.

Ижтимоий соҳадаги муассасаларга пуллик хизматлар кўрсатиш, хўжалик фаолияти билан шуғулланиш, ўзлари олган даромадларидан мустақил фойдаланиш ҳуқуқи берилган.

Давлат молияси механизмида туб янги ўзгаришлар бўлди. Дав-

лат бюджети даромадлари солиқ тизими асосида шаклландирган бўлди; бюджет харажатлари структураси ва бюджетни молиялаштириш тизими тубдан ўзгарди. Бюджетдан ташқари фондлар тизими кенг ривож топди.

Бозор муносабатларининг ривожланиши, бошқариш методларининг такомиллашуви, мулкий ва шахсий сугуртани ташкил қилиш ва бошқаришда ижобий натижаларга олиб келди. Молия механизмини тубдан қайта қуриш жараёни унга мос базани яратиш билан амалга оширилмоқда. Кейинги йилларда Олий Мажлис томонидан молиявий фаолиятнинг ҳуқуқий асосини яратишга донр қатор қонунлар қабул қилинди. Масалан, корхоналар ва тадбиркорларнинг фаолияти, Солиқ кодекси, чет эл инвестициялари кабилар тўғрисида бир қатор қонунлар қабул қилинди.

Маърузанинг тавсия этиладиган намунавий режаси:

1. Молиявий сиёсатнинг мазмуни ва аҳамияти.
2. Молиявий механизм ва молиявий сиёсатни амалга оширишда унинг роли.
3. Ҳозирги шароитда давлатнинг молиявий сиёсати.

Семинарнинг намунавий режаси:

1. Молиявий сиёсатнинг моҳияти.
2. Молиявий механизм ва унинг таркибий қисмлари.
3. Давлат молиявий сиёсатини амалга оширишда молиявий механизмнинг роли.
4. Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида Ўзбекистон давлатининг молиявий сиёсати.

Адабиётлар:

- И.Каримов.* Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент, 1998.
- И.Каримов.* Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида». Тошкент, 1995.
- И.Каримов.* Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг узига хос йўли. Тошкент, 1993.
- Фишер С., Дорнбуи Р., Шмалензи Р.* Экономикс. М., «Дело» ЛТД, 1993.
- Самуэльсон П., Нордхаус В.* Экономика. М., 2000.
- Н.Григори Менкью.* Принципы экономикс. Санкт Петербург, 1999.

- Шодмонов Ш. ва б. «Иқтисодий назарияси. Тошкент, 2002.
- Финансы и кредит. А.Ю.Казаков таҳрири остида. Екатеринбург, 1994.
- Финансы Москва. Учебное пособие. Под. ред. В.М. Родионовой, 1995.
- Г.И.Рузавин. Основы рыночной экономики. М., 1996.
- Общая экономическая теория. М., 1995.
- Общая финансовая теория. М., 1997.
- Чжен. Пул ва молия базалари. Тошкент, 1997.
- Абдуллаев Ё. Пул. 100 савол ва жавоб. Тошкент, 1998.
- Абдуллаев Ё. Кредит. 100 савол ва жавоб. Тошкент, 1997.
- Финансы. Под руководством А.М.Ковалёвой. М., 1999.
- А.Д.Шеремет, Р.С.Сайфулин. Финансы предприятий. М., 1999.
- Н.Хайдаров. Молия. Тошкент, 2001.

Реферат ва маъруза мавзулари:

1. Сиёсат вариантлари: давлат харажатларими ёки солиқлар?
2. Давлат харажатлари, давлат томонидан бериладиган ижтимоий неъматлар билан таъминлаш.

Талабаларнинг аудиториядан ташқари мустақил ишлари:

1. Мавзуга доир молиявий тушунчаларни махсус дафтарингизга ёзинг ва ўрганинг.
2. XX аср 80-йиллар охири ва 90-йиллар бошида молиявий кризис ҳолатини кўрсатадиган статистик маълумотларни тўпланг.
3. Ушбу мавзуга доир 5 та савол тузиб чиқинг ва уларнинг ҳар бири учун жавоб тайёрланг.

Назорат саволлари ва уларни амалги ошириш формалари:

1. Ўтган мавзуларга доир иқтисодий атамаларни талабалар қанчалик ўзлаштирганлигини аниқлаш.
2. Назорат саволлари:
 - а) Молиявий сиёсатнинг мазмуни нималардан иборат?
 - б) Молия ва молиявий сиёсатнинг ўзаро алоқаси қандай?
 - в) Жамият иқтисодий ва маънавий ҳаётида молиявий сиёсат таъсирини кучайтиришдаги омиллар нималардан иборат?

- г) Молиявий механизм асосий элементлари ва унинг асосий қисмларини санаб беринг.
- д) Молиявий кризисни қандай чоралар билан бартароф этилади?

Мавзуга доир иқтисодий атамалар:

Молиявий сиёсат. Молия стратегияси. Иқтисодий сиёсатнинг таркибий қисмлари. Иш ҳақи. Молиявий механизм. Математик моделлаштириш. Молиявий муносабатлар. Молиявий механизм структураси. Молиявий ресурслар. Молиявий интизом. Молиявий стратегиянинг социал йўналиши. Даромадлар индексацияси. Молиялаштириш. Молиявий бозор. Молиявий кризис. Пул эмиссияси. Ижтимоий эҳтиёжлар. Пул муомаласини тартибга солиш. Нолик-видлик. Фойда. Ялпи даромад. Солиқ тўловлари тизими. Давлат молияси. Давлат бюджети. Чет эл инвестицияси. Инвестиция. Молиявий режалаштириш. Шахсий суғурта.

2.2-МАВЗУ. МОЛИЯНИ БОШҚАРИШ

1. Молияни бошқариш ҳақида умумий тушунчалар

Бошқариш – бу маълум натижага эришиш мақсадида объектга оғли равишда таъсир кўрсатиш усуллари мажмуасидан иборатдир. Бошқариш инсон фаолиятининг ҳамма жабҳалари, соҳаларида, шу жумладан, молияни тартибга солишда ҳам мавжуддир. Одамларнинг аниқ бир мақсадга қаратилган фаолияти каби, бошқариш жамият ривожланиши объектив қонуниятларини билишга асосланган, шунинг билан бирга бошқарувга, бошқарув фаолияти тизими сифатида, давлатнинг таъсири ҳам каттадир.

Бошқариш фаолиятининг зарур тармоқ ва соҳаларидан бири бу молиявий бошқариш бўлиб, уни алоҳида усул ва услублар ёрдамида, жумладан, турли рағбатлантиришлар, санкциялар билан махсус аппарат амалга оширади.

Молияни бошқаришда ҳам, бошқа ҳар қандай бошқариш тизими каби бошқариш объектлари ва субъектларига ажратилади. Бошқарув объектларини молиявий муносабатларнинг ҳар хил турлари, субъектларини эса бошқаришни амалга оширадиган ташкилий структуралар ташкил этади.

Молиявий муносабатлар турлари, тоифаси 3 гуруҳ объектларга ажратилади:

- корхона (муассаса, ташкилот)лар молияси;
- суғуртавий муносабатлар;
- давлат молияси.

Буларга қуйидаги бошқариш субъектлари тўғри келади:

- корхона (муассаса, ташкилот)лар молиявий хизмати (бўлим-лари);
- суғурта органлари;
- молия органлари ва солиқ инспекциялари.

Молияни бошқаришни амалга оширадиган барча ташкилий структуралар мажмуаси молия аппарати дейилади.

Молияни бошқаришда бир неча функционал элементлар ажра-тиб кўрсатилади:

- Режалаштириш;
- Оператив (тезкор) бошқариш;
- Назорат.

Режалаштириш молияни бошқариш тизимида муҳим ўрин ту-тади. Режалаштириш мобайнида ҳар қандай субъект хўжалига ўзининг молиявий аҳволини ҳар томонлама баҳолайди, молиявий ресурсларни кўпайтириш чора-тадбирларини, ундан энг самарали фойдаланиш йўлларини аниқлайди. Бошқариш қарорлари, счим-лари режалаштириш жараёнида молиявий ахборотларни таҳлил қилиш асосида қабул қилинади. Молиявий ахборотлар эса тўлиқ ва ишончли бўлиши керак. Молиявий ахборот бухгалтерия, ста-тистика ва оператив (тезкор) ҳисоботларга асосланади.

Оператив бошқариш молиявий ресурсларни қайта тақсимлаш ёрдамида кам харажат қилган ҳолда энг кўп самара олиш мақса-дида молиявий ҳолатларни оператив таҳлил қилиш асосида ишлаб чиқилган комплекс тадбирларни ўз ичига олади.

Назорат бошқарув элементи сифатида режалаштириш жара-ёнида ва оператив бошқариш босқичида амалга оширилади. У молиявий ресурслардан фойдаланиш натижасини режа кўрсаткичи билан солиштиришга имкон беради. Молиявий ресурслар ўсиш имкониятларини аниқлашга, энг самарали хўжалик юритиш йўл-ларини белгилашга имкон беради.

Оператив бошқариш стратегик бошқаришдан бошқарилиш дав-ри, қамраб олинadиган муаммолар ҳажми, уларнинг глобаллиги ва бошқа жиҳатлари билан фарқ қилади.

Стратегик бошқариш давлат ва иқтисодий тизим бошқариш органлари, яъни Олий Мажлис, Молия вазирлиги ва бошқалар томонидан амалга оширилади.

Молияни оператив бошқариш — молиявий тизим аппаратининг асосий функцияси — Молия вазирлиги, маҳаллий ҳокимиятнинг молия бошқармалари (бўлимлари), бюджетдан ташқари фондлар дирекциялари, суғурта ташкилотлари, корхона ва ташкилотларнинг молиявий хизмат кўрсатиш тизимлари томонидан амалга оширилади.

Молияга оид бошқариш ечимларини қайта ишлашда молиявий режалар ва маълумотлар ҳақида, ва бошқа, жумладан, иқтисодий ва юридик қонунлар талаблари, нафақат ўтган хўжалик фаолияти даври яқунлари, балки истиқболдаги режалар, лойиҳалар, иқтисодий математик усуллар, молияни бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимлари, бошқаришнинг иқтисодий, маъмурий усуллари рационал қўшиб олиб борилиши ҳам эътиборга олинади.

Бозор иқтисодиёти шароитида молияни бошқаришни шакллантириш ва ривожлантириш учун молиявий бошқариш ечимларининг илмий асосланишини такомиллаштириш талаб қилинади. Ўз самарасини бермаган баъзи молиявий таъсир қилиш усулларида воз кечиш давр тақозоси бўлиб, мамлакатимиз молия тизимида мустақиллик йиллари бу йўналишда самарали ўзгаришлар амалга оширилди. Собиқ шўролар давридаги маъмурий-қўмондонлик бошқариш тизими янги молиявий усул ва услубларни ишлаб чиқиш, уларни ҳаётга тадбиқ қилишга ҳалақит бериб келди (масалан, ер солиғи, узок муддатли амортизация ажратмалари меъёрлари, ижтимоий суғурта ажратмалари меъёрлари ва ҳ.к.). Булар ва бошқа сабабларга кўра молиянинг аҳамияти пасайиб кетган эди.

2. Молияни бошқариш органлари. Уларнинг вазифалари

Молияни умумий бошқариш Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ давлат ҳокимиятининг олий органлари — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси, Президент аппарати зиммасига юклатилган. Молияни оператив бошқаришни молиявий аппарат амалга оширади. Унинг ёрдамида давлат халқ хўжалигининг барча структуравий бўлимларидаги молиявий фаолиятга раҳбарлик қилади. Ушбу молиявий аппарат молиявий

оператив режалаштириш ишларини, молиявий режалар тузиш, ҳисоб-китоб ва таҳлил, назорат ва тартибга солиш бўйича барча ишларни бажаради.

Корхоналар ва халқ хўжалиги тармоқларида молияни бошқаришни корхона, ташкилот муассасаларнинг молиявий бўлимлари холдинг, концерн ва бошқармаларнинг молиявий бўлимлари амалга оширадилар.

Суғурта муносабатлари тизимини махсус суғурта структуралари бошқаради. Давлат молиясини бошқаришга доир барча ишларни молия вазирлиги, унинг қуйи бўғинларидаги молия органлари, шунингдек, Давлат солиқ хизмати олиб боради.

Молияни бошқаришни тўғри ташкил қилишда ундан фойдаланиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Молияни оператив бошқариш самараси кўп жиҳатдан бошқариш субъектлари — молиявий органлар, солиқ инспекциялари, суғурта структуралари ва халқ хўжалиги тармоқларидаги кўп сонли молиявий аппаратлар иши қандай ташкил этилганлигига боғлиқ.

Молиявий аппаратни ташкил қилиш даражаси жуда юқори бўлиши лозим. Бу эса молиявий структуралардаги барча ходимларнинг малакаси ва ишбилармонлигига катта талаблар қўяди.

Бозор иқтисодиёти кўп қиррали мулкчилик шакллариغا асосланган, товар ишлаб чиқарувчиларнинг мусобақалашishi, ривожланган молия тизимида иқтисодий ва молиявий ахборотнинг ўсиши, тўпланган ахборотларни илмий асосда таҳлил қилиш, қайта ишлаш кўзда тутилади. Молияни комплекс бошқаришда молиявий ҳисоб-китобларнинг автоматлаштирилган тизимларидан фойдаланиш долзарблиги ошади.

Бошқарувчилар ва қуйи бошқарув тизимлари ўртасида молиявий-иқтисодий ахборот алмашиш ташкилотлари янги бошқарув ечимлари сифатида электрон ҳисоблаш техникасига асосланиб ахборотни қайта ишлашлари асосий хизмат турларидан бири бўлиб қолади.

Автоматлаштирилган молия бошқаруви тизими — бу иқтисодий ва математик услубларнинг бириккан мажмуаси, электрон ҳисоблаш техникаси, оргтехникаси ва замонавий алоқа жиҳозлари ҳамда махсус дастурлар мажмуасидан иборатдир. У умумдавлат автома-лаштирилган бошқарув тизимида молиявий ахборотларни қайта ишлаш, молиявий қарорларни қабул қилиш, молиявий режалаш-

тириш ва бошқа иқтисодий тизимларни зарур молиявий ахборотлар билан таъминлашнинг таркибий қисми сифатида намоён бўлиши кўзда тутилган.

Давлат молиясини бошқаришда молиявий ҳисоб-китобларни автоматлаштириш тизими қўлланилади. Бу тизимнинг асосий мақсади ўта мураккаб, шунингдек монотоп, яратувчан бўлмаган, такрорланувчи молиявий операцияларни автоматлаштириш асосида жонли меҳнат сарфини қисқартириш, қарор қабул қилишнинг долзарблигини ва тезкорлигини таъминлаш, молиявий ҳисоб-китобларнинг аниқлигини ошириш ёрдамида молияни бошқариш тизими самарасини оширишдан иборат бўлади.

Молияни бошқаришда Давлат солиқ тизими муҳим роль ўйнайди. Давлат Солиқ тизимининг асосий вазифалари – солиқ қонунчилигига риоя қилишни назорат қилиш, солиқ тўловчиларни рўйхатга олиш, унинг тўғрилигини назорат қилиш, солиқларининг бюджетга тўғри тўланиши, жорий бадалларнинг ва бошқа тўловларнинг тўлиқлиги, солиқ қонунчилиги матнларини тайёрлашдан иборат.

3. Молияни бошқаришда автоматлаштирилган тизимлар

Молияни бошқаришда автоматлаштирилган бошқарув тизими (АБТ) муҳим роль ўйнайди. У иқтисодий-математик, статистик, эконометрик усуллар ҳамда электрон-ҳисоблаш техникасидан молиявий масалаларни ечишда, қарорлар қабул қилишда, режалаштириш, истиқболни аниқлашда фойдаланиш имконини беради. АБТ молияни бошқаришнинг долзарблигини, тезкорлигини ошириб, молияда қабул қилинаётган ечимларнинг сифатини оширади.

Ҳозирги кунда АБТ молиявий органлар структураларининг ажралмас қисми бўлиб қолмоқда, молияни бошқариш структураларида энг самарали вазифаларни адо этади.

Молия тизими фаолиятини АБТсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Бу аввало бозор иқтисодиёти шароитига ўтишда ахборотнинг характери ва ҳажми ўзгараётганлигида кўринади. Шунинг эҳтиборга олиш керакки, молия органлари тизимида бошқарув жараёни тобора мураккаблашади, ахборотнинг катта оқимини қайта ишлаш зарурати туғилади. Бошқарувчилар сонининг ўсишига қарамай, улар ўз вақтида бошқарув ечимларини қайта ишлаб, ҳаётга тадбиқ қилишга улгура олишмайди, эски услублар ва техник жиҳозларни

қўллаш ахборотни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш, молиявий режаларнинг қўн вариантли ҳисоб-китоблари ва унинг энг мақбулини танлаб олиш, молиявий аппарат органларининг тузилишини рационаллаштириш имконини бермайди. Молиявий тизимда янги услубларни қўллаш улардан молиявий ахборотларни қайта ишлаш, даромад ва йиғимларни мобилизация қилиш, халқ хўжалиги молиявий заҳираларини шакллантириш ҳажми молиявий ресурслардан рационал фойдаланиш ва унинг самарадорлигини оширади.

Автоматлаштирилган молия тизимининг ҳисоб-китоблари давлат бюджетининг қўн вариантли ҳисоб-китоб лойиҳаларини қисқа муддатда тайёрлаш ва оптимал ечимларини топиш имконини беради. Бу ўз навбатида Давлат бюджетини, Давлат молиясини режалаштириш сифатини оширади ва давлат бюджетининг тўлиқ ижросини такомиллаштиради.

АБТ мураккаб структурага эга бўлиб, уни бошқаришнинг қай бир поғонасида қўлланишига қараб, қуйи тизимлари, ечиладиган масалалар мажмуаси ҳар хил бўлиши мумкин. Умумий ҳолда унинг тўртта қуйи тизимини кўрсатиб ўтиш мумкин: бюджет ҳисоб-китоблари блоки; даромадлар ва солиқлар ҳисоби блоки; бюджет муассасаларининг харажатлари ҳисоби блоки; халқ хўжаликлари тармоқлари молияси ҳисоби блоки. Ушбу тизимлар режалаштирилган бюджет харажатлари ва тушумлари асосида давлат бюджетини бошқаришда, бюджет кўрсаткичларига ўзгартиришлар киритилиши, бюджетнинг даромад ва харажат бўйича ҳисобини бажаришга ҳам имкон беради.

Ҳозирги кунда молия органларининг қуйи бўғинлари — туман ва шаҳар молия бошқармалари ва бўлимлари фаолиятини автоматлаштириш айниқса муҳим аҳамиятга эга. Бу йўналишда ҳар бир молия ходимининг автоматлаштирилган ишчи ўринлари яратилмоқда. Автоматлаштирилган ишчи ўринларини яратишнинг туб моҳияти қуйидагича: молия органи ҳар бир ходимининг фаолияти хусусиятига қараб, унинг бажарадиган ишини тўлиқ ёки қисман автоматлаштириш, у бажарадиган бир маромдаги, доимий такрорланувчи, кўпгина ҳолларда, айтиш мумкинки, зерикарли бўлган барча ҳисоб-китоб ишларини компьютерга юклаш асосида ходимнинг қимматли вақтини тежаш, ҳамда уни ахборотларни таҳлил қилиш, маъқул қарорлар қабул қилиш каби яратувчанлик фаолиятига жалб қилишдан иборатдир.

Демак, молия тизимини автоматлаштириш молия ходимлари-

нинг барча фаолиятини компьютерларга юклаш дегани эмас. Хар қан-дай шароитда ҳам (ҳеч бўлмаганда, яқин келажакда) муҳим қарорларни қабул қилиш, таҳлил қилиш, стратегик, тактик лойиҳа ва режаларни ишлаб чиқиш инсоннинг фаолияти доирасида қолади. Компьютерлар ва бошқа замонавий ҳисоблаш, ташкилий техникалари инсон қўлида кўмакчи қурол бўлиб қолади.

Молияни бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимлари таркибий жиҳатдан қуйидаги элементлардан ташкил топади:

- техникавий таъминот;
- дастурий таъминот;
- ахборот таъминоти;
- кадрлар таъминоти;
- меъёрий ва ҳуқуқий таъминот.

Техникавий таъминот бу ушбу тизимда қўлланилаётган барча компьютерлар, ташкилий техникалар (ксерокс, ризограф, сканер, плоттер ва ҳ.к.), телекоммуникацион (телефон, факсимал аппаратлар, модем, электрон алоқа қурилмалари, инфрақизил нур алоқаси қурилмалари ва ҳ.к.) ва шу каби бошқа техникалардан иборат бўлиб, уларнинг техник имкониятлари, эксплуатацион харақтеристикалари ва параметрлари жуда жадаллик билан ривож топмоқда.

АБТ дастурий таъминоти бошқарув тизимида бажариладиган иш фаолиятини акс эттирувчи ва молиявий ҳисоб-китобларни бажаришга мўлжаллаб яратилган махсус амалий дастурлар пакети ёки алоҳида бирон-бир ҳисоб ишини бажаришга мўлжалланган дастурдан иборат бўлиши мумкин. Молиявий ҳисобларни бажаришга мўлжалланган махсус дастурлар ҳам бу ўринда муҳим ўрин тутади, масалан, электрон жадваллар (Excel, Word ва бошқалар).

АБТ ахборот таъминоти молия органларида йиғиладиган, қайта ишланадиган, сақланадиган ҳамда юқори ва қуйи бўғинларга юбориладиган ахборотлар мажмуаси бўлиб, уларнинг тўлиқлиги, тезкорлиги, тўғрилиги муҳим аҳамиятга эга. Масалан, ўрта бўғиндаги молия органи қуйи тизимдаги ташкилотлардан ҳисобот тариқасидаги бухгалтерия, статистик маълумотларни олиб, улар асосида таҳлил қилиши, режалар тузиши, қарорлар қабул қилиши ва юқори органларга ҳисоботлар тақдим этса, юқори органлардан директив харақтердаги маълумотларни қабул қилиши мумкин. АБТда маълумотлар базаси яратилаб, унда барча оператив, ди-

ректив, ҳисоб, ҳисобот, бухгалтерия маълумотлари ўрин олади. Маълумотлар базаси махсус структурага эга бўлиб, айнан маълумотлар сақланадиган ахборотлар банкидан ва ушбу ахборотларнинг маълум бир структурада сақланишини, банкка ахборотларни киритиш, сақлаш, уларни қайта ишлаш каби функцияларни бажаришга мўлжалланган дастурлар мажмуасидан (маълумотлар базасини бошқариш тизими — МББТ) иборат бўлади.

Автоматлаштирилган тизимда кадрлар асосий позицияни эгаллаб, бу тизимдаги барча элементларни бошқариш, қарор қабул қилиш, бошқариш тизимини такомиллаштириш каби асосий фаолиятни олиб боради. Албатта, фан ва техниканинг равнақ топиши билан мос равишда барча молия тизимларида билимдон, замонавий техникалар билан ишлай оладиган кадрлар билан таъминлаш масаласи долзарб бўлиб туради.

Меъёрний ва ҳуқуқий таъминот ушбу тизимни таъкил этиш учун зарур ташкилий ҳужжатлар мажмуасидан иборат бўлиб, уларда АБТни яратиш, уни асослаш, унинг самарадорлигини кафолатлаш бўйича олиб борилган лойиҳавий ишлардан бошлаб, ишланадиган маълумотларнинг компетентлигини, зарур бўлганда сирлигини таъминлаш, уларни ҳимоя қилиш каби муаммолар ҳам ўз аксини топиши мумкин.

4. Бозорга ўтиш шароитида молиявий режалаштиришдаги ўзгаришлар

Давлат ва хўжалик субъектлари молиявий фаолияти молиявий режалаштириш объекти ҳисобланиб, унинг якуний натижаси — айрим муассасалар сметаларини тузишдан давлатнинг умумий молиявий балансигача бўлган молиявий режалаштиришни тузишдан бошланади. Ҳар бир режада маълум давргача даромадлар ва харажатлар, молия ва кредит тизимининг (ижтимоий суғуртага ажратмалар, бюджетга тўловлар, банк кредити тўловлари ва б.) бўғинлари ўртасидаги алоқалар белгиланади.

Молиявий режалар молия тизимининг барча бўғинларига ҳам тааллуқли бўлиб, бунда молиявий режанинг формаси, унинг кўрсаткичлари таркиби молиявий тизимнинг ўша бўғинининг ўзига хос хусусиятларини акс эттиради. Жумладан, тижорат билан шуғулланувчи корхоналар ва ташкилотлар даромадлар ва харажат-

3. Вилоят корхоналари фаолиятини режалаштириш ва прогнозлаштириш муаммолари бўйича реферат ва маъруза тайёрлаш.

Талабаларнинг аудиториядан ташқари мустақил ишлари:

1. Мавзуга доир молиявий тушунчаларни ёзиб чиқинг ва ўрганинг.
2. Ҳозиргача ўрганилган молиявий тушунчаларни қанчалик ўзлаштирганингизни билиш мақсадида ўзингизни синаб кўринг.
3. 1991 йилдан бошлаб молия, молиявий сиёсат, молиявий бошқаришни такомиллаштиришга доир адабиётлар ва матбуотга чиққан мақолалар рўйхатини тузиб чиқинг.
4. 1991 йилдан бошлаб Ўзбекистонда молиявий системага доир қонунлар, фармонлар ва бошқа норматив ҳужжатлар рўйхатини тузиб чиқинг ва уларни музокара қилинг.

Назорат саволлари ва уларни амалга ошириш формалари:

1. Молиявий менежмент таърифини айтиб беринг.
2. Бошқариш жараёнидаги асосий функциялар нималардан иборат?
3. Молияни стратегик бошқаришни ким амалга оширади?
4. Молияни бошқариш методларини доимо такомиллаштириб бориш зарурати нима билан белгиланади?
5. Молияни бошқаришда автоматлаштирилган тизимлар қандай ўрин эгаллайди?
6. Бозор иқтисодиётига ўтишда молияни бошқаришда қандай янги соҳалар шаклланыпти?
7. Бозор иқтисодиёти шароитида молиявий режалаштиришнинг қандай аҳамияти бор?

Мавзуга доир иқтисодий атамалар:

Менежмент. Менежер. Бошқариш. Бошқариш объектлари. Бошқариш субъектлари. Молиявий аппарат. Режалаштириш. Оператив бошқариш. Стратегик бошқариш. Бошқаришнинг автомат-

лаштирилган тизими (БАТ). Смета. Молиявий режа. Даромадлар ва харажатлар баланси. Давлатнинг умумий молиявий баланси. Бюджет. Норматив метод. Баланс методи. Математик моделлаштириш.

2.3-МАВЗУ. МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТ

1. Молиявий назоратнинг моҳияти

Молиявий назорат, бир томондан, молиянинг тугалланган босқичи, иккинчи томондан эса самарали бошқаришнинг зарур шarti ҳисобланади. Молиявий назоратни тушунишнинг мураккаблиги молия категориясининг мураккаблигидадир. Шунингдек, молия ҳар қандай ижтимоий фаолият соҳасининг асоси ҳисобланиши билан бирга у моддий натижани ҳам акс эттиради.

Молиявий назорат — молиявий ресурслар шаклланиши босқичидан токи бу фаолиятнинг молиявий натижасини олишгача зарур бўлган молиявий ресурслар ҳаракати жараёнини ўз ичига қамраб олади.

Молиявий назорат молиянинг назорат функциясини амалга ошириш формасидир. Молиявий назорат бу молиявий ва у билан боғлиқ бўлган хўжалик субъектлари ва уни бошқариш фаолияти билан боғлиқ масалаларни, уни ташкил қилишнинг махсус форма ва методларини қўллаган ҳолда назорат қилишга доир ҳаракат ва операциялар мажмуасидир. Молиявий назоратни амалга ошириш учун юксак малакали ходимлардан иборат махсус назорат органлари тузилади.

Молиявий ресурсларни шакллантириш ва фойдаланишдаги пул, тақсимот жараёни, шунингдек, халқ хўжалигининг барча бўғинлари ва даражаларидаги пул воситалари фонди формаси молиявий назорат объекти бўлади. Молиявий қиймат кўрсаткичлари, яъни фойда, даромадлар, ҚҚС, рентабеллик, таннарх, муомала харажатлари, хар хил мақсадлар ва фондларга ажратмалар молиявий текширишнинг бевосита предмети ҳисобланади. Молиявий назоратнинг соҳаси пулдан фойдаланиш ва баъзи пайтларда бартер алмашинуви билан боғлиқ барча операциялар ҳисобланади.

2. Молиявий назорат органлари

Молиявий назорат органларининг ҳуқуқ ва функциялари конституция томонидан мустаҳкамланган. Давлат тузилиши ва давлатнинг айрим органларининг функциялари билан белгиланган молиявий аппарат таркиби ва структураси унда белгиланган. Давлат молиявий назорати олий органи асосий функциялари парламент ёки улар махсус органлари зиммасига юклатилган. Бу ерда одатда бюджет, молия, солиқ ва молиявий сиёсатнинг бошқа масалалар молиявий масалалар бўйича комиссия ёки комитет зиммасига юклатилиб, улар молиявий қонунчилик нормаларига риоя қилиниши, ҳокимият ижроия органлари молиявий сиёсатини амалга ошириш ва улар асосий инструменти — давлат бюджетининг бажарилишини назорат қиладилар.

Давлатнинг оператив молия назорати молия вазирлиги ва бошқа давлат молия органлари томонидан амалга оширилади.

Молиявий назоратни амалга оширишда давлат солиқ хизмати ва унинг маҳаллий органлари томонидан амалга оширилади. Давлат солиқ инспекцияси солиқ тўлаши лозим бўлган барча юридик шахслар ва жисмоний шахсларнинг солиқларни ва бошқа тўловларни тўғри ҳисоблаш, ўз вақтида бюджетга тўланишини назорат қилиб турадилар. Солиқ инспекцияларига жуда катта ҳуқуқлар берилган. Улар пул ҳужжатлари, бухгалтерия ҳисоблари ва бошқа ҳужжатларни текширадилар. Зарур ҳужжатларни тушунтиришни талаб қилишга ҳақлидирлар. Агар бухгалтерия ҳужжатларининг декларациялари ўз вақтида тақдим этилмаса, солиқ инспекциялари корхоналар фаолиятини тўхтатиш ҳуқуқига эгадирлар.

3. Молиявий назоратни ташкил этиш ва унинг самарадорлигини ошириш йўллари

Молиявий назорат жамият иқтисодий ҳаётининг ҳар хил соҳаларидаги мураккаб ва кўп қиррали вазифаларни ва хўжалик бошқаришининг ҳар хил даражаларида ҳал этилади, бу эса уни ташкил этиш учун талаблар бўлишини тақозо этади.

Молиявий назорат амалга оширадиган субъектга боғлиқ равишда давлат, хўжалик ичидаги, ижтимоий ва мустақил (аудитор) молиявий назоратларга бўлинади.

Давлат молия назорати умумдавлат ва ведомство назорати ор-

қали амалга оширилади. Умумдавлат молия назорати давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан амалга оширилади. У объект қайси ведомствога бўйсинишидан қатъий назар барча объектлар назорат қилинади. Ведомостли молиявий назоратни эса вазирлик, концерн, ҳокимият маҳаллий органлари бошқармаларининг назорат-тафтиш бўлимлари ўтказиши.

Ички хўжалик молиявий назорат корхона, ташкилот ва муассасаларнинг иқтисодий хизмати (бухгалтерия, молия бўлимлари ва б.) орқали амалга оширилади. Бу ерда шу корхонанинг ишлаб чиқариш ва молиявий фаолияти, шунингдек, уларнинг структура бўлимлари назорат объекти бўлиб хизмат қилади.

Жамоат молиявий назоратни ихтиёрий ва ҳақ олмаслик асосида айрим жисмоний шахслар (мутахассислар) ва гуруҳлар олиб боради. Бунда текширувчи олдига қўйилган конкрет вазифалар назорат объекти бўлиши мумкин.

Мустақил молиявий назоратни эса аудиторлик фирмалари ва хизматларининг мутахассислари олиб боради.

Текшириш формасига қараб молиявий назорат дастлабки, жорий ва кейинги назоратларга бўлинади.

Дастлабки молиявий назорат корхона молиявий режаси, корхона ва ташкилотлар даромадлари ва харажатларини, бюджет лойиҳасини, шартнома келишувлари матнларини, таъсис ҳужжатлари ва бошқаларни тузиш, қараб чиқиш ва тасдиқлаш босқичида амалга оширилади. У эса моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларни нотўғри ва норационал харажат қилиш ҳолатларини бартараф қилишга ва умуман хўжалик фаолиятидаги салбий молиявий натижаларнинг олдини олишга имкон беради.

Жорий молиявий назорат молиявий режани бажариш жараёнида олиб борилади, бунда корхонада олиб борилаётган хўжалик-молиявий операциялар, яъни пул маблағлари ва товар-моддий бойликларни харажат қилиш нормалари ва нормативларига риоя қилинаётганлиги, илгари берилган ресурслар қандай фойдаланилаётганлиги текширилади.

Кейинги молиявий назорат умуман молиявий йил ва ҳисобот даври тугагандан кейин олиб борилади.

Молиявий назоратни текшириш усули бўйича, яъни уни амалга ошириш усуллари ва методлари бўйича у текшириш, тадқиқот қилиб кўриш, таҳлил ва тафтиш қилишдан иборат бўлади.

4. Аудиторлик назоратнинг шаклланиши ва тараққий этиши

Корхоналар ўртасида, шу жумладан, халқаро миқёсда горизонтал хўжалик алоқаларининг, банк ва суғурта ишида тижоратчилик структураларининг кенг ривожланиши улар молиявий ҳолатига объектив ва асосланган баҳо бериш талабини амалга оширишни тақозо этади. Бу вазибаларни ҳал этишда аудиторлик институтлари катта роль ўйнайди.

Аудитор — давлат хизматчиси эмас, балки молия, ҳисоб ва назорат соҳасидаги юқори малакали мутахассис, мустақил бухгалтер-тафтишчидир. Улар аудиторлар ассоциациясига бирлашган бўлиб, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, шунингдек, аудиторлар касбий даражаси ва билимининг юқори даражадаги сифатини назорат қилишга ёрдам бериши лозим.

Аудиторнинг икки тури — ташқи ва фирма ичидаги тури биридан фарқ қилинади.

Ички аудит фирма ичидаги аудиторлик хизмати томонидан амалга оширилади. У корхонанинг молиявий ва хўжалик фаолиятини такомиллаштириш, унинг фойдаси ва рентабеллигини максималлаштириш соҳасидаги бошқариш қарорлари самарадорлигини оширишга қаратилгандир.

Ташқи аудитни давлат солиқ ва бошқа органлари, корхоналар, банклар, чет эллик шериклар, акционерлар, суғурта ташкилотлари ва бошқаларнинг талаблари билан махсус аудиторлик фирмалари хўжалик шартномаси асосида амалга оширади.

Аудиторлик хизмати кўпгина ривожланган мамлакатларда, жумладан, АҚШ, Буюк Британия, Германияда кенг тараққий этган бўлиб, Ўзбекистонда молиявий назоратни ташкил этишнинг янги формаси сифатида аудиторлик хизмати жаҳон андозалари асосида ўзининг биринчи қадамларини қўймоқда.

Маърузанинг тавсия этиладиган намунавий режаси:

1. Молиявий назоратнинг моҳияти.
2. Молиявий назорат органлари.
3. Молиявий назоратни ташкил этиш ва унинг самарадорлигини ошириш йўллари.
4. Аудиторлик назоратининг шаклланиши ва тараққий этиши.

Семинарнинг намунавий режаси:

1. Молиявий аудит ва унинг аҳамияти.
2. Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида Ўзбекистонда аудиторлик хизматининг шаклланиши ва тараққий этиши.
3. Ҳозирги шароитда Ўзбекистонда аудиторлик хизматини ривожлантириш муаммолари.

Адабиётлар:

- И.Каримов.* Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент, 1998.
- И.Каримов.* Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент, 1995.
- И.Каримов.* Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Тошкент, 1993.
- Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. Тошкент, 1997.
- Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р.* Экономикс.М., «Дело» ЛТД, 1993.
- Самуэльсон П., Нордхаус В.* Экономика. М., 2000.
- Н.Григори Менкью.* Принципу экономикс. Санкт-Петербург, 1999.
- Шодмонов Ш. ва б.* Иқтисодиёт назарияси. Тошкент, 2002.
- Финансы и кредит. А. Ю. Казаков таҳрири остида. Екатеринбург, 1994.
- Финансы. Учебное пособие. Под. ред. В.М. Родионовой. М., 1995.
- Г. И. Рузавин.* Основы рыночной экономики. М., 1996.
- Общая экономическая теория. М., 1995.
- Общая финансовая теория. М., 1997.
- Ҷен.* Пул ва молия бозорлари. Тошкент, 1997.
- Абдуллаев Ё.* Пул. 100 савол ва жавоб. Тошкент, 1998.
- Абдуллаев Ё.* Кредит. 100 савол ва жавоб. Тошкент, 1997.
- Финансы. Под руководством А. М. Ковалёвой. М., 1999.
- А. Д. Шеремет, Р. С. Сайфулин.* Финансы предприятий. М., 1999.
- Н. Ҳайдаров.* Молия. Тошкент, 2001.

Реферат ва маъруза мавзулари:

1. Ўзбекистонда аудитор назоратининг шаклланиши ва тараққий этиши.
2. Бозор муносабатларига ўтишда молиявий назорат нима учун зарур?
3. Аудитнинг умумий режаси ва аудитнинг дастури.

Талабаларнинг аудиториядан ташқари мустақил ишлари:

1. Молиявий назоратнинг турлари, формалари ва методларини акс эттирувчи схема тузиб чиқинг.
2. Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида ишлаб чиқариш самардорлигини оширишни таъминлашда молиявий назоратнинг актив ролини кўрсатувчи материалларни тўпланг ва дафтарингизга ёзинг.

Назорат саволлари ва уларни амалга ошириш формалари:

1. Бозор муносабатларига ўтишда нима учун молиявий назорат зарур?
2. Молиявий назоратнинг аудиторлик формаси хусусиятлари нималардан иборат?
3. Аудит нима, унинг турлари, мақсади ва вазифаларини айтиб беринг?

Мавзуга доир иқтисодий атамалар :

Аудит. Аудит назорати. Аудитор. Ички фирма аудити. Ташқи аудит. Молиявий экспертиза. Аудитор фирмаси. Молиявий назорат. Молиявий интизом. Давлат молиявий назорати. Ички хўжалик молиявий назорати. Мустақил молиявий назорат. Текшириш, таҳлил, тафтиш. Солиқ инспекцияси.

III БЎЛИМ. МОЛИЯНИНГ МИКРОИҚТИСОДИЙ ДАРАЖАДА АМАЛ ҚИЛИШИ

3.1-МАВЗУ. ФАОЛИЯТНИНГ ТУРЛИ СОҲАЛАРИДА МОЛИЯНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ АСОСЛАРИ

1. Молияни ташкил қилиш принциплари

Корхоналар молияси халқ хўжалик молия структурасида муҳим ўринни эгаллайди. Чунки у ижтимоий ишлаб чиқаришнинг асосий

бўғинида хизмат қилади. Бу бўғинда моддий ва номоддий неъматлар яратилади ва мамлакат молиявий ресурсларининг асосий мас-саси шаклланади.

Маълумки, ижтимоий ишлаб чиқариш икки катта соҳага бўлинади: моддий ишлаб чиқариш ва номоддий ишлаб чиқариш. Биринчи соҳанинг хусусияти шундан иборатки, товарлар ишлаб чиқарилади, иккинчи соҳада эса ҳар хил хизматлар кўрсатилади. Ишлаб чиқариш соҳасига корхоналар, бирлашмалар киради, иккинчи соҳа эса муассаса, ташкилотлар ва бошқа структуралардан иборат бўлади.

Моддий ишлаб чиқариш тармоқларида турли-туман характердаги молиявий муносабатлар вужудга келади. Улар қуйидагилардир:

1. Биринчи даромад шаклланиши, моддий ишлаб чиқаришнинг хўжалик тармоқларида фойдаланиш билан боғлиқ ички хўжалик мақсадидаги фондлар — устав фонди, ишлаб чиқаришни ривожлантириш фонди, рағбатлантириш фонди ва бошқалар;

2. Корхоналар ўртасида тақсимот характерида вужудга келадиган молия муносабатлари (агар улар айирбошлашда хизмат қилмаса). Бу пул муносабатлари асосидаги молиявий ресурслар ҳаракати процентсиз формада амалга ошади, яъни шартнома мажбуриятларини бажармаганда жарима тўлаш, ҳар хил бирлашма аъзолари томонидан пай взнослари тўлаш, уларнинг корпорациялар фойдасини тақсимлашда иштирок этишлари, бошқа корхоналар акция ва облигациялари маблағларини инвестиция қилиш, улардан дивидент ва процентлар олиш формаларида амалга ошади.

3. Ҳар хил суғурта фондларини шакллантириш билан боғлиқ ҳолда корхоналар билан суғурта ташкилотлари ўртасида шаклланивчи молиявий муносабатлар.

4. Банк ссудалари олиш ва вақтинча бўш турувчи маблағларини банкларга қўйиш билан боғлиқ ҳолда корхоналар билан банклар ўртасидаги муносабатлар.


5. Бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар шаклланиши ва фойдаланиши билан боғлиқ ҳолда корхоналар билан давлат ўртасидаги муносабатлар.

6. Корхоналар билан юқори бошқариш структуралари ўртасидаги муносабатлар.

Юқоридаги пул муносабатлари турлари корхоналар молияси-

нинг мазмунини ташкил қилади. Корхоналар молияси умуман молия категорияларига хос бўлган белгилар ва моддий ишлаб чиқариш хусусиятлари билан боғлиқ ўзига хос белгиларга ҳам эга бўлади. Жумладан, корхоналар хўжалик юритишнинг бошланғич бўғини бўлганлиги туфайли асосий иқтисодий жараёнлар унда ўтади, жамиятнинг иқтисодий структураси пойдевори шаклланади. Моддий ишлаб чиқаришдаги молиявий муносабатлар халқ хўжалигининг бутун молиявий тизими алоқаларида жуда катта таъсир кўрсатади.

Моддий ишлаб чиқаришда такрор ишлаб чиқариш жараёнининг барча фазалари – бевосита ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истемол бир-бири билан қўшилиб кетади. Корхоналарда молия ёрдамида хизмат кўрсатиш учун мақсадли ҳар хил пул фондлари шаклланади:



Бу ерда ишлаб чиқаришдаги авансланганган қийматнинг икки қўшни доиравий айланиши ўртасидаги молиявий муносабатлар яққол кўриниб турибди. У, умуман такрор ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини таъминлайди. Молия туфайли Т-П ва П-Т актининг бирлиги таъминланади: ишлаб чиқарувчи ўз товарига пул олганда, товари ижтимоий тан олинади, бу пулни мақсадли пул фондлари яратиш мақсадида тақсимлайди, бу фондларни

харажат қилиб, ишлаб чиқариш жараёнини давом эттириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш воситалари сотиб олиш имконига эга бўлади. Шундай қилиб, молия ёрдамида хўжалик субъектининг ҳар хил эҳтиёжларини қондириш учун шарт-шароит яратилади.

Мулкчилик ҳар хил формада бўлиши мумкин, тармоқларнинг хусусиятлари, табиий-иқлимий омиллар ҳаракати ҳам молиявий алоқаларга, муносабатларга таъсир кўрсатади, уларни янада турли-туман бўлишига олиб келади. Ана шу асосда молиявий-моддий ишлаб чиқаришнинг биринчи, ўзига хос белгиси вужудга келадики, у кўпқиррали, молиявий муносабатлар формаларининг турли-туманлигида кўринади.

Маълумки, ишлаб чиқариш жараёнининг моддий асосини ишлаб чиқариш фондлари ташкил қилади. Маълум мақсадли пул фондлари ишлаб чиқариш фондларининг доиравий айланишига хизмат қилади.

Ишлаб чиқариш фондларининг узлуксиз шаклланиши туркумланилиши ва кўпайиб бориши моддий ишлаб чиқаришдаги иккинчи белгисидир.

Ишлаб чиқаришда яратилган қиймат реализация қилинган тақсимланади. Натижада меҳнатга ҳақ тўлаш фондиди шакллантириш, соф даромадни тақсимлаш ва фойдаланиш бўйича молиявий муносабатлар вужудга келади.

Фойда формасини олган соф даромад ҳисобидан моддий ишлаб чиқариш тармоқларида:

- а) ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш фондлари;
- б) ишловчиларни рағбатлантириш фондлари;
- в) резерв фондлар ташкил этилади.

Солиқ тўловлари, ижтимоий суғуртага ажратмалар ва бошқалар орқали соф даромад, умумдават пул фондлари, бюджет, нафақа, ижтимоий суғурта ва бошқалар ташкил топишининг манбаи бўлиб хизмат қилади. Демак, моддий ишлаб чиқаришдаги молиянинг учинчи белгиси — бу мамлакатнинг бутун молиявий тизимининг асоси бўлиб хизмат қилишидир.

Моддий ишлаб чиқаришда вужудга келган молиявий ресурслар капитал қўйилмаларни молиялаштиришда, корхоналарни янги техника билан жиҳозлашда, ишлаб чиқаришда яхши нагижаларни иқтисодий рағбатлантириш имконини беради. Демак, моддий иш-

лаб чиқаришдаги молия янги қиймат яратиш жараёнига хизмат қилади, ишлаб чиқариш фондлари доиравий айланиш узлуксизлигининг зарур шартни ҳисобланади.

Шундай қилиб, моддий ишлаб чиқариш молиясининг тўртинчи белгиси — ҳўжалик юритишнинг барча томонларига, ишга таъсир кўрсатиш имконияти, унинг юқори даражада фаоллигидир.

Номоддий ишлаб чиқариш соҳаларида ҳам турли-туман характердаги молиявий муносабатлар вужудга келади.

Моддий ишлаб чиқаришнинг барча корхоналарида, шунингдек, номоддий соҳаларда ҳам бозор иқтисодиёти шароитида коммерция (ғижорат) ҳисоби асосида фаолият юритилади.

Номоддий соҳаларнинг айрим муассасалари нотижорат фаолияти юритади.

2. Мулкни давлат тасарруфидан чиқаришда молиянинг роли

Бозор иқтисодиёти — бу кўп укладли иқтисодиёт бўлиб, мулкчиликнинг барча формалари — давлат, хусусий, акционер, кооператив, ширкат ҳўжаликлари ҳамда бошқалар бўлиб, уларнинг ҳаммаси бир хил ҳуқуққа эга. Мулкчиликнинг турли-туманлиги, улар ўртасидаги рақобат самарали иқтисодиёт яратиш имконини беради.

Бозор иқтисодиёти истеъмолчи манфаатига қаратилган, у ишлаб чиқариш эмас, охир-оқибатда инсон манфаатига йўналтирилган. Аммо давлат мулки аввалгидек қолса, бозор типидagi иқтисодиётга ўтиб бўлмайди, чунки у ҳар хил мулкчиликни тақозо этади. Шу боисдан мулкни (бошқа мулк формаларига ўтказиш) давлат тасарруфидан чиқариш лозим.

Давлат тасарруфидан чиқариш — бу давлат мулкни бошқа мулк формаларига айлантиришидир. Агар давлат мулкни хусусий мулк қилиб фуқароларга берилса, ёки акционер жамиятга айлантирилса, у приватизация бўлади. Бундан ташқари, давлат тасарруфидан чиқариш формаларига — ижара, жамоа эғалигига айлантириш ҳам киради.

Давлат тасарруфидан чиқариш жараёни кўпгина муҳим масалаларни — давлат тасарруфидан чиқариш масштаби ва принциплари, унинг формалари, муддатлари, унинг молиявий томонлари кабиларни ҳам ўз ичига олади.

Шу боисдан давлат мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва

унинг бошқа формаларига ўтказиш зарур. Агар давлат ёки муниципал корхоналарни фуқаролар ва хусусий мулкчилар олса, ёки акцияли жамият ташкил топса юқорида таъкидланганидек, бу приватизация ёки хусусийлаштиришдир. Давлат тасарруфидан чиқарилган формаларга ижара, жамоа — улушига эга бўлган формалар ҳам бор.

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг бош мақсади ижтимоий ишлаб чиқаришни бошқаришнинг шундай системасини яратиш керакки, у самарадорликнинг ўсиши ва ривожланишига ёрдам берсин.

Хусусийлаштириш ҳар хил усуллар билан бепул, корхоналарни сотиш, акцияли жамиятлар ташкил этиш, корхона мулкларини ижарага бериш, ширкатлар, пайчилик асосида кооперациялар тузиш орқали амалга оширилади.

Хусусийлаштириш жараёнида молия икки хил рол ўйнайди: а) хусусийлаштирилган объектлардан тушган маблағларни ҳар хил даражадаги бюджет фондларига ўтказиш; б) хусусийлаштиришни ўтказиш учун зарур бўлган ресурсларни сафарбар қилиш имконини беради.

Хусусийлаштиришдан тушган маблағлар корхоналарни хусусийлаштириш давлат программасида белгиланган нормативлар асосида ҳар хил даражадаги бюджетларга тушади.

Хусусийлаштиришда ҳар хил молиявий манбалардан фойдаланилади: меҳнат коллективлари, аҳоли, юридик шахслар, хусусий шахслар: маблағлари.

Молиявий манбалар таркибига қуйидагилар киради: а) фуқаролар ўртасида тақсимланадиган иқтисодий рағбатлантириш фонди маблағлари; б) фуқароларнинг шахсий жамғармалари; в) юридик шахсларнинг маблағлари; г) заём (кредит) маблағлари.

Шу боисдан Ўзбекистонда бу масалаларга катта эътибор берилмоқда.

3. Молияни ташкил этишда тармоқларнинг хусусиятлари ва хўжалик юритишнинг ташкилий-ҳуқуқий формаларининг таъсири

Корхоналарни хусусийлаштириш хўжалик юритишнинг ҳар хил ташкилий-ҳуқуқий формалари вужудга келишини тақозо этади, чунки корхоналарнинг ҳар хил турлари — хусусий, коопера-

тив, ижара, акционер ҳам бошқалар фаолият кўрсата бошлайди.

Уларнинг ҳаммаси тижорат фаолияти билан шуғулланиш соҳасида бир хил ҳуқуқга эга, бозор қонунларига риоя қилишда ҳам уларга бир хил талаб қўйилади. Аммо уларнинг ташкилий ҳуқуқий статуслари ҳар хил бўлгани туфайли улар молиясини ташкил этишда — янги устав фонди манбалари ва шаклларининг таркиби, фойдани тақсимлаш тизими, бюджет билан ўзаро муносабатларига маълум даражада таъсир кўрсатади.

Ҳозирги қонунчиликка мувофиқ мамлакатимизда хусусий корхоналар (индивидуал ва оилавий) ва ҳар хил ширкат формалари вужудга келмоқда. Хусусий мулкчи корхонанинг ягона эгаси, у ўз фирмасининг устав фондиди ташкил қилади, ўзининг барча мулклари, унинг тўғрисида тўла жавоб беради. Яъни энг кўп даражадаги хавф-хатарли корхона ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти шароитида қўйилган капитални учун унча кўп даромад олмалиги ҳам мумкин, у рақобат курашида эса ёрдам бериши ва бу курашда енгиб чиқиши лозим.

Ғарбда хусусий тадбиркорлик тизимида кичик бизнес асосий ўринни эгаллаб, у майший хизмат соҳалари, ремонт-қурилиш ишлари, чакана ва улгуржи савдо, маҳаллий ҳунармандчилик, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини қамраб олган.

Ширкат — бу бир неча шахс ёки юридик шахс бирлашмаси бўлиб, улар ўзаро хўжалик фаолияти учун тузилган битим асосида иш юритадилар. Ширкатлар ҳар хил бўлади. Уларнинг ташкилий ҳуқуқий формалари мулкларни умумлаштириш даражасига боғлиқ бўлади. Тўлиқ ширкатда ширкат мажбуриятларига мувофиқ унинг барча қатнашчилари чекланмаган даражада ўз мулки учун жавобгардирлар. Унинг мулки қатнашчиларнинг олган даромадларидан ажратган маблағлари ва бошқа хусусий манбалар ҳисобига шаклланади ва ширкат аъзолари бу мулкка қўшган ҳиссаларига асосан даромад оладилар. Тўла ширкатда юридик шахс бўлмайди, чунки уларда фойда ва зарарлар ҳисобга олинмайди. Солиқ эса ҳар бир аъзонинг олган даромадига қараб олинади.

Аралаш ширкатда мулк устидан тўла жавобгар бўлган ҳақиқий аъзолар ва пай взносларига мувофиқ чекланган ширкат аъзолари бўлади.

Чекланган жавобгарликда бўлган ширкатларда юридик шахс билан бир қаторда ўз устави ҳам бўлади. Уни ёпиқ турдаги акци-

онер жамияти ҳам дейилади. У ҳар хил ташкилий-ҳуқуқий формада тузилади: кооператив, жамоа ва ижара корхоналари. Хўжалик юритишнинг юқоридаги формаларидан ташқари давлат ва муниципал корхоналар мавжуд.

Давлат секторида ҳар хил типдаги корхоналар (ташкilotлар) дан фойдаланилади:

1. Почта ва алоқа муассасалари, миллий матбуот, музейлар, мактаблардан иборат давлат органларини бошқаришда оддий маъмурий тартиб қўлланилади. Уларнинг маблағлари бюджет ҳисобидан (алоҳида фондлардан) амалга оширилади. Бу ташкilotларнинг қўпчилиги юридик шахс ҳисобланади.

2. Капитали тўлиқ давлат ихтиёрида бўлган формалар, аммо уларнинг фаолиятида хусусий ҳуқуқ амал қилади. Масалан, аэропортни бошқариш, денгиз портлари, ўрмонларни бошқариш одатда бундай компаниялар умумий мулкнинг бу тармоғида монопол мавқега эга.

3. Жамиятнинг аралаш иқтисодиёти формаларида давлат акцияларининг йирик эгаси ҳисобланади. Давлат корхоналарининг конкрет турлари, уларнинг структураси, ишлаб чиқаришнинг реал имкониятлари, хўжаликни самарали ташкил этиш вазифаларига боғлиқ бўлади.

Хўжалик юритишнинг ташкилий-ҳуқуқий формалари асосан қуйидагилардан иборат:

— хусусий мулк (индивидуал ва оилавий) хусусий корхоналар ва ширкатларнинг ҳар хил формалари (тўлиқ ширкат, аралаш ширкат, жавобгарлиги чекланган ширкатлар);

— жавобгарлиги чекланган ширкатлар ҳар хил ташкилий ҳуқуқий формаларда тузилади: кооперативлар, ижара корхоналари;

— давлат ва муниципал корхоналар.

Хўжалик юритиш ташкилий-ҳуқуқий формалар корхоналар молиясини ташкил этишда катта роль ўйнайди.

Давлат корхоналарининг конкрет турлари, уларнинг структурасини ишлаб чиқаришнинг реал эҳтиёжлари, самарали хўжалик юритиш вазифалари такозо этади. Аммо давлат ва муниципал корхоналарни сақлаб қолиш зарурлигини тан олиш билан бирга, бозор иқтисодиёти шароитида корхоналар чинакам озод, мустақил бўлишлари, қабул қиладиган ҳамма масалаларда тўла жавобгар бўлишлари лозим.

Корхоналар молиясини ташкил этишда хўжалик юритишнинг ташкилий-ҳуқуқий формалари, субъект фаолиятининг характери ва соҳасигина эмас, балки корхона фаолият кўрсатаётган халқ хўжалиги соҳаси ҳам, молиявий хусусияти ҳам таъсир қилади. Молия тақсимлаш муносабатларининг кўп жиҳатларини ифода этса-да, тармоқ хусусиятларини, ишлаб чиқариш характери ва техника билан қуролланиш даражасини, қилинган харажатлар таркиби ва структурасини, технологик жараён хусусиятлари х. б. акс эттира олмайди. Аммо оборот тезлигига, фойдани тақсимлаш системасига, пул фондларининг шаклланиши ва ишлатилиши, бюджет ва бошқа ўзаро муносабатларда биринчи навбатда таъсир қилади.

Корхоналар молиясини ташкил этишда тармоқларнинг хусусиятлари ҳам таъсир кўрсатади.

1. Ишлаб чиқариш фондларининг структураси ва таркибига, ишлаб чиқаришнинг моддий-техникавий қуролланиш даражаси, оборот воситаларининг структураси ва турлари, ишловчиларининг малакаси ва даражаси ва бошқа ҳар хил тармоқлардаги меҳнат корхоналари ва технологиялардаги фарқлар ҳам таъсир кўрсатади. Булар эса молиявий ресурсларни шакллантириш манбалари, фойдани тақсимлаш системаси, яхши меҳнатни молиявий рағбатлантириш механизмини яратишга ҳар хил муносабатда бўлишни тақозо этади.

2. Ишлаб чиқариш цикли муддати ҳар хил ва ишлаб чиқариш харажатларининг ўсиб бориш характери ҳам ҳар хил. Бу фарқлар аввало оборот воситалари ташкил топиши манбаи, структураси ва ҳажмининг, банклар билан шерикчилик муносабатлар, бюджет молиявий мажбуриятларни бажариш тартиби ва муддати, молиявий имтиёзлар таркиби ҳар хиллигида ҳам кўринади.

3. Ишлаб чиқаришнинг маҳсулот миқдори ва сифатида, уни ишлаб чиқариш учун харажатлар даражаси, корхоналар фаолияти молиявий натижаларига таъсир қилувчи табиий ва иқлим омилларига ҳам боғлиқлиги.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши, капитал қурилиш кабиларда бу омиллар фойдани тақсимлашнинг алоҳида системасини, корхоналарнинг бюджет билан ўзаро алоқаларида алоҳида формаларни белгилашни тақозо этади.

4. Хўжалик юритишнинг иқтисодий шарт-шароитлари рента

характеридаги даромад олиш имконияти билан ҳам боғлиқ. Бу эса солиқ рычагларида фойдаланиш орқали молиявий тартибга солишнинг махсус механизмини тақозо этади.

5. Ишлаб чиқариш ва инфраструктурали тармоқларнинг хўжалик юритиш, иқтисодий шароитлари ҳар хил бўлиб, у молиявий ресурслар шаклланиши манбалари, улардан фойдаланиш формалари, бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар билан ўзаро муносабатларда кўринади.

Маърузанинг тавсия этиладиган намунавий режаси:

1. Фаолиятнинг турли соҳалари молиясининг мазмуни.
2. Тижорат ҳисоби асослари.
3. Мулкни хусусийлаштиришда молиянинг роли.
4. Молия ташкил қилишда тармоқларнинг хусусиятлари ва хўжаликнинг ташкилий, ҳуқуқий формаларининг таъсири.

Семинарнинг намунавий режаси:

1. Ижтимоий ишлаб чиқариш соҳалари ва улардаги молиявий муносабатлар.
2. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва унинг босқичлари. Бизнес фондининг тузилиши.
3. Турли мулк шакллари, хўжалик юритишнинг турли ташкилий-ҳуқуқий шакллари пайдо бўлиши.

Адабиётлар:

- И.Каримов.* Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент, 1998.
- И.Каримов.* Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент, 1995.
- И.Каримов.* Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Тошкент, 1993.
- Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р.* Экономикс.М., «Дело» ЛТД, 1993.
- Самуэльсон П., Нордхауэс В.* Экономика. М., 2000.
- Н.Григори-Менкью.* Принципы экономикс. Санкт-Петербург, 1999.
- Шодмонов Ш. ва б.* Иқтисодиёт назарияси. Тошкент, 2002.
- Финансы и кредит. Под. ред. А.Ю.Казаков. Екатеринбург, 1994. Глава 1.
- Финансы. Учебное пособие. Под. ред. В.М.Родионовой. М., 1995. Глава 2.
- Г. И. Рузавин.* Основы рыночной экономики. М., 1996.

- Общая экономическая теория. М., 1995. 36-боб,
Общая финансовая теория. М., 1997.
Чжен. Пул ва молия базалари. Тошкент, 1997.
Абдуллаев Ё. Пул. 100 савол ва жавоб. Тошкент, 1998.
Абдуллаев Ё. Кредит. 100 савол ва жавоб. Тошкент, 1997.
Финансы Под руководством А.М.Ковалёвой. М., 1999.
А. Д. Шеремет, Р. С. Сайфулин. Финансы предприятий. М., 1999.
Н.Хайдаров. Молия. Тошкент, 2001.

Реферат ва маъруза мавзулари:

1. Ҳар хил фаолият соҳалари молияси мазмуни ва уларни ташкил этиш принциплари.
2. Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида Ўзбекистондаги ҳар хил фаолият соҳалари молиясида юз бераётган ўзгаришлар.

Талабаларнинг аудиториядан ташқари мустақил ишлари:

1. Корхона молиясининг тижорат ҳисоби асосида ташкил этилишини таққослаб кўринг.
2. Ўз туманингиз ва вилоят бўйича хусусийлаштиришга доир материалларни тўпланг ва таҳлил килинг.
3. Мавзуга доир иқтисодий атамаларни тўпланг ва ўрганинг.

Назорат саволлари ва уларни амалга ошириш формалари:

1. Мамлакат молиявий системаси мажмуида корхона молиясининг тутган ўрни.
2. Корхоналар молиясини ташкил этишда қандай омиллар таъсир кўрсатади?
3. Моддий ишлаб чиқариш молиясига тегишли ўзига хос хусусиятларни очиб беринг.
4. Номоддий соҳалар молияси хусусиятлари қандай?
5. Мавзуга доир иқтисодий атамаларни талабалар қанчалик даражада ўзлаштирганлигини аниқлаш.

Мавзуга доир иқтисодий атамалар:

Корхона молияси. Моддий ишлаб чиқариш. Номоддий ишлаб чиқариш. Моддий ишлаб чиқариш структураси. Номоддий ишлаб чиқариш структураси. Ички хўжалик мақсадидаги фондлар. Устав фонди. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш фонди. Рағбатлантириш фонди. Дивидент. Процент. Такрор ишлаб чиқариш жараёни фазалари. Ишлаб чиқариш. Таксимлаш. Айирбошлаш. Истеъмол. Ишлаб чиқариш фондлари. Ноишлаб чиқариш фондлари. Тижорат ҳисоби. Молиявий мустақиллик. Инновация фаолияти. Аукцион. Ёпик тендер. Хусусий корхоналар. Ижара. Ижара корхоналари. Акционер жамияти.

3.2-МАВЗУ. ТИЖОРАТЧИЛИК АСОСИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТУВЧИ КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР МОЛИЯСИ

1. Корхоналарнинг молиявий ресурслари, бозор шароитида улардан фойдаланиш хусусиятлари

Корхоналарнинг молиявий ресурслари — бу хўжалик субъекти ихтиёрида бўлган пул даромадлари ва тушумлари (маблағлари) бўлиб, улар молиявий мажбуриятларни бажариш учун, кенгайган такрор ишлаб чиқариш ва тўловларни иқтисодий рағбатлантириш учун мўлжаллангандир. Молиявий ресурсларни шакллантириш ўз маблағлари, молиявий бозордаги ресурсларни жалб қилиш, қайта тақсимлаш тарзида молия банк тизимининг пул маблағлари тушумлари ҳисобидан шаклланади.

Молиявий ресурсларнинг дастлабки шаклланиши корхона, муассасаларнинг устав фонди ташкил топиши билан амалга ошади. Унинг манбалари акционер капитали, кооператив аъзоларининг пай взнослари, узоқ муддатли кредитлар, бюджет маблағларидир. Устав фондининг ҳажмини ишлаб чиқариш жараёнидаги асосий ва айланма пул маблағлари белгалайди.

Корхона маҳаллий ҳокимият томонидан давлат регистрациясидан ўтказилгандан кейин ташкил топган ҳисобланади ва юридик шахс ҳуқуқига эга бўлади. Амалдаги корхонанинг молиявий ресурсларининг асосий манбаи реализация қилинган маҳсулот (кўрсатилган хизмат) қиймати бўлиб, у тушган маблағни тақсимлаш жара-

ёнида пул даромадлари ва жамғарма формасини олади. Молиявий ресурслар асосан фойда ва амортизация ажратмалари ҳисобидан шаклланади. Давлат мулкани хусусийлаштириш натижасида молиявий ресурсларнинг яна бир манбаи — меҳнат жамоаси аъзоларининг пай взнослари ҳам пайдо бўлди.

Акциялар, облигацияларни молия бозорида сотиш ҳам, кредит инвестициялари ҳам муҳим молиявий ресурс ҳисобланади.

Корхоналар молиявий ресурслардан фойдаланиш қуйидаги йўналишларда амалга оширилади:

1. Молиявий мажбуриятларни бажарганлиги учун молия — банктизими органларига тўловлар. Бунга бюджетга солиқ тўловлари, кредитдан фойдаланганлиги учун банкка процент тўлаш, илгари олган ссудага тўлов, суғурта тўловлари ва бошқалар.

2. Ишлаб чиқаришни кенгайтириш, уни техник янгилаш билан боғлиқ капитал харажатларини маблағ билан инвестиция қилиш.

3. Бозордан олинган қимматбаҳо қоғоздаги молиявий ресурсларни инвестиция қилиш.

4. Рағбатлантириш ва ижтимоий характердаги пул фондларини шакллантириш.

5. Ҳомийлик хайрия мақсадларидаги молиявий ресурслардан фойдаланиш.

Бозорга ўтиш билан корхоналар молиявий ресурсларида қуйидаги ўзгаришлар юз беради — хўжалик юритишнинг бозор шароитида ўтгангача корхоналар молиявий ресурсларини пул маблағларини тармоқ ичида қайта тақсимлаш ва бюджетдан молиялаштириш асосида олар эди.

Аммо хўжалик юритишнинг бозор принциплари корхоналарнинг бошқа структуралари билан молиявий ўзаро алоқаларида икки хил муҳим ўзгариш юз беради: 1) суғурта операцияларнинг ривожланиши ва 2) қайтарилмаслиги шарти билан бериладиган ассигнация соҳаси тубдан қисқаради.

Бозор шароитида корхоналар қуйидагилардан иборат молиявий ресурсларни олиши мумкин:

— корхона кирган ассоциация ва концерндан, агар унда пул фондларидан фойдаланиш кўрсатилган бўлса;

— юқори ташкилотлардан — тармоқ структураси сақланган бўлса;

— давлат бошқарув органларидан харажат йўналишлари қатғиқ чекланган бюджет субсидиялари кўринишида.

Шунингдек, бозор шароитида қимматли қоғозлар бозорида молиявий ресурсларининг қуйидаги турлари: бошқа эмитентларнинг қимматли қоғозлари учун дивидент ва процентлар ҳамда молиявий операцияларни ўтказишдан келган фойда каби турлари пайдо бўлади.

Молиявий ресурслардан фойдаланиш корхоналарда қуйидаги йўналишларда амалга оширилади:

– молия-банк системаси органларига тўловлар. Бунга бюджетта солиқ тўловлари, кредитлардан фойдаланганлик учун процент тўлаш, илгари олинган ссудаларни қоплаш, суғурта тўловлари ва ҳ. к.;

– ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва уни техник янгилаш, янги прогрессив технологияга ўтиш, “нау-хау” ва бошқа билан боғлиқ капитал харажатларда ўз маблағларини инвестиция қилиш;

– бозордан олинган қимматбаҳо қоғозлардан иборат молиявий ресурсларни инвестиция қилиш (бошқа формаларнинг акция ва облигациялари, давлат заёми ва бошқа);

– рағбатлантириш ва социал характердаги пул фондларидан ташкил топган молиявий ресурсларни йўналтириш;

– хайрия мақсадидаги ва бошқа молиявий ресурслардан фойдаланиш.

Корхоналар молиявий хизмат ходимлари қўшимча молиявий ресурсларни жалб қилиш йўллари тўғрисидаги масалани ҳал этишда қуйидаги омилларни ҳисобга олишлари лозим: ҳўжалик юртишнинг бозор асосларига ўтиши билан корхоналар раҳбарларининг роли ниҳоятда ошиб кетиши билан бир қаторда, бошқаришнинг маъмурий-қўмондонлик методи шароитида иккинчи роль ўйнаган молиявий хизмат ходимларининг роли ошиб кетади.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхонани ривожлантириш манбаларини излаб топиш, қимматбаҳо қоғозлар билан операциялар ўтказиш ва бошқа масалаларда молиявий менежмент корхона молиявий хизматида асосий бўлиб бормоқда. Ушбу хизматда молиявий менежмент мазмуни шундан иборатки, у энг қулай шароитда қўшимча молиявий ресурсларни излаб топишлари, уларни энг самарали инвестиция қилишлари, молия бозорида фойдали операцияларни амалга оширишлари, яъни қимматли қоғозларни сотиб олиш ва қайта сотиб олишлари лозим.

Молиявий хизмат ходимлари инвестиция қилинадиган ресурслар мақсади тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлишлари, сўнгра

маблағларни жалб қилиш формалари тўғрисида тавсия беришлари лозим. Қисқа муддатли ва ўрта муддатли эҳтиёжларни маблағ билан қоплаш учун кредит муассасалари ссудаларидан фойдаланиш лозим.

Корхонани кенгайтириш, йирик капитал қўйилмалар учун қимматбаҳо қоғозлар чиқариш мақсадга мувофиқ. Қўшимча молиявий ресурсларни жалб қилишда қимматбаҳо қоғозларни чиқариш ва сотиш формасини танлаб олинар экан, улардан қайси бири акция ёки облигация энг қўп самара беришини аниқлаш лозим. Агар мулкдор ўз мулкининг бир қисмига бошқа мулкдорнинг эгаллик қилишини истамаса, облигация чиқариш мақсадга мувофиқ.

Мулкдор бошқа инвестор капиталидан фойдаланмасдан ўз фаолиятини олиб боролмаса, акция чиқариш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, мулкдор қандай акция – оддий акция, имтиёзли акция, номи кўрсатилган акция кабиларни ҳам ҳал этиши лозим. Муомалага чиқариладиган қимматли қоғозлар акция, облигация ва бошқа номинал қийматга эга бўлади. Ана шунга қараб эмитентнинг ҳажмини тўлаш муддати келганда облигация ушловчилар олдидаги мажбуриятни белгиланади. Акция (облигация)ни тезроқ жойлаштиришга интилиб, эмитент унга эмиссион баҳо белгилаши мумкин, бунда қимматли қоғозларни, банклар даставвал реализация қилган баҳо билан сотилади. Эмиссион баҳо одатда номинал баҳодан паст бўлади.

Молиявий бозорда муомалада бўлган қимматли қоғозларга талаб ва таклифнинг ўзгариши шунга олиб келадики, акция ва облигацияларнинг бозор курси, яъни сотиладиган ва сотиб олинadиган баҳоси номинал баҳога тўғри келади. Бозор курси асосан икки омилга боғлиқ:

- 1) Қимматли қоғоз келтирадиган даромад миқдорига тўғридан-тўғри пропорционал.
- 2) Халқ хўжалигида амал қилувчи ссуда проценти нормасига тескари пропорционал.

Шунингдек, бозор курсига иқтисодий конъюнктура ссуда капиталлари бозоридаги аҳвол, мамлакатдаги сиёсий аҳвол, социал ва психологик омиллар ва бошқалар таъсир қилади.

Қимматли қоғозларнинг бозор курсини аниқлашга котировка дейилади. У биржаларда махсус котировка комиссияси томонидан амалга оширилади. Қимматли қоғозларнинг бозор курси биржа бюллетенларида чиқарилади.

Қимматли қоғозлардаги маблағларни инвестиция қилишда молиявий хизмат ходимлари агар ўз корхоналарининг гуллаб-ривожланишини истасалар қуйидаги қоидаларга амал қилишлари лозим:

1) Бошқа корхоналар акциялари (облигация)ларини сотиб олар эканлар, улар фақат ошқоча молиявий ресурсларни инвестиция қилишлари лозим, ҳолбуки корхоналарда ҳар хил фавқулудда ҳодисалар учун нақд пул доимо бўлади. Корхонанинг нақд пули ё банк счётидаги пул жамғарма формасида ёки юқори линвидли ҳукумат қимматбаҳо қоғозлари (облигация хазина мажбуриятлари) формасида бўлиши мумкин.

2) Ҳар қандай корхонанинг қимматли қоғозларини сотиб олишдан олдин унинг фаолиятини чуқур ўрганиш, унинг молиявий натижаси динамикасини таҳлил қилиш лозим.

Чунки акциянинг қадри энг аввало натижада кутилаётган даромад билан белгиланади. Яъни, акцияда ваъда қилинган дивидент даражаси билан эмас. Энг яхшиси, ўзингизнинг шахсий таҳлилингиз билан чекланмасдан 2—3 ишончли эксперт ёки брокер билан ҳам маслаҳатлашиш лозим. Ўзининг даромади тўғрисидаги ҳисоботни босиб чиқармайдиган фирмаларинг акцияларини сотиб олмаслик лозим.

3) Инвесторни молиявий хатолардан ҳоли қилиш учун фақат битта объектни эмас (чунки у ишончсиз бўлиб чиқиши мумкин), балки қимматли қоғозлардаги маблағларни иқтисодиётнинг ҳар хил тармоқларига тегишли бир неча корхонани инвестиция қилиш зарур. Айниқса, агар акциясининг баҳоси мақсадга мувофиқ бўлса, машҳур ва илғор фирмалар акцияларини сотиб олиш маъқул.

4) Акцияларни пул маблағлари билан инвестиция қилинган корхоналарнинг молиявий счётларини мунтазам ўрганиб бориш лозим. Ҳисобот маълумотларини кўрганда фақат баланс ва соф фойда кўрсаткичлари, унинг тақсимланиши, дивидент миқдори ва даражаси билан чегараламаслик лозим. Шундай коэффициентлар, яъни акционер капиталнинг фойда нормаси, рентабеллик даражаси ва фойдалилик коэффициенти, авансланган маблағлар обороти тезлиги, ўзининг шахсий ва заём маблағлари нисбати, ликвидлилик коэффициенти ҳамда динамикасини аниқлаш ва ўрганиш лозим.

Маълумки, халқ хўжалиги молиявий системасида корхона молияси бошланғич, ҳал қилувчи роль ўйнайди, чунки ижтимоий

ишлаб чиқаришнинг асосий звеносида хизмат қилади. Унда моддий ва номоддий неъматлар ишлаб чиқарилади ва мамлакат молиявий ресурсларининг асосий қисми шаклланади.

Моддий ишлаб чиқариш молияси мазмунини кўрсатувчи пул муносабатлари қуйидагилардан иборат:

а) биринчи даромадлар шаклланиши, моддий ишлаб чиқаришнинг хўжалик бўлинмаларида ташкил топиш ва фойдаланиш билан боғлиқ ички хўжаликка доир мақсадли фондлар — устав фонди, ишлаб чиқаришни ривожлантириш фонди, рағбатлантириш фонди ва бошқа пул муносабатлари;

б) корхоналар ўртасида пайдо бўладиган пул муносабатлари;

в) моддий ишлаб чиқариш корхоналари билан суғурта ташкилотлари ўртасидаги пул муносабатлари;

г) корхоналар билан банклар ўртасидаги пул муносабатлари;

д) моддий ишлаб чиқариш корхоналари билан давлат ўртасидаги пул муносабатлари;

е) корхоналар билан юқоридаги турли бошқариш структуралари ўртасидаги муносабатлар.

Корхоналар молиясини ташкил этишда хўжаликнинг асосий звеноси бўлган корхоналарда жамият иқтисодий структурасининг пойдевори шаклланади. Моддий ишлаб чиқаришдаги молиявий муносабатлар халқ хўжалигининг ҳамма молиявий ўзаро алоқаларига катта таъсир кўрсатади.

Моддий ишлаб чиқаришда такрор ишлаб чиқариш жараёнининг ҳамма фазаси — ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш, истеъмол бир-бири билан қўшилиб кетади. Унда хизмат қилиш учун молия ёрдамида корхоналарда ҳар хил фондлар ташкил топади.

Мулкчилик ҳар хил формаларининг мавжудлиги, тармоқларнинг ўзига хос хусусиятлари, табиий-иқлимий омиллар амал қилиши ҳам корхоналар молияси ўзаро алоқаларига таъсир қилади.

Моддий ишлаб чиқариш молиясининг ўзига хос белгилари қуйидагилардир:

— молиявий муносабатларнинг ҳар хил формада мавжудлиги, унинг кўп қирралиги;

— моддий ишлаб чиқариш молиясининг иккинчи белгиси ишлаб чиқариш фондларнинг узлуксиз шаклланиб, тўлдирилиб, кўпайиб туриши;

— моддий ишлаб чиқариш молиясининг учинчи белгиси у мам-

лакат бутун молиявий системасининг дастлабки асоси бўлиб хизмат қилади;

— моддий ишлаб чиқариш молиясини тўртинчи белгиси унинг нисбатан юқори ҳаракатдаги фаоллиги, хўжалик юритишнинг барча тамойилларига таъсир кўрсатишда кенг имкониятларга эгаллигидир.

Ижтимоий ишлаб чиқариш иккита йирик соҳаларга бўлинади: моддий ишлаб чиқариш ва номоддий ишлаб чиқариш. Биринчисида товарлар яратилади, иккинчисида ҳар хил турдаги хизматлар кўрсатилади. Моддий ишлаб чиқаришнинг ташкилий структураси асосий корхона, бирлашма, ассоциациялар, моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги муассаса, ташкилотлар ва бошқа структураларда амал қилади.

Номоддий ишлаб чиқариш соҳалари молияси мазмунини кўрсатувчи пул муносабатларининг турлари:

— тармоқнинг ёки муассасанинг бюджет билан пул муносабатлари;

— бошқаришнинг тармоқ органлари ва уларга бўйсинувчи муассасалар (ташкилотлар) ўртасидаги ҳамда муассасаларнинг ўз ичидаги пул муносабатлари;

— ҳар хил тармоқлар хўжалик субъектлари, шунингдек, бюджетдан ташқари фондлар — социал суғурта, пенсия ва бошқаларнинг ташкил топиши ва фойдаланилиши билан боғлиқ пул муносабатлари;

— хўжалик субъектларининг хизматларини истеъмол қилувчи ва ҳомийлар ўртасидаги пул муносабатлари.

Номоддий ишлаб чиқариш муассасалари ва ташкилотлари молиясининг хусусиятлари:

1-хусусият — жисмоний ва юридик шахсларга хизмат кўрсатишда молия бевосита таъсир қилади. Уларда ҳар хил хизматлар ё пулли ёки бепулли асосида амалга ошади. Бу ҳолат пул фондларининг шаклланиш манбалари, уларнинг йўналиши ва фойдаланиш принципларида кўринади.

2-хусусият — ишлаб чиқариш соҳаларини ташкил қилиш ва у муассасалар амал қилишининг моддий асоси ноишлаб чиқариш соҳаларининг моддий-ашёвий ва қиймат формаларига эга бўлган пул фондлари маълум мақсадларгагина сарфланади.

3-хусусият — ишлаб чиқариш хизмати билан унинг истеъмоли

Ўртасида айирбошлаш босқичи бўлмайди, номоддий хизматлар жамғарилмайди.

4-хусусият — моддий соҳанинг кўпгина тармоқларида юқори малакали ходимлар меҳнатидан фойдаланилади. Уларнинг кўпчилиги — врачлар, педагоглар, илмий ходимлар, маданият, санъат, бошқариш ва бошқа олий маълумотлидир. Уларда ақлий меҳнат асосий ўринни эгаллайди. Демак, ишлаб чиқариш молиясининг яна бир хусусияти ақлий меҳнатни рағбатлантириш ва унинг самарадорлигини оширишга қаратилган. Ўзига хос молиявий механизмдан фойдаланиш заруриятидир. Бу ерда ҳам тижорат ҳисоби корхоналар молиясини ташкил этишда жуда катта таъсир кўрсатади.


Бозор иқтисодиёти шароитида моддий ишлаб чиқаришдаги ҳамма корхоналар ва ишлаб чиқариш соҳасидаги бир қисм корхоналар тижорат ҳисобида фаолият юритадилар. У хўжаликни рентабелли юритиш учун албатта фойда олиш зарур. Акс ҳолда у банкрот деб эълон қилинади ва тугатилади. Тижорат ҳисобида корхоналар молиясини ташкил этишда 73-бетда кўрсатилган хусусиятлар таъсир кўрсатади.

Иқтисодиётнинг нобозор сектори кўплаб ижтимоий ташкилотларни ҳам ўз ичига олади. Улар ўз фаолиятида бюджет олдида ҳеч қандай молиявий мажбуриятлар олмайди. Аммо улар хўжалик фаолиятидан олган даромадини солиқ механизми орқали давлат назорат қилади. Уларнинг ҳар қандай даромади улар фаолияти билан боғлиқ ишларни молиялаштириш учун сарфланади.

2. Асосий ишлаб чиқариш фондлари айланишида молиявий ресурсларнинг роли

Ҳар қандай корхонада ҳам ишлаб чиқариш жараёнининг моддий-техника асоси асосий ишлаб чиқариш фондларидир. Бозор иқтисодиёти шароитида асосий фондларнинг дастлабки шаклланиши маълум мақсадга мўлжалланган пул фондлари ёрдамида, демак, бевосита молия иштирокида амалга ошади.

Маълумки, янгидан ташкил этилган корхоналарда асосий фондларнинг дастлабки шаклланиши устав фондининг бир қисми бўлган асосий воситалар ҳисобида амалга ошади. Асосий воситалар — бу ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш мақсадидаги асосий фондларда инвестициялашган пул воситаларидир.



1-шакл

Асосий фондларни шакллантириш ва уни корхона балансига қабул қилиш пайтида асосий воситалар миқдори билан асосий фондлар қиймати бир-бирига мос келган. Кейин ишлаб чиқариш жараёнида асосий фондларнинг қиймати иккига ажралади. Унинг бир қисми ейилиб, тайёр маҳсулотга ўтади, иккинчи қисми эса ҳаракатдаги асосий фондларнинг қолган қисмини ифода этади.

Асосий фонд қийматининг ейилган қисми тайёр маҳсулотга ўтади ва у реализация натижасида пул формасида жамғарилиб боради ва махсус амортизация фонди ташкил топади. Бу амортизация ажратмалари асосий фондларни янгилаш ва қисман кенгайтган такрор ишлаб чиқаришда фойдаланилади.

Маълумки, амортизация ажратмалари норматив бўйича ҳар йил ажратилади ва у вақтинча бўш туриб қолади. Шу боисдан у кенгайган такрор ишлаб чиқариш учун қўшимча манба бўлиши мумкин. Шу билан бирга кенгайган такрор ишлаб чиқаришда амортизациядан фойдаланишда фан-техника тараққиётини ҳисобга олиб, янада такомиллашган машина ва асбоб-ускуналар сотиб олиш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Хўжалик тажрибасида амортизация фондига ажратиш ҳар хил методлардан — чизиқли, регрессив ва тезлаштирилган амортизация методларидан фойдаланиб амалга оширилади. Амортизация суммасини чизиқли метод билан ҳисоблашда асосий фондлардан унумли фойдаланишнинг бутун муддатида белгиланган норма асосида бўлади. Агар ишлаб чиқариш воситаларининг асосий турлари нархлари ўзгармас бўлганда бу метод ўзини оқлайди. Аммо нархнинг ўсиб бориши, айниқса янги техника баҳосининг ортиб боришида регрессив методдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бунда амортизация даврининг дастлабки йилларида амортизациянинг юқори нормаси белгиланади ва кейин у аста-секин пасайиб боради. Ҳозирги кунда кўпгина хўжалик субъектларига тезлаштирилган амортизация методидан фойдаланишга руҳсат этилган.


Амортизация ажратмалари ишлаб чиқаришни ривожлантириш фонди орқали асосий фондларни тўла тиклаш учун фойдаланилади. У капитал қўйилмалар орқали амалга оширилиб, бунда илгари авансланган капиталнинг доиравий айланиши тўла тугалланмасдан, шу билан бирга ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва моддий техника базани такомиллаштириш учун қўшимча инвестиция воситалари орқали ҳам амалга ошади.

Корхонанинг фойдаланадиган капитал қўйилмаларида, ўзининг молиявий ресурсларидан ташқари фойда ҳам муҳим роль ўйнайди. Кейинги йилларда ҳам, хўжаликнинг айрим тармоқларида айрим капитал қўйилмаларни молиялаштириш манбаи сифатида фойданинг ҳиссаси ва умумий ҳажмининг бирмунча кўпайиши тенденцияси кузатилмоқда. Бу тенденцияни қўллаб-қувватламоқ зарур.

Капитал қўйилмаларни молиялаштириш учун фойдадан ташқари кўринишда жалб қилинган ва уларни тежалган маблағ, ишдан чиққан мулкларни реализация қилишдан келган даромад, ижтимоий ривожланиш ва уй-жой қурилиши фонд маблағларидан ҳам фойдаланилади.

Маълум мақсаддаги пул фондларини шакллантириш ва фойдаланиш йўли билан асосий фондлар қиймати доиравий айланишида молиянинг роли 2-шаклда яққол кўринади.

Асосий фондлар қиймати доиравий айланиши:



2-шакл

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида бюджет маблағларидан капитал қўйилмаларга ажратиш тартиби ўзгармокда. Агар илгари бюджет манбаларини қайтиб бермаслик йўли билан ажратилган бўлса, ҳозир эса мақсадли субсидиялар (инвестиция ажратмалари), инвестиция, солиқ, кредитлар орқали олиш мумкин.

Инвестиция кредити — бу кичик бизнес корхоналари ихтиёрига қолдирилган пул воситалари бўлиб, у фойдадан солиқ тўлаш муддатини кечиктириши (маълум муддат озод килиш) кабилар орқали бериледи.

3. Оборот воситаларининг шаклланиши ва улардан фойдаланишнинг молиявий жиҳатлари

Корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш фондлари ҳам зарур бўлиб, унинг таркибига ишлаб чиқариш заҳиралари (хомашё, мате-

риаллар, ёқилғи ва б.), гугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиқлари ва кейинги даврлар харажатлари сарф қилинган айланма фондлар товар формасидаёқ муомала соҳасига киради, сўнгра тайёр маҳсулотни реализация қилиш жараёнида пул формасига (хисоб-рақамидаги пул воситалари) киради. Муомала соҳасидаги товар ва пул формасидаги ресурслар муомала фондларини ташкил қилади.


Оборот ишлаб чиқариш фондлари ва муомала фондлари тарзидаги пул воситалари корхонанинг оборот воситаларини ташкил қилади.

Оборот воситалари корхонанинг жорий кундалик эҳтиёжларини таъминлайди. Оборот воситаларининг характерли хусусияти шундаки, хўжалик фаолияти нормал ишлаганда улар ишлаб чиқариш соҳасидан кетмайди. Оборот воситалари харажат бўлмайди, балки корхонанинг жорий харажатларининг ҳар хил тури сифатида авансланади. Ишлаб чиқариш фондларининг доиравий айланишида (П-Т... У... Т'-П,) хизмат қилиб, оборот воситалари (П) ҳар хил функционал формаларига киради: моддий (Т), ишлаб чиқариш (П), товар (Т') формаларига киради ва яна ўзининг дастлабки, пул формасига (П') қайтиб келади.

Корхона ишининг самарали бориши кўп жиҳатдан унинг оборот воситаларининг таъминланганлигига боғлиқ. Масалан, материал захираларини олиш учун авансланган воситаларнинг етишмаслиги ишлаб чиқаришнинг қисқаришига олиб келиши мумкин. Бу запарларнинг ошиқча бўлиши эса ресурслар бир қисмининг ўлик ҳолда ётиши, ундан самарасиз фойдаланишга олиб келади. Шу боисдан корхонанинг оборот воситаларига оптимал эҳтиёжни аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. У нормалаштириш орқали аниқланиб, ундан кам оборот воситалари сарфлаган ҳолда энг кўп ишлаб чиқариш ҳажмини ва маҳсулот реализациясини таъминлашдан иборат.

Корхонанинг оборот воситаларини шакллантириш учун ўзининг ресурсларидан ва заём ресурсларидан фойдаланилади. Корхонанинг ўз ихтиёридаги воситалари фондлари кругооборотда ва рентабель иш юритишда муҳим роль ўйнайди. Шунингдек, корхонанинг самарали иш юритишида хўжаликнинг оборот воситаларига бўлган умумий эҳтиёжини қисқартиришда заём воситалари ҳам катта роль ўйнайди. Оборот воситалари таркиби ва унинг классификацияси 77-бетдаги шаклда берилган.

Оборот воситалари таркиби ва унинг классификацияси



Инвестицион кредит — бу кичик бизнес корхоналари ихтиёрига, фойда солиғи ва мулк солиғи бўйича тўлов муддати узайтирилиши муносабати билан қоладиган пул маблағлари бўлиб, у агар корхона камайган солиқни камайтиришдан келган маблағни ишлаб чиқаришни инвестиция қилишга, мулк солиғини камайтиришдан келган солиқни эса корхонани хусусийлаштириш жараёнида мол-мулкни сотиб олишга сарфласалар, фойда солиғи ва мулк солиғини маълум муддатда тўлашдан озод қилинадилар.

Фойда солиғи тўловчи сотиб олинган ва ишга туширилган асбоб-ускуналар қийматининг 10% миқдориди инвестицион кредит ҳуқуқига эга бўлиши учун қуйидаги шартларга амал қилиши лозим:

1. Илгари сотиб олинган импорт асбоб-ускуналарни алмаштириш учун фойдаланилса, илмий-тадқиқот ва тажриба конструктор-

лик ишларини олиб бориш ва атроф-муҳитни ахлатлар билан иф-лосланишдан химоя қилсалар.

2. Асбоб-ускуналарнинг хизмат муддати 8 йилдан ошиқ бўлса.

3. Станок ва саноат роботларини ЭХМ билан бошқариш.

4. Ногиронлар учун ишчи ўринлари яратиш имконини берса.

Лекин бунга ҳам баъзи чекланишлар мавжуд. Жумладан, ишлаётганлар сони шу профилдаги корхоналар учун белгиланган миқдордан ошиқ бўлмаслиги лозим. Акс ҳолда инвестицион кредитнинг миқдори билан боғлиқ бўлиб, у фойда солиғининг авансланган тўловлари миқдоридан кам бўлмаслиги ва унинг йиллик суммасининг 5% идан кўп бўлмаслиги лозим.

Инвестицион кредитни солиқ тўловчи билан солиқ инспекцияси томонидан тузилган кредит битимида келишилган муддат ва шартларга мувофиқ қайтарилади. Кредитни қайтариш битим тузилгандан 2 йил ўтгач бошланади, уни умуман қайтариш 5 йилга мўлжалланган бўлади.

Ҳар бир корхонада ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксиз давом этиши ва маҳсулот реализацияси учун бир вақтнинг ўзида ҳам оборот ишлаб чиқариш фонди, ҳам муомала фондлари бўлиши лозим. Шу боисдан корхонани ишлаб чиқаришга топшириш пайтида ташкил топган устав фонди таркибида пул маблағларининг шундай таркиби бўлиши керакки, у моддий оборот фондларини олиш учун ва ишлаб чиқариш жараёнига хизмат қилиш ва маҳсулотни реализация қилиш учун етарли бўлиши лозим.

Оборот ишлаб чиқариш фондлари ва муомала фондларида авансланган пул маблағлари корхонанинг оборот воситаларини ташкил қилади. Оборот фондлари билан муомала фондлари мажмуаси бутун такрор ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини таъминлашга қаратилган бўлиб, бу фондлар ҳам ишлаб чиқариш, ҳам муомала босқичларини босиб ўтиши лозим.

Оборот воситалари ўзининг моҳиятига кўра молиявий категориядир. Шу муносабат билан корхона ихтиёридаги пул маблағларини молиявий ресурсларга қўшиб бўлмайди. Шунга қарамасдан молиявий муносабатлар оборот воситалари фонди амал қилишининг дастлабки асосини ташкил этади, молиявий ресурслар эса оборот воситалари шаклланиши ва кейинчалик унинг ҳажми ўзгариши учун база бўлиб ҳисобланади.

Молиявий муносабатлар оборот воситаларининг амал қилиш

соҳасида уч ҳолатдагина юзага келади:

- корхонанинг устав фонди ташкил топиши давомида;
- ўзининг оборот воситаларини кўпайтириш ва молиявий ресурслардан фойдаланиш жараёнида;
- ортиқча оборот воситаларини қимматли қоғозларга инвестиция қилишда;

— корхонанинг ўз оборот воситаларини шакллантириш корхона ташкил топаётганда унинг устав фонди тузилиши билан боғлиқ бўлади. Унинг шаклланиш манбалари асосий воситалар каби бўлади: акционер капитал, пай взнослари, турлича фондлар, бюджет маблағлари (давлат секторида), маблағни қайта тақсимлаш (агар бошқаришнинг вертикал системаси сақланган бўлса).

Оборот воситалари функционал йўналишига қараб оборот воситалари оборот ишлаб чиқариш фондлари ва муомала фондларига бўлинади. Ишлаб чиқаришдаги ролига қараб: оборот ишлаб чиқариш фондлари ишлаб чиқариш ва тугалланмаган ишлаб чиқариш фонди кейинги давр харажатларига бўлинади. Муомала фондлари эса тайёр маҳсулот ва пул маблағлари билан сўётдаги маблағларига бўлинади.

Ташкил қилиш принциплари жиҳатидан асосан ишлаб чиқариш заҳиралари, тугалланмаган ишлаб чиқариш ва келгуси давр харажатлари, тайёр маҳсулотлар нормалаштирилган воситаларга бўлинади. Пул маблағлари сўётдаги (ҳисоб-китобдаги) маблағлар билан муомала маблағлари нормалаштирилган оборот воситалари бўлади. . .

Оборот воситалари ўзининг шаклланиши (ташкил топиши) манбалари жиҳатидан ўзининг (шахсий) ва заём маблағларига бўлинади.

Корхонанинг тўловга қобилиятлилиги ва ликвидлилиги ва уни аниқлаш қуйидагича бўлади: ўз (шахсий) оборот воситаларининг мавжудлиги, унинг сақланиши, шахсий ва заём оборот воситалари ўртасидаги нисбат корхонанинг молиявий барқарорлигини, унинг молиявий бозордаги ҳолатини, қимматли қоғозлар чиқариш билан молиявий ресурсларни жалб қилиш имкониятини характерлайди. Бошқаришнинг маъмурий-қўмондонлик шароитида хўжалик юртиш субъектларининг молиявий барқарорлигига етарли эътибор берилмас эди, чунки давлат молиявий ёрдами билан унинг банкрот бўлишига йўл қўйилмас эди.

Бозор иқтисодиёти шароитида оборот воситаларидан рационал фойдаланиш тўловга қобилиятлилик, молиявий барқарорлик масалалари тобора катта аҳамият касб этади. Корхонанинг тўлов қобилияти унинг пул характеридаги савдо, кредит ва бошқа операцияларида келиб чиқадиган барча тўлов мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ бажариш имконияти билан белгиланади.

Тўловга қобилиятлилик корхонанинг реал ва потенциал молиявий ресурсларини ҳисобга олган махсус коэффицентлар системаси ёрдамида аниқланади.

Корхонанинг қарз мажбуриятлари соҳасидаги тўловга қобилиятлилиги унинг ликвидлигини билдиради. Ликвидлилик корхонанинг хоҳлаган пайтда зарур бўлган харажатларини амалга ошириш имкониятини акс эттиради. Ликвидлилик қарздорлик миқдори, шунингдек, ликвидли маблағлар ҳажми, яъни нақд пул маблағлари, банк счётидаги ресурслар, қимматли қоғозлар ва осонгина реализация қилинадиган оборот воситалари элементларига боғлиқ бўлади. Корхоналарнинг кредитлар ва бюджет олдидаги қарз мажбуриятларини тўлай олмаслиги уни банкротга олиб келади.

Оборот воситаларининг айланишлиги — бу ундан самарали фойдаланиш кўрсаткичидир. Айланишлик пул маблағларининг тўла оборотигача бўлган вақт билан белгиланади, яъни ишлаб чиқариш запасларини сотиб олишдан корхона счётига пул келиб тушишигача бўлган вақт билан белгиланади. Бир оборотнинг муддати вақт билан ифодаланади. Авансланган оборот воситалари қанча тез айланса, натижа шунча яхши бўлади, яъни бир хил ишлаб чиқариш воситалари суммаси билан шунча кўп махсулот яратилади.

4. Фойданинг тақсимланиши ва ишлатилиши

Тижорат ҳисоби асосида корхоналарнинг фаолият кўрсатиши шунга олиб келадики, фойда молия-хўжалик фаолиятининг бош нагижаси бўлиб қолмай, шу билан бирга бевосита корхонанинг, шунингдек, бутун жамиятнинг ҳар хил эҳтиёжларини қондириш манбаи бўлиб хизмат қилади.

Фойда — ишлаб чиқаришни кенгайтиришнинг ва бошқа ички хўжалик эҳтиёжларини қондиришнинг муҳим манбаидир; унинг бир қисми ишлаётган ходимларни моддий рағбатлантириш ва со-

циал талабларни қондириш учун фойдаланилади; фойданинг бюджет, бюджетдан ташқари ва хайрия фондларни шакллантиришдаги роли тобора ортиб боради.

Фойда турли-туман эҳтиёжларини қондириш шароитида уни тақсимланишининг иқтисодий асосланган системасини ишлаб чиқиш муҳим вазифага айланмоқда. Энг муҳим талаб шундан иборатки, фойдани тақсимлаш системаси ҳужалик юритиш субъектининг, бутун жамиятнинг ва ҳар бир ходимнинг манфаатларини ҳисобга олиши лозим. Бу талабнинг амалга оширилиши фойдани тақсимлашнинг асосий принципларига асосланади:

а) бутун жамият олдидаги (давлат тимсолида) молиявий мажбуриятларни биринчи навбатда бажариш;

б) кенгайган такрор ишлаб чиқариш эҳтиёжларини фойда ҳисобида энг кўп даражада таъминлаш;

в) ишлаётган ходимларни моддий рағбатлантириш учун фойдадан фойдаланиш;

г) фойдани социал-маданий эҳтиёжларга йўналтириш.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналар молиявий мустақилликка эга бўлади. Улар олган фойдаларни қаерга, қандай миқдорда ва қандай муддатга йўналтиришни ўзлари белгилайди. Фақат давлат томонидан корхона фаолиятини солиқ ва улар билан боғлиқ имтиёз ва санкциялар воситасида назорат қилади.

Солиқ — бу қонун томонидан белгиланган миқдорда ва муддатда бюджет системасига пул воситасида тўланадиган мажбурий взносдир. Корхоналар ҳар хил солиқ турларини тўлайдилар, улардан бири ялпи даромаддан, иккинчиси бевосита фойдадан тўланадиган солиқдир. Қонун томонидан тўловларнинг давомийлиги ҳам белгиланган. Аввало, даромаддан эгри солиқлар (қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи); сўнгра ҳамма мулк солиқлари (корхона мулки; ер, транспорт солиғи ва б.) ва пошлина (тўлов)лар ва охирида бошқа солиқлар, шу жумладан фойда солиғи тўланади.

Фойда солиғини ҳисоблашда ялпи фойда асос қилиб олинади. Ялпи фойда қуйидагилардан иборат:

— маҳсулот (хизматлар)ни реализация қилишдан келган фойда бўлиб, у қўшимча қиймат ва акциз қўшимчаси билан реализациядан олинган маблағ билан маҳсулот (ишлар, хизмат)лар таннархи қўшилган ҳолдаги ишлаб чиқариш ва маҳсулотни реализация қилиш харажатлари ўртасидаги фарқдан иборат;

– асосий фондлар ва бошқа мулкларни реализация қилишдан келган фойда бўлиб, у бу фондлар ёки мулкни сотиш баҳоси ўртасидаги фарқдан иборат бўлиб, бу фойда солиқ олиш мақсадида аниқланади;

– реализация қилинмаган операциядан келган даромадлар (харажатлар) бўлиб, унга бошқа корхоналар фаолиятида шерикчиликдан келган даромадлар; мулкни ижарага беришдан келган молиявий натижа; корхонага қарашли акция, облигация ва процентлар; санкция кўринишидаги олинган ва тўланган маблағлар; маҳсулот ишлаб чиқариш билан бевосита маблағ бўлмаган операциялардан келган даромадларни ўз ичига олади.

Солиққа тортиладиган фойдани олиш учун ялпи фойда қуйидагича коррективировка қилинади:

1) солиққа тортиш мақсадида маҳсулот таннархига қўшиладиган ходимлар меҳнат ҳақига қилинган харажатлар, шунингдек, маҳсулотнинг корхонанинг махсус фондларига харидорлар томонидан ўтказиладиган маблағ миқдорида ялпи фойда суммаси кўпайтирилади;

2) рента тўловлари, бошқа корхоналар фаолиятида қатнашишдан олган даромад ҳиссаси, шунингдек, корхонага қарашли акция, облигация ва бошқа қимматли қоғозлардан олинган дивидент ва процентлар суммаси камайтирилади;

3) корхона фаолиятининг махсус турларидан олинган фойда, очиқ майдонларда ўтказилган оммавий конкрет — томоша тадбирлар, савдо-воситачилик хизматлари, суғурта фаолиятлари ва бошқа келган фойдалар миқдорида камайтирилади;

4) резерв фонди ва шунга ўхшаган фондлар таъсис ҳужжатларида кўрсатилган миқдорда (аммо устав фондининг 25% идан ошмаслиги керак) камайтирилади. Бунда фондларга ажратилган сумма солиққа тортилган фойданинг 50% идан ортмаслиги лозим.

Шундан сўнг солиққа тортилган фойда солиқ тўловчиларга берилган солиқ имтиёзи миқдорида камайтирилади.

Солиқ Кодексида кўрсатилишича, корхоналар юқоридаги ҳисоб-китобдан сўнг фойда (даромад) солиғини 20% миқдорида тўлайдилар, 2004 йилдан эса у 18% ни ташкил этади.

Фойда солиғи на бошқа мажбурий тўловлар бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга тўлангач, қолган фойда тўлиқ корхона ихтиёрига қолади ва у ўз ихтиёрича, мустақил сарфлайди.

Ҳозирги бозор шароитида ходимларни моддий томондан рағбатлантириш, аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш, атроф-муҳитни муҳофаза этиш, ҳозирги замон талабига мос, юксак малакали кадрлар тайёрлаш муҳим аҳамиятга эга. Шу боисдан бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида фойдадан ҳар хил социал фондлар, экология фонди, кадрлар тайёрлаш учун маблағлар ажратиш тобора ривожланиб бормоқда.

Умуман, ҳозирги пайтда ривожланган мамлакатларда ялпи фойданинг тақсимланишини қуйидагича схемада кўрсатиш мумкин:

Ялпи фойданинг тақсимланиши



Маърузанинг тавсия этиладиган намунавий режаси:

1. Корхоналарнинг молиявий ресурслари, бозор шароитида улардан фойдаланиш хусусиятлари.
2. Асосий ишлаб чиқариш фондлари айланишида молиявий ресурсларнинг роли.
3. Оборот воситалари шаклланиши ва улардан фойдаланишнинг молиявий жиҳатлари.
4. Фойданинг молиявий тақсимланиши ва ундан фойдаланиш.

Семинарнинг намунавий режаси:

1. Корхоналарнинг молиявий ресурслари ва унинг манбалари.
2. Корхоналар асосий ишлаб чиқариш фондларининг доиравий айланишида молиянинг роли.
3. Корхона айланма воситалари шаклланишида молиянинг роли.
4. Корхона фойдасининг тақсимланиши ва ундан фойдаланиш.

Мавзуга доир иқтисодий атамалар:

Фойда. Амортизация ажратмалари. Кредит инвестицияси. Бюджет субсидияси. Молия. Банк тизими (системаси). Хомий, донор. Молиявий менежмент. Оддий акция. Имтиёзли акция. Номинал қиймат. Муомала фонди. Ахборот воситалари. Солиқ. Даромадлар ва харажатлар баланси. Доимий харажатлар. Ўзгарувчи харажатлар. Умумий харажатлар. Таннарх. Рентабеллик.

3.3-МАВЗУ. НОТИЖОРАТ ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРУВЧИ МУАССАСА ВА ТАШКИЛОТЛАР МОЛИЯСИ

1. Нотижорат фаолиятини амалга оширувчи муассаса ва ташкилотлар молиявий ресурсларининг манбалари

Нотижорат фаолиятини амалга оширувчи муассаса ва ташкилотлар ижтимоий характердаги, бошқариш, ижтимоий тартибни сақлаш, миллат мудофааси ва ҳоказо бошқа турли-туман характердаги хизмат кўрсатадилар. Яқин вақтларгача бу муассасалар харажатлари ресурсли бюджет ҳисобидан қондирилган, истеъмолчиларга эса асосан бепул хизмат кўрсатилган эди. Аммо кейинги йилларда аҳолига ижтимоий-маданий хизмат кўрсатишнинг кенгайиши зарурияти билан пулли хизмат соҳаси ҳам кенгайиб борди. Нотижорат фаолиятини амалга оширувчи муассасаларни хўжалик юритишнинг янги шароитларига ўтказиш билан уларга молиявий манбалар таркиби анча кенгайди.

Иқтисодиётнинг нотижорат секторидаги муассаса ва ташкилотларнинг молиявий ресурслари — бу уларнинг ўз фаолиятини амалга ошириш ва кенгайтириш учун ҳар хил манбалар ҳисобидан амалга ошириладиган пул воситаларидир.

Молиявий ресурсларни ташкил қилиш манбалари икки омилга: хизмат кўрсатиш ва уни (пуллик ва бепул) бериш характерига боғлиқ. Баъзи хизматлар истеъмолчиларга бепул бошқалар фақат пуллик, учинчилари эса уларнинг иккаласини ҳисобга олган ҳолда берилади. Жумладан, мамлакат мудофааси ва давлат бошқаруви соҳаларида жамият хизмати кўрсатилади, ҳар бир фуқаро ва ҳар бир юридик шахс уни бепул олади, унинг бирдан-бир манбаи бюджет маблағидан молиялаштиришдир. Маданият, санъат,

юриспруденция соҳаларидаги хизматларнинг баъзи турлари истеъ-
молчига фақат пуллик бўлади. Булар томоша корхоналари хиз-
матлари (театр, кинотеатр, концерт), виставкалар иши, нотариус,
концертфестиваллар ва бошқалар.

Иқтисодиётнинг нобозор секторидаги хизматларининг асосий
қисми ижтимоий-маданий характердаги хизматлардир. Улар истеъ-
молчиларга ҳам пуллик, ҳам бепул хизматдан иборат бўлади.
Демак, уларни молиялаштириш манбалари турличадир.

Ижтимоий маданий эҳтиёжларни қондирчишга йўналтирилган
молиявий ресурслар конкрет таркибини уч гуруҳга бўлиш мумкин:

а) бутун жамият учун жуда катта аҳамиятга молик эҳтиёжлар
бўлиб, у ҳар бир фуқаронинг олган даромадига боғлиқ бўлиши
мумкин эмас ва у мамлакат конституцияси билан кафолатланган
бўлиши лозим. Бунга миллат фуқароларнинг бошланғич ва ўрта
таълим олиши киради. Бундай эҳтиёжларни молиялаштиришнинг
манбаи умумдавлат молиявий ресурслардир;

б) ижтимоий характерга эга бўлган баъзи эҳтиёжлар умумдав-
лат ресурслари чекланганлиги сабабли зарурий минимум доирасида
қисман давлат бюджети ҳисобидан қопланади. Минимал даража-
даги медицина хизмати, халқ таълими, аҳолининг ижтимоий таъ-
минланиши ва х.к.

в) аҳолининг дам олиши, соғлиқни сақлаш, уй-жой билан таъ-
минланиши каби аҳолининг индивидуал эҳтиёжлари. Улар жамият
ҳисобидан эмас, балки корхоналар, ташкилотлар ва аҳоли ҳисоби-
дан амалга ошади.

Ҳозирги пайтда ижтимоий-маданий характердаги ҳар хил хиз-
мат кўрсатувчи муассаса ва ташкилотларни қуйидаги манбалар
ҳисобидан молиялаштирилади:

а) белгиланган нормативлар асосида муассаса ва ташкилотларга
ажратиладиган бюджет маблағлари, масалан, мактабларга — бир
ўқувчи учун, касалхонада — битта касални боқиш учун, мактабгача
муассасаларда — бир бола учун;

б) ҳар хил юридик шахсларнинг шартномалари ва аҳоли талаб-
номалари асосида ўтказилган пулли тадбирлар ва хизматларни
бажариш орқали тушган давлат ва кооператив корхоналарининг
пул маблағлари;

в) аҳолига ва бошқа истеъмолчиларга кўрсатилган пуллик хиз-
матлардан олган тушумлар (ҳар хил танловлар, фестиваллар,

томошалар учун билетлар сотилади);

г) бинолар қурилишлари, асбоб-ускуналарни ижарага беришдан тушган маблағлар;

д) давлат корхоналари, кооперативлари, жамоат ташкилотлари хайрия ва бошқа ижтимоий фондлар айрим фуқаролар томонидан муассаса ва ташкилотларга берилган ихтиёрий взнослар ва моддий буюмлар;

е) бошқа пул тушумлари.

Барча манбалардан тушган пул воситалари корхоналарнинг молиявий ресурслари фондини ташкил қилади.

2. Нотижорат фаолияти соҳаларида молиявий механизм

Маълумки, нотижорат соҳаларидаги корхона ва ташкилотлар собиқ Иттифоқ даврида 80-йиллар охирида хўжалик юритиш ва шунга мувофиқ молиявий механизм қайта қурила бошланган эди. Унинг мазмуни шундан иборат эдики, хўжаликнинг нобозор соҳасидаги бошқаришнинг иқтисодий методларига ўтила бошланган эди:

1. Корхоналар мустақиллиги анча кенгайтирилди.

2. Бу муассасада пулли асосда фаолият юрита бошлади.

3. Бу корхоналар ўз-ўзини молиялаштириш ва харажатларини ўзи қоплашга ўтиш учун хизмат ҳақи ставкалари қайта кўриб чиқилди.

4. Улар хўжалик юритишнинг ҳар хил формалари, ижара муносабатлари, кооператив индивидуал меҳнат фаолиятдан ҳам фойдалана бошлади.

Ноишлаб чиқариш ташкилотлари бозор шароитида янги молиявий механизмга ўтдилар. Улар:

• Бюджет молиялаштириши билан пулли хизмат бир-бирига оқилона қўшиб, олиб борилади.

• Улар ўз харажатларини қоплашнинг норматив методига ўтмоқдалар.

• Раҳбарнинг ҳуқуқи кескин ошди.

• Улар ўзларининг молиявий ресурслари ҳисобидан жорий харажатларни қоплайдиган, кредит учун фоиз тўлайдиган ва мустақил иқтисодий рағбатлантириш фонди ташкил қиладиган бўлдилар.

• Мустақил равишда ўз ходимларига ўз маблағлари ҳисобидан кўшимча иш ҳақи тўлайдиган бўдилар.

3. Молиявий режалаштириш

Нотижоратчилик фаолияти билан шуғулланувчи муассаса ва ташкилотлар мустақил равишда ўз молиявий режаларини ишлаб чиқадиладар. Бюджет маблағлари ҳисобидангина молиялаштирадиган муассасалар харажатлар сметасини тузадилар, бюджет маблағлари билан бир қаторда бошқа молиявий ресурслари билан ўз эҳтиёжларини таъминлайдиган корхона ва ташкилотлар даромадлар ва харажатлар сметасини ишлаб чиқадиладар.

Сметани тузиш учун дастлабки маълумотлар учун контрол рақамлар маълум корхона фаолияти хусусиятларини ва унинг тараққиётини белгилаб берувчи кўрсаткичлардан ташкил топади. Масалан: ўқув юртлари учун (ўқитувчилар, талабалар) ўртача йиллик ўқитаётганлар сони, ставкалар сони (педагог ходимлар, профессор, ўқувчилар таркиби) кўрсаткичлардан, медицинада касаллик кроватлари, кунлар сони, медицина персоналлари, ставкаси, амбулатор поликлиникалар учун касаллар, врачларнинг қатнашиш сони ва медицина персоналлари ставкаси сони кўрсаткичларидан фойдаланилади.

Контроль рақамларида қуйидагилар бўлиши мумкин:

- аҳолига хизмат килувчи муассасалар таркиби ва сони;
- муассасанинг бозордаги хизматлар ҳажми ва сифати;
- муассасанинг техник таъминланганлиги кўрсаткичи ва транспорт билан таъминланганлиги;
- ушбу муассаса меҳнат жамоаси ижтимоий тараққиёти кўрсаткичлари.

Молиявий режалаштиришдаги иктисодий кўрсаткичларга қуйидаги нормативлар қўлланилади:

- амалдаги муассасаларни бюджетдан молиялаштириш;
- иш ҳақи фондини ташкил қилиш;
- ишлаб чиқариш ва ижтимоий тараққиёт фондини ташкил қилиш;
- валюта маблағлари ҳисобидан валюта фондига ажратмаларни ташкил қилиш.

Юқоридагилардан фойдаланган ҳолда даромадлар ва харажат-

лар сметаси тузилади ва у меҳнат коллективи томонидан кўриб чиқилади ва корхона раҳбари ва профсоюз ташкилотининг қўшимча қарори билан тасдиқланади. Смета 3 та йирик бўлимни ўз ичига олади:

1. Даромадлар ва харажатлар йиғиндиси.
2. Ишлаб чиқариш кўрсаткичлари.
3. Даромадлар ва харажатлар ҳисоб-китоби ва унинг асосла-ниши.

Биринчи бўлимнинг харажатлар қисми қуйидагилардан иборат:

1. Моддий ва унга тенглаштирилган харажатлар.
2. Иш ҳақи фонди.
3. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий тараққиёт фонди.
4. Моддий рағбатлантириш фонди.
5. Бошқа фондлар ва ҳоказолар.

Биринчи бўлим даромадлар бўйича қуйидагилар:

1. Бюджетдан молиялаштириш.
2. Аҳолига қўшимча пулли хизматлар.
3. Ташкилот ва корхоналар билан шартнома асосида хизмат кўрсатиш.
4. Бошқа тушумлар.
5. Бино ва асбоб-ускуналарни ижарага беришдан тушган тушумлар.

Маърузанинг тавсия этиладиган намунавий режаси:

1. Нотижорат фаолиятини амалга оширувчи муассаса ва ташкилотлар молиявий ресурсларининг манбалари.
2. Нотижорат фаолияти соҳаларида молиявий механизм.
3. Молиявий режалаштириш.
4. Халқ таълими муассасаси молияси ва унинг ўзига хос хусусиятлари.
5. Соғлиқни сақлаш муассасалари молияси ва унинг ўзига хос хусусиятлари.

Семинарнинг намунавий режаси:

1. Тижоратчилик фаолияти билан шуғулланмайдиган соҳаларнинг молиявий ресурслари ва уларнинг манбалари.

2. Тижоратчилик фаолияти билан шуғулланмайдиган соҳаларнинг молиявий механизми.
3. Тижоратчилик фаолияти билан шуғулланмайдиган соҳаларда молиявий режалаштириш.

Адабиётлар:

- И. Каримов.* Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент, 1998.
- И. Каримов.* Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент, 1995.
- И. Каримов.* Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишни ўзига хос йўли. Тошкент, 1993.
- Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р.* Экономикс. М., «Дело» ЛТД, 1993.
- Самуэльсон П., Нордхаус В.* Экономика. М., 2000.
- Н. Григори-Менкью.* Приципи экономикс. Санкт-Петербург. 1999.
- Шодмонов Ш.* ва б. Иқтисодиёт назарияси. Тошкент, 2002.
- Финансы и кредит. А. Ю. Казаков тахрири остида. Екатеринбург, 1994.
- Финансы. Учебное пособие. Под. ред. В.М. Родионовой. М., 1995.
- Г. И. Рузавин.* Основы рыночной экономики. М., 1996.
- Общая экономическая теория. М., 1995.
- Общая финансовая теория. М., 1997.
- Чжен.* Пул ва молия бозорлари. Тошкент, 1997.
- Абдуллаев Ё.* Пул. 100 савол ва жавоб. Тошкент, 1998.
- Абдуллаев Ё.* Кредит. 100 савол ва жавоб. Тошкент, 1997.
- Финансы. Под руководством А. М. Ковалёвой. М., 1999.
- А. Д. Шермет, Р. С. Сайфулин.* Финансы предприятий. М., 1999.
- Н. Хайдаров.* Молия. Тошкент, 2001.
- У.Умаров.* Маориф экономикаси асослари. Тошкент, «Ўқитувчи», 1982.

Реферат ва маъруза мавзулари:

1. Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида халқ таълими системаси молияси ва унинг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни.
2. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида таълим тизимини молиялаштиришнинг турлари ҳақида.

Талабаларнинг аудиториядан ташқари мустақил ишлари:

1. Ўзингиз ўқиган мактабнинг сметасини ёзиб олинг, уни тузишда қандай маълумотлардан фойдаланилган? Мактаб сметасини таҳлил этинг.

2. Мавзуга доир иқтисодий атамаларни тўпланг ва ўрганинг.

***Назорат саволлари ва уларни
амалга ошириш формалари:***

1. Иқтисодийнинг нобозор секторидаги молиявий ресурсларнинг манбалари нималар?
2. Нотижорат фаолиятини амалга оширувчи муассасалар банк кредитларидан, грантлардан фойдаланиши мумкинми?
3. Социал-маданий хизмат кўрсатиш тармоқларида молиявий механизмнинг янги белгилари нималардан иборат?
4. Социал-маданий мақсадлардаги муассасалар молиявий ресурсларни тақсимлашнинг қандай усулларида фойдаландилар?
5. Талабаларнинг мустақил ишларини қандай бажариб келаётганликларини аниқлаш. Уларнинг мустақил иш дафтарларини текшириб чиқиш.

Мавзуга доир иқтисодий атамалар:

Нотижорат ташкилотлари ва муассасалари. Молиявий ресурслар. Бюджет маблағлари. Нормативлар. Сметали молиялаштириш. Даромадлар ва харажатлар сметаси. Меҳнат ҳақи. Номоддий нефтлар. Кредит проценти. Интеллектуал салоҳият ва таълим тизими. Таълим тизимининг функциялари. Ишлаб чиқариш ва социал тараққиёт фонди. Иш ҳақи фонди. Меҳнатга ҳақ тўлаш фонди. Моддий рағбатлантириш. Иқтисодий нормативлар. Давлат буюртмалари. Молиявий режалаштириш. Прогнозлаштириш. Соғлиқни сақлаш муассасалари.

3.4-МАВЗУ. ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ МОЛИЯСИ

1. Жамоат ташкилотлари молиясининг мазмуни, уларни ташкил қилиш асослари

Жамоат ташкилотлари мамлакат ижтимоий-сиёсий тизимининг ажралмас қисмидир. Бу ташкилотлар кишиларнинг бир касб ёки маълум ижтимоий гуруҳига, умумий манфаатга ёки умумфуқаро,

мафкуравий аҳамиятга эга бўлган вазифаларни ҳал этишдаги муносабатлар асосида тузилади. Мамлакатимизда кўп сонли касабани уюшмалари, партиялар, ижодий уюшмалар, спорт ва бошқа кўпчилик жамиятлар мавжуд. Ижтимоий бирлашмаларнинг ўзига хос ташкилий формалари сифатида кейинги йилларда ҳар хил махсус мақсадли ва хайрия фонлари ташкил топмоқда.

Жамоат ташкилотларининг молиясига қуйидаги пул муносабатлари киради:

— жамоат ташкилотлари ва уларнинг аъзолари ўртасида кириш ва аъзолик взносларини тўлаш, шунингдек, ижтимоий бирлашма фондидан ҳар хил тўловлар ва имтиёзлар бўйича;

— жамоат ташкилотларининг корхоналар, ташкилотлар, ишлаб чиқариш бирлашмалари ўртасида. Улар ихтиёрий маблағ ажратишлари, шунингдек, ҳар хил кўрғазмалар, фестиваллар, маданий-оммавий тадбирлар ва ҳ.к. учун маблағлар ажратишлари мумкин;

— фондни шакллантириш ва фойдаланиш (иш хақи фонди, капитал маблағлари фонди) бўйича ижтимоий бирлашмалар ичида;

— юқори ташкилотларга даромадлардан бериш, юқори ташкилотларнинг ёрдам кўрсатиши бўйича қуйи ва юқори ижтимоий ташкилотлар ўртасида;

— ижтимоий ташкилотлар билан улар қарамоғидаги ишлаб чиқариш-хўжалик ташкилотлари ўртасида.

Жамоат ташкилотлари молиясини ташкил этишда икки омил таъсир кўрсатади:

1. Жамоат ташкилотлари фуқароларнинг ихтиёрий, мустақил ташкилотларидир. Шу боисдан пул маблағлари фондиди шакллантириш ва фойдаланиш механизми уларнинг моддий базаси каби ўзига хос хусусиятга эга, яъни ресурслар тушушининг асосий манбаи аъзоликка кириш ва аъзолик взносларидир.

2. Жамоат ташкилотлари бино ва қурилишлар, корхоналар ва ишлаб чиқариш мақсадидаги хўжалик ташкилотлари сифатида ўз мулкларига эга бўладилар.

Жамоат ташкилотлари мулкидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусияти, шунингдек, у айрим аъзоларнинг даромад манбаи бўлолмайди. Жамоат ташкилотларининг барча даромадлари умумий хизмат кўрсатиш, уставдаги эҳтиёжларни қондириш учун ишлатилади, бу унинг молиясини ташкил этишда ўз аксини топади.

адалларини тўлаш ва у ёки бу формада моддий ёрдам
сида бевосита алоқа йўқ.

Ушбу омиллар жамоат ташкилотлари хўжалик-молиявий
таъжират ҳисоби ва сметали молиялаштиришни ўзаро
қўриқиб боришни белгилаб беради. Бу ўзига хос хусусият
молиявий режасида ўз аксини топади.

Ташкилотлари молиявий режаси даромад қисми кириш
кўрсаткичлари, хўжалик корхоналари фаолиятидан келган
пулли тадбирларни ўтказишдан келган даромаддан
қолдиқ союзулар ва баъзи бир бошқа жамоат ташкилот-
молиялаштириш маибаи корхона ва ташкилотларнинг
таъжират махсус пул ажратмалари ҳам ҳисобланади. Қонунга
қаршиликка тортилмайди (2%).

Ушбу шартларда жамоат ташкилотлари бепул хизмат кўри-
ш ва бирга пулли асосда ҳам хизмат кўрсатяпти (спорт
қўриқиб бориш, кийим-кечак тикиш курслари ва ҳ.к. асо-
сда даромад базасини кенгайтиряпти. Баъзи жамоат
қўриқиб бориш даромади таркибида давлат бюджетидан ажратма-
ларини мумкин. Жумладан, жисмоний тарбияни ривож-
лантириш.

Ташкилотлари молия режасининг харажат қисми жа-
моатлари асосий фаолияти, пулли аппаратни сақлаш,
қўриқиб бориш ва капитал ремонт, маъмурий-хўжалик хара-
жатларидан боғлиқ маблағлар харажатлари ўз аксини топган.

2. Касаба уюшмалари молияси

Уюшмалари — ишчи-ходимларининг ишлаб чиқариш-
ти кўрсатиш ва маданият соҳасидаги фаолиятлари бў-
лган манфаатлари билан боғлиқ равишда бирлашган ом-
илотларидир. Улар — Касаба уюшмалари тўғрисидаги
қонунда фаолият юритадилар.

Уюшмаларига ўтиш шароитида касаба уюшмалари
таъжиратларининг манфаатларини, шу жумладан, тадбир-
чилик билан тариф битимлари тузишда улар манфаат-
ларини қилишлари лозим. Улар меҳнатқашларнинг моддий
қўли билан боғлиқ бўлган у ёки бу даражадаги барча
қўлиларини тузишда иштирок этадилар (масалан, аҳо-

лини иш билан бандлиги). Касаба уюшмалари меҳнаткашларнинг меҳнат, турмуш шароитларини яхшилаш ва дам олишларини ташкил этишда ғамхўрлик қиладилар.

Касаба уюшмалари молиясини ташкил қилиш жамоат ташкилотларига хос бўлган асосий белги ва хусусиятлар билан характерланади.

Касаба уюшмалари ва уларга бўйсунувчи корхона ва ташкилотларда уч гуруҳ пул муносабатлари шаклланади:

1. Касаба уюшмалари билан уларнинг аъзолари ўртасидаги муносабатлар. Улар икки томонлама характерга эга: касаба уюшмалари аъзолари кириш ва аъзолик бадаллари тўлайдилар ва касаба уюшмалари томонидан моддий ёрдам ва ҳар хил молиявий имтиёзлар оладилар.

2. Касаба уюшмаларининг, корхона, ташкилот ва муассасалар билан муносабатлари. Бунда иш хакига ажратма ва давлат ижтимоий суғурта фондига бадаллар, корхонанинг ихтиёрий бадаллари, маданий-оммавий ишларни ўтказиш учун взнослар киради.

3. Касаба уюшмалари тизими ичидаги пул муносабатлари, яъни касаба уюшмаларининг юқори ва қуйи бўғинлари ўртасидаги, касаба уюшмалари билан уларга қарашли ижтимоий-маданий муассасалар, хўжалик ташкилотлари ўртасидаги пул муносабатлари.

Касаба уюшмалари ўз фаолиятларини олиб бориш учун мустақам моддий-молиявий базага эга. Улар ихтиёрида санаториялар, пансионатлар, дам олиш уйлари, туристик базалар, маданий маърифий муассасалари, спорт қурилишлари мавжуд. Бу фондларнинг бир қисми давлат (бюджет) маблағларини жалб қилиш орқали яратилган. Касаба уюшмалари, тижорат банклари, қўшма корхоналар, устав фонди таъсисчиларидан ва устав фонди бир қисми мулкдорларидан ҳисобланади.

Касаба уюшмалари тўлиқ молиявий мустақилликка эга ва улар давлат бюджети олдига ўз асосий фаолиятлари учун ҳар қандай молиявий мажбуриятга эга эмаслар (улар ихтиёридаги фойдадан бюджетга солиқ тўлайдиган корхоналар бундан мустасно).

Касаба ташкилотлари ўз маблағларига аъзолик бадаллари, хўжалик ташкилотлари фаолиятидан келадиган даромадлар, пулли тадбирлардан келган даромадлар киради.

Касаба ташкилотлари даромадида аъзолик бадаллари улар ялли даромадининг ярмидан кўпроғини ташкил қилади. Аъзолик ба-

даллари иш ҳақи суммасининг 1% ини ташкил қилади. Касаба уюшмалари харажатлари улар низомидаги вазифаларга мувофиқдир. Бу харажатлар аввало моддий ёрдам бериш, меҳнатпи муҳофаза қилиш, шунингдек, маъмурий-хўжалик харажатларга, пленум, съездлар, конференциялар ўтказиш, командировка харажатлари киради. Касаба уюшмаларининг анчагина харажатлари маданий маърифий ва спорт муассасалари тармоқларини сақлаш ва яншиқлантириш билан боғлиқдир.

Касаба уюшмалари молияси уларни бошқаришнинг вертикал шимини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади. Касаба уюшмалар таромади юқори ва қуйи ташкилотлар ўртасида тақсимланади. Касаба уюшмалари аъзоларининг бадаллари асосан бошланғич ташкилотлар ихтиёрида қолдирилади ва унинг бир қисмигина касаба уюшмалари бўғинлари ўртасида тақсимланади.

3. Махсус мақсадли ва хайрия фондлари

Махсус мақсадли фондлар — бу иқтисодий тараққиёт соҳасида ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда аниқ мақсадлар ва дасурларни реализацияси учун ҳар хил хўжалик субъектлари, аҳолининг ихтиёрий бирлашган пул маблағларини характерловчи молияни ташкил этишдаги формасидир.

Махсус мақсадли фондлар, одатда, жамоатчилик, алоҳида ижтимоий гуруҳ ва жамоат ташаббуси билан тузилади. Улар съездда (ки бошқа жамоатчилик органида) тасдиқланган низом асосида и юригадилар. Низомда фонднинг мақсади, вазифалари ва ташкил қилиш ҳамда фаолият кўрсатиш жараёнлари конкретлаштирилган бўлади. Махсус мақсадли фондлар кўп ҳолларда юридик шахс ҳуқуқига амал қилади.

Фондни правление (правление, президиум) бошқаради. У маштр жамоат арбоблари, олимлар ва кўпгина фонд ташаббускорлари бўлган бошқа вакилликлардан иборат бўлади.

Мақсадли фондлар маблағларининг манбалари ва уларнинг рақатлари йўналишлари ўзига хос бўлиб, бу фондни тузиш мақсади ва характерига боғлиқ бўлади, Шунга қарамасдан бу фонд маблағларининг асосий қисми ҳомийлик асосида корхона, ташкилот, муассаса ва айрим фуқаролардан тушган маблағлар эканлиги копуний ҳолдир. Фонд харажатлари фойда олиш мақсадини

кўзламайди. Мақсадли фондлар низом фаолиятига кўра давлат бюджети олдида ҳеч қандай молиявий мажбурият олмайди, шунингдек, улар солиқ тўлаш, давлат ва божхона тўловлари тўлашдан озоддирлар.

Бу фондлар ўз фаолиятини ҳуқуқ органлари томонидан рўйхатдан ўтказилган низом асосида олиб борадилар. Низомда фондни тузиш мақсади, унинг амал қилишининг асосий принциплари, пул маблағларини олиш манбалари белгиланади. Хайрия фондлари даромадларининг асосий турлари махсус мақсадли фондлар тушумлари кабидир.

Хайрия фондлари — хайрия мақсадларидаги тадбирларни ташкил қилиш ва маблағлардан фойдаланиш учун пул маблағлари ўтказиш фақат ихтиёрий характерда бўлган молия муносабатларини ташкил этишнинг алоҳида формасида бўлади.

Маърузанинг тавсия этиладиган намунавий режаси:

1. Жамоат ташкилотлари молиясининг мазмуни, уларни ташкил қилиш асослари.
2. Касаба уюшмалари молияси.
3. Махсус мақсадли фондлар ва хайрия фондлари.

Семинарнинг намунавий режаси:

1. Ижтимоий ташкилотлар молияси, унинг моҳияти, ташкил этиш асослари.
2. Касаба уюшмалари молиясининг ўзига хос хусусиятлари.
3. Сиёсий партиялар ва ҳар хил жамоат ташкилотлари молияси.

Адабиётлар:

- И. Каримов.* Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент, 1998.
- И. Каримов.* Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент, 1995.
- И. Каримов.* Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Тошкент, 1993.
- Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р.* Экономикс. М., «Дело» ЛТД, 1993.
- Самуэльсон П., Нордхаус В.* Экономика. М., 2000.
- Н. Григори-Менкью.* Принципы экономикс. Санкт-Петербург, 1999.
- Шодмонов Ш. ва б.* Иқтисодийёт назарияси. Тошкент, 2002.

- Абдуллаев Ё. Пул. 100 савол ва жавоб. Тошкент, 1998.
 Абдуллаев Ё. Кредит. 100 савол ва жавоб. Тошкент, 1997.
 А.Д.Шеремет, Р.С.Сайфулин. Финансы предриятий. М., 1999.
 А.П.Казаков, Н.В.Минаева. Экономика. М., 1996.
 Общая финансовая теория. М., 1997.
 Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономика.
 Финансы и кредит. Екатеринбург. 1995.
 Финансы. А.М.Ковалёва тахрири остида. 1999.
 Э.А.Аренс, Дж.К.Леббек. Аудит. 1995.
 Н.Хайдаров. Молия. Тошкент, 2001.
 Финансы. Учебное пособие. Под. ред. В.М.Родионовой. М., 1995.

Реферат ва доклад мавзулари:

1. Виложт касаба уюшмалари молияси, унинг моҳияти ва роли.
2. Ҳар хил мақсадли ва хайрия фондлари ва улар маблағларининг сарфланиш йўналишлари.

Талабаларнинг аудиториядан ташқари мустақил ишлари:

1. Махсус ва хайрия фондлари пайдо бўлиши ва ривожланишининг мақсадга мувофиқ эканлигини асосланг ва улар маблағларини харажат қилиш йўналишлари классификацияси схемасини тузиб чиқинг.
2. Жамоат ташкилотлари фаолиятининг кенгайиб бориши тўғрисидаги кейинги 3–4 йиллик статистик ва ахборот материалларини тўпланг.

Назорат саволлари ва уларни амалга ошириш формалари:

1. Жамоатчилик уюшмалари молиясининг иқтисодий мазмуни нимадан иборат?
2. Жамоат уюшмалари молиясининг хусусиятлари асосида нима ётади?
3. Жамоат бирлашмалари молиявий режаси даромадлари ва харажатларининг асосий турлари нималардан иборат?
4. Махсус мақсадли ва хайрия фондлари молиясини ташкил этишининг хусусиятлари нималардан иборат?

2. Ўтилган мавзулардаги молиявий атамаларни талаба қанчалик ўзлаштирганлигини баҳс ёрдамида аниқлаш.

Мавзуга доир иқтисодий атамалар:

Жамоатчилик уюшмалари. Касаба уюшмалари. Партиялар. Спорт ташкилотлари. Жамоат уюшмалари молиясининг пул муносабатлари. Жамоатчилик уюшмалари молиявий фаолиятининг хусусиятлари. Сиёсий партиялар молияси. Махсус мақсадли фондлар молияси манбалари. Ихтиёрий уюшмалар. Махсус мақсадли фондлар. Хайрия фондлари. Жамоат уюшмалари молияси. Жамоатчилик уюшмалари молиявий режаси. Касаба уюшмалари молияси пул муносабатлари гуруҳлари. Касаба уюшмалари молияси. Хайрия фондлари маблағлари манбалари.

IV БЎЛИМ. МОЛИЯНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ ДАРАЖАДА АМАЛ ҚИЛИШИ

4.1- МАВЗУ. ДАВЛАТ МОЛИЯСИ

1. Давлат молиясининг мазмуни

Давлат молияси — бу давлат ва унинг корхоналари ихтиёридаги молиявий ресурсларини шакллантириш ва давлат маблағларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш, жамият аъзоларининг ўсиб борадиган эҳтиёжларини қондириш, мамлакат мудофааси ва бошқариш эҳтиёжлари харажатлари учун ялпи миллий маҳсулот қиймати ва миллий бойликнинг бир қисмини тақсимлаш, қайта тақсимлаш борасидаги пул муносабатларидир.

Давлат молияси давлат молиявий тизимининг энг муҳим соҳаси бўлиб, у давлатнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий функцияларини бажариш учун зарур бўлган пул маблағлари билан таъминлайди.

Давлат молияси таркиб жиҳатдан бир қанча ўзига хос функцияларни бажарувчи алоҳида бўғинлардан иборат бўлиб, буларга давлат бошқарувининг ҳар хил даражадаги бюджетлар, бюджетдан ташқари фондлар, давлат кредити, давлат корхоналари молияси

киради. Бу бўғинлар функционал йўналишига кўра, давлат иқтисодий ва ижтимоий жараёнларининг кенг соҳаларига, тармоқ ва территориал муаммоларни хал қилишга таъсир кўрсатади.

Давлат молияси таркибида республика ва маҳаллий бюджетларнинг ўзаро алоқалари муҳим роль ўйнайди. Давлат структураси ихтиёридаги бюджет муносабатлари ёрдамида давлат миллий даромаднинг бир қисмини молиялаштириш усули орқали қайта тақсимлаш учун йўналтиради. Ҳар хил даражадаги бюджетлар республика, маҳаллий бюджетлар бошқариш ва ҳокимиятнинг республика ва маҳаллий органларининг молиявий базаси ҳисобланади. Республика ва маъмурий-территориал структура иқтисодий мустақиллик шароитида бюджет қонунчилик актлари асосида мустақамланган мустақил ахволга, тўла мустақилликка эга бўладилар. Ҳар бир даражанинг бюджет харажатлари ва даромадларининг белгиланиши давлат ҳокимияти ва бошқаруви ўртасидаги функцияларнинг чегараланганлигига боғлиқ.

Давлат молияси таркибида бюджетдан ташқари фондлар муҳим роль ўйнайди. Улар республика ва маҳаллий ҳокимият томонидан бошқарилса-да, ташкилий жиҳатдан бюджетдан ажратилган ва мустақилликка эга. Бюджетдан ташқари фондларга: ижтимоий суғурта фонди, нафақа фонди, аҳолининг бандлик фонди, бошқа давлат ва регионал аҳамиятга эга бўлган мақсадли фондлар (инновацион, табиатни муҳофаза қилиш, регионал тараққиёт фондлари ва бошқалар) киради.

Бюджетдан ташқари фондларнинг асосий вазифалари — махсус мақсадли ажратмалар ва бошқа манбалар ҳисобида айрим мақсадли тадбирларни молиялаштиришдир.

2. Давлат даромадлари, уларни сафарбар қилиш усуллари

Давлат молияси амал қилишида бир-бирига боғлиқ икки жараён вужудга келади: молиявий ресурсларни давлат структуралари ихтиёрига жалб қилиш ва бу маблағларни давлатнинг ҳар хил эҳтиёжларида фойдаланиш. Бу жараённинг биринчиси, давлат даромадлари, иккинчиси эса давлат харажатлари тушунчаларида ўзифодасини топади.

Давлат даромадлари молиявий ресурсларни давлат (унинг турли структураларида) ва давлат корхоналари ихтиёрида шакллантириш

билан боғлиқ молиявий муносабатларнинг бир қисмидир. Бунда давлат қўлида тўпланадиган молиявий ресурслар марказлашган, давлат корхоналари ихтиёрида қолган ресурслар эса марказлашмаган молиявий ресурсларга киради.

Марказлашган давлат даромадлари асосан, солиқ тушумлари, ташқи иқтисодий фаолиятдан келган даромадлар ва аҳоли тўловлари ҳисобидан шаклланади.

Марказлашмаган давлат даромадлари корхоналарнинг ўз даромадлари ва жамғармаларидан ташкил топади.

Давлат даромадларининг марказлашган ва марказлашмаган даромадларга бўлиниши умумдавлат ва жамоалар манфаатларини қондириш маънаси нисбатини кўриш имконини беради. Ҳар хил манфаатларни тобора тўлароқ қондириш мақсадида давлат даромадларини тақсимлашда оптимал пропорцияга эришни ҳозирги куннинг муҳим вазифасидир.

Давлатнинг марказлашган даромадлари таркибида бюджет даромадлари асосий ўринни эгаллаб, унинг ҳисобида жамият ривожланишининг ижтимоий ва иқтисодий вазифаларини ҳал этиш таъминланади. Бюджетнинг турли даражадаги давлат даромадларининг бир қисмини марказлаштириш — ягона молиявий сиёсат олиб бориш, халқ ҳўжалигининг истиқболли тармоқлари фойдасига маблағларни қайта тақсимлашни таъминлаш, номоддий соҳалар эҳтиёжларини бир хил даражада қондириш имконини беради.

Давлатнинг марказлашган даромадига давлатнинг бюджетдан ташқари фондлари — ижтимоий таъминот, нафақа фонди, иш билан бандлик фонди ва бошқа бир қанча ресурслар ҳам киради.

Давлат ўзи учун зарур бўлган пул маблағларини тўплаш учун турли усуллардан фойдаланади. Бозор иқтисодиёти шароитида давлат даромадларини тўплашнинг асосий усуллари — солиқлар, заёмлар ва эмиссиялардир. Бу усуллар ўртасидаги нисбат турли тарихий даврларда турлича бўлган кўпгина омиллар билан белгилашган. Жўмладан, молиявий сиёсат мазмуни, ҳўжалик конъюнктураси, конкрет иқтисодий ва ижтимоий вазият, вужудга келган ижтимоий зиддиятларнинг кескинлик даражаси ва бошқа омилларга боғлиқ бўлган.

Давлат даромадлари барча турларининг мажмуаси давлат даромадлари тизимини ташкил этади. Давлат даромадлари тизими фақат фискаль вазифаларни эмас, балки иқтисодий вазифаларни

бажаришга қаратилган. Масалан, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, мамлакат ҳудудий ишлаб чиқарувчи кучларини жойлаштиришга таъсир кўрсатиш, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга таъсир кўрсатиш ва ҳ.к.

Давлат даромадлари тизимида солиқлар марказий ўринни эгаллайди. Солиқлар миллий даромадни қайта тақсимлашнинг асосий куролидир. Солиқлар фискаль, иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятга эга. Давлат ҳокимияти органларини зарур бўлган пул маблағлари билан таъминлаш билан солиқлар фискаль роль ўйнайди. Шу билан барча солиқларни ҳисоблаш механизми солиқ имтиёзлари орқали ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатади. Солиқлар ёрдами билан ижтимоий вазифа ҳам ҳал этилади. Солиқлар орқали турли ижтимоий гуруҳлар даромади бошқарилади, кам таъминланганлар солиқлардан озод этилади.

Фискаль аҳамиятга эга бўлган иккинчи даромадлар манбаи — давлат заёмларидир. Улар бюджет камомadini қоплабгина қолмай, ҳар хил капитал харажатларни таъминлаш учун, иқтисодиётнинг давлат секторини маблағ билан инвестиция қилиш учун фойдаланилади.

Давлат даромадларини сафарбар қилишниг учинчи усули — эмиссиялардир. Агар солиқ ва заём тушумлари давлат харажатларини қопламаса, давлат эмиссиядан фойдаланади. Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда кредит эмиссияларидан фойдаланмай, унинг ўрнига заёмлар чиқаришга интиладилар.

3. Давлат харажатлари, уларнинг иқтисодий ва ижтимоий аҳамияти

Давлат харажатлари — молиявий муносабатларнинг бир қисми бўлиб, у давлатнинг марказлашган ва марказлашмаган даромадларидан фойдаланишга асослангандир. Давлат харажатларининг ўзига хос хусусияти — бу давлатнинг фаолияти эҳтиёжларини таъминлашдир. Шу боисдан давлат харажатларининг мазмуни ва характери давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, бошқариш, ҳарбий (мудофаа) функциялари билан бевосита боғланган.

Давлат харажатлари жамиятнинг иқтисодий тараққиёт соҳаси ва ижтимоий соҳаларининг энг муҳим эҳтиёжларини қондириш, давлатни бошқариш ва мамлакатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашга қаратилган. Бунда давлат ўз функцияларини ёки

бошқарув органлари тизими орқали ёки ўзига қарашли корхона, ташкилот, муассасалар орқали бажаради.

Давлат харажатлари бюджет тизими ва бюджетдан ташқари фондлар орқали амалга ошириладиган давлатнинг бевосита харажатлари ва давлат корхоналари, ташкилотлари, муассасалари харажатларидан иборатдир.

Давлат харажатлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш (оборот воситалари ва капитал қўйилмаларни молиялаштириш йўли билан), ижтимоий мақсаддаги ижтимоий фондларни ташкил этиш ва давлатнинг бошқа эҳтиёжларини қондириш мақсадида ишлатилади. Аммо хўжалик юриштирининг турли тизимлари (бозор ва маъмурий-қўмондонлик) ва ҳатто иқтисодий тараққиётнинг турли босқичларида давлатнинг роли, функциялари ва фаолият соҳалари ўзгаради, шунга мувофиқ давлат харажатлари ҳажми ва структураси ҳам ўзгаради.

Иқтисодиётни ёппасига давлатлаштирилган шароитда давлат ишлаб чиқариш воситаларининг йирик мулкдорига ва қийматни ишлаб чиқариш, таксимлаш ва истеъмол жараёнининг бевосита иштирокчисига айланган эди. Аммо бозор иқтисодиётига ўтиш ва мулкчиликнинг турли-туман шакллари вужудга келиши билан давлатнинг иқтисодий функциясида туб ўзгаришлар юз берди. Давлат иқтисодий жараёнларининг координатори ролини ўйнайди, такрор ишлаб чиқариш жараёнига бевосита аралашмайди, балки иқтисодий усуллар ёрдамида аралашади.

Иқтисодиётни молиявий тартибга солиш давлат харажатларининг кескин камайишига, унинг таркиби ва структурасининг ўзгаришига, марказлашмаган харажатларнинг кўпайишига, яъни бевосита корхоналар, ташкилотлар харажатларининг кўпайишига олиб келади.

Давлат харажатларининг ўзаро бир-бирига чамбарчас боғлиқ бўлган конкрет турлари мажмуасига давлат харажатлари тизими дейилади. Бу тизимнинг ташкилий тузилиши давлат томонидан белгиланган маълум принципларга, тамойилларга асосланади. Булар орасида энг муҳимлари: маблағларни мақсадли йўналтириш, давлат ресурслари харажатларининг қайтарилмаслиги, тежамкорлик тартибига риоя этилиши.

Маблағларни мақсадли йўналтиришда давлат харажатлари молиявий режада кўрсатилган харажатлар йўналишига мувофиқ катъий мақсадли йўналтириш бўйича амалга оширилади. Давлат

харажатларининг асосий мақсадли йўналишлари тижоратчилик фаолияти соҳасида капитал қўйилмалар, нотижорат соҳасида эса иш ҳақи, жорий харажатлар, капитал қўйилмалар ва ҳ.к. учун ишлатилади.

Давлат у ёки бу эҳтиёжларнинг устувор йўналишларини белгилайди ва мавжуд молиявий ресурслар орқали уларни қондириш тартибини ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади.

Давлат ресурсларини сарфлашнинг қайтарилмаслиги принципи шунга асосланадики, бунда халқ хўжалигини, авваломбор ижтимоий ва бошқа соҳаларни молиялаштиришда фойдаланилган маблағларни қоплаш зарур эмас.

Давлат харажатларини амалга ошириш жараёни тежамкорлик тартибига қатъий амал қилинганда юқори натижага эришиш мумкин.

Харажатларни молиялаштириш — ўз-ўзини молиялаштириш, бюджет орқали молиялаштириш, кредит таъминоти орқали молиялаштириш каби шаклларда амалга оширилади. Ўзини-ўзи молиялаштиришда давлат корхоналарини ўз харажатларини ўзи қоплаш, уларнинг ўз молиявий ресурслари ҳисобидан амалга оширилади.

Бюджет орқали молиялаштириш умумдавлат аҳамиятига эга бўлган харажатларни таъминлаш учун қўлланилади.

Кредит таъминоти, бир томондан, банк ссудаларини олган давлат корхоналарининг ўзларининг жорий ва инвестиция харажатларини қоплаш учун, иккинчи томондан, давлат бошқарувининг турли даражадаги структураларини давлат кредити шаклида молия бозорида пул маблағлари билан таъминлаш мақсадида ишлатилади.

Маърузанинг тавсия этиладиган намунавий режаси:

1. Давлат молиясининг мазмуни.
2. Давлат даромадлари, уларни сафарбар қилиш усуллари.
3. Давлат харажатлари, уларнинг иқтисодий ва ижтимоий аҳамияти.

Семинарнинг намунавий режаси:

1. Давлат молияси мамлакат молия системасининг таркибий қисми.

2. Давлат даромадлари ва уларнинг манбалари. Тўғри ва эгри солиқлар.
3. Ўзбекистон солиқлари, уларнинг турлари.
4. Давлат харажатлари ва уларнинг аҳамиятлари.

Адабиётлар:

- И. Каримов.* Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент, 1998.
- И. Каримов.* Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент, 1995.
- И. Каримов.* Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Тошкент, 1993.
- Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. Тошкент, 1997.
- Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р.* Экономикс. М., «Дело» ЛТД, 1993.
- Самуэльсон П., Нордхауэс В.* Экономика. М., 2000.
- Н. Григори-Менкью.* Принципы экономикс. Санкт-Петербург, 1999.
- Шодмонов Ш. ва б.* «Иқтисодий назарияси». Тошкент, 2002.
- Финансы. Учебное пособие. М., 1999.
- Финансы и кредит. Екатеринбург, 1995.
- А.П. Казаков, Н.В. Минаева.* Экономика. М., 1996.
- Э.А. Арнс, Дж.К. Лоббек.* Аудит. М., 1995.
- Общая финансовая теория. Москва, 1997.
- Ё. Абдуллаев.* Кредит. 100 савол ва жавоб. Тошкент, 1997.
- Ё. Абдуллаев.* Пул. 100 савол ва жавоб. Тошкент, 1998.
- Финансы. А.М. Ковалёва тахрири остида. Москва, 1999.
- А.Д. Шеремет, Р.С. Сайфулин.* Финансы предприятий. М., 1999.
- Н. Хайдаров.* Молия. Тошкент, 2001.
- Финансы. Учебное пособие. Под. ред. В.М. Родионовой. М., 1995.

Реферат ва маъруза мавзулари:

1. Ўзбекистонда молиявий система ва унинг моҳияти.
2. Бозор иқтисодиётига ўтишда Ўзбекистонда молиявий системадаги ўзгаришлар.
3. Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида Ўзбекистон солиқлари.

Талабаларнинг аудиториядан ташқари мустақил ишлари:

1. Ўзбекистон Республикаси янги Солиқ Кодексини ўқиб, концепт олинг.

2. Ўзбекистон ва вилоятнинг Мустақиллик йилларидаги даромадлари динамикасини характерлайдиган маълумотларни тўпланг.

Назорат саволлари ва уларни амалга ошириш формалари:

1. Давлат молияси нима ва мамлакат молиявий системасида у қандай ўрин эгаллайди?
2. Давлат даромадлари нима ва унинг ташкил топиш манбалари нималардан иборат?
3. Давлат харажатларининг иқтисодий мазмуни нималардан иборат?

Мавзуга доир иқтисодий атамалар:

Давлат молияси. Бюджетдан ташқари фонддар. Давлат кредити. Давлат корхоналари молияси. Давлат даромадлари. Ички даромадлар. Ташқи даромадлар. Солиқлар. Эмиссия. Заёмлар. Давлат даромадлари системаси. Давлат харажатлари. Маблағларнинг мақсадли йўналиши.

4.2-МАВЗУ. ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ. БЮДЖЕТ ҚУРИЛИШИ ВА БЮДЖЕТ ЖАРАЁНИ

1. Давлат бюджетининг моҳияти, унинг ижтимоий-иқтисодий жараёнлардаги роли

Бюджет сўзи инглиз сўзидан олинган бўлиб, ўзбек тилида «сумка, халта» деган маънони беради. У умумдавлат пул фонди бўлиб, ноишлаб чиқариш соҳаларини сақлаб туриш учун ташкил қилинади.

Бюджет 2 асосий қисмдан ташкил топади: даромадлар қисми ва харажатлар қисми. Даромадлар қисми солиқлар, давлат қимматбаҳо қоғозларини соғишдан, давлат олтин фонди ҳисобидан келадиган процентлар ҳисобига тўлдирилади. Харажатлар қисми умумий молия категорияси бўлиб, давлат ўз функцияларини бажариш учун зарур бўлган харажатларни ўзида мужассамлаштиради.

Бюджет харажатлари ўз маъносига кўра турли типларда бўлади ҳамда ҳар бир харажат типининг ўзига хос миқдори ва сифат хусусиятлари мавжуд. Сифат хусусияти харажатнинг иқтисодий жиҳатдан юзага келиш сабабларини ўзида мужассам этса, миқдор хусусияти харажат типи ҳажмини белгилайди.

Бюджет харажатлари аниқ турлари шартли факторларнинг мақсадли йўналишлари: давлат функциялари ва хусусиятлари, мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий тараққиёти даражасига, бюджетнинг халқ ҳўжалиги билан алоқасига, мамлакатнинг ҳудудий территориял жойлашувига боғлиқ. Бу факторлар бюджет харажатларига иқтисодий ижтимоий тараққиётининг аниқ босқичида у ёки бу даражада таъсир кўрсатади.

Иқтисодий ҳаётда бюджет харажатларининг тутган роли ва ўрни ҳамда аниқ белгиларига кўра классификация қилинади.

Бюджет харажатларининг молиявий маъносига кўра бир неча классификацияси мавжуд:

Биринчи ўринда бюджет харажатлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришга сарфланади. Бу усул икки йўналишда амалга оширилади:

- 1) Жорий бюджет харажатлари.
- 2) Капитал бюджет харажатлари.

Жорий бюджет харажатлари бюджет харажатларининг бир қисми бўлиб, давлат бўлимларини сақлаб туриш учун, давлат корхоналари, дотациялар, транспорт тўловлари, давлат фоизларини узиш учун сарфланади. Кези келганда шуни айтиш жоизки, собиқ Иттифок бюджетининг 80—85%и айнан шу бюджет харажати, асосан ҳарбий ишлар ривожини учун сарфланган.

Капитал харажатлар ўзида пул харажатларини мужассам этади. Улар асосан, асосий капитал ва заҳираларни кўпайтириш учун сарф этилади.

Бюджет харажатларининг яна бир муҳим белгиси унинг моддийлигидир. Бу белгига кўра бюджет харажатлари бир неча катта гуруҳларга ажратилади:

Бюджет харажатлари гуруҳлари:

1. Ижтимоий ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун харажатлар.
2. Социал-маданий тадбирлар учун харажатлар.
3. Мудофаа харажатлари.
4. Бошқариш харажатлари.

Давлатнинг корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар ҳамда аҳоли билан давлат бюджетини ташкил этиш, тақсимлаш, қайта тақсимлаш бўйича бўладиган молиявий муносабатларга бюджет муносабатлари дейилади. Молиявий муносабатларнинг бир қисми бўлган бу муносабатларнинг хусусиятлари, биринчидан, давлат (унинг ҳокимият органлари ваколатлигида) бевосита тақсимот жараёнида вужудга келади, иккинчидан, умумдавлат эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган марказлашган пул фонддини шакллантириш ва фойдаланиш билан боғлиқ бўлади.

Бюджет муносабатлари кўпқирралилик билан характерланади, чунки у тақсимот жараёнининг ҳар хил йўналишларига (иқтисодий секторлари, ижтимоий фаолият соҳалари халқ хўжалиги тармоқлари, ҳудудлар ўртасида) қаратилган ва хўжалик юритишнинг барча даражаларини (умумдавлат, республика, маҳаллий) қамраб олади. Бюджет муносабатлари фермерларга хўжалик юритиш усуллари ва фуқароларга ижтимоий-маиший хизмат кўрсатиш ҳамда тараққиётнинг ҳар бир тарихий босқичида давлат бажарадиган вазифалар ҳам таъсир этади.

Бюджет муносабатлари объектив характерга эга. У шунга асосланадики, ҳар йили миллий даромаднинг маълум қисми давлат қўлида тўпланиши ва у бутун жамият мақсадида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш учун, фуқаролар социал-иқтисодий эҳтиёжларини қондириш, мудофаа вазифаларини ҳал этиш, давлат бошқаруви умумий харажатларини қоплаш мақсадларида ишлатилишини тақозо этади. Бюджет муносабатлари давлатдан ташқарида пайдо бўлиши мумкин эмас, аммо у давлат билан боғлиқ бўлса-да, устқурма эмас, балки базиснинг элементиدير. Бюджет муносабатлари — жамият иқтисодий структурасининг таркибий қисмиدير. Унинг объектив амал қилиши шунда кўринадики, у давлат функцияларини амалга оширишда моддий-техника база учун зарур.

Бюджет муносабатлари ўзининг амал қилишида мураккаб ташкилий структурага эга бўлган мамлакат бюджет фонди сифатида моддийлашади. Бюджет фондларининг конкрет миқдори давлат қўлидаги молиявий ресурсларнинг марказлашув даражасини билдириб, у бир қанча омилларга боғлиқ бўлади: иқтисодийнинг ривожланиш даражаси; корхона, ташкилот, муассасаларнинг хўжалик юритиш усуллари; жамият ҳал этадиган иқтисодий ва ижтимоий вазифалар; халқ хўжалиги пропорцияларида белгиланган

структура ўзгаришлари миқёси ва б. Бюджет фонди таркибига махсус формада амал қилувчи резерв ҳам тузилади.

Мамлакат бюджет фонди шаклланиши ва фойдаланишига доир бюджет муносабатлари мажмуаси давлат бюджети тушунчасини билдиради. Давлат бюджети иқтисодий моҳиятига кўра халқ хўжалигини, ижтимоий-маданий тадбирларни, давлат бошқаруви ва мудофаа эҳтиёжларини молиялаштиришга мўлжалланган бюджет фондини шакллантириш ва фойдаланишга алоқадор бўлган миллий даромадни (қисман ва миллий бойликни) қайта тақсимлаш борасида давлатнинг юридик ва жисмоний шахслар билан бўладиган пул муносабатларидир. Давлат бюджет туфайли молиявий ресурсларни иқтисодий ва ижтимоий гараққийетнинг ҳал қилувчи участкаларида тўплаш имконига эга бўлади.

2. Давлат бюджетининг ўзига хос хусусиятлари

Бюджет реал амал қилаётган иқтисодий форма объектив тақсимот муносабатлари сифатида жамият эҳтиёжлари ва унинг давлат-территориал эҳтиёжларини қондириш борасидаги махсус ижтимоий вазифаларни бажариши билан бир қаторда, уни мустақил иқтисодий категория деб ҳам қараш мумкин. Бу категория молиянинг бир қисми бўлганлиги учун молияга тегишли хусусиятларга эга. Шу билан бирга давлат бюджети молиявий муносабатларнинг бошқа соҳалари ва бўғинларидан фарқ қилувчи ўзига хос хусусиятларга эга. Бу хусусиятлар қуйидагилардан иборат:

— давлат бюджети миллий даромад бир қисмининг давлат қўлига тўпланиши ва унинг бутун жамият ва айрим давлат-территориал тузилмалари эҳтиёжларини қондириш мақсадида фойдаланиш билан боғлиқ қайта тақсимлаш муносабатларининг алоҳида иқтисодий формасидир;

— бюджет ёрдами билан халқ хўжалиги тармоқлари, ижтимоий фаолият соҳалари ўртасида миллий даромад, айрим ҳолларда миллий бойликларнинг қайта тақсимланиши юз беради;

— кийматнинг бюджет орқали қайта тақсимланиши пропорциялари молиянинг бошқа бўғинларига нисбатан кўпроқ миқдорда кенгайган такрор ишлаб чиқаришнинг бутун эҳтиёжларини ва тараққийетнинг ҳар бир тарихий босқичида жамият олдида турган вазифаларни белгилаб беради;

— бюджет тақсимоти соҳаси давлат молияси таркибида марказий

ўринни эгаллайди ва у бошқа бўғинларга нисбатан ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Иқтисодий категория сифатида давлат бюджетининг моҳияти тақсимлаш (қайта тақсимлаш) ва назорат функциялари орқали кўринади. Биринчи функция туфайли пул маблағлари давлат қўлида тушланади ва умумдавлат эҳтиёжларини қондириш мақсадида ишлатилади; иккинчи функция молиявий ресурслар давлат ихтиёрига қанчалик ўз вақтида ва тўлиқ тушишини, бюджет маблағлари тақсимоли пропорциялари амалда қандай бўлиши, у қанчалик самарали фойдаланилаётганини аниқлашга имкон беради. Иқтисодий категория сифатида давлат бюджетининг хусусиятлари у бажарадиган функцияларида ҳам ўз аксини топади. Жумладан, бюджетнинг тақсимлаш функцияси мазмуни молиявий ресурсларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришнинг турли бўлинмалари ўртасида қайта тақсимланиши жараёни билан белгиланади. Молиянинг бирор бўғини ҳам бюджет каби маблағларни кўп турда (тармоқлараро, территориялараро ва ҳ.к.) ва кўп даражада (умумдавлат, вилоят, шаҳар, туман ва б.) қайта тақсимламайди.

Тақсимлаш функцияси амал қилиш соҳаси шу билан белгиланадики, бюджет билан ижтимоий ишлаб чиқаришнинг деярли барча қатнашчилари муносабатда бўладилар. Бюджет орқали қайта тақсимлашнинг асосий объекти соф даромаддир. Аммо бюджет орқали зарурий маҳсулот қийматининг бир қисми, ҳатто миллий бойликнинг ҳам қайта тақсимланиши ҳолатлари учрайди.

Нazorat функцияси шунда намоён бўладики, давлатнинг пул маблағлари фондининг ташкил топиши ва фойдаланиши орқали бюджет объектив равишда иқтисодиёт структура бўғинларида кечаётган иқтисодий жараёнларни кўрсатиб беради.

Давлат бюджети функцияси бюджет категорияси каби объективдир. Аммо бюджетга хос бўлган хусусиятларнинг кўриниши, ундан тақсимот ва назорат инструменти сифатида фойдаланиш инсон фаолияти натижасидагина мумкин бўлади, бу эса давлат тузадиган бюджет механизмида ўз аксини топади. Бюджет механизми бюджет сиёсатининг реал намоён бўлиши, бюджет муносабатларининг иқтисодий ва ижтимоий вазифаларни аниқ мақсадларга қаратилган кўриниши ҳисобланади.

Бюджет механизми ёрдамида бюджетдан иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш инструменти, ишлаб чиқариш ва социал

жараёнларни рағбатлангириш қуроли сифатида амалда фойдаланиш мумкин. Миллий даромадни бюджет орқали қайта тақсимлаш натижасида ижтимоий ишлаб чиқариш структурасини такомиллаштириш мумкин бўлади. Шу билан бирга давлат иқтисодиётга — корхоналарга субсидия бериш, давлат инвестицияси ва шу қабилар билан бевосита ва билвосита таъсир кўрсатишнинг турли формаларидан фойдаланади ҳамда халқ хўжалиги пропорцияларини ўзгаришига эришади. Давлат бюджет механизмини тўғри ташкил қилиш билан иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг ўсишига, фан-техника тараққиёти суръатининг тезлашишига, ижтимоий ишлаб чиқариш моддий-техника базасининг янгилашуви ва такомиллашувига реал равишда таъсир кўрсатиши мумкин.

Иқтисодиётни тартибга солиш учун бюджет механизмидан фойдаланиш давлат ихтиёрига тушадиган пул маблағлари билан маневр қилиш орқали амалга оширилади. Маневр қилиш шунинг учун мумкин бўладики, бюджетда даромадларни ва харажатларни конкрет турларга ва йўналишларга беркитиш принципи бўлмайди. Шу боисдан давлат ихтиёрига тушадиган маблағни хоҳлаган йўналишга қаратиш мумкин. Бюджет механизми давлатнинг бюджет сиёсатини амалга оширишнинг муҳим қуроли ҳисобланади. Буни мамлакат бюджет фонди шаклланиши ва йўналишининг манбаи бўлган бюджет даромадлари ва харажатлари бандларидан билиш мумкин. Даромадлар харажатлар баланси формасида тузиладиган давлат бюджети умумдавлат молиявий назоратининг таъсирчан қуроли бўлиши мумкин. Бюджетнинг халқ хўжалиги билан қўпқиррали алоқасини кўрсатувчи бюджет кўрсаткичларининг аниқ йўналиши ундан ижтимоий ишлаб чиқаришнинг структура бўлинмаларидаги ишлар ҳолатини назорат қилаш мақсадида фойдаланиш имконини беради.

Бюджет механизми бюджет билан тарихий ва мантиқий боғлиқ. Шу билан бирга унга тараққиётнинг у ёки бу босқичида жамият томонидан ҳал қилинадиган вазифалар анча таъсир қилади. Вазифалар ўзгарса бюджет муносабатлари ҳам ўзгариши лозим. Шу боисдан иқтисодиёт тараққий этган сари у хўжалик юритишнинг бозор асосларига ўтиш билан бюджет механизми ҳам ўзгаради, унда янги белгилар пайдо бўлади. Маъмурий-қўмондонлик усули ўрнига иқтисодиётга бюджет таъсирининг бевосита усулига ўтилади. Бюджет сиёсатида жорий вазифалар ўрнига узок муддат-

ли мақсадли дастурлар ишлаб чиқиш ва уни амалга оширилишга ўтилади. Бюджет режа методологияси ва методикасида туб ўзгаришлар бўлади. Жумладан, ҳажм кўрсаткичлари ўрнига ижтимоий нормативлар келади ва ҳ.к.

3. Бюджет тузилиши ва бюджет жараёни

Бюджет тузилиши турли даражадаги бюджетлар ва бюджет маблағлари олувчилар йиғиндисини, уларни ташкил этишни ва тузиш принципларини, шунингдек бюджет жараёнида пайдо бўладиган улар ўртасидаги ўзаро муносабатларни ўзида ифодалайди. Бюджет тизимининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

- бюджет таснифи тизими, ҳисобга олиш-бюджет ҳужжатлари ва бюджет жараёни тузилишининг ягоналиги;
- бюджет тузилишининг Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий тузилишига мувофиқлиги;
- турли даражадаги бюджетларнинг ўзаро боғлиқлиги;
- давлат бюджети баланслиги;
- давлат даромадларини аниқ манбалар бўйича ва харажатларни йўналишлари (моддалар) бўйича режалаштириш;
- давлат бюджети харажатларини тасдиқланган бюджетдан ажратилган маблағ доирасида сарфлаш;
- барча даражадаги бюджетларнинг мустақиллиги.

Давлат бюджети республика бюджетини, Қорақалпоғистон республикаси бюджетини ва маҳаллий бюджетларни ўз ичига олади.

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бюджети Қорақалпоғистон республикаси бюджетини, вилоятлар вилоят бюджетини, туманлар ва шаҳарлар бюджетларини ўз ичига олади.

Давлат бюджети даромадлари:

1. Қонун ҳужжатларида белгиланган солиқлар, йиғинлар, боғлар, шунингдек, мажбурий тўловлар ва солиқ бўлмаган бошқа тушумлар.

2. Давлат молиявий активлари ва бошқа активлар жойлаштирилиши, фойдаланишга берилиши ва сотилишидан олинган даромадлар.

3. Қонун ҳужжатларига мувофиқ мерос олиш, ҳадя этиш ҳуқуқи бўйича давлат мулкига ўтган пул маблағлари.

4. Юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек, чет эл давлатларидан келган қайтарилмайдиган пул тушумлари.

5. Резидент-юридик шахсларга ва чет эл давлатларига берилган бюджет ссудаларини қайтариш ҳисобига берилган тўловлар.

6. Қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа даромадлар ҳисобига шаклантирилади.

Давлат бюджет харажатлари тасдиқланган бюджетдан маблағ ажратиш доирасида қуйидагича сарфланади:

1) Бюджет маблағлари олувчиларнинг жорий харажатлари шаклида.

2) Жорий бюджет трансфертлари шаклида.

3) Капитал харажатлари шаклида.

4) Асосий фондлар ва воситаларни (улар билан боғлиқ ишлар ва хизматлар ҳам шу жумлага киҶади) давлат эҳтиёжлари учун олиш ва такрор ишлаб чиқаришга.

5) Чет элда давлат эҳтиёжлари учун ер ва бошқа мол-мулк олишга.

6) Давлат эҳтиёжлари учун ерга бўлган ҳуқуқни ва бошқа моддий активларни олишга.

7) Давлат заҳираларини вужудга келтиришга.

8) Капитал харажатларни қошлаш учун юридик шахсларга бериладиган бюджет трансфертлари шаклида.

9) Резидент-юридик шахсларга ва чет эл давлатларига бериладиган бюджет ссудалари шаклида.

10) Давлат мақсадли жамғармаларига бериладиган бюджет ссудалари ва дотациялари шаклида.

11) Давлат қарзини қайтариш ва унга хизмат кўрсатиш бўйича тўловлар шаклида.

12) Қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа харажатлар шаклида.

Давлат мақсадли жамғармаларига қуйидагилар киради:

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармаси;

Республика йўл жамғармаси;

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг махсус ҳисоб варағи;

Иш билан таъминлашга қўмаклашиш давлат жамғармаси.

Давлат мақсадли жамғармаларини вужудга келтириш қонун билан белгиланади.

Давлат бюджети маблағлари турли даражадаги бюджетлар ўр-тасида қуйидаги йўл билан қайта тақсимланади:

қуйи бюджетларга юқори бюджетлардан бюджет субвенциялари ва дотациялари бериш;

бюджет ижроси жараёнида пайдо бўлган ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича маблағларни юқори бюджетдан қуйи бюджетга, шунингдек, қуйи бюджетдан юқори бюджетга йўналтириш.

Қуйидагиларга мўлжалланган харажатлар қонун ҳужжатла-рида белгиланган тартибда республика бюджетидан молияланади:

1) Фан, таълим, маданият, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт (республика бўйсунувидаги бюджет ташкилотлари бўйи-ча).

2) Ижтимоий таъминот.

3) Мудофаа, миллий хавфсизлик ва жамоат тартибини таъмин-лаш.

4) Судлар ва прокуратура органлари фаолиятини таъминлаш.

5) Давлат заҳира ва сафарбарлик заҳирасини вужудга келтириш ҳамда уларга сарфланадиган харажатлар.

6) Давлат марказлаштирилган инвестицияларини амалга оши-риш.

7) Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, Ўзбекистон Рес-публикаси чет элдаги дипломатик ваколатхоналар ҳамда миссия-лари фаолиятини таъминлаш.

8) Иқтисодиёт турли тармоқларининг республика бўйсунувидаги бюджет ташкилотларига сарфланадиган харажатлар.

9) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор-ларига мувофиқ иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришнинг давлат тармоқ дастурлари ва тадбирларини амалга ошириш.

10) Ер тузиш, мелиоратив, табиатни муҳофаза қилиш ва эрро-зияга қарши кураш чора-тадбирларини амалга ошириш.

11) Қишлоқ хўжалиги зараркундаларига қарши кураш.

12) Гидрометеориология, дўлга қарши кураш.

13) Қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мақсадлар.

Давлат бюджети Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси то-монидан қабул қилинади.

Давлат бюджетига мувофиқ:

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тош-кент шаҳар бюджетлари – Давлат бюджети қабул қилинганидан

кейин икки ҳафталик муддат ичида тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқори Кенгеси, ҳамма вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимият вакиллик органлари томонидан;

шаҳарлар таркибига кирувчи туманлар бюджетлари ва туман бўйсунувидаги шаҳарлар бюджетлари белгиланган муддатларда ҳокимиятнинг юқори турувчи вакиллик органлари томонидан қабул қилинади.

Тасдиқланган бюджет маблағлари доирасида, харажатлар сметасига мувофиқ Давлат бюджети маблағлари бюджет маблағлари олувчилар томонидан молия йили мобайнида босқичма-босқич, тайинлаш сертификатини муайян даврга ва тегишли суммага расмийлаштириш йўли билан:

Республика бюджетидан молиянадиган бюджет ташкилотлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ёки маҳаллий бюджетлардан молияланадиган бюджет ташкилотлари бўйича тегишли ҳудудий молия органи томонидан сарфланади.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва барча даражадаги маҳаллий бюджетлар ҳисоб варақалардаги бюджет маблағлари қолдиқлар тасдиқланган миқдорда нақд пул айланишининг тасдиқланган миқдоридан ортиқ қисми тегишли давлат ҳокимияти органларининг қарорига кўра қўшимча харажатлар амалга оширишга йўналтирилиши мумкин.

Бюджет ташкилотлари ҳисоб варақларидаги бюджет маблағлари қолдиқлари олиб қўйилмаслиги керак ва улар бюджет ташкилотларининг махсус маблағлари ҳисоб варақаларига киритиб қўйилади, капитал қўйилмаларини молиялаш учун назарда тутилган маблағлар бундан мустасно. Бюджет ташкилотларининг махсус маблағларини шакллантириш ва сарфлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва ҳудудий молия органлари Давлат бюджети ижросини назорат қилишини амалга ошириш чоғида:

— турли даражадаги бюджетлар ижроси яқунларини кўриб чиқади;

— турли даражадаги бюджетларга маблағлар тушуми тўғрисида солиқ ва божхона органларидан, давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлардан ахборотлар олади;

— бюджет маблағлари олувчилардан бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг тушуми ва сарфи тўғрисида маълумотлар талаб қилиб олинади;

— қонун ҳужжатларига мувофиқ банклардан бюджет маблағлари ҳаракати тўғрисида маълумотларни олади;

— бюджет маблағлари олувчиларнинг молия хўжалик фаолиятини ўз ваколатлари доирасида тафтиш қилади ва текширувдан ўтказди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси йилнинг ҳар чорагида Давлат бюджети ижросининг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тақдим этадиган яқунларини кўриб чиқади.

4. Давлат бюджет даромадлари

Бюджет даромадлари мамлакат бюджет фондиди шакллантириш жараёнида давлатнинг корхоналар (бирлашмалар), ташкилотлар ва фуқаролар билан юзага келадиган иқтисодий муносабатларнинг кўриниш формалари — корхоналар, ташкилотлар ва аҳолининг давлат бюджетига тўлайдиган ҳар хил тўловларидир, уларнинг моддий ашёвий кўриниши эса бюджет фондига ўтказиладиган пул маблағларидир. Бюджет даромадлари, бир томондан, такрор ишлаб чиқариш жараёнининг кўпгина қатнашчилари ўртасида ижтимоий маҳсулот қийматининг тақсимланиши натижаси бўлса, иккинчи томондан, давлат қўлида тўпланган қийматнинг янада тақсимланиши объекти бўлиб ҳисобланади. Чунки, бу қиймат территориал, тармоқ ва мақсадли йўналтирилган бюджет фондларининг шаклланиши учун ишлатилади.

Бюджет даромадлари таркиби, пул маблағларининг бюджетга сафарбар қилиш усуллари хўжалик юритиш тизими ва усуллари, шунингдек, жамият ҳал этадиган иқтисодий вазифаларга боғлиқ. Мамлакатимизда ишлаб чиқариш воситаларининг асосий қисми давлат қўлида бўлган яқин вақтларгача бюджет даромадлари асосан давлат корхоналарининг пул жамғармаларига асосланган эди.

Хўжалик юритишнинг бозор тизимига ўтиш ижтимоий ишлаб чиқаришнинг иқтисодий усулларига ўтишни тақозо этди. Корхоналар соф даромадининг бир қисмини бюджетга ўтказишдан солиқ тўловларига ўтилди. Корхоналарнинг бюджет билан ўзаро муносабатлари қонун билан белгиланган ҳуқуқий асосларга ўтказилди.

5. Солиқ тўловларини ҳисоблаш ва ундириш

Давлат билан юридик ва жисмоний шахслар ўртасида бўладиган пул муносабатлари солиқнинг иқтисодий моҳиятини характерлайди. Бу пул муносабатлари объективдир ва ўзига хос ижтимоий йўналишга — пул маблағларини давлат ихтиёрига сафарбар қилишга эга. Шу сабабли пул иқтисодий категория сифатида икки муҳим функцияга — фискал ва иқтисодий функцияга эга. Биринчи функция орқали бюджет фонди шаклланади, иккинчи функция давлат тараққиётини рағбатлантириб ёки секинлаштириб, капитал оборотини тезлаштириб ёки пасайтириб, аҳолининг харид қувватини кенгайтиради ёки камайтиради ва шу орқали такрор ишлаб чиқаришга таъсир қилади.

Ҳокимиятнинг қонун органлари томонидан белгиланадиган солиқ тўловларининг турлари солиқ категориясининг кўриниши шакллари ҳисобланади.

Ташкилий-ҳуқуқий томондан солиқ — бу қонун томонидан белгиланган миқдорда ва муҳлатда бюджет фондига тушадиган мажбурий тўловлардир. Солиқларнинг ҳар хил турлари мажмуаси, маълум припциплар асосида ҳисобланадиган тузилиши ва методлари мамлакат солиқ тизимини ташкил этади.

Ҳозирги пайтда солиқ тизими бозор ҳўжалигини мустаҳкамлашга, тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга ва шу билан бирга аҳолининг кам маош олувчи қатламнинг ижтимоий қашшоқланишига йўл қўймасликка хизмат қилиши лозим (116-бетдаги иловага қarang).

6. Давлат бюджети харажатлари

Давлат бюджети харажатлари — бу давлат пул маблағлари фондининг тақсимланиши ва унинг тармоқлар, мақсадлар ва территориялар бўйича фойдаланиши билан боғлиқ юзага келадиган иқтисодий муносабатлардир. Бюджет харажатларида тақсимлаш жараёнининг икки томони: бюджет фондининг таркибий қисмларга бўлиниши ва моддий ишлаб чиқариш ва бюджет маблағларини олувчи номоддий соҳалардаги корхоналар, ташкилотлар ва муассасалардаги мақсадли пул фоизаларининг шаклланишида ўз ифодасини топади.

Бюджет харажатлари категорияси харажатларнинг конкрет тур-

Солиқлар ҳақида маълумотлар				
Ўзбекистон Республикасида умумдавлат, маҳаллий солиқлар ва йиғимлар амал қилади				
Умумдавлат солиқлари таркиби қуйидагилардан иборат, %:				
	1997 йил	1998 йил	2002 йил	2003 йил
1. Юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғи	37	36	22	
2. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	15-45	15-45	13-33	18-20
3. Қўшимча қиймат солиғи	18	18	20	13-32
4. Акциз солиғи				
5. Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ (қазилма ҳажмига нисбатан)			1,8	
6. Экология солиғи	2	2	1	
7. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	2	2	2,4	

Умумдавлат солиқлари ҳар йили қонуний тартибда белгиланадиган нормативлар бўйича тегишли бюджетлар ўртасида тақсимланади
<i>Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар:</i>
1. Мол-мулк солиғи — 2 %;
2. Ер солиғи;
3. Реклама солиғи — 5% гача.
4. Автотранспорт воситаларидан олиб сотганлик учун солиқ — 20 % пошлина.
5. Савдо-сотиқ қилиш ҳуқуқи учун йиғим, шу жумладан, айрим турдаги товарларни сотиш ҳуқуқини берувчи лицензия йиғимлари — 2 минимал иш ҳақи даражасида, бозор ичида — 1 минимал иш ҳақининг 1/10 миқдоридан ҳар бир савдо нуқтасидан (бир марта савдо учун). Лицензия олиш учун жисмоний шахслар 25 минимал иш ҳақи миқдоридан 50 минимал иш ҳақи миқдоригача ҳақ тўлашади.
6. Юридик шахсларни, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни рўйхатга олганлик учун йиғим.
7. Автотранспорт тўхташ жойидан фойдаланганлик учун йиғим.
8. Ободончилик ишлари учун йиғим — ҳар чоракда соф фойданинг 2% миқдоридан.

лари орқали кўриниб, уларнинг ҳар бири сифат ва миқдор томонидан характерланади. Сифат характеристикаси бюджет харажатлари ҳар бир турининг иқтисодий табиатини ва ижтимоий йўналишини, миқдор кўрсаткичи эса унинг миқдорини белгилаш имконини беради.

Жамият иқтисодий ҳаётида, ижтимоий қайта қуришларни амалга оширишда давлатнинг фаол ролини бюджет харажатлари конкрет турларининг қўшқиллиги тақозо этади. У бир қанча омилларнинг амал қилиши билан боғлиқ: давлатнинг табиати ва функцияси, мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиёти даражаси, бюджетнинг

Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиги ставкалари, %								
Солиққа тортиш микдори	1997	1998	1999	2000	2001	2002	2003	2004
энг кам иш ҳақининг 3 бара- вари микдоригача	15	15	15				13	13
энг кам иш ҳақининг 4 бара- вари микдоригача				15	12	13	13	13
энг кам иш ҳақининг 3 бара- варидан 5 бараваригача	25	25	25				13	13
энг кам иш ҳақининг 4 бара- варидан 8 бараваригача				25	25	23		
энг кам иш ҳақининг 5 бара- варидан 10 бараваригача	35	35	36				22	21
энг кам иш ҳақининг 8 бара- варидан юқори				36	36	34		
энг кам иш ҳақининг 10 ба- раваридан 15 бараваригача	40	40	40				32	30
энг кам иш ҳақининг 15 ба- раваридан юқори	45	45	40				32	30

халқ хўжалиги билан алоқаларининг кенг қамровлилиги, бюджет маблағлари бериш шакллари ва бошқалар. Давлат тараққиётининг ҳар бир босқичида юқоридаги омилларни ҳисобга олиш харажатларнинг шундай тизимини туғдирадики, у иқтисодиёт эҳтиёжлари, уни бошқариш даражаси ва турларига мос келади.

Бюджет харажатларининг турли-туманлилиги, роли ва аҳамиятини аниқлаш учун уни бир қанча белгиларга қараб, яъни такрор ишлаб чиқаришдаги роли, ижтимоий йўналтирилганлиги, ишлаб чиқариш тармоқлари ва фаолият турлари, мақсадга йўналтирилганлигига қараб классификация қилинади.

Ижтимоий ишлаб чиқаришдаги ролига қараб давлат бюджети харажатлари икки қисмга бўлинади: биринчиси моддий ишлаб чиқариш тараққиёти, унинг тармоқ структураларини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлса, иккинчи қисми ноишлаб чиқариш соҳаларини сақлаш ва ривожлантириш мақсадида ишлатилади.

Ижтимоий йўналишига қараб бюджет харажатларини иқтисодий группалаш давлат бажарадиган функцияларни, иқтисодий, ижтимоий, мудофаа ва бошқа вазифаларни акс эттиради. Ижтимоий йўналишга мувофиқ бюджетнинг барча харажатлари тўрт гуруҳга: халқ хўжалиги, ижтимоий-маданий тадбирлар, мудофаа, бошқаришга бўлинади.

Юқоридаги гуруҳларга бўлинган ҳолда бюджет харажатлари-

нинг структураси узоқ йиллар давомида бир хил бўлиб келди. Бунда асосий ресурсларнинг 50 % га яқини халқ хўжалигини молиялаштиришга, давлатнинг иқтисодий функцияларини амалга оширишга сарфланиб, ижтимоий-маданий тадбирларга эса 30 % га яқини сарфланди.

Бюджет кўрсаткичлари динамикаси шуни кўрсатадики, кейинги йилларда давлатнинг иқтисодий функцияси билан боғлиқ харажатлар тобора ортиб бормоқда. Унинг ижтимоий функцияси, бевосита инсонга йўналтирилган функциясини амалга ошириш учун етарли молиявий мадад берилмади. Хўжалик юритишнинг бозор асосларига ўтиш билан бюджет маблағларини тақсимлашда туб ўзгаришлар бўлди. Давлатнинг ижтимоий функциясини ривожлантириш бозор муносабатларига ўтишдаги асосий тамойиллардан бири этиб эътироф этилди. Ўз-ўзидан давлат иқтисодий функцияларининг йўналиши, мазмуни ва моҳиятида муҳим ўзгаришлар бўлади.

Давлат бюджети харажатларини тармоқлараро гуруҳлаш асо-сида иқтисодий тармоқлар ва фаолият турларига бўлиниши олинган. Шунга мувофиқ бу харажатлар ишлаб чиқариш соҳасида халқ хўжалиги, капитал қурилиши, транспорт, алоқа, савдо ва б. ноишлаб чиқариш соҳасида эса халқ таълими, маданият, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, давлат бошқаруви ва бошқаларга бўлинади. Давлат бюджети ҳозирги давлат молиялаштирадиган харажатларнинг конкрет турларини ҳисобга олган мақсадли йўналиш сақланиб келмоқда.

7. Бюджет тақчиллиги (камомад) ва уни бошқариш

Бюджет камомати (дефицити) — у фавқулодда ходисалар туркумига кирмайдиган молиявий ҳодисадир. Ҳозирги пайтда ўз тарихининг у ёки бу даврида бюджет камоматига учрамаган бирорга давлат йўқ. Аммо бюджет камомати турли-туман бўлиши мумкин:

1. Иқтисодиётнинг ривожланиши учун давлат томонидан йирик маблағлар ажратиш зарураги билан боғлиқ камомат. Бундай ҳолатда у ижтимоий жараёнда инқироз оқимини аке эттирмайди, балки иқтисодий конъюктурани давлат томонидан тартибга солишни, ижтимоий ишлаб чиқариш структурасида прогрессив сил-

житишларни таъминлашга интилишни билдиради. Ўз вақтида Ж.М. Кейнс жамият ривожланишининг маълум босқичларида давлат харажатларининг даромадларга нисбатан устун даражада ўсиши мумкинлигини асослаган эди.

2. Бюджет камомати фавқулодда ҳолатлар (урушлар, катта стихияли фалокатлар ва б.) туфайли бўлиши мумкин. Бундай пайтда одатда резервлар етишмайди ва ўзига хос бўлган манбаларга мурожаат қилишга тўғри келади.

3. Бюджет камомати иқтисодиётга инкироз, молия-кредит алоқаларининг самарасизлиги давлатнинг мамлакатдаги молиявий ҳолатни бошқара олмаслиги туфайли ҳам бўлиши мумкин.

Ҳозирги пайтда ниҳоятда катта бюджет камоматининг салбий оқибатлари, уларни бартараф этиш чоралари, тадбирлари ва тизimini амалга ошириш, фаол молиявий сиёсат олиб бориш, камомадга қарши умумжаҳон тажрибасида қабул қилинган усуллардан фойдаланишни тақозо этади.

Бюджет камомати билан курашиш стратегиясини ишлаб чиқишда қуйидагиларга амал қилиш лозим:

бюджет камомати иқтисодиётга салбий таъсир этувчи омил бўлиб, уни соф математик операциялар йўли билан даволашга интилиш мамлакат иқтисодиёти ва молияси учун янада катта зарар етказиши ва уни тузатиш янада оғирроқ бўлади;

бюджет балансини, ҳатто бюджет даромадларининг бюджет харажатларидан кўп бўлишини соғлом узлуксиз ривожланаётган иқтисодиёт сифатида қараш тўғри эмас;

жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, жамият ривожланишининг айрим босқичларида, ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос хусусиятлари, шароитларига кўра бюджет камомати бўлиши, унга йўл қўйиш мумкин;

жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, бюджет камомати миқдори ялпи миллий маҳсулотнинг 2–3 % идан ошқ бўлмаслиги лозим;

бюджет камоматини қоплаш учун давлат кредитининг ҳар хил даромадларидан (ички ва ташқи) фойдаланиш мумкин;

бюджет камоматини бартараф этиш учун иқтисодиётнинг ўзини даволаш лозим, агар узлуксиз тараққиёт таъминланмаса ҳар қандай прогрессив молиявий чора ҳам фойда бермай қолиши мумкин.

Бюджет камоматини бартараф қилиш дастурини ишлаб чиқиш

ва уни бошқаришда юқоридаги принципларга эътибор бериш лозим.

Маърузанинг тавсия этиладиган намунавий режаси:

1. Давлат бюджетининг моҳияти, унинг ижтимоий-иқтисодий жараёнлардаги роли.
2. Давлат бюджети даромадлари.
3. Давлат бюджети харажатлари.
4. Бюджет тақчиллиги, уни бошқариш.

Семинарнинг намунавий режаси:

1. Давлат бюджетининг моҳияти ва вазифалари.
2. Давлат бюджети таркиби.
3. Бюджет классификацияси ва унинг турлари.
4. Бюджет жараёни ва унинг босқичлари.
5. Бюджет қурилиши ва унинг моҳияти.
6. Маҳаллий бюджетлар, уларнинг таркиби ва тузилиши.

Адабиётлар:

Бюджет тизими тўғрисида. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.
И. Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент, 1995.

И. Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент, 1998.

И. Каримов. Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Тошкент, 1993.

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. Тошкент, 1997.

Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономикс. М., «Дело» ЛТД, 1993.

Самуэльсон П., Нордхаус В. Экономика. М., 2000.

Н. Григори Менкью. Принципы экономикс. Санкт-Петербург, 1999.

Шодмонов Ш. ва б. Иқтисодий назарияси. Тошкент, 2002.

Финансы. Учебное пособие. М., 1999.

Финансы и кредит. Екатеринбург, 1995.

А. П. Казаков, Н. В. Минаева. Экономика. М., 1996.

Э. А. Аренс, Дж. К. Лоббек. Аудит. М., 1995.

Общая финансовая теория. М., 1997.

Ё. Абдуллаев. Кредит. 100 савол ва жавоб. Тошкент, 1997.

Ё. Абдуллаев. Пул. 100 савол ва жавоб. Тошкент, 1998.

Финансы. А. М. Ковалёва тахрири остида. М., 1999.

- А. Д. Шермет, Р. С. Сайфулин. Финансы предприятий. М., 1999.
Финансы. Учебное пособие. Под. ред. В.М. Родионовой. М., 1995.
Н. Хайдаров. Молия. Тошкент, 2001.

Реферат ва маъруза мавзулари:

1. Ишлаб чиқаришни йириклаштириш ва капитал жамғаришда давлат бюджетининг роли.
2. Давлат истеъмоли ва ижтимоий сиёсатини амалга оширишда давлат бюджетининг роли.
3. Маҳаллий бюджетлар, уларнинг таркиби ва ижтимоий-иқтисодий аҳамияти.
4. Бюджет жараёни ва унинг босқичлари.

Талабаларнинг аудиториядан ташқари мустақил ишлари:

1. Давлат бюджетининг молиявий система ва кредитнинг бошқа звенолари билан ўзаро алоқасини кўрсатувчи схема тузиб чиқинг.
2. Ўзбекистоннинг давлат бюджети, солиқ кодекси материалларини тўпланг.
3. Туманингиз, маҳаллангиз ва оилангиз бюджети бўйича статистик материаллар тўпланг ва таҳлил қилинг.

Назорат саволлари ва уларни амалга ошириш формалари:

1. Иқтисодий категория сифатида давлат бюджети, унинг функциялари ва ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
2. Давлат бюджети, бюджет жараёни, бюджет даромадлари масаласида талабалар ўртасида молия клубида баҳс ўтказиш.
3. Давлат бюджети, бюджет жараёни мавзусидан тест ўтказиш.
4. Ўзбекистон Республикасининг Бюджети тўғрисидаги қонунни конспект қилинг.

Мавзуга доир асосий атамалар:

Бюджет. Бюджет муносабатлари. Давлат бюджети. Бюджет функциялари. Бюджет механизми. Бюджет даромадлари. Солиқ. Солиқнинг иқтисодий моҳияти. Солиқ тизими. Солиқ тизими принциплари. Тўғри солиқлар. Эгри солиқлар. Акцизлар. Даромад солиғи. Табиий ресурслар учун тўловлар. Сув учун тўлов. Қўшимча қиймат солиғи. Божхона пошлиналари. Фойдадан солиқ. Мулк солиғи. Ер солиғи. Давлат бюджети харажатлари. Халқ хўжалигини молиялаштириш. Социал-маданий тадбирларни молиялаштириш. Бюджет дефицити (камомеди). Бюджет тузилиши. Бюджет жараёни. Бюджет тизими.

4.3-МАВЗУ. БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ФОНДЛАР

1. Бюджетдан ташқари фондларнинг моҳияти ва уларнинг аҳамияти

Бюджетдан ташқари фондлар умумдавлат молия бўғинларидан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда давлат ижтимоий суғурта фонди, нафақа фонди, аҳоли бандлиги фонди ва бошқалар мавжуд.

Бюджетдан ташқари фондлар ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг иқтисодий вазибаларини таъминлашни, вақтинча стегнация ва барқарорликни тузатиш, кризис ҳолатларини бартараф қилишдан иборат вазибаларни ҳал қилишга қаратилган.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида молиявий ресурсларнинг анчагина қисмини давлат бўйича тўплаш ва ижтимоий-иқтисодий, тармоқлараро соҳалардаги тадбирларни амалга ошириш учун катта эҳтиёж туғилади.

Молиявий ресурсларни умумдавлат миқёсида ташкил қилишда давлат ва мақаллий бюджетлар муҳим роль ўйнайди. Аммо бир қанча омиллар бошқа формалар — бюджетдан ташқари фондлар ҳам фойдаланишни мақсадга мувофиқ эканлигини билдиради.

Молиявий ресурсларнинг чекланганлиги кўп ҳолларда молиявий ресурсларни қайта тақсимлаш заруратини туғдиради. Айниқса, иқтисодиётнинг мураккаб молиявий ҳолатида қайта тақсимлаш зарурати янада кучаяди.

Маълумки, давлат бюджети даромадларини конкрет харажатларга беркитилмаганлиги туфайли маблағларнинг сафарбарлигига имкон беради. Аммо маблағларни харажатларнинг бир моддасидан иккинчисига ўтказишга йўл қўйиб бўлмайди. Айниқса, бундай мақсадлар учун ижтимоий эҳтиёжлардаги харажатлардан кесиб олиш ҳолатлари кўп учрайди. Шу боисдан, тараққиётнинг энг ус-тувор йўналишларини аниқлаш ва тушган маблағларни шу мақсадда ишлатиш мақсадга мувофиқ бўлди.

Бу вазифани бажариш икки усулда амалга оширилиши мумкин: давлат бюджети ёки маҳаллий бюджетдан маълум миқдорда мақсадли қисм ажратилади; қонуний органлар қарори билан аниқ мақсадга қаратилган бюджетдан ташқари янги фонд ташкил қилинади. Ҳозирги пайтда ҳар иккала усулдан ҳам фойдаланиб келинмоқда.

Бюджет камомати ҳам бюджетдан ташқари фондлар ташкил топишининг мақсадга мувофиқ бўлишида муҳим омил ҳисобланади. Харажатларнинг даромадлардан ошиб кетиши уни қоплаш учун қўшимча молиявий ресурсларни излаб топиш билан бирга, маълум харажатлар турларини қоплаш учун корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва аҳолидан тушган даромадларни қайта гуруҳлаш имконини беради.

Мулкчилик ва ҳўжалик юритиш формаларининг турли-туманлиги ҳам бюджет усуллари билан бир қатор жамиятдаги маблағларни қайта тақсимланиши янги усулларини қўллашни тақозо этади.

Шундай қилиб, бюджетдан ташқари фондлар — бу баъзи бир ижтимоий эҳтиёжларни молиялаштириш ва оператив мустақиллик асосида комплекс харажат қилиш учун давлат томонидан молиявий ресурсларни қайта тақсимлаш ва фойдаланиш формасидир. Ҳар давлатларида бундай фондлардан 30 тадан 80 тагача мавжуд.

2. Давлат суғурта фонди ва нафақа фонди

Меҳнат жараёнида қатнашмаётган шахсларни моддий таъминлашнинг ҳар хил турлари ижтимоий таъминот фонди ҳисобидан молиялаштирилади. Булар орасида энг муҳимлари давлат ижтимоий суғурта фонди ва нафақа фонди.

Давлат ижтимоий суғурта фонди умумдавлат миқёсида марказ-

лашган пул ресурслари фонди бўлиб, у ҳудудий ҳамда тармоқлар миқёсида тақсимланади. У тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган шахслар ва мулкчиликнинг ҳар хил формаларидаги корхона ва ташкилотлар маблағларини мажбурий қатнаштириш орқали суғурта усули билан тузилади.

Фонднинг ташкил топиш усуллари турли-туман. Улар корхоналар ва ташкилотларнинг суғурта бадаллари; давлат бюджети маблағлари; ижтимоий суғурта йўли билан санаторий ва дам олиш уйларига сотиладиган йўлланмалар маблағлари ва бошқа даромадлардир.

Корхона ва ташкилотларнинг суғурта бадаллари миқдори ишчи ва хизматчилар иш ҳақи фондига процент тариқасида белгиланади. Суғурта бадаллари тарифи маълум давр учун ҳукумат томонидан белгиланади. Тариф миқдори режалаштирилган харажатларни қоплаш учун етарли бўлиши лозим.

Суғурта фонди маблағлари қуйидаги мақсадларда сарфланади:

а) вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотганларга нафақа тўлаш, ҳомиладорлик ва бола туғилганда, туғилган болалар 1,5 ёшга тўлгунича нафақа тўлаш;

б) ходимлар ва уларнинг оилаларини санаторий-курортларда даволаниш учун дам олиш ва даволанишга бориш харажатлари;

в) ижтимоий суғурта ва меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларида илмий-тадқиқотлар олиб бориш;

г) фонд бошқариш аппаратини сақлаш, жорий фаолиятини таъминлаш;

д) фонд вазифаларига доир бошқа тадбирларни амалга ошириш.

Суғурта фонди маблағлари фақат мақсадли молиялаштириш учун сарфланади. Ижтимоий суғурта маблағларининг суғурталанганларнинг шахсий ҳисобига ўтказиши мумкин эмас.

Нафақа фонди Ўзбекистонда нафақа билан таъминлаш давлат молиясини бошқариш мақсадида тузилган.

Нафақа фондининг асосий вазифалари:

-- суғурта бадалларини мақсадли тўплаш ва нафақа мақсадидаги харажатларни молиялаштириш;

-- жисмоний ва юридик шахсларнинг ихтиёрий бадалларини нафақа фондига тўлаш;

-- меҳнат лаёқатини йўқотганлар, боқувчисидан ажралганлар,

инвалидларни давлат нафақаси билан таъминлаш;

— солиқ органлари томонидан нафақа фондига маблағларни ўз вақтида тўланишини ва унинг маблағларининг тўғри харажат қилинишини назорат қилиш;

— нафақа ва нафақа масалаларида давлатлараро ва халқаро шартномаларда иштирок этиш.

Нафақа фонди маблағлари: а) ишловчиларнинг суғурта бадаллари; б) индивидуал меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи фуқароларнинг суғурта бадаллари; в) ишлаётган бошқа категорияларнинг суғурта бадаллари; г) жисмоний ва юридик шахсларнинг ихтиёрий бадаллари асосида ташкил топади.

Нафақа фонди бюджети асосан нафақа суғуртаси субъектларининг бадаллари ҳисобидан шаклланиб, улар: а) иш берувчилар, корхона, ташкилот, муассасалар; б) деҳқон фермер хўжаликлари; в) давлат органлари томонидан тадбиркорлар сифатида шуғулланувчи жисмоний шахслар; г) ёлланма меҳнатдан фойдаланувчи жисмоний шахслар.

Ўзбекистонда нафақа фондига ишлаётган фуқаролар иш ҳақининг 1% и, индивидуал тадбиркорлар фаолиятдан олган даромадларнинг 20,6 % и, корхона, ташкилотлар, муассасалар бажарилган ишнинг 28%и миқдорида бадаллар тўланади.

Маърузанинг тавсия этиладиган намунавий режаси:

1. Бюджетдан ташқари фондларнинг моҳияти ва уларнинг аҳамияти.
2. Давлат суғурта фонди ва нафақа фонди.
3. Бюджетдан ташқари фондлар даромадлари ва унинг манбалари.
4. Бюджетдан ташқари фондлар харажатлари.

Семинарнинг намунавий режаси:

1. Бюджетдан ташқари фондларнинг социал-иқтисодий моҳияти.
2. Бюджетдан ташқари фондлар классификацияси, уларнинг мақсади.
3. Бюджетдан ташқари фондлар даромадлари, уларнинг ву-

жудга келиш усуллари ва характеристикаси.

4. Бюджетдан ташқари фондлар харажатлари ва уларнинг хусусиятлари.

Адабиётлар:

- Бюджет тизими тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.
И. Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент, 1998.
И. Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент, 1995.
И. Каримов. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Тошкент, 1993.
Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономикс. М., «Дело» ЛТД, 1993.
Самуэльсон П., Нордхауэс В. Экономика. М., 2000.
Н. Григори Менкью. Принципы экономикс. Санкт-Петербург, 1999.
Шодмонов Ш. ва б. Иқтисодиёт назарияси. Тошкент, 2002.
Финансы и кредит. А.Ю.Казаков тахрири остида. Екатеринбург, 1994.
Финансы. Учебное пособие. Под. ред. В.М.Родионовой. М., 1995.
Г.И.Рузавин. Основы рыночной экономики. М., 1996.
Общая экономическая теория. М., 1995.
Общая финансовая теория. М., 1997.
Чжен. Пул ва молия бозорлари. Тошкент, 1997.
Абдуллаев Ё. Пул. 100 савол ва жавоб. Тошкент, 1998.
Абдуллаев Ё. Кредит. 100 савол ва жавоб. Тошкент, 1997.
Финансы. Под руководством А.М.Ковалёвой. М., 1999.
А.Д.Шеремет, Р.С.Сайфулин. Финансы предприятий. М., 1999.
Н.Хайдаров. Молия. Тошкент, 2001.

Реферат ва маърузалар мавзулари:

1. Бозор иқтисодиётига ўтишда Ўзбекистонда аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш муаммолари.
2. Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида Ўзбекистонда бюджетдан ташқари фондларнинг ташкил топиши ва унинг эволюцияси.

Талабаларнинг аудиториядан ташқари мустақил ишлари:

1. Ўзбекистон ва вилоятда нафақа фонди шаклланиши манбаларини кўрсатувчи маълумотларни тўплаб, дафтарингизга ёзинг ва уни таҳлил қилинг.

2. Ўзбекистонда бюджетдан ташқари фондларга доир статистик маълумотларни тўпланг ва таҳлил қилинг.
3. Ўзингиз яшаган туманга доир бюджетдан ташқари фондлар тўғрисида кейинги 5 йил ичидаги статистик маълумотларни тўпланг ва таҳлил қилинг.

Назорат саволлари ва уларни амалга ошириш формалари:

1. Ҳозирги босқичда бюджетдан ташқари фондлар нима учун зарур?
2. Пенсия фонди шаклланиши манбалари ва унинг маблағларидан фойдаланиш йўналишлари нималардан иборат?
3. Аҳоли бандлиги давлат фонди манбаи ва унинг маблағларини сарфлаш йўналишларини кўрсатинг.

Мавзуга доир иқтисодий атамалар:

Бюджетдан ташқари фондлар. Бюджетдан ташқари фондлар манбалари. Давлат социал суғурта фонди. Суғурта взнослари. Нафақа (пенсия) фонди. Хомиладорлик нафақаси. Меҳнат лаёқатини йўқотганларга нафақа. Кам таъминланган болаларга нафақа. Кўп болали оилаларга нафақалар.

4.4-МАВЗУ. ДАВЛАТ КРЕДИТИ

1. Давлат кредитининг формалари, моҳияти ва функциялари

Жамиятнинг турли-туман эҳтиёжларини узлуксиз молиялаштириш мақсадида давлат ўзининг харажатларини қонлаш мақсадида хўжалик структураларининг бўш турган молиявий ресурслари ва аҳоли маблағларини жалб қилиши мумкин. Уларни олишнинг асосий усули давлат кредитидир.

Кредит – бу ўз эгалари қўлида бўш турган пул маблағларини бошқалар томонидан маълум муддатларга ҳақ тўлаш шарти билан қарзга олиш ва қайтариб бериш юзасидан келиб чиқадиغان муносабатлардир.

Кредит муносабатлари 2 субъект ўртасида юзага келади: пул

эгаси, яъни қарз берувчи ва пулга муҳтож, яъни қарз олувчи ўртасида.

Кредит товар ва пул қўринишидаги маблағларни қайтаришлик, муддатлилик, фоизлилик шартлари натижасида юзага келади.

Кредит субъектларига корхона, фирма, ташкилот, давлат ва турли тоифадаги аҳоли киради. Кредит объекти — бу ҳар қандай пул эмас, балки фақат вақтинча бўш турган, вақтинча берилиши мумкин бўлган пуллар ва товарлардир.

Кредит қуйидаги вазифаларни бажаради:

1. Пулга тенглаштирилган тўлов воситаларини (вексель, чек, сертификат ва бошқалар юзага чиқариб, уларни хўжалик оборотига жалб қилади.

2. Бўш бўлган пул маблағларини ҳаракатдаги, ишдаги капиталга айлантириб, пулни пул топади деган қондани амалга оширади.

3. Қарз бериш орқали пул маблағларини турли тармоқлар ўртасида қайта тақсимлаш билан ишлаб чиқариш ресурсларининг кўчиб туришини таъминлайди.

4. Қарз бериш, қарзни ундириш воситалари орқали иқтисодий ўсишни рағбатлантиради.

Кредитнинг қуйидаги асосий шакллари мавжуд:

- 1) Тижорат кредити.
- 2) Банк кредити.
- 3) Истеъмолчи кредити.
- 4) Қишлоқ хўжалиги кредити.
- 5) Ипотека.
- 6) Давлат кредити.
- 7) Халқаро кредит.

Давлат кредити давлат билан жисмоний ва юридик шахслар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар мажмуасидир. Бунда давлат қарз олувчи (давлат заёмлари шаклида), ҳам қарз берувчи (кредитор) сифатида майдонга тушади.

Заём — давлатнинг қарздорлик гувоҳномаси бўлиб, у қарзни вақти келганда қайтариб бериш ва фоиз тўлашни кафолатлайди.

Кредит муносабатларида давлат қарз берувчи ролини ҳам бажаради. Давлат маблағлари банкда қарз фоизини ташкил этади, хазинадан қарз ҳам беради. Хазина қарзи давлат бюджетидаги корхона, ташкилотларга уларнинг молиявий санацияларига сарфлана-

ди. Мазкур қарз ҳам маълум муддатга қайтариб бериш ва фоиз тўлаш шарт билан берилади. Аммо фоиз ғоят имтиёзли бўлади. Давлат ўз қарзларидан воз кечиши ҳам мумкин.

Молиявий категория сифатида давлат кредити фискаль ва бошқарувчи функцияларини бажаради. Давлат кредитининг фискаль функцияси давлатнинг марказлашган пул фондларини ташкил қилишда қўринади. Давлат заём чиқарувчи сифатида ўзининг харажатларини молиялаштириш учун қўшимча маблағлар билан таъминлайди.

Давлат кредитининг тартибга солувчи функцияси шунда намоён бўладики, давлат бу йўл билан пул муомаласи ҳолатига пул ва капитал бозоридаги ставка даражасига, ишлаб чиқаришга ва иш билан таъсир кўрсатади. Демак, давлат кредитларидан иқтисодий тартибга солувчи қурол сифатида фойдаланиб, у ёки бу молиявий сиёсатни олиб боради.

2. Давлат заёмлари ва уларнинг классификацияси

Давлат заёмини бир неча белгиларга кўра классификация қилиш мумкин:

1. Заём муносабатларининг субъекти бўйича заёмлар марказий ва маҳаллий бошқарув органларига жойлаштирилган бўлади.

2. Ўзининг жойланиш ўрнига кўра давлат заёмлари ички ва ташқи заёмларга бўлинади.

3. Бозордаги муомалага боғлиқ равишда давлат заёмлари бозор ва нобозор заёмларига бўлинади. Бозор заёмлари эркин ҳолда сотилади ва сотиб олинади. Улар бюджет дефицитини молиялаштиришнинг асоси ҳисобланади. Нобозор заёмлар қимматли қоғозлар бозорида эркин муомалада бўлмайди. Давлат уларни, одатда, маълум инвесторларни жалб қилиш мақсадида чиқаради ва улар манфаатларига жавоб беради. Масалан, ғарбда давлат облигациялари давлат нафақа фондлари, суғурта компаниялари, майда инвесторлар маблағини жалб қилиш мақсадида чиқарилади.

4. Давлат заёмлари маблағларни жалб қилиш муддатларига боғлиқ равишда қисқа муддатли (1 йилгача), ўрта муддатли (1 йилдан 5 йилгача) ва узоқ муддатли (5 йил ва ундан ортиқ) заёмларга бўлинади.

5. Давлат заёмлари қарз мажбуриятларини тўлаш характериغا қараб ютуқли, купонли заёмларга бўлинади.

Давлат кредитини бошқаришни тор ва кенг маънода қараб чиқиш мумкин. Давлат кредитини кенг маънода бошқариш — бу давлат молиявий сиёсати йўналишларидан бирининг шаклланиши — унинг заём чиқарувчи, қарз берувчи сифатидаги фаолиятидир.

Демак, давлат кредитини кенг маънода бошқариш молиявий сиёсат йўналишларидан бири сифатида давлат бошқаруви ва ҳокимият органлари қўлида бўлади.

Давлат кредитини тор маънода бошқариш давлатнинг қарз мажбуриятларини (заёмларини) чиқариш ва жойлаштириш, давлат қимматли қоғозлари бозорини тартибга солиш, давлат қарзларини узиш ва унга хизмат қилиш, кредит бериш ва грант бўлиш билан боғлиқ ҳаракатлар мажмуасидан иборат.

3. Давлат қарзларини бошқариш

Давлат қарзларини бошқариш — бу давлатнинг кредиторларга даромад тўлаш ва заёмлар ҳақини тўлаш, чиқарилган заёмлар шартларини ўзгартириш, давлатнинг янги қимматли қоғозларини чиқариш ва шартларини аниқлашга доир тадбирлар мажмуасидир.

Заём даромадларини тўлаш ва уни қоплаш одатда бюджет воситалари ҳисобидан амалга оширилади. Аммо давлат қарзларининг анча устунлиги ва қўшгина мамлакатларда бюджет қийинчиликларининг ортиб бориши давлат қарзларини ремолиялаштиришни амалга ошириш мумкин. Ремолиялаштириш — бу янги заёмлар чиқариш йўли билан давлатнинг эски қарзларини қоплаш йўлидир.

Заём фойзаларини тўлаш ва давлат қарзларининг ташқи қисмини қоплашда ремолиялаштириш қўлланилади. Аммо янги заёмлар беришнинг бирдан-бир шарти халқаро молиявий бозорда қарз олувчи мамлакатнинг яхши мавқега эга бўлиши, унинг иқтисодий ва сиёсий барқарорлигидир.

Заёмлар ютуқ тиражини ўтказиш, шунингдек, ютуқли ва фойзли заёмлар ҳақини тўлаш тираж ўтказиш йўли билан ёки кредитордан давлат қимматли қоғозларини сотиб олиш йўли билан амалга оширилади.

Заёмларга ютуқлар тўлаш, йиллик фойзалар, заём суммасини қоплашлар давлат қарзларини бошқариш бўйича харажатларнинг асосий қисмини ташкил қилади.

Давлат кредитнинг самарадорлиги тўғрисида ғамхўрлик қилади.

Давлат кредитининг самарадорлиги куйидаги формула орқали аниқланади:

$$\mathcal{E}_x = \frac{\Pi - P}{P} \times 100;$$

бунда, \mathcal{E} — кредит самарадорлиги;

Π — давлат кредити тизимидаги тушум (тушган маблағ);

P — давлат кредити тизимидаги харажатлар.

Маърузанинг тавсия этиладиган намунавий режаси:

1. Давлат кредити, унинг моҳияти, функциялари ва формалари.
2. Давлат заёмлари ва уларнинг классификацияси.
3. Ижтимоий такрор ишлаб чиқаришда давлат кредитининг роли.
4. Давлат қарзларини бошқариш.

Семинарнинг намунавий режаси:

1. Давлат кредити молиявий категориянинг бир тури.
2. Давлатнинг кредит орқали такрор ишлаб чиқаришга аралашуви.
3. Такрор ишлаб чиқаришни ташкил этишда давлат кредитининг роли.

Адабиётлар:

- И.Каримов.* Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент, 1998.
- И.Каримов.* Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент, 1995.
- И.Каримов.* Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Тошкент, 1993.
- Фишер С., Дорнбули Р., Шмалензи Р.* Экономикс. М., «Дело» ЛТД, 1993.
- Самуэльсон П., Нордхаус В.* Экономика. М., 2000.
- Н.Григор-Менкью.* Принципы экономикс. Санкт-Петербург, 1999.
- Шодмонов Ш. ва б.* Иқтисодиёт назарияси. Тошкент, 2002.
- Финансы и кредит. А.Ю.Казаков тахрири остида. Екатеринбург, 1994.
- Финансы. Учебное пособие. Под. ред. В.М. Родионовой. М., 1995.
- Г.И.Рузавин.* Основы рыночной экономики. М., 1996.
- Общая экономическая теория. М., 1995.
- Общая финансовая теория. М., 1997.
- Чжен.* Пул ва молия бозорлари. Тошкент, 1997.

- Абдуллаев Ё. Пул. 100 савол ва жавоб. Тошкент, 1998.
Абдуллаев Ё. Кредит. 100 савол ва жавоб. Тошкент, 1997.
Финансы. Под руководством А. М. Ковалёвой. М., 1999.
Д.Шеремет, Р. С. Сайфулин. Финансы предприятий. М., 1999.

Реферат ва маъруза мавзулари:

1. Бозор иқтисодиётига ўтишда Ўзбекистонда кредит муносабатларидаги ўзгаришлар.
2. Ўзбекистоннинг кредит орқали ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнига аралашуви.

Талабаларнинг аудиториядан ташқари мустақил ишлари:

1. Ё.Абдуллаев, Т.Бобокуловларнинг «Кредит. 100 савол ва жавоб» қўлланмасини ўқиб чиқиш ва кредитга доир иқтисодий атамаларни тўплаш.
2. Давлат заёмларининг классификацияси белгиларини кўрсатган схема тузиб чиқинг.

Назорат саволлари ва уларни амалга ошириш формалари:

1. Кредит муносабатлари темасида талабалар билан давра суҳбати ўтказиш.
2. Давлат кредити ва банк кредитининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
3. Давлат қимматли қоғозларининг қандай турлари бор? Уларнинг умумий томонлари ва ўзига хос хусусиятларини таърифланг.

Мавзуга доир иқтисодий атамалар:

Давлат кредити. Давлат ички кредити. Давлат кредити маблағлари. Халқаро давлат кредити. Давлат қарзлари. Давлат кредити формалари. Давлат заёмлари. Хазина мажбуриятлари. Эмиссия. Процентсиз заёмлар. Ютуқли заёмлар. Облигацияли заёмлар. Об-

лигациясиз заёмлар. Хази́на ссудалари. Ташқи заёмлар. Кредитор. Давлат қарзларини бошқариш. Кредитнинг самарадорлиги. Конверсия. Заёмни унификациялаш.

4.5-МАВЗУ. МАҲАЛЛИЙ МОЛИЯ

1. Маҳаллий молиянинг аҳамияти, унинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти

XX асрда бутун дунёда давлат тузилиши ва бошқарувида демократик принципларнинг ривожланиши жараёни тезлашди. Кўпгина мамлакатларда маҳаллий ўз-ўзини бошқариш демократик давлат тузилишининг зарурий шarti ҳисобланади. Унинг моҳияти шундан иборатки, давлатни эркин равишда сайланган вакиллик органлари орқали аҳолининг ўзи бошқаради. Маҳаллий вакиллик ва ижроия органлари ўзларига бириктирилган функцияни бошқариш учун маълум мулкiiй ва молия-бюджет ҳуқуқларидан фойдаланадилар.

Демократик шароитда давлат молия тизимининг энг муҳим таркибий қисмларидан бири маҳаллий молия бўлиб, у регионал бюджет, маъмурий-худудий бирлик бюджети ва ҳўжалик субъектлари молиясини ўз ичига олади ва бу орқали ўзининг маҳаллий эҳтиёжларини қондиради.

Демак, маҳаллий молия бу иқтисодий муносабатлар тизими бўлиб, у орқали худуднинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти учун миллий даромадни тақсимлайди ва қайта тақсимлайди.

Кўпгина мамлакатларда кейинги ўн йилликларда иқтисодий жараёнларни режалаштириш ҳолатлари кузатилмоқда. Демак, бу жараёнларни тартибга солиш функцияси давлат ҳокимиятининг марказий даражасида маҳаллий ҳокимиятга тобора ўтиб бормоқда.

Давлат маҳаллий молия орқали ижтимоий сиёсат олиб бормоқда. Маҳаллий бюджетдан маблағларни маҳаллий ҳокимиятга бериш халқ маорифи, соғлиқни сақлаш муассасалари, аҳолига коммунал хизматлар маҳаллий молия орқали амалга оширилмоқда.

Регионал бюджет ҳисобидан умумтаълим мактабларигина эмас, ҳатто олий мактаб, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, ҳуқуқ тартибот, ички хавфсизлик хизмати тадбирлари ҳам молиялаштирилмоқда. Давлат регионал молия ёрдами билан худудлар иқтисодий ва ижтимоий тараққиётини тенглаштириш, турли хил регионал дастурлар ишлаб чиқиш вазифалари амалга оширилади.

Регионал сиёсат юритишда маҳаллий молиянинг роли жуда каттадир. Маҳаллий молиянинг тузилмаси, унинг эволюцияси асосида шаклланган бўлиб, маҳаллий бюджет ҳокимиятнинг маҳаллий органларига қарашли маҳаллий корхоналар ва мулклардан келадиган даромадлардан иборатдир. Мамлакат миллий даромадини қайта тақсимлашда маҳаллий бюджет асосий ролни ўйнайди. Маҳаллий бюджет даромадлари, уларнинг таркиби ва тузилмаси қуйидагилардан иборат:

1. Маҳаллий бюджет тушумлари солиқдан келадиган ва солиқсиз даромадлар.

2. Уларнинг маблағи маҳаллий бюджетнинг ўзи ва даромадларини қайта тақсимлашдан тушган даромадлари.

3. Маҳаллий солиқлар, уларнинг маҳаллий бюджет базасини таъминлашдаги роли.

4. Маҳаллий солиқларнинг асосий турлари.

5. Маҳаллий бюджет бўғинлари ўртасида даромадлар ва солиқларни тақсимлаш.

2. Маҳаллий молия ресурсларининг таркиби

Маҳаллий молиявий ресурслар — бу ҳудуднинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиёти учун яратилган, фойдаланилган пул ресурслари мажмуасидир. Маҳаллий молиядан фойдаланишнинг асосий йўналиши бу ижтимоий ва қисман ишлаб чиқариш инфратузилмасини молиявий таъминлашдан иборат. Бюджет маблағлари ва хўжалик субъектлари маблағи уни молиялаштиришнинг асосий манбаи бўлиб ҳисобланади. Регионал молиянинг асосий таркиби — бу регионал бюджетдир. АҚШда бу штатлар, графликлар муниципалитетлар бюджети, Францияда — регионал департаментлари бюджети, округлар, коммунал бюджети, Германияда — ерлар, уездлар, шаҳарлар, Буюк Британияда — графликлар, округлар, Италияда — областлар, провинциялар, коммуналар, Россияда — республикалар, областлар, автоном округлар, ўлкалар, шаҳар, район, қишлоқлар бюджети. Ўзбекистонда Қорақалпоғистон автоном республикаси, вилоятлар, туманлар, қишлоқлар бюджети.

Регионал молиянинг бўғинларидан яна бири — хўжалик субъектлари маблағлари. Унга регионга қарашли корхоналар молиявий ресурслари, ижтимоий-моддий ва уй-жой коммунал объектларини

молиялаштиришда фойдаланилаётган корхоналар, фирмалар, ташкилотларнинг молиявий ресурсларидир.

Регионал молиянинг учинчи бўғини ҳудудий бюджетдан ташқари фондлардир. Бу фондларнинг манбаи заём ресурслари, корхоналар ва аҳолининг ихтиёрий бўғинлари марказий бюджетдан ташқари фондлар ва бошқа маблағларидир. Бюджетдан ташқари фондлар аввало мақсадли ишлатилади.

3. Хорижий давлатларнинг маҳаллий бюджетлари

Хорижий мамлакатларнинг кўпчилигида регионал бюджет иш лойиҳаларини ишлаб чиқиш, қараб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби ҳар томонлама белгилаб чиқилган. Бюджетнинг харажатлар қисми асосий муниципал департаментлари штатларида кўрсатилган бўлиб, бу лойиҳа молиявий йил учун тузилади. Ҳокимиятнинг регионал органлари бу лойиҳаларни тузишда бюджет принципларига суянишлари лозим. Бу лойиҳада даромадлар ва харажатлар кўрсатилиши лозим. Кўпгина мамлакатлар, жумладан, Германия, Англия, Испанияда регионал бюджетни қараб чиқишда марказий ҳокимият ҳам иштирок этади.

Регионал бюджет даромадлари маҳаллий солиқлар ва йиғимлар, солиқсиз даромадлар, марказий бюджетдан тушган тушумлар ҳисобидан ташкил топади. Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, иқтисодий ривожланган мамлакатларда регионал бюджет даромадлари давлатнинг ресурслари ҳажмида анча юқори. Масалан, Португалияда у ялпи миллий маҳсулотнинг 3%, Норвегияда — 15%, Швецияда — 31% ини ташкил қилади.

Регионал бюджетнинг асосий манбаи солиқлардир. Бу бюджетга тушадиган солиқ ва тушумларни икки гуруҳга бўлиш мумкин: маҳаллий солиқлар ва юқоридаги бюджетлардан тушумлар. Маҳаллий солиқлар ҳар хил мамлакатларда ҳар хил. У регионал бюджет даромадларининг 30% дан 70% гача ташкил этади. Фарбий Европада маҳаллий солиқ олишда тўғри солиқлар асосий ўрин эгаллайди. Унинг асосий хиссаси даромад, фойда ва мол-мулкдан олинади ва солиқ тушумларининг 70—75% ини ташкил қилади. Японияда тўғри солиқ — 85%, эгри солиқлар — 15% ни ташкил этади. Бевосита солиққа тортиш доирасида, бир томондан, даромадлар ва фойдадан олинadиган солиқлар, иккинчи томондан,

мулкдан олинадиган ҳар хил солиқлар скандинавия давлатларида бир-биридан жуда катта фарқ қилади, уларда фойда ва даромадлардан олинадиган тушумлар барча солиқ тушумларининг 80—90% ини ва ундан кўпроқни ташкил қилади.

Бир қатор мамлакатларда эса, аксинча ҳокимиятнинг регионал органларига тушадиган солиқ тушумларининг асосий қисми мулкчиликни солиққа тортишнинг ҳар хил формалари ҳисобида шаклланади. Масалан, Ирландияда у маҳаллий солиқларнинг яққою ягона туридир. Нидерландияда барча солиқ тушумларининг 2/3 қисмини ташкил қилади. Японияда эса барча солиқ тушумларининг 48%и уй-жойлардан олинадиган солиқ ва 21%и эса кўчмас мулкдан олинадиган солиқдир.

Маҳаллий солиқларга ҳокимиятнинг регионал органлари томонидан олинадиган солиқлардан ташқари беркитилган солиқларга қўшимчани ҳокимиятнинг регионал органларнинг ўзи белгилайди. Бундай қўшимчалар кўпинча даромад солиғи, ер солиғи, қўшилган қиймат солиғи кабилардир.

Ҳокимиятнинг регионал органлари даромадга солинадиган солиқ, фойда ва мулк солиғидан ташқари бюджетни тўлдириш имконини берувчи бошқа солиқ ва тушумларни ҳам белгилайдилар. Шунингдек, кўчмас мулкларни олди-сотдисини расмийлаштириш учун витрина ва кўча рекламалари, итларга, ҳар хил томошалар, ўйинчоқ автоматлар учун белгиланган қўшимча солиқлар ҳам кўп учрайди.

Францияда кўпгина коммуналарда коммунал жамоат транспорт учун солиқ белгиланган. У одатда 30 мингдан кўп аҳолиси бўлган шаҳарларда жорий этилади. Уни 9 дан ортиқ ёлланма ишчиси бўлган барча корхоналар тўлайдилар. Маҳаллий ҳокимият органлари аҳоли билан келишган ҳолда доимий ёки вақтинча солиқлар — кўчаларни ободонлаштириш, тратуарларга плиталар ётқизиш, кўчаларни тозалаш учун солиқлар жорий қилишлари мумкин.

Баъзи мамлакатларда ахлатларни чиқариш, электроэнергия ва бошқалар учун қўшимча солиқлар белгиланган. Йўл ҳаракати коидаларини бузганларга ва экологик стандартларни бузганларга жарима солиш формасидаги қаттиқ санкциялар ҳам маҳаллий бюджетни тўлғазишга имкон беради. Аммо юқоридаги қўшимча солиқлар нисбатан юқори бўлмайди.

Марказий бюджетлардан тушадиган тушумлар куйидагиларни ўз ичига олади: ушбу худуддан жалб қилинган айрим солиқлар ҳажмидан ажратмалар ҳамда дотация ва субвенциялар.

Юқори бюджетлардан регионал бюджетга ўтказиладиган бундай ажратмалар, уларнинг ўз молиявий маблағлари маҳаллий тадбирлар ёки давлат дастурларининг регионал қисмларини, масалан, йўл қурилиши, соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш учун етмаган ҳолатлардагина ажратилади.

Кейинги йилларда регионал бюджетларнинг роли тобора ортиб бормоқда. Жумладан, Италияда юқори бюджетлардан ажратиладиган бундай ажратмалар маҳаллий бюджетнинг 60%га яқинини ташкил қилади.

Регионал бюджет даромадларининг муҳим манбаи юқори бюджетдан бериладиган дотациялардир. Унинг ҳиссаси ҳар хил мамлакатларда регионал бюджет даромадларининг 20—40%ини ташкил этади. Бу дотациялар таркибида бюджетдан маълум, аниқ мақсадлар учун бериладиган субвенциялар ҳам киради. Дотация ва субвенциялар ўзининг иктисодий моҳиятига кўра солиқлар манбаига яқинроқ, чунки уларнинг асосида солиқлар ётади.

Регионал бюджетларнинг солиқсиз даромадлари асосий маҳаллий жамият мулки бўлган корхоналардан олинадиган даромадлар, ижара даромадлари, пул жамғармалари, турли-туман жарималар, поштиналар, корхоналар ва аҳолидан олинадиган ихтиёрий взносларни ўз ичига олади. Уларнинг ҳиссаси ҳар хил мамлакатларда умумий даромадларнинг 10 дан 30%гача ташкил қилади.

Регионал бюджет харажатларни кўп жиҳатдан давлат олиб бораётган бюджет сиёсати ҳамда социал соҳани бошқаришни марказдан маҳаллий ҳокимият ихтиёрига бериш (рецентрализация) даражасига боғлиқ. Шу боисдан ҳар хил бюджет турлари мамлакатларда бир хил эмас. Жумладан, Финландия, Германия, Норвегия, Францияда марказий бюджетга нисбатан территориал бюджетдан кўп маблағ сарфланади.

Регионал бюджет маблағлари эксплуатация харажатлари билан бир қаторда инвестиция харажатлари учун ҳам сарфланади.

Регионал бюджет харажатларининг асосий қисми социал-маданий мақсадлар учун сарфланади. Жумладан, бошланғич ва ўрта мактаблар учун харажатлар Германияда маҳаллий бюджетларнинг 1/4 қисмини, Япония ва Францияда 1/3, Буюк Британия ва АҚШда 40% дан кўпроғини ташкил қилади. Айрим мамла-

катларда (Германия, АҚШ) олий ўқув юртларининг харажатлари ҳам маҳаллий бюджет ҳисобидан қопланади.

Регионал бюджет ҳисобидан соғлиқни сақлаш муассалари ҳам молиялаштирилади. Масалан, Норвегия, Швеция, Финляндияда бу харажатлар бюджет харажатларининг 50% дан кўпроғини ташкил қилади.

Регионал бюджет харажатлари орасида уй-жой, коммунал хўжалиги (уй-жой, сув канализацияси, транспорт корхоналари, йўл қурилиши хўжалиги) муҳим роль ўйнайди. Регионал бюджет ҳисобидан ҳокимиятнинг маҳаллий органларини сақлаш, тартибни сақлаш, айрим мамлакатларда суд идоралари молиялаштирилади.

Шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистонда ҳам бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида маҳаллий (регионал) молиянинг роли ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда, маҳаллий ҳокимият органлари ҳуқуқлари, айниқса маҳаллалар ҳуқуқлари тобора ортиб бормоқда.

Шу билан бир қаторда, биз бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасини чуқур ўрганишимизни, унинг ижобий томонларини регионлар иқтисодий тараққиётини ривожлантиришда ундан фойдаланишни ҳаёт тақозо этмоқда.

Маърузанинг тавсия этиладиган намунавий режаси:

1. Маҳаллий молиянинг моҳияти, структураси ва роли.
2. Маҳаллий бюджет даромадлари.
3. Маҳаллий бюджет харажатлари.
4. Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтишда маҳаллий муаммолари.

Семинарнинг намунавий режаси:

1. Ўзбекистоннинг маҳаллий молияси ва регионал иқтисодиётни ривожлантиришда унинг роли.
2. Маҳаллий бюджет даромадлари ва унинг манбалари.
3. Маҳаллий бюджет харажатлари, маҳаллий бюджетни бажарилиш муаммолари.
4. Бозор иқтисодиёти мамлакатларида маҳаллий молия.

Адабиётлар:

- И.Каримов.* Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент, 1998.
- И.Каримов.* Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент, 1995.
- И.Каримов.* Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишининг ўзига хос йўли. Тошкент, 1993.
- Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р.* Экономикс. М., «Дело» ЛТД, 1993.
- Самуэльсон П., Нордхауэс В.* Экономика. М., 2000.
- Н.Григори-Менкью.* Принципы экономикс. Санкт-Петербург, 1999.
- Шодмонов Ш. ва б.* Иқтисодиёт назарияси. Тошкент, 2002.
- Финансы и кредит.* А.Ю.Казаков тахрири остида. Екатеринбург, 1994.
- Финансы.* Учебное пособие. Под. ред. В.М. Родионовой. М., 1995.
- Г.И.Рухавин.* Основы рыночной экономики. М., 1996.
- Общая экономическая теория.* М., 1995.
- Общая финансовая теория.* М., 1997.
- Чжен.* Пул ва молия бозорлари. Тошкент, 1997.
- Абдуллаев Ё.* Пул. 100 савол ва жавоб. Тошкент, 1998.
- Абдуллаев Ё.* Кредит. 100 савол ва жавоб. Тошкент, 1997.
- Финансы.* Под руководством А. М. Ковалёвой. М., 1999.
- Д.Шеремет, Р. С. Сайфулин.* Финансы предприятий. М., 1999.

Реферат ва маъруза мавзулари:

1. Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида маҳаллий молия, унинг моҳияти, структураси ва аҳамияти.
2. Вилоят маҳаллий бюджети ва унинг вилоят ривожланишидаги роли.

Талабаларнинг аудиториядан ташқари мустақил ишлари:

1. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида маҳаллий молия моҳияти, структураси ва ривожланиши ҳақидаги статистик маълумотларни ўзингиз яшаган туман мисолида тўпланг ва таҳлил қилинг.

Назорат саволлари ва уларни амалга ошириш формалари:

1. Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида маҳаллий молиянинг социал-иқтисодий моҳияти нимадан иборат?

2. Регионал иқтисодий ривожлантиришда маҳаллий молиянинг роли қандай?
3. Маҳаллий молия, унинг роли, структураси ҳақида молия клубида талабалар билан баҳс ўтказиш.

Мавзуга доир иқтисодий атамалар:

Маҳаллий молия. Маҳаллий бюджет. Маҳаллий бюджет ташкилотлари. Маҳаллий бюджет харажатлари. Молиявий йил. Маҳаллий солиқлар ва тушумлар. Бюджет ташкилотлари. Бюджет суро-ви. Бюджет дотацияси. Бюджет судаси. Бюджет тақчиллиги.

V БЎЛИМ. СУҒУРТА

5.1-МАВЗУ. МУЛКИЙ ВА ШАХСИЙ СУҒУРТА

1. Суғуртанинг иқтисодий моҳияти ва функциялари

Суғурта иқтисодий категорияси молия категориясининг таркибий қисми ҳисобланади. Аммо молия даромадлар ва жамғаришларни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш билан боғлиқ бўлса, суғурта фақат қайта тақсимлаш муносабатлари соҳасига тегишлидир.

Ўзбекистоннинг «Суғурта тўғрисида»ги қонунида «Суғурта — инсон фаолиятининг турли соҳаларида содир бўладиган табиий офатлар, фавқулудда ходиса ва бошқа воқеалар натижасида етказилган зарар ҳамда талофатларни жисмоний ва юридик шахслар тўлаган суғурта бадаллари (суғурта пули)дан ҳосил қилинадиган пул фонди ҳисобидан тўлиқ ва қисман қоплаш йўли билан жисмоний ва юридик шахслар манфаатлари суғурталанишини таъминлашга доир муносабатлар демакдир», дейилади.

Суғурта иқтисодий категория сифатида қуйидаги хусусиятларга эга:

1. Суғурта хавф-хатарлар, табиий офатлар, бахтсизлик ҳодисалари билан боғланган.

2. Суғурта жараёнида содир бўладиган муносабатлар чегараланган бўлади. У бюджет каби барча корхоналар ва жисмоний шахсларни қамраб оладиган кенг доирада эмас, балки тор доирада — зарарларни қоплашдаги манфаатдор бўлган корхона ва

шахслар билан суғурта ташкилотларининг ҳаракат доирасида амал қилади.

3. Суғурта ҳудуд доирасига боғлиқ табиий офатлардан келадиган зарарлар баъзан бир хонадон ёки бир неча хонадон доирасини қамраб олиши, айрим ҳолларда ҳатто шаҳар ёки туман миқёсида ёппасига содир бўлиши мумкин. Масалан, 1966 йилги Тошкент zilzilаси.

4. Суғурта вақт тушунчаси билан боғлиқ. Мажбурий суғурта бир неча ўн йилга ёки маълум бир ёшга етгунга қадар тузилади. Ҳатто бир йиллик, чораклик суғурталар ҳам бор.

5. Суғурта бадаллари зарарни қоплашга, бу орқали суғурталанувчи ихтиёрига қайтарилиши.

Суғурта қуйидаги функцияларни бажаради: 1. Хавф-хатар. 2. Огоҳлантириш. 3. Инвестиция. 4. Омонат. 5. Ахборот.

1. Суғуртанинг хавф-хатар функцияси натижасида ҳосил қилинган фондлар асосида zilзила, тошқин, ёнғин оқибати ва хоказолар тугатилган.

2. Суғуртанинг огоҳлантириш функцияси шунда кўринадики, маҳаллий аҳамиятга эга бўлган огоҳлантириш хавфнинг олдини олиш тадбирлари суғурта тўловларининг умумий тушумидаги ажратма сифатида маблағлар ҳисобидан қопланади.

3. Суғуртанинг инвестиция функцияси шунда кўринадики, ишлатилмай бўш турган маблағлар ҳисобидан заҳира фондлари ташкил қилинади ва у тижорат мақсадлари учун фойдаланилади.

4. Омонат кассаларида омонатга маълум муддатларда сақланган даврда нисбатан % олиш ҳуқуқи берилади. Шахсий суғурта ва унинг бошқа турларида мулк суғуртаси суғурталанган маълум муддатга бадалларни тўлайди, бу бадаллар суғурта ташкилоти ихтиёрида бўлади. Агар суғурта даврида бирор суғурта ҳодисаси рўй берса, суғурта ташкилоти етказилган зарарни ўз ҳисобидан тўлайди.

5. Ахборот суғуртанинг янги функциясидир. Илгари суғурта монополиясида бу функция бўлмаган, чунки фақат давлат суғурта ташкилоти ҳукмрон бўлган. Ҳозир «Ўзагросуғурта», «Кафолат», «Мадад», «Ўзбекинвест» каби давлат акциядорлик ва ўнлаб янги суғурта компаниялари, агентликлари, фирмалари вужудга келди. Шунинг учун улар суғурталанувчиларга ҳар бир ташкилот тўғрисида ахборот беришлари, суғурта бозорини ташкил қилишлари лозим.

Суғурта муносабатлари беш тармоққа бўлинади: а) мол-мулк суғуртаси; б) шахсий; в) ижтимоий; г) масъулият суғуртаси; д) тадбиркорлик таваккалчилиги суғуртаси.

Суғурта мажбурий ва ихтиёрий бўлади.

2. Мулкый суғурта

Хар хил моддий қимматли буюмлар мулкый суғурталаш учун суғурта объекти ҳисобланади. Улар турли-тумандир. Мулкый суғурта аввало мажбурий ва ихтиёрий суғуртага бўлинади. Мамлакатимизда мажбурий суғурта қишлоқ жойларида яшовчи фуқароларнинг маълум мулклари (қурилишлари, айрим қишлоқ хўжаликлари, чорва моллари) жалб қилинади.

Бошқа ҳамма мулклар ихтиёрий асосда суғурта қилиниши мумкин. Шундай қилиб, корхоналар ташкилот ва бошқа юридик шахсларнинг асосий ва айланма фондлари, қишлоқ хўжалик экинлари, юklar, авиация ва космик техника, транспорт воситалари, ҳайвонлар, санъат асарлари, фуқароларнинг шахсий ҳаракатдаги ва қўчмас мулклари суғурталанади.

Шуни таъкидлаш керакки, суғурталанган мулкнинг қийматини аниқлаш, суғурта тарифининг ҳисоб-китоби, мулкнинг бузилиши ёки йўқ бўлиши факти ва сабабини аниқлаш; суғуртани қошлаш ҳисоб-китоби ва уни тўлаш кабилар мулкый суғуртанинг асоси бўлиб хизмат қилади.

Мулкый суғурта суғуртанинг энг қадимий турларидан бири. Мулкка ўт кетганда, сув тошқинида, аварияларда, портлашларда ва бошқа ҳолатларда тўлиқ нобуд бўлганда ва қисман шикастланганда суғурта қилинади.

Ҳозирги пайтда суғурта бозорида мулкый суғурта бўйича суғурта тўловлари ҳиссасининг ўсиши тенденцияси кузатилмоқда. Булар орасида жисмоний шахслар ва корхоналар мулки, транспорт воситалари кабиларни суғурталаш муҳим турлардан бири ҳисобланади.

3. Шахсий суғурта

Бу инсон ҳаётини ихтиёрий суғурталаш бўлиб, у суғурталанганга суғурта суммасини тўлаш ёки бошқа шахсларга уларнинг белгиланган муддатда яшаганлиги ёки нафақа ёшига етгангача бўлган

муддатдан кейин унга умрбод ойлик нафақа тўлашни кўзда ту-тади. Булар орасида ҳаётини суғурталаш айниқса кенг тарқалган. У жамғариш функциясини бажаради. Унга аралаш суғурта, бо-лаларни суғурталаш, никоҳни суғурталаш ҳам бошқа турлари киради.

Ҳаётни суғурталаш бошқа турларга нисбатан кўпроқ инфля-циядан зарар кўради. Шунга қарамасдан суғурта бозоридаги ту-шумларнинг чорак қисми ҳаётни суғурталаш турига тўғри келади.

Мамлакатимиз иқтисодиёти барқарорлашиб бориши билан ҳаётни суғурталаш янада ривож топади. Корхоналар маблағлари ҳисобидан бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш аҳоли манфаатларини ижтимоий ҳимоялаш формаларидан биридир. Ҳозирги пайтда бозор муносабатлари ривожлана бориши билан хавф-хагарни ҳи-собга олувчи шахсий суғуртанинг янги йўналишини ривожланти-риш зарурати туғилмоқда.

Маърузанинг тавсия этиладиган намунавий режаси:

1. Суғуртанинг иқтисодий моҳияти ва функциялари.
2. Мулкий суғурта.
3. Шахсий суғурта.

Семинарнинг намунавий режаси: (Ижтимоий суғурта билан бирга ўтилади)

1. Мулкий ва шахсий суғурта ва унинг моҳияти.
2. Бозор иқтисодиётига ўтишда Ўзбекистонда мулкий ва шахсий суғурта тараққиёти муаммолари.

Адабиётлар:

- И. Каримов.* Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент, 1998.
- И. Каримов.* Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент, 1995.
- И. Каримов.* Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Тошкент, 1993.
- Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р.* Экономикс. М., «Дело» ЛТД, 1993.
- Самуэльсон П, Нордхауэс В.* Экономика. М., 2000.
- П. Григори Менкью.* Принципы экономикс. Санкт-Петербург, 1999.

- Шодмонов Ш. ва б. Иқтисодиёт назарияси. Тошкент, 2002.
- Финансы и кредит. А.Ю.Казаков таҳрири остида. Екатеринбург, 1994.
- Финансы. Учебное пособие. Под ред. В.М. Родионовой. М., 1995.
- Г.И.Рузавин. Основы рыночной экономики. М., 1996.
- Общая экономическая теория. М., 1995.
- Общая финансовая теория. М., 1997.
- Чжен. Пул ва молия бозорлари. Тошкент, 1997.
- Абдуллаев Ё. Пул. 100 савол ва жавоб. Тошкент, 1998
- Абдуллаев Ё. Кредит. 100 савол ва жавоб. Тошкент, 1997.
- Финансы. Под руководством А. М. Ковалёвой. М., 1999.
- А. Д. Шеремет, Р. С. Сайфуллин. Финансы предприятий. М., 1999.

Реферат ва маъруза мавзулари:

1. Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида Ўзбекистонда мулкӣй ва шахсий суғуртанинг ривожланиши.

Талабаларнинг аудиториядан ташқари мустақил ишлари:

1. Мулкӣй суғуртани ҳар бир турнинг асосий шартларини ақс эттирувчи схемани тузинг.
2. Мулкӣй ва шахсий суғуртага доир иқтисодий атамаларни тўғлаб дафтариногизга ёзинг ва ўрганнг.

Назорат саволлари ва уларни амалга ошириш формалари:

1. Ўзбекистонда мулкӣй суғуртанинг қайси мажбурий турлари мавжуд?
2. Мулкӣй ва шахсий суғуртага доир мавзуни талабалар қанчалик ўрганганлигини билиш мақсадида навбатдаги мавзуларда улар орасида баҳс ва давра суҳбати ўтказинг.
3. Суғурта бозори тушунчасини аниқланг ва унинг «Молиявий бозор», «Суда капиталлари бозори» тушунчалари билан таққосланг.
4. Ўзбекистонда давлат суғуртаси қандай ташкил этилган?
5. Талабаларнинг конспект ва атамалар лугатини кўриб чиқиш.

Мавзуга доир иқтисодий атамалар:

Суғурта категорияси. Суғурта фонди. Шахсий суғурта. Суғурта функциялари. Суғурта бозори. Суғурта бозоридаги конъюнктура. Суғурта маркетинги. Суғурта операциялари даромади. Мажбурий суғурта. Ихтиёрий суғурта. Суғуртали ҳимоя. Суғурта взноси. Суғурта тўлови. Суғурта харажатлари. Суғурта операциялари молиявий натижаси. Суғуртани ташкил қилиш. Давлат суғурта ташкилотлари.

5.2-МАВЗУ. ИЖТИМОЙ СУҒУРТА

1. Ижтимоий суғурта

Ижтимоий суғурта — объектив заруратдир. Жамият ривожланиши маълум босқичида айрим сабабларга кўра меҳнат қилиш ва меҳнат учун иш ҳақи олиш имкони бўлмаган шахсларни жамият ўз ҳимоясига олади.

Ижтимоий суғуртанинг илмий асосланган тизими — ижтимоий адолатни таъминлаш ва сиёсий барқарорликни қўллаб-қувватлашнинг шартларидан биридир.

Ижтимоий суғурта вазифаларига қуйидагилар киради: а) меҳнатга лаёқатсизларни ёки меҳнат жараёнига иштирок этмаётганларни боқиш билан боғлиқ бўлган харажатларни қоплаш учун зарур бўлган пул фондларини шакллантириш; б) жамиятнинг ишлаётган ва ишламаётган аъзоларининг моддий таъминланиш даражасини таъминлаш ва яхшилаш зарур бўлган пул фондларини шакллантириш.

Ижтимоий суғуртанинг алоҳида аҳамиятини, унинг ижтимоий жараёнга таъсирини ҳисобга олиб қўшгина мамлакатларда ресурсларнинг анча қисмини ягона фондга тўплаш имконини берувчи ва шу йўл билан мамлакат аҳолисини ишончли ижтимоий ҳимоялашни таъминловчи мажбурий давлат ижтимоий суғурта тизими яратилган.

Ўзбекистонда давлат мажбурий суғуртасининг қуйидаги фондлари мавжуд ва шаклланимоқда:

1. Нафақа фонди.
2. Ижтимоий суғурта.

3. Иш билан бандлик.

4. Мажбурий медицина суғуртаси.

Бу фондларнинг шаклланиши ва ишлатилиши ўзига хос хусусиятларга эга. Улар суғурта фондлари бўлса-да, суғурта фондларининг шаклланиши ва фойдаланиши принципларига доимо тўғри келавермайди. Улар фаолиятида бюджет тузилишига ёндашув белгилари, яъни маблағ ажратмаларининг мажбурийлиги ва нормативлиги, жамғариш ҳолатларининг йўқлиги ва бошқалар яққол кўриниб туради. Бу фондлар иқтисодий моҳияти жиҳатидан суғурта фонди эмас, форма жиҳатидан эса улар бюджетдан ташқари фондларга киради.

Аmmo шуни таъкидлаш керакки, ҳозирги пайтда давлат мажбурий ижтимоий суғуртаси билан бир қаторда нодавлат нафақа фонди пайдо бўлмоқда ва айрим суғурта компаниялари медицина суғуртаси тўғрисида шартномалар тузмоқдалар.

2. Жавобгарлик суғуртаси

Бу суғурта тармоғи суғуртанинг агенти у ёки бу ҳаракати ёки суғуртачининг ҳаракат қилмаганлиги туфайли учинчи шахс олдидаги жавобгарлигидир. Бундай суғуртанинг моҳияти конкрет суғурта ҳолатида зарар етказилганда зарар кўрган шахснинг иқтисодий манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган.

Жавобгарлик суғуртасининг бу турига кредит суғуртаси, шахсий транспорт суғуртаси, атроф-муҳитни ифлос қилганлик суғуртаси, хўжалик ва профессионал фаолият жараёнида бошқа шахсларга зарар етказган ҳолатларда фуқаролик жавобгарлиги суғурталари мисол бўла олади. Бу суғурта турлари кўпгина ривожланган мамлакатларда мавжуд.

Кредит суғуртаси ҳам хавф-хатарли, ҳам жуда фойдалидир. Кўпгина янги ташкил топган суғурта компаниялари кредит суғуртасини маъқул кўрадилар.

Хавф-хатарли кредит суғуртасининг объекти -- коммерция кредити, банк ссудалари, узоқ муддатли инвестиция ва бошқалардир.

Хавф-хатарли кредит суғуртаси ҳам заём олувчилар, ҳам кредиторларнинг манфаатини ҳимоя қилади.

Ҳозирги пайтда транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги суғуртаси тобора катта аҳамият касб этмоқда. Чунки

мамлакат аҳолиси ва жамият йўл-транспорт ҳодисалари: ҳар хил травмалар олиш, кишиларнинг ўлими, майиб-мажруҳ бўлиб қолиши, моддий бойликларнинг йўқотилиши каби ҳодисалардан ҳимоя қилинган эмас ва жуда катта зарар кўрмоқдалар. Суд органлари томонидан ҳимоя қилишнинг амалдаги тизими бу муаммоларни ҳал қилмайди.

Шахсий транспортнинг бахтсиз ҳодисалардан ихтиёрий суғурта қилиш йўл-транспорт ҳодисаларида юз берадиган барча комплекс муаммоларни ҳал эта олмайди. Кўпгина мамлакатларда суғуртанинг бу тури мажбурийдир. Бунда суғуртанинг объекти — йўл-транспорт ҳодисаларида транспорт воситалари эгаларининг бошқа шахсга етказган зарари учун фуқаролик моддий зарари ва бошқа харажатларини суғурта ташкилоти қоплайди. Суғуртанинг бу туридан зарар кўрган транспорт воситасини га бошқа мулкларни тиклаш билан боғлиқ моддий харажатлар тўланади, зарар кўрган фуқарони даволаш харажатлари, овқатланиши, қайта малака (касб) олиши, зарар кўрганнинг ногирон бўлиб қолганлиги ёки ўлганлиги туфайли оиланинг йўқотган даромадини қоплаш каби харажатларни қоплайди. Бу суғурта гуноҳкор шахс келтирилган зарарни қоплашга моддий имконияти бўлмаса ҳам, келтирилган зарар оқибатларини қоплашга имкон туғдиради.

Кўпгина малакатларда хўжалик ва профессионал фаолият бошқа шахсларга зарар етказган ҳолларда атроф-муҳитни ифлос қилиш ҳолатларида фуқаролик жавобгарлиги суғуртаси мавжуд.

Профессионал жавобгарлиги суғуртаси ўзининг касб мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ ва шунга мувофиқ хизмат кўрсатадиган шахслар ва корхоналарга эътироз билдириш имконияти билан боғлиқдир. Бундай эътироз учун суғуртачининг бажарган иши ёки хизматидаги хато-камчиликлар, сифатсиз иш бажарганликлари асос бўлиб хизмат қилади.

Профессионал жавобгарлик суғуртаси бўйича икки хил гуруҳ хавф-хатар суғурталаниши мумкин:

1. Учинчи шахсга тан жароҳати етказиш ва унинг соғлигига зарар етказиш эҳтимоли билан боғлиқ хавф-хатар. Бундай ҳоллар врачлар, ҳайдовчилар, фармацевтлар тажрибасида учрайди.

2. Моддий ёки иктисодий зарар етказиш эҳтимоли билан боғлиқ хавф-хатар. Бу турга архитекторлар, илженер-қурувчилар, адвокатлар фаолияти киради.

Ҳозирги кунда атроф-муҳитни ифлослантирганлиги учун корхоналар жавобгарлиги суғуртаси тобора катта аҳамият касб этмоқда.

3. Тадбиркорлик хавф-хатари суғуртаси

Тадбиркорлик фаолиятининг бош стимули фойда (даромад) олишга интилиш бўлганлиги сабабли фойда ёки ҳатто зарар кўриш хавф-хатари имконияти бу суғуртанинг объекти ҳисобланади.

Тадбиркорлик хавф-хатари суғуртасида суғуртанинг объекти маълум даврдан кейин даромад оладиган ишлаб чиқариш, иш ва хизматлар учун пул ва бошқа ресурсларни инвестиция қилишни ҳам ўз ичига олувчи фаолиятдир.

Ҳозирги шароитда бу суғуртанинг аҳамияти жуда каттадир. Чунки бозорда хавф-хатар ва шунга мувофиқ зарар кўплаб учрайди. Аммо шуни айтиш керакки, ҳамма тадбиркорлик хавф-хатарини энг кам даражаси мумкин дейиш тўғри эмас. Ҳақиқатда эса шундай хавф-хатарлар борки, уни бирорта ҳам ишончли, тузук суғурта компанияси суғурта қилишни ўз зиммасига олмайди.

Бу суғурта энг мураккаб суғурта турига киради. Бу суғурта турига суғуртачининг тадбиркорлик фаолияти жараёнида вужудга келган зарарларни қоплаш суғурта ташкилогининг масъулияти ҳисобланади. Жавобгарлик чегараси сифатида шартномада кўрсатилган суғурта суммаси суғуртачи аризаси бўйича аниқланади, аммо унда, албатта, суғурта ташкилоти розилиги бўлиши лозим.

Бу суғурта суммасини белгилашнинг икки варианты мавжуд. Суғурта суммаси, биринчидан, суғуртачининг капитал маблағлари миқдорида белгиланади; иккинчидан, капитал харажатларини эмас, балки унга харажатдан қутилаётган маълум миқдордаги норматив фойда ҳам унга қўшилади. Биринчи вариантда суғуртанинг харажатлари қопланади, уни инвестиция суғуртаси деб аташ мумкин. Иккинчи вариантда норматив фойда ҳам қопланади, яъни фойда (даромад) суғуртаси амалга ошади.

Маърузанинг тавсия этиладиган намунавий режаси:

1. Ижтимоий суғурта.
2. Жавобгарлик суғуртаси.
3. Тадбиркорлик хавф-хатари суғуртаси.

Семинарнинг намунавий режаси:

1. Суғуртанинг иқтисодий моҳияти ва функциялари.
2. Мулкий ва шахсий суғурта, уларнинг моҳияти.
3. Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида Ўзбекистонда социал суғуртанинг моҳияти.
4. Бозор иқтисодиётига ўтишда социал суғурта манбаларидан фойдаланиш муаммолари.

Адабиётлар:

- И. Каримов.* Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент, 1998.
- И. Каримов.* Ўзбекистон иқтисодий ислохотлари чуқурлаштириш йўлида. Тошкент, 1995.
- И. Каримов.* Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Тошкент, 1993.
- Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р.* Экономикс. М., «Дело» ЛТД, 1993.
- Самуэльсон П, Нордхауэс. В.* Экономика. М., 2000.
- Н.Григори-Менкью.* Принципы экономикс. Санкт-Петербург, 1999.
- Шодмонов Ш. ва б.* Иқтисодиёт назарияси. Тошкент, 2002.
- Финансы и кредит. А.Ю.Казаков таҳрири остида. Екатеринбург, 1994.
- Финансы. Учебное пособие. Под. ред. В.М. Родионовой. М., 1995.
- Г.И.Рузавин.* Основы рыночной экономики. М., 1996.
- Общая экономическая теория. М., 1995.
- Общая финансовая теория. М., 1997.
- Чжен.* Пул ва молия бозорлари. Тошкент, 1997.
- Абдуллаев Ё.* Пул. 100 савол ва жавоб. Тошкент, 1998.
- Абдуллаев Ё.* Кредит. 100 савол ва жавоб. Тошкент, 1997.
- Финансы. Под руководством А. М. Ковалёвой. М., 1999.
- А. Д. Шеремет, Р. С. Сайфулин.* Финансы предприятий. М., 1999.

Реферат ва маъруза мавзулари:

1. Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида Ўзбекистонда нафақа таъминоти ва нафақалар эволюцияси.

Талабаларнинг аудиториядан ташқари мустақил ишлари:

1. Ўзбекистонда қариллик нафақаси, ногиронлик нафақаси, боқувчидан ажралганлиги муносабати билан нафақа, социал

нафақа мақсадларини белгилаб берувчи асосий омилларни характерловчи жадвал тузиб чиқинг.

2. Мавзуга доир иқтисодий атамаларни ёзиб чиқинг ва ўрганинг.

Назорат саволлари ва уларни амалга ошириш формалари:

1. Ижтимоий суғуртани амалга оширишнинг объектив сабаблари нималардан иборат?
2. Ижтимоий суғурта ёрдамида жамият қандай вазифаларни ҳал этади?
3. Ижтимоий пенсия нима? Унинг меҳнат пенсиясидан фарқи нималардан иборат?

Мавзуга доир иқтисодий атамалар:

Ижтимоий суғурта. Ижтимоий суғурта вазифалари. Ижтимоий суғурта муносабатларининг субъектлари. Хизматларни молиялаштириш. Социал маблағлар классификацияси. Нафақа. Социал суғурта маблағларидан фойдаланиш формалари. Медицина суғуртаси. Суғурта взнослари.

VI БЎЛИМ. ЖАМИЯТ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИДА МОЛИЯНИНГ РОЛИ

6.1-МАВЗУ. МОЛИЯНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТГА ТАЪСИРИ

1. Молиянинг ижтимоий тараққиётдаги роли

Ижтимоий тараққиёт ривожланишнинг икки формасини – революцион ва эволюцион формасини тақозо этади. Инсоният учун жамиятнинг қуйи ижтимоий-иқтисодий формациядан юқорига революцион йўл билан ўтишида кўпгина мисоллар мавжуд. Ҳар қандай жамиятда ҳам революцион туб ўзгаришлар бўлиши мумкин. Революцион ҳолатнинг шаклланиши ва революцион қайта қуришларни амалга оширишда молия маълум роль ўйнайди.

Молия революциянинг объектив ва субъектив шарт-шароитлари-

ни ривожлантириш ва таъсир кўрсатади. Унинг таъсири sanoatда, қишлоқ хўжалигида, қурилишда ва халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида технологиянинг ўсиши суръатини тезлаштириш ва такомиллаштиришни рағбатлантириш, қўллаб-қувватлаш йўли билан, корхоналар қурилиши, иқтисодиётнинг янги тармоқлари ва тармоқчаларини молиялаштиришда бевосита қатнашиш билан эришилади. Молия илмий тадқиқотлар ўтказиш ва унинг натижаларини ишлаб чиқаришга жорий қилишни таъминлайди. Улар жамиятнинг асосий ишлаб чиқарувчи кучи — ходимларни шакллантириш ва сифат жиҳатидан ўзгартиришга таъсир кўрсатади. Буша кадрлар тайёрлаш жараёнини молиявий таъминлаш ва такомиллаштириш, меҳнатқашларни ижтимоий, медицина ва нафақа таъминоти асосида эришилади.

Молия ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланишини тезлаштиришга, ижтимоий ишлаб чиқариш структурасини ўзгартириш, капиталнинг марказлашуви ва тўпланувининг кучайишига таъсир қилади. Ишчи кучи янги ҳолатга эга бўлади, яъни унинг малакаси, структураси ва эҳтиёжи ўзгаради. Ишлаб чиқариш соҳасига бу ўзгаришлар ва унинг кадрлар билан таъминланиши натижасида молия ишлаб чиқарувчи кучларни шу даражагача ривожлантиришга таъсир кўрсатадики, натижада кишиларнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётини ташкил этишнинг бошқа ижтимоий формасига ўтиш муқаррар бўлиб қолади.

Молия бундай формага ўтишга моддий шарт-шароитлар тайёрлаш билан бир қаторда революциянинг субъектив омилларининг ўсиб етишига ҳам таъсир кўрсатади. Бу биринчи навбатда жамиятнинг эришилган ҳолатини қўллаб-қувватлаш ва унинг янги ҳолатига ўтишни амалга ошира оладиган кучларнинг онгининг ўсишига ва жиҳсланишига таъсир кўрсатишда намоён бўлади.

Молия янги сиёсий ҳаракатлар ва партиялар пайдо бўлишига таъсир кўрсатади, уларнинг ижтимоий ҳаётга самарали илтирок этишларини таъминлайди.

Молия революцион жараёнларни тезлаштирувчи иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий қарама-қаршиликларнинг кучайишида муҳим роль ўйнайди. Лекин молия эскирган иқтисодий ва давлат структураларининг ўлиши ва тўлиқ автоматик ислоҳ қилинишига, ҳокимиятнинг бир ижтимоий куч ва сиёсий партиядан иккинчисига ўтишга олиб келмайди. Антогонистик зиддиятларни ҳал қилиш усули — бу ижтимоий революциядир.

Революция — бу ижтимоий ҳаётни тубдан қайта қуришга ва янада такомиллашган ижтимоий-иқтисодий тизим ғалабасини мустаҳкамлашга қаратилган маълум сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий тадбирларнинг мажмуасидир. Молиявий дастур революция натижа-сида иқтисодий қайта қуришларнинг муҳим элементи бўлиб, хо-кимият тепасига келган сиёсий кучнинг ҳаракат дастуридир. Бу молиявий дастур тузилаётган давлат структурасининг амал қи-лишини таъминлайдиган янги сиёсий усткурманинг молиявий ба-засини яратибгина қолмасдан, шу билан бирга ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ҳокимият тепасига келган сиёсий кучнинг ре-волюцион тадбирларини молиялаштиришга ҳам қаратилгандир.

Революциянинг молиявий дастури мамлакат ҳаётининг иқтисо-дий асосларини тубдан қайта қуришни таъминлаши лозим. Бунинг учун молия соҳасида шундай ўзгаришлар қилиш керакки, у прог-рессив иқтисодий формаларнинг, илғор укладларнинг тез ривож-ланиши имконини берувчи, ишлаб чиқариш муносабатларининг янги эҳтиёжларига зид бўлган, самарасиз элементларининг ўли-шига имкон берувчи молиявий шароитни шакллантириши лозим.

Ижтимоий революциянинг молиявий дастури молиявий тизим-нинг тубдан демократияланишига қаратилган бўлади. Революция-нинг боришида солиқ сиёсатида ва давлат бюджети харажатларида туб ўзгаришлар бўлиши кўзда тутилади; маҳаллий бюджетлар ривожланади ва мустаҳкамланади; давлат кредит соҳасидаги му-носабатлар тартибга тушади; давлат корхоналари молияси демок-ратиялашади; мулкий сўғурта тизими халқ хўжалигининг барча тармоқларидаги хўжалик ташкилотлари ва мулкчилик формалари эҳтиёжларига хизмат қилишга йўналтирилади, ижтимоий тизим ва нафақа сўғуртаси меҳнаткашлар манфаати йўлида ривожла-нади.

2. Ишлаб чиқаришни тартибга солиш ва рағбатлантиришда молиявий ричагларнинг роли

Ўзбекистоннинг мустақил давлат бўлиши билан халқ хўжалиги-ни ташкил қилишнинг маъмурий-қўмондонлик методидан бозор принципларига ўтиш билан молиявий ричагларнинг роли тубдан ўзгарди. Эндиликда у халқ хўжалигини ривожлантиришнинг бош стимуляториغا айланмоқда. Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига

ўта бориши билан халқ хўжалиги ривожланишига таъсир қилишнинг молиявий методлари ўзгарди.

Молиявий рицаглар ёрдамида қуйидаги асосий вазибалар хал этилади:

— моддий ишлаб чиқариш сохаларида тўп.ланадиган молиявий ресурслар умумий даражасини тартибга солиш;

— ишлаб чиқариш сохаларидаги монопол фаолиятни иқтисодий чегаралаш;

— корхоналар ташки иқтисодий фаолиятини тартибга солиш;

— корхоналарнинг ҳуқуқий ва шартнома интизомига риоа қилишини таъминлаш;

— корхоналарда ишлаб чиқаришни ривожлантиришни моддий рағбатлантириш;

— корхоналар пул ресурслари тақсимотдаги ички ишлаб чиқариш пропорцияларини тартибга солиш;

— инвестицион ва инвестиция жараёнларини мамлакат, регион, тармоқ ва корхоналар миқёсида тартибга солиш.

Иқтисодиётни ривожлантириш учун айниқса қуйидагилар муҳим аҳамиятга эга:

1. Ишлаб чиқаришни молиявий тартибга солиш ва рағбатлантириш.

2. Илмий-техника тараққиётини молиялаштириш.

3. Ижтимоий ишлаб чиқаришни суғуртали ҳимояси.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитларида ишлаб чиқаришни молиявий тартибга солиш ва рағбатлантиришда молиявий тизимнинг барча сохалари ва бўғинлари давлат бюджети, корхона молияси, суғурта тизими, бюджетдан ташқари ҳар хил мақсадли фондлар муҳим роль ўйнайди.

Ишлаб чиқаришни молиявий тартибга солиш ва рағбатлантиришда солиқлар, монополизмга қарши кураш, божхона тўлови, молиявий санкция, жарималар муҳим роль ўйнайди.

3. Ишлаб чиқаришда солиқларнинг таъсири

Солиқлар ёрдами билан рентабеллик даражаси ва корхоналар ихтиёрида қоладиган пул жамғармалари миқдори тартибга солинади. Давлат пул жамғармаларининг бир қисмини олиб, корхоналарни фойда кўпайишининг кўшимча резервларини ва аввало

ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳисобида излаб топишга рағбатлантиради. Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтиши билан корхоналар даромадидан солиқлар олиш методи (фойдадан олинадиган солиқ ва ҳ.к.) кенг тарқала бошлади. Барча корхоналар учун ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришда бир хил шароит яратиш мақсадида солиқларнинг ягона қатъий ставкалари жорий этилди. Солиқ имтиёзлари тизими эса корхоналарда ишлаб чиқариш базасини тезлик билан янгилашга, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари учун харажатларнинг ўсишига таъсир кўрсагади ва шу билан ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсиши учун рағбатлантиради.

Ўзбекистонда чет эл инвестицияларининг кириб келиши, қўшма корхоналар ташкил топиши, бу корхоналарнинг маҳсулотининг бир қисмини экспортга чиқариши ва валюта жамғармасини кўпайтириш мақсадида уларга солиқ соҳасида бир қанча имтиёзлар берилганки, булар Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланишига жуда катта ижобий таъсир кўрсатади.

Шу билан бирга ҳозирги солиқ механизми ишлаб чиқаришга ижобий таъсир кўрсатибгина қолмайди. Корхоналардан солиқ ундиришнинг юқори даражаси уларнинг ишлаб чиқаришни тезлаштиришга доир молиявий имкониятларини чеклайди, солиқ турларини ва уларни ундириш шарт-шароитларини тез-тез қайта кўриб чиқишлар меҳнат жамоаларида ишончсизликни туғдиради, солиқ имтиёзлари самарасини камайтиради, чет эл инвестицияларининг оқиб келишига халақит беради.

4. Ижтимоий муаммоларни ҳал этишда молиянинг роли

Ижтимоий соҳа инсон ҳаётининг кўп томонларини ўз ичига олади. Унинг тараққиётида кишиларнинг турмуш даражасини ошириш асосий ўринда эгаллайди. Турмуш даражаси тушунчасини кенг ва тор маънода талқин қиладилар. Кенг маънода турмуш даражаси — жамиятнинг инсонга эътиборининг комплекс характеристикасидир. У истеъмол ҳажми ва структураси, меҳнат шароитининг ишлаб чиқариш техника ва иқтисодий шароитлари, бўш вақтнинг миқдори ва сифатини, демографик жараёнлар боришини, жамият аъзолари ва оилаларининг моддий таъминоти гарантияланганлиги, оиладаги боқилувчилар, фуқаролар мулкнинг миқ-

дори ва таркибини, жамиятнинг ҳар бир шахснинг тараққий этиши имконияти яратилиши кабиларни ўз ичига олади.

Турмуш даражаси тор маънода инсон истеъмолини қондириш ҳажми, даражаси ва сифатини кўрсатувчи сон кўрсаткичлари тизимидан иборатдир.

Аҳоли турмуш даражасини характерлашда қиймат кўрсаткичлари, жумладан, аҳоли жон бошига тўғри келадиган миллий даромад ҳажми, миллий даромадда истеъмол фондининг миқдори ва ҳажми, аҳоли жон бошига тўғри келадиган пул даромади, минимал истеъмол саватининг (яшаш минимуми) қиймаги, реал даромад индекси ва бошқалар муҳим роль ўйнайди.

Турмуш даражаси кўрсаткичлари (натурал ва қиймат кўрсаткичларини) илмий асосланган меъёрлар билан таққосланса, у янада аниқ ва аҳамиятли бўлади. Жумладан, медицина хизматининг юқори даражада бўлиши учун бу соҳага қилинган харажатлар ялпи миллий маҳсулотнинг 5—7 % и атрофида бўлиши лозим. Ҳолбуки, бу харажатлар бир қанча йиллар давомида бизда 1—1,5 % атрофида. Ёки оила бюджетда истеъмол структураси ривожланган мамлакатларда оила бюджетининг 15—30 % дан ошмайди, бизда бу харажатлар оила бюджетининг 75 % ини ташкил қилмоқда.

Турмуш даражасини шакллантиришда молия бевосита иштирок этади. Моддий ва номоддий неъматларни истеъмоли ҳажми фуқаролар даромади миқдори ва давлатнинг ижтимоий сийсатига боғлиқ бўлади.

Аҳоли турмуш даражасини номинал пул даромадлари эмас, балки реал пул даромадлари ҳажми белгилайди. Бу эса меҳнат ҳақи миқдори, тадбиркорлик фойдасининг ўртача миқдори, қимматли қоғозларнинг ўртача даромадлилигигина эмас, балки амалдаги солиқ тизими, баҳони тартибга солиш, инфляция даражаси ва бошқалар билан боғлиқ бўлади. Аҳолининг реал даромади қийматни кўп марта молиявий тақсимлаш ва қайта тақсимлаш орқали шаклланади. Масалан, солиқ ёрдами билан фуқароларнинг оладиган пул даромадлари чегирилади ва шу билан уларнинг реал даромади камаяди. Аммо солиқлар воситаси билан шаклланган молнявий ресурслар бюджет орқали маданият, маориф, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминотга сарфланади, натижада фуқароларнинг реал даромадлари ортади. Демак, аҳолининг реал даромадида

меҳнат даромади бўлиши билан бир қаторда, ҳар хил молиявий тушумлар ва қўшимчалар ҳам албатта бўлади.

Шундай қилиб, аҳолининг пул даромадлари миқдорига молиявий таъсир кўрсатишда жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар ва ижтимоий истеъмол фондлари муҳим роль ўйнайди. Шунингдек, бозор иқтисодиёти шароитида инсонни меҳнатга қизиқтиришда, меҳнат шароитларини яхшилашда ҳам, меҳнатни муҳофаза қилишда ҳам молиянинг роли тобора ортиб боради.

Маърузанинг тавсия этиладиган намунавий режаси:

1. Молиянинг ижтимоий тараққиётдаги роли.
2. Ишлаб чиқаришни тартибга солиш ва рағбаглантиришда молиявий ричагларнинг роли.
3. Фан-техника тараққиётига молиянинг таъсири.
4. Ижтимоий муаммоларни ҳал этишда молиянинг роли.

Семинарнинг намунавий режаси:

1. Жамият ижтимоий тараққиётини ривожлантиришда молиянинг туган ўрни.
2. Молиянинг мамлакат иқтисодиётига таъсири.
3. Ижтимоий муаммоларни ҳал этишда молиянинг роли.

Адабиётлар:

- И. Каримов.* Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент, 1998.
- И. Каримов.* Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент, 1995.
- И. Каримов.* Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Тошкент, 1993.
- Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р.* Экономикс. М., «Дело» ЛТД, 1993.
- Самуэльсон П, Нордхаус В.* Экономика. М., 2000.
- Н. Григори-Менкю.* Принципы экономикс. Санкт-Петербург, 1999.
- Шодмонов Ш. ва б.* Иқтисодиёт назарияси. Тошкент, 2002.
- Финансы и кредит. А.Ю.Казаков тахрири остида. Екатеринбург, 1994.
- Финансы. Учебное пособие. Под. ред. В.М. Родионовой. М., 1995.
- Г.И. Рузавин.* Основы рыночной экономики. М., 1996.
- Общая экономическая теория. М., 1995.
- Общая финансовая теория. М., 1997.

Чжен. Пул ва молия бозорлари. Тошкент, 1997.

Абдуллаев Ё. Пул. 100 савол ва жавоб. Тошкент, 1998.

Абдуллаев Ё. Кредит 100 савол ва жавоб. Тошкент, 1997.

Финансы. Под руководством А. М. Ковалёвой. М., 1999.

А. Д. Шеремет, Р. С. Сайфулин. Финансы предприятий. М., 1999

Экономическая теория. Учебник. Тошкент, 1999.

Реферат ва маъруза мавзулари:

1. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида Ўзбекистонда молия тараққиётининг асосий йўналишлари.
2. Давлат томонидан ишлаб чиқаришни молиявий тартибга солишнинг асосий ричаглари.

Талабаларнинг аудиториядан ташқари мустақил ишлари:

1. Хозирги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган молиявий ислохотларнинг зарурлигини исботлаб беринг.
2. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва фан-техника тараққиётида суғуртанинг роли ва таъсирини кўрсатинг.

Назорат саволлари ва уларни амалга ошириш формалари:

1. Ўзбекистонда бозор муносабатларининг шаклланиши даврида молия ривожланишининг асосий йўналишлари нималардан иборат?
2. Мавзуга оид иқтисодий атамаларнинг жавобини топиб, дафтарингизга ёзинг ва ўрганинг.

Мавзуга доир иқтисодий атамалар:

Молиявий муносабатларнинг эски шакллари. Молиявий муносабатларнинг янги шакллари. Молиявий марказлашув мамлакатнинг асосий молиявий режаси. Ижтимоий тараққиётнинг эволюцион ва революцион йўли. Превентив усул. Ички ишлаб чиқариш пропорциялари. Инновация жараёни. Молиявий санкция. Тармоқлараро фан-техника комплекси. Инновация банки. Репрессив усул. Компенсацион усул. Бюджет субсидияси.

6.2-МАВЗУ. ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА МОЛИЯНИНГ РОЛИ

1. Халқаро интеграция жараёнида молиянинг роли

Хўжалик юретишнинг иқтисодий қуроли сифатида жаҳон иқтисодиётида Ўзбекистоннинг интеграциялашувини амалга оширишда молиядан фойдаланилади.

Халқаро иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда молиянинг роли уч йўналишда намоён бўлади:

а) халқаро ҳамкорликнинг ҳар хил йўналишларини молиялаштириш учун зарур бўлган молиявий ресурсларни излаб топиш ва уларни сафарбар қилиш;

б) халқаро интеграцион жараёнларни тартибга солиш;

в) халқаро муносабатларнинг ҳар бир турини ривожлантиришни ва бу муносабатларда бевосита қатнашувчиларни рағбатлантириш.

Молия, аввало, экспорт-импорт операцияларига бевосита таъсир кўрсатади. Унинг ёрдамида жаҳон бозорида талаб бўлган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантиради. Молия ташқи иқтисодий фаолият натижасида юзага келадиган миллий даромад қисмининг шаклланишига ёрдам беради.

Халқаро ҳамкорликнинг муҳим формаларидан бири – бу Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлар ва фондларга қатнашувидир. Бу иштирок ушбу ташкилотларнинг бюджетидан ва устав капиталларига бадаллар ўтказишни тақозо этади. Бу бадалларнинг манбаи халқаро ташкилотларга қатнашувчи миллий ташкилотлар ва давлат структураларининг валюта ва бошқа молиявий фондларидир. Халқаро ташкилотларнинг маблағлари тегишли фондларга тўланади ва фаолият йўналишидаги мақсадли дастурларга тақсимланади.

Халқаро иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда молиявий таъсирнинг яна бир йўналиши чет эл инвесторлари ресурсларини сафарбар қилиш ҳисобланади. Чет эл инвестициялари миллий иқтисодиётнинг ҳар хил тармоқлари объектларининг, қўшма корхоналарнинг қурилиши учун чет эллик инвесторларни, халқаро қурилиш ташкилотлари, чет эл инвестор-давлатлари маблағларини жалб қилиш тарзида амалга оширилади.

Ташқи иқтисодий фаолият соҳасида молиявий операцияларнинг тўғри ва қонуний асосда олиб борилиши молиявий, валюта ва божхона назорати орқали амалга оширилади.

Ташқи иқтисодий фаолият молиясининг амал қилиш соҳаси ўзига хос хусусиятларга эга. Унда ресурслар фақат сўмдагина эмас, балки чет эл валютаси тарзида ҳам шаклланади. Унда хорижий давлат, халқаро ташкилот, хорижий фирма ва бошқа чет эллик шерик тақсимот муносабатларининг субъекти бўлиши шарт. Халқаро иқтисодий муносабатларнинг кенгайиши Ўзбекистон иқтисодиётини мустахкамлашда фойдаланиладиган молиявий ресурсларнинг ташқи маблағларини шакллантиришга имкон беради.

2. Чет эл инвестицияларини жалб қилишда молиявий имтиёзлар

Ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири мамлакат иқтисодиёти учун қўшимча моддий ва маънавий ресурслар олиш мақсадида чет эл инвестицияларини жалб қилишдир. Шу мақсадда “Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида”, “Чет эл инвестициялари ва хорижий инвесторлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”, “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва бошқа норматив ҳужжатлар қабул қилинди. Натижада чет эллик инвесторлар учун қулай шароитлар яратилди ва хорижий мамлакатлар тадбиркорлари билан савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш имкони ташкил этилди. Жумладан, чет эллик инвесторларга бериладиган асосий кафолатлар тўғрисида И. Каримовнинг “Ўзбекистон — буюк келажак сари” асарида шундай дейилади: “Биринчи. Ўзбекистон Республикасидаги хорижий инвестициялар национализация ва реквизиция қилинмайди. Иккинчи. Хорижий инвесторларга қонуний фаолият натижасида олинган фойдани ва бошқа маблағларни ҳеч бир чекловсиз чет эл валютасида чет элга ўтказиш кафолатланади. Учинчи. Чет эллик жисмоний ва юридик шахсларга давлат мулкани хусусийлаштириш жараёнида, шу жумладан кўчмас мулк олди-сотди-сида эркин қатнашиш кафолатланади. Тўртинчи. Чет эл инвестициялари иштирокида ташкил этилган корхоналар ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотни лицензиясиз экспорт қилиш ва ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун маҳсулотини импорт қилиш ҳамда қўш-

ма корхоналарнинг устав фонизига ҳисса қўшиш учун бож тўла-масдан мулк олиб киришга ҳақлидир” (647-бет).

Ўзбекистонда чет эллик инвесторлар учун солиқ соҳасида ҳам кенг имтиёзлар берилган. Агар улар давлат инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларни инвестициялашда қатнашсалар, етти йил мобайнида фойдадан солиқ тўлашдан озод этиладилар.

Қўшма корхоналарни қайта молиялашга ҳамда инвестицияларни амалга ошириш учун кредитларни тўлашга сарфланадиган маблағларга ҳам солиқ солинмайди.

Чет эл инвестициялари иштирокида ташкил этилган корхоналар даромадларининг ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва энг замонавий техника-технология билан қайта жиҳозлашга сарфланадиган қисми ҳам солиқдан озод этилади. Шунингдек, хорижий инвесторларнинг қўшма корхона устав фондидаги улуши қанчалигидан келиб, уларга солиқ ставкаларининг камайтирилиши ҳам кўзда тутилади.

3. Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлар ва фондларда иштироки

Маълумки, ҳозирги пайтда жаҳон ҳамжамиятида интеграциялашув жараёни бормоқда. Бу эса Ўзбекистоннинг ҳам турли давлатлар, ташкилотлар, фондлар билан ҳар томонлама ҳамкорлик килишини, уларда фаол қатнашишини тақозо этади. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида интеграциялашуви ҳақида гап борар экан, аввало, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг ихтисослашган муассасалари – жаҳон ҳамжамиятидаги интеграциялашувини таъминлашга халқаро молиявий, иқтисодий ташкилотлар халқаро валюта фонди, жаҳон банки халқаро молия корпорацияси, Европа тикланиш ва тараққиёт банки кабилар катта ёрдам кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, жаҳон ҳамжамиятидаги интеграциялашувида ривожланган мамлакатлар – АҚШ, Германия, Япония, Франция, Жанубий Корея, Англия, Хитой каби қўллаб мамлакатлар билан иқтисодий, маданий алоқалари тобора ривожланиб бормоқда. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Хамдўстлик мамлакатлари – Россия, Украина, Қозғоғистон, Қирғизистон, Озарбайжон, Молдавия, Грузия, Арманистон билан алоқаларини тобора ривожлантирмоқда. Умуман, ҳозирги пайтда дунёнинг 170 га яқин давлати Ўзбекистонни тан олган, 120 дан ортик мамлакат билан расмий дипломатик алоқалар ўрнатилган.

Ўзбекистоннинг жаҳондаги барча халқлар билан иқтисодий, сийсий маданий алоқаларининг ўсиб бориши, унинг турли халқаро ташкилотлар ва фондларда иштирок этиши биринчи навбатда, Ўзбекистон халқининг тинчлиги, осойишталиги, ахиллигини таъминлаш, уни жаҳон ҳамжамиятининг тўла қонли аъзосига айлантириш, Ўзбекистон халқининг фаровонлигини таъминлаш, уни қудратли давлатга айлантиришни кўзда тутади.

Маърузанинг тавсия этиладиган намунавий режаси:

1. Халқаро интеграция жараёнида молиянинг роли.
2. Марказий валюта фондининг шаклланиши ва ундан фойдаланиш.
3. Ўзбекистон Республикасининг жаҳон бозорига чиқишида молиявий рағбатлантириш.
4. Чет эл инвестицияларига берилган молиявий имтиёзлар.
5. Ўзбекистоннинг халқаро фондларда қатнашиши.

Адабиётлар:

- И.Каримов.* Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент, 1998.
- И.Каримов.* Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент, 1995.
- И.Каримов.* Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Тошкент, 1993.
- Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р.* Экономикс. М., «Дело» ЛТД, 1993.
- Самуэльсон П., Нордхаус В.* Экономика. М., 2000.
- Н.Григори-Менкью.* Принципы экономикс. Санкт-Петербург, 1999.
- Шодмонов Ш. ва б.* Иқтисодиёт назарияси. Тошкент, 2002.
- Финансы и кредит. А.Ю.Казаков тахрири остида. Екатеринбург, 1994.
- Финансы. Учебное пособие. Под. ред. В.М. Родионовой. М., 1995.
- Г.И.Рузавин.* Основы рыночной экономики. М., 1996.
- Общая экономическая теория. М., 1995.
- Общая финансовая теория. М., 1997.
- Чжен.* Пул ва молия бозорлари. Тошкент, 1997.
- Абдуллаев Ё.* Пул. 100 савол ва жавоб. Тошкент, 1998.
- Абдуллаев Ё.* Кредит. 100 савол ва жавоб. Тошкент, 1997.
- Финансы. Под руководством А. М. Ковалёвой. М., 1999.
- Д.Шермет, Р. С. Сайфулин.* Финансы предприятий. М., 1999.
- Экономическая теория. Учебник. Тошкент, 1999.

Реферат ва маъруза мавзулари:

1. Халқаро иқтисодий муносабаглари ривожлантиришда молиянинг роли.
2. Ўзбекистонда чет эл инвесторларига берилган имтиёзлар.

Назорат саволлари ва уларни амалга ошириш формалари:

1. Корхоналарнинг фойдаси чет эл инвестициялари билан қандай тақсимланади?
2. Ўзбекистон иштирок этаётган халқаро ташкилотлар тўғрисида нималарни биласиз?

Мавзуга доир иқтисодий атамалар:

Халқаро ҳамкорлик. Чет эллик инвесторлар. Чет эл инвестициялари. Интеграция жараёни. Марказий валюта фонди. Валюта захираси. Молиявий рағбатлантириш. Устав фонди. «Ноу-хау». Халқаро фондлар.

«МОЛИЯ НАЗАРИЯСИ» ФАНИДАН КУРС ИШЛАРИ МАВЗУЛАРИДАН НАМУНАЛАР

1. Иқтисодий системада пулнинг зарурлиги ва роли.
2. Пулнинг моҳияти ва функциялари.
3. Пул агрегатлари.
4. Пул муомаласи ва қоғоз кредит пуллар.
5. Инфляция, унинг моҳияти ва кўриниш формалари.
6. Молиянинг қийматни тақсимлаш жараёнида бошқа категориялар билан алоқаси.
7. Товар хўжалиги шароитида молиянинг зарурлиги.
8. Молиянинг функциялари.
9. Ижтимоий такрор ишлаб чиқаришда молиянинг объектив шарт-шароитлари ва унинг фойдаланиш имкониятлари.
10. Такрор ишлаб чиқариш жараёнини молиявий таъминлаш.
11. Молиявий бозор ва уни молиявий ресурслар билан таъминлаш ва тақсимлашдаги роли.
12. Молиянинг моҳияти ва зарурлиги.
13. Иқтисодиётни тартибга солишда молиядан фойдаланиш.
14. Молия иқтисодий рағбатлантириш қуроли сифатида.
15. Давлатнинг молиявий сиёсати.
17. Молиявий механизм ва молиявий сиёсатни амалга оширишда унинг роли.
18. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида Ўзбекистон давлатининг молиявий сиёсати.
19. Молиявий менежмент, унинг моҳияти.
20. Молиявий бошқариш органлари, уларнинг функциялари.
22. Бозор иқтисодиётига ўтишда молиявий планлаштириш мазмунидаги ўзгаришлар.
23. Молиявий назорат.
24. Молиявий аудитнинг мазмуни ва аҳамияти.
25. Молиявий назоратни ташкил этиш, унинг самарадорлигини ошириш йўллари.
26. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида аудиторлик назоратининг шаклланиши ва ривожланиши муаммолари.
27. Вилоят молия бошқармаси ва унинг ривожланиш босқичлари.
28. Корхоналар молияси.

29. Корхоналарнинг асосий капитали ва уни такрор ишлаб чиқа-ришда молиянинг роли.

30. Оборот капиталини бошқариш ва амал қилишининг молия-вий жиҳатлари.

31. Корхоналарнинг даромадлари ва пул харажатлари. Уларни молиялаштириш манбалари.

32. Корхоналарнинг бюджет билан ўзаро алоқаси.

33. Суғуртанинг иқтисодий моҳияти.

34. Қимматли қоғозлар бозори, унинг моҳияти ва асосий белги-лари.

35. Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозори.

36. Кредитнинг зарурлиги ва моҳияти.

37. Банклар ва банк системасининг пайдо бўлиши ва ривож-ланиш тарихи.

38. Кредит системаси ва бозор иқтисодиётига ўтишда унинг роли.

39. Тижорат банклари. Унинг моҳияти, принциплари ва функ-циялари.

40. Тижорат банклари операциялари.

41. Банк фойдаси. Тижорат банклари ликвидлиги ва уни бош-қариш.

42. Ўзбекистон марказий банки, унинг моҳияти ва функциялари.

43. Махсус кредит молия институтлари.

44. Маҳаллий молиянинг моҳияти, структураси ва роли.

45. Маҳаллий бюджет даромадлари ва харажатлари.

46. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида Ўзбекистоннинг маҳал-лий бюджетлари.

47. Вилоят маҳаллий бюджети ва унинг регионал ривожлани-шидаги роли.

48. Давлат бюджетининг моҳияти ва аҳамияти.

49. Давлат бюджети даромадлари ва харажатлари тартиби ва структураси.

50. Ўзбекистон солиқлари.

51. Давлат бюджети харажатлари.

52. Бюджет камомати. Бюджет камоматини бошқариш.

53. Бюджетдан ташқари фондларнинг моҳияти ва йўналиш-лари.

54. Пенсия фонди ва давлат социал суғурта фонди.

55. Давлатнинг иш билан таъминлаш фонди ва бошқа бюджетдан ташқари фондлар.
56. Бюджетдан ташқари фондлар – умумдавлат молиясининг муҳим роли.
57. Бюджетдан ташқари фондлар маблағларининг шаклланиши.
58. Давлат ижтимоий суғурта фонди, унинг моҳияти.
59. Давлат кредити ва унинг ижтимоий иқтисодий моҳияти.
60. Кредит ва унинг формалари.
61. Давлат кредитининг формалари.
62. Давлат заёмлари ва унинг гуруҳланиши.
63. Маҳаллий молия ва унинг ижтимоий - иқтисодий моҳияти.
64. Маҳаллий бюджетнинг солиқли ва солиқсиз даромад ва тушумлари.
65. Маҳаллий молиянинг регионал муаммоларни ҳал қилишдаги роли.
66. Суғуртанинг социал-иқтисодий моҳияти.
67. Бозор иқтисодиёти шароитида суғурта муносабатларининг ривожланиши.
68. Бозор муносабатлари шароитида мулкый суғуртанинг моҳияти ва аҳамияти.
69. Шахсий суғурта ва унинг мазмуни.
70. Ижтимоий суғурта ва унинг мазмуни.
71. Молиянинг ижтимоий тараққиётга таъсири.
72. Молиянинг иқтисодиётга таъсири.
73. Ижтимоий муаммоларни ҳал этишда молиянинг роли.
74. Ҳалқаро иқтисодий муносабатларнинг ривожланишида молиянинг роли.

«МОЛИЯ НАЗАРИЯСИ» ФАНИДАН РЕЙТИНГ ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА ТЕСТ САВОЛЛАРИДАН НАМУНАЛАР

1. ҚУЙИДАГИЛАРНИНГ ҚАЙСИЛАРИ МОЛИЯ КАТЕГОРИЯСИГА ТЕГИШЛИ?

- а) Солиқ, баҳо, суғурта, иш ҳақи, бож.
- б) Кредит, мулкый суғурта, бюджет, солиқ,

- в) Инвестиция, иқтисодий суғурта, бож, баҳо.
- г) Бож, суғурта, бюджет, солиқ.
- д) Капитал, амаргизация, солиқ, суғурта.

2. ТАҚСИМЛАШ КАТЕГОРИЯСИ СИФАТИДАГИ МОЛИЯ ИЖТИМОИЙ ТАКРОР ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ҚАЙСИ БОСҚИЧЛАРИДА ИШТИРОК ЭТАДИ?

- а) Тақсимлаш ва истеъмол босқичида.
- б) Ишлаб чиқариш ва тақсимлаш босқичида.
- в) Фақат тақсимлаш босқичида.
- г) Айирбошлаш ва тақсимлаш босқичида.
- д) Барча босқичларда.

3. БИРЛАМЧИ ТАҚСИМОТ НАТИЖАСИДА ЯЛПИ МИЛЛИЙ МАҲСУЛОТНИНГ ҚИЙМАТИ ҚАНДАЙ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРГА АЖРАЛАДИ?

- а) Қоплаш фонди, ялпи даромад, миллий даромад.
- б) Миллий даромад, соф даромад, амортизация.
- в) Қоплаш фонди, истеъмол фонди, жамғарма фонди.
- г) Моддий харажатларнинг қиймати, меҳнат ҳақи, қўшилган қиймат.
- д) Моддий харажатларининг қиймати, иш ҳақи, соф даромад.

4. МОЛИЯНИНГ НАЗОРАТ ФУНКЦИЯСИНИНГ АМАЛГА ОШИРИШ ВОСИТАСИ НИМА?

- а) Молиявий ахборот.
- б) Молиявий кўрсаткичлар.
- в) Молиявий статистика.
- г) Молиявий ҳисобот.
- д) Молиявий интизом.

5. МОЛИЯ ТИЗИМИНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИНИ КЎРСАТИНГ?

- а) Молия вазирлиги ва унинг жойлардаги органлари, корхона-

лар молияси солиқ органлари.

- б) Молиявий муносабатлар йиғиндиси, бюджет тизими, микро-иқтисодиёт молияси.
- в) Молиявий муносабатлар йиғиндиси, марказлашган ва марказлашмаган пул фондлари йиғиндиси, молиявий аппарат.
- г) Сохалар молияси, давлат бюджети, улар орасидаги молиявий муносабатлар йиғиндиси.

6. ҚУЙИДАГИЛАРНИНГ ҚАЙСИЛАРИ МИКРОИҚТИСОДИЁТ МОЛИЯСИГА КИРМАЙДИ?

- а) Маҳаллий бюджет.
- б) Давлат корхоналари молияси.
- в) Ижара корхоналари молияси.
- г) Бюджетдан ташқари махсус фондлар.

7. ЯЛПИ ДАРОМАДНИНГ ШАКЛЛАРИНИ КЎРСАТИНГ?

- а) Соф даромад, солиқлар, фойда.
- б) Иш ҳақи, солиқлар, амортизация.
- в) Иш ҳақи, ижтимоий сугурта ажратмалари, фойда.
- г) Фойда, меҳнат ҳақи, амортизация.

8. МОЛИЯ ИҚТИСОДИЁТДА ТАЪСИР КЎРСАТИШ ИМКОНИЯТЛАРИГА ЭГА, ЧУНКИ...

- а) Молия тақсимлаш ва назорат функцияларини бажаради.
- б) Молия ижтимоий такрор ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида иштирок этади.
- в) Молия давлат қўлидаги кучли таъсир кўрсатиш қуролидир.
- г) Молия барча поғонада ва барча даражада тақсимлаш ва назорат қуроли сифатида ишлатилади.

9. МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАРНИНГ МАЗМУНИГА БЕРИЛГАН ЭНГ ТЎЛИҚ ТАЪРИФНИ КЎРСАТИНГ?

- а) Молиявий ресурслар — давлатнинг ва давлатга қарашли бўлган барча корхоналарнинг ихтиёридаги фондлар йиғиндиси.

б) ЯММ ва миллий даромаднинг тақсимланиши ва қайта тақсимланиши натижасида пайдо бўлган пул даромадлари йиғиндисидир.

в) Молиявий ресурслар хўжалик юритувчи субъектлар ва давлатнинг қўлидаги у ёки бу вақтда бўлган пул даромадлари ва жамғармалари йиғиндисидир.

10. СОФ ДАРОМАДЛАРНИНГ БАРЧА ЭЛЕМЕНТЛАРИ ҲАМ МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАРНИНГ ЭЛЕМЕНТИ БЎЛА ОЛАДИМИ?

- а) Йўқ.
- б) Қисман.
- в) Фақат бюджетга йўналтирилган қисми.
- г) Фақат корхона ихтиёрида қоладиган қисми.
- д) Ҳа.

11. МИЛЛИЙ БОЙЛИКНИНГ ТАРКИБИГА КИРУВЧИ ҚАЙСИ ЭЛЕМЕНТЛАР МОЛИЯВИЙ РЕСУРС БЎЛА ОЛМАЙДИ?

- а) бюджет маблағларини йилдан йилга ўтувчи қолдиқлари;
- б) мамлакатнинг ер ости бойликлари;
- в) суғурта ташкилотларининг резерв фондлари;
- г) мамлакат олтин захираларининг бир қисмини сотишдан тушум;
- д) ортиқча мулкларни сотишдан тушум;
- е) юқоридаги ҳамма элементлар молиявий ресурс бўла олади.

12. МАРКАЗЛАШГАН МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАРНИНГ ТАРКИБИГА ҚЎЙИДАГИЛАРНИНГ ҚАЙСИ БИРИ КИРМАЙДИ?

- а) бюджет маблағлари;
- б) суғурта ташкилотларининг резерв фонди;
- в) ижтимоий суғурта фонди;
- г) йўл фонди;
- д) давлат корхоналарининг амортизация фонди маблағлари.

13. МАМЛАКАТДА МОЛИЯВИЙ БОЗОР САМАРАЛИ АМАЛ ҚИЛИШИ УЧУН ҚАНДАЙ ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛГАН БЎЛИШИ КЕРАК?

- а) барча мулклар акционерлик мулкига айлантирилиши керак, мамлакатда бозор инфраструктураси яратилган бўлиши керак.
- б) ҳақиқий мустақилликка эга бўлган мулкдорлар мавжуд бўлиши керак, тегишли ҳуқуқий асос яратилган бўлиши керак.
- в) молиявий бозорни бошқариш ва тартибга солишни давлат ўз қўлига олиши керак;
- г) бозор қонунлари тўлиқ ишлаши керак, молиявий бозор ҳақидаги ахборотлар қамровли бўлиши керак.

14. ҚИММАТБАҲО ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИНИНГ СУБЪЕКТЛАРИ КИМЛАР?

- а) эмитентлар;
- б) жамғарувчилар;
- в) пенсия фонди, суғурта компаниялари, ХИФлар;
- г) брокерлар, дилерлар, маклерлар фирмалари, биржалари;
- д) биржалар, аукционлар, депозитарийлар, банклар;
- е) барча жавоб тўғри.

15. ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТГА АРАЛАШУВИДАН МАЪЛУМ ЧЕГАРА МАВЖУД, ЧУНКИ...

- а) Давлат фақат ўз тасарруфидаги корхоналар ва субъектлар фаолиятига аралаша олади.
- б) Давлатнинг қўлидан иқтисодга аралашининг (таъсир этишининг) етарли воситалари йўқ.
- в) Давлат иқтисодиётга фақат қонун йўли билан таъсир этиш лозим.

16. МОЛИЯВИЙ СИЁСАТНИНГ ЭНГ МУҲИМ ВА МУРАККАБ ВАЗИФАСИ?

- а) Тегишли молия механизмини ишлаб чиқиш.
- б) Мамлакатни молиявий тангликдан олиб чиқиш.

- в) Бюджет камомadini бартараф этиш.
- г) Молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжларнинг максимал даражада қондирилишини таъминлаш.

17. КЎРСАТИЛГАНЛАРДАН ҚАЙСИ БИРИ ТАҚСИМОТ СУБЪЕКТИ БЎЛА ОЛАДИ?

- а) Юридик шахслар.
- б) Иқтисодий инструментлар.
- в) Соф даромад.
- г) Корхона тушуми.
- д) Физик шахслар.
- е) Давлат бюджети.

18. МОЛИЯ ФУНКЦИЯСИ ЁРДАМИДА ҚАЙСИ ЖАРАЁНЛАРНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ АМАЛГА ОШИРИЛМАЙДИ ?

- а) Даромадларнинг тўғри тақсимланиши.
- б) Пул фондларини тўғри ва ўз вақтида келиб чиқиши.
- в) Давлат бюджети маблағларини ўз вақтида ва тўлиқ тушишини.
- г) Ишчи кучи билан таъминланганлиги.
- д) Суғурта бюджети маблағларини ўз вақтида ва тўлиқ тушишини текшириш.

19. МОЛИЯНИНГ ФУНКЦИЯЛАРИ:

- а) Молия ҳақидаги фаннинг предметини акс эттиради.
- б) Молиянинг ўзига хос хусусиятларини акс эттиради.
- в) Молиянинг моҳиятидан келиб чиқиб, унинг ижтимоий зарурлигини амалда намоён бўлишини кўрсатади.
- г) Молиянинг иқтисодий категория сифатидаги ижтимоий зарур вазифаларини билдиради.
- д) Ҳамма жавоб тўғри.

20. МОЛИЯНИНГ ФУНКЦИЯЛАРИНИ КЎРСАТИНГ

- а) Тақсимлаш, рағбатлантириш, ахборот бериш.
- б) Қайта тақсимлаш, ижтимоий ҳимоя қилиш, назорат.

- в) Таксимлаш, назорат.
- г) Иқтисодийни бошқариш, бозор муносабатларини тартибга солиш, назорат.

21. МОЛИЯ ТИЗИМИНИНГ СОҲАЛАРИНИ КЎРСАТИНГ

- а) Тижорат асосида иш юритувчи корхоналар молияси, давлат бюджети суғурта.
- б) Микроиқтисодиёт молияси, макроиқтисодиёт молияси, суғурта.
- в) Корхоналар молияси, суғурта, умумдавлат молияси.
- г) Бюджет ташкилотлари, ишлаб чиқариш корхоналари, солиқ органлари, молия органлари.

22. ҚУЙИДАГИЛАРНИНГ ҚАЙСИ БИРИ УМУМДАВЛАТ МОЛИЯСИ ЗВЕНОСИ ЭМАС?

- а) Давлат бюджети.
- б) Махсус фондлар.
- в) Давлат кредитлари.
- г) Давлат корхоналари.
- д) Бюджет ташкилотлари.

23. МОЛИЯ ИҚТИСОДИЁТГА ТАЪСИР КЎРСАТИШ ИМКОНИАТЛАРИГА ЭГА, ЧУНКИ...

- а) Молия тақсимлаш ва назорат функцияларини бажаради.
- б) Молия ижтимоий такрор ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида иштирок этади.
- в) Молия давлат қўлида кучли таъсир кўрсатиш қуроли.
- г) Молия барча поғонада ва барча даражада тақсимлаш ва назорат қуроли сифатида ишлатилади.

24. МАРКАЗЛАШГАН МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАРНИНГ ТАРКИБИГА ҚУЙИДАГИЛАРНИНГ ҚАЙСИ БИРИ КИРМАЙДИ?

- а) Бюджет маблағлари.
- б) Суғурта ташкилотларининг резерф фонди.

- в) Ижтимоий суғурта фонди.
- г) Йўл фонди.
- д) Давлат корхоналарининг амортизация фонди маблағлари.

25. МОЛИЯВИЙ СИЁСАТНИНГ ЭНГ МУҲИМ ВА МУРАККАБ ВАЗИФАСИ

- а) Тегишли молия механизмини ишлаб чиқиш.
- б) Мамлакатни молиявий тангликдан олиб чиқиш.
- в) Бюджет камомадини баргараф этиш.
- г) Молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжларнинг максимал даражада қондирилишини таъминлаш.

26. КўРСАТИЛГАНЛАРДАН ҚАЙСИ БИРИ МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАРНИНГ ўСИШИ ФАКТОРИ ҲИСОБЛАНАДИ?

- а) Меҳнат унумдорлигининг ўсиши.
- б) Миллий даромаднинг ўсиши ва унинг мувозанати.
- в) Ишлаб чиқариш пастлиги.
- г) Фойда қиймати.
- д) Таннархнинг ўсиши.

ЯКУНИЙ НАЗОРАТ ИШЛАРИ МАТЕРИАЛЛАРИДАН НАМУНАЛАР

1-вариант.

1. Мамлакатнинг умумий молиявий системасида корхона молияси қандай ўринни эгаллайди?
2. Жамоаг ташкилотлари молияси қандай пул муносабатларини ўз ичига олади?
3. Молияни бошқариш органлари ва уларнинг функциялари.

2-вариант.

1. Моддий ишлаб чиқариш молияси мазмунини ташкил этувчи пул муносабатлари турларини кўрсатинг.
2. Мақсадли фондлар маблағларининг манбалари.

3. Молиянинг зарурлиги ва моҳияти.

3-вариант.

1. Ноишлаб чиқариш соҳаси ташкилотлари ва муассасалари молиясининг хусусиятларини кўрсатинг.
2. Давлат молияси деганда нимани тушунасиз?
3. Молиянинг функциялари.

4-вариант.

1. Тижоратчилик корхоналари молиявий ресурсларининг манбалари нималардан иборат?
2. Давлат молияси таркибига нималар киради?
3. Ўзбекистон иқтисодиётини барқарорлаштиришда молиядан фойдаланиш.

5-вариант.

1. Бозор иқтисодиётига ўтишда корхоналар молиявий ресурсларида қандай ўзгаришлар бўлди?
2. Давлат даромадларининг манбалари.
3. Молиявий назорат ва унинг иқтисодиётни ривожлантиришдаги аҳамияти.

6-вариант.

1. Ҳозирги шароитда корхоналар молиявий хизмат ходимлари нималарга эътибор беришлари лозим?
2. Давлат харажатларининг иқтисодий мазмуни қандай?
3. Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида Ўзбекистонда аудиторлик хизматини шакллантириш ва унинг тараққиёти.

7- вариант.

1. Корхоналарнинг молиявий ресурслари нима?
2. Давлат бюджетининг хусусиятлари қандай?
3. Молиявий менежмент ва унинг моҳияти.

8-вариант.

1. Нотижорат фаолиятини амалга оширувчи ташкилот ва муассасалар молиявий ресурсларининг манбалари.
2. Бюджет билан бюджет сиёсати ўртасида қандай алоқа мавжуд?
3. Молиявий режалаштириш ва прогнозлаштириш.

9-вариант.

1. Халқ таълими муассасалари молиявий ресурсларининг манбалари.
2. Тўғри ва эгри солиқларга нималар киради?
3. Ҳозирги шароитда Ўзбекистон давлатининг молиявий сиёсати.

10-вариант.

1. Социал-маданий эктиёжларга йўналтирилган молиявий ресурслар қандай гуруҳларга бўлинади?
2. Давлат бюджети харажатлари таркиби.
3. Иқтисодий тартибга солишда молиядан фойдаланиш.

11-вариант.

1. Нотижорат фаолияти соҳаларида молиявий механизм нималардан иборат?
2. Бюджет камомати нима ва у қандай социал-иқтисодий оқибатларга олиб келади?
3. Такрор ишлаб чиқариш жараёнини молиявий таъминлаш.

12-вариант.

1. Нотижорат фаолияти соҳаларидаги муассаса ва ташкилотлар сметаси қандай бўлимларни ўз ичига олади?
2. Бюджетдан ташқари қолдик нега зарур?
3. Бозор иқтисодийётига ўтиш шароитида Ўзбекистонда молиядаги ўзгаришлар.

13-вариант.

1. Ижтимоий тараққиётга молия қандай таъсир кўрсатади?
2. Давлат кредитининг формалари.
3. Молия иқтисодийни рағбатлантириш қуроли сифатида.

14-вариант.

1. Халқаро иқтисодий муносабатларни ривожлантиришда молиянинг роли.
2. Давлат кредитининг функциялари.
3. Молиявий механизм ва унинг таркибий қисмлари.

«МОЛИЯ НАЗАРИЯСИ» ФАНИДАН ИҚТИСОДИЙ АТАМАЛАР ЛУФАТИ

АКЦИЗ — эгри солиқ турларидан бири. Индивидуал акциз (товарларнинг айрим турлари ва гуруҳлари бўйича) ва универсал акцизлар (масалан, қўшилган қиймат солиғи)ни бир-биридан фарқ қиладилар.

АКЦИЯ — қимматли қозғалар турларидан бири; унинг номи ёзилган ва тақдим қилувчи акцияларга бўлинади. Акция оддий ва имтиёзли акцияларга бўлинади. Имтиёзли акцияда акция эгаси, биринчидан, қўйилган капиталга ҳисобланган кўринишда даромадни биринчи олиш ҳуқуқига эга, иккинчидан, дивидентни олишда умумий ҳуқуқга эга.

АКЦИОНЕР ЖАМИЯТИ — жисмоний ва юридик шахсларнинг маблағларини акция чиқариш йўли билан бирлаштириб, ихтиёрий битим асосида тузилган ташкилот.

ОЧИҚ ТУРДАГИ АКЦИОНЕР ЖАМИЯТИ — очик сотиш учун акция чиқариш билан боғлиқ кўп сонли аъзоларга мўлжалланган хўжалик юритишнинг ташкилий-ҳуқуқий формаларидан бири. Улар ўз устави асосида иш юритади ва юридик шахс ҳисобланади.

АМОРТИЗАЦИЯ ФОНДИ — корхоналарда ҳар йили маҳсулот таннархига қўшиладиган амортизация ажратмалари ҳисобида шаклланади.

АСОСИЙ ВОСИТАЛАР — ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш бўлмаган мақсадлардаги асосий фондларда инвестиция қилинган пул воситаларидир.

БАНКРОТЛИК — корхона (хўжалик субъектини) тўловга қабул қилинмас деб тан олинади ва сўнгра у тугатилади.

БЮДЖЕТ АССИГНАЦИЯСИ — халқ хўжалигини ривожлантириш, социал-маданий тадбирларни молиялаштириш, мамлакат мудо-фааси ва давлат ҳокимияти органлари ва бюджетни таъминлаш учун ажратилган давлат ва маҳаллий бюджет маблағлари.

БЮДЖЕТ ЖАРАЁНИ — давлат ва маҳаллий бюджетларни тузиш, муҳокама қилиш, тасдиқлаш ва бажаришнинг қонуний белгиланган тартиби.

БЮДЖЕТ ЗАҲИРАЛАРИ — давлатнинг кўзда тутилмаган ҳар хил харажатларини молиялаштириш учун мўлжалланган бюджет воситаларининг олдидан ажратилган қисми.

БЮДЖЕТ КАМОМАДИ — бюджет қорхоналарининг, унинг даромадидан ошган миқдори (қисми).

БЮДЖЕТ ЙИЛИ — бюджетни тасдиқлашни амалга ошириш учун мўлжалланган вақт (12 ой). Ўзбекистон Республикасида бюджет йили календарь йили билан бир хил: 1 январдан бошланиб 31 декабрда тугайди.

БЮДЖЕТ МЕХАНИЗМИ — бюджет маблағларини сафарбар қилиш ва фойдаланишнинг ўзига хос усули, бюджет муносабатлари но-кредит формалари мажмуаси.

БЮДЖЕТ — жараёни давлат бюджетини тузиш, уни кўриб чиқиш, қабул қилиш ва ижро этиш, унинг ижросини назорат қилиш, ижроси ҳақида ҳисобларни тайёрлаш ва тасдиқлаш ҳамда давлат бюджети таркибига кирувчи бюджетлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг қонун ҳужжатлари билан тартибга солиш жараёни.

БЮДЖЕТ СТИМУЛЛАРИ — ижтимоий ишлаб чиқаришни ўс-тириш ва унинг самарадорлигини оширишдаги иқтисодий стимулларнинг бир кўриниши. У халқ хўжалигининг юқори натижаларини олишга мўлжалланган молиялаштириш системаси ва солиқ тўловларининг номуддат тури кўринишида ўз аксини тонади.

БЮДЖЕТ ТУЗИЛИШИ — бюджет системаси, унинг структураси ва унинг айрим звенолари ўзаро алоқасини ташкил қилиш ва тузиш принциплари. У ҳокимиятнинг бюджетни тузиш, муҳокама қилиш ва бажарилиши бўйича марказий, территориал ва маҳаллий органлар компетенциясини белгилаб берувчи юридик нормаларга асосланган. Бюджет тузилиши бюджетнинг айрим турлари ўртасида даромадлар ва харажатларни ўз ичига олади.

БЮДЖЕТ ХАРАЖАТЛАРИ — давлатнинг пул маблағлари фондини тақсимлаш ва ундан тармоқлар, мақсадли ва территориал йўналишда фойдаланиш билан боғлиқ пайдо бўладиган иқтисодий муносабатлар.

БЮДЖЕТ ҲУҚУҚИ — давлатнинг бюджет системасига кирувчи бюджетларни тузиш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва бажариш тартиблари ҳамда мамлакатнинг бюджет тузилиши асосларини аниқлаб берувчи давлат томонидан белгиланган юридик нормалар мажмуаси.

БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ФОНДЛАР — айрим ижтимоий эҳтиёжларни молиялаштириш учун талаб килинган ва мустақил ташкил топган фондлар асосида комплекс фойдаланиладиган молиявий ресурсларни қайта тақсимлаш ва фойдаланишнинг ўзига хос формаси. Унинг асосий йўналиши махсус мақсадли ажратмалар ва бошқа манбалар ҳисобида мақсадли тадбирларни молиялаштиришдан иборат.

БЮДЖЕТНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ — бюджет ва бюджетдан ташқари фондлардан пул воситаларини қайтариб бермаслик шарти билан юридик шахсларга тақдим қилиш.

БЮДЖЕТНИ ТАРТИБГА СОЛИШ — умумдавлат бюджети ресурсларининг бир қисмини қуйи бюджетларга беришдан иборат пул воситаларини бюджетлар ўртасида қайта тақсимлаш системасидир.

ВАУЧЕР (ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ЧЕКИ) — номинал қиймати рублда ҳисобланган давлатнинг маълум мақсадли қимматли қоғози. У Россия Федерациясининг ҳар бир фуқаросига берилган ва тақдим қилувчи ҳужжати ҳисобланган. Чегараланган ҳажмда сотилган ва сотиб олинган. Приватизация объектларини олиш учун тўлов маблағи сифатида Россиянинг барча территориясида фойдаланган. Россия чекининг амал қилиш муддати бир йилдан кам ва икки йилдан ошиқ бўлмаслиги шарт қилиб қўйилган.

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ — давлат пул маблағларининг марказлаштирилган жамғармаси бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йил мобайнида аниқ мақсадлар учун киритиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

ДАВЛАТ ДАРОМАДЛАРИ — давлат структуралари ихтиёрида бўлган молиявий ресурсларни сафарбар қилиш юзасидаги пул муносабатлари. Давлат даромадларини сафарбар қилишнинг уч асосий методи: солиқлар, давлат заёмлари, эмиссия (қоғоз пул ва кредит) қўлланилади.

ДАВЛАТ КРЕДИТИ — вақтинча бўш пул маблағларини ҳокимиятнинг давлат органлари ихтиёрига сафарбар қилиш ва давлат харажатларини молиялаштириш учун фойдаланишда давлат билан юридик ва жисмоний шахслар ўртасида пайдо бўладиган пул муносабатларидир. Давлат кредитининг асосий формалари заёмлар ва хазина ссудаларидир.

ДАВЛАТ МОЛИЯСИ — давлат ва унинг корхоналари тасарруфидаги молиявий ресурсларни шакллантириш билан ижтимоий маҳсулот қиймати ва миллий бойлик бир қисмининг тақсимланиши ва қайта тақсимлаш борасидаги пул муносабатлари соҳаси бўлиб, бу давлат маблағлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, жамият аъзоларининг ўсиб бораётган социал-маданий эҳтиёжларини қондириш, мамлакат мудофааси ва давлатни бошқариш эҳтиёжлари учун фойдаланилади. Давлат молияси республика, регионал ва маҳаллий даражада амал қилади ва бюджет, бюджетдан ташқари фондлар, давлат кредити, давлат корхоналари молиясини ўз ичига олади.

ДАВЛАТ ТАСАРРУФИДАН ЧИҚАРИШ — давлат мулкни мулкнинг бошқа формасига ўтказиш. Агар давлат тасарруфидан чиқариш давлат корхоналарни фуқаролар хусусий мулк қилиб берилса ёки акционер жамияти ташкил этилса — бу приватизация бўлади.

ДАВЛАТ ТОМОНИДАН МОЛИЯЛАШТИРИШ — бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар маблағлари ҳисобида хўжалик субъектларига қайтармаслик йўли билан молиявий ресурсларни бериш методи. Давлат молиялаштириши воситаси билан хўжалик субъектлари ўртасида молиявий ресурслар мақсадли қайта тақсимланади.

ДАВЛАТ ФОНДИ — нисбатан мустақил амал қиладиган ва маълум мақсадлар учун ажратилган пул маблағларининг бир қисми бўлиб, у молия системасининг барча звеноларида амал қилади.

ДАВЛАТ ХАРАЖАТЛАРИ — давлатнинг ҳар хил эҳтиёжлари учун давлатнинг марказий ва марказлашмаган фойдаланиш билан боғлиқ пул муносабатлари. Давлат харажатлари уч хил формада молиялаштирилади: ўз-ўзини молиялаштириш, бюджетдан молиялаштириш, кредит таъминоти.

ДАВЛАТ ҚАРЗЛАРИ — давлатнинг ўз кредиторларига (ички ва ташқи) қарзи миқдори; У капитал ва жорий қарзларга бўлинади. Биринчисида давлатнинг чиқарган ва тўламаган қарз мажбуриятларининг барча суммаси; иккинчисига эса кредиторлар даромади сифатида тўловлари юзасидан харажатлари ва тўлаш муддати етиб келган мажбуриятларни қоплаш учун харажатлар киради.

ДАРОМАДЛАР ВА ХАРАЖАТЛАР СМЕТАСИ — нотижорат фаолиятини амалга оширувчи муассаса (ташкilot)нинг молиявий режаси.

ДИВИДЕНТ — акционер жамияти фойдасининг бир қисми бўлиб, у ҳар йили солиқлар тўлангандан, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ажратилган резервлар ташкил этилган ва бошқа зарур эҳтиёжларга ажратилгандан кейин акционерлар ўртасида тақсимланади. Дивидент

– оддий акцияларда олинадиган фойда миқдорига қараб хар йили ўзгариб туради. Имтиёзли акцияда акциянинг дастлабки қийма­тига мувофиқ қатъий режада олинадиган кредит тўлаб борилади.

ЕР КАДАСТРИ — ерларни ҳосилдорлигини, бозор жойларга яқинлиги, экиладиган экинларнинг турлари ва хоказолар бўйича ре­естр қилиниши. Ер шароити хар хил синф (класс)даги 1 га ер бўйича даромадлигини баҳолаш асоси бўлиб хизмат қилиш­лиги учун, ер солиғи ставкасини белгилаш учун фойдаланилади.

ЗАЁМ КОНВЕРЦИЯСИ — унга бўлган даромад даражасининг ўзгариши.

ЗАЁМ КОНСОЛИДАЦИЯСИ — унинг амал қилиши муддати билан боғлиқ бўлган муомала шартининг ўзгариши.

ИЖТИМОЙ СУҒУРТА — иқтисодий муносабатлар системаси бўлиб, унинг ёрдамида пул маблағлари фонди шаклланади ва сарф­ланади.

ИНВЕСТОР — янги объектлар қурилиши, корхоналар ривож­ланиши, хизмат кўрсатиш соҳалари ҳам бошқаришни кенгайтириш учун молиявий ресурсларни сарфлайдиган юридик шахс.

ИҚТИСОДИЁТНИ ТАРТИБГА СОЛИШ — бу молиявий ресурсларни қайта тақсимлаш асосида халқ хўжалиги тараққиёти ва унинг айрим структура бўлинмалари тараққиёти суръатини мақсадли ўз­гартаришдир. Иқтисодиётни тартибга солиш ўз-ўзидан тартибга солиш ва давлат томонидан тартибга солишга бўлинади.

КОММЕРЦИЯ (ТИЖОРАТ) ҲИСОБИ — хўжалик юритиш методи бўлиб, бунда фаолият юритиш учун қилинган харажатлар билан унинг натижаларини пул формасида таққослашда ишлати­лади. Ундан мақсад энг кам харажат қилган ҳолда энг кўп фойда олишдир. Тижорат ҳисоби ҳужжатларини етарли рентабелли дара­жасида олиб бориш албатга фойда олишни тақозо этади.

КОРХОНАНИНГ ЛИКВИДЛИГИ — хўжалик субъектининг за­рур харажатларини хоҳлаган пайтда амалга оширишга қобилиятли­лиги.

КОТИРОВКА — қимматли қоғозлар бозор баҳосини аниқлаш (белгилаш) у махсус котировка қилиш комиссияси томонидан бир­жаларда амалга оширилади.

КРЕДИТЛАШТИРИШ — такрор ишлаб чиқариш харажатларини молиявий таъминлаш формаларидан бири бўлиб, бунда хўжалик субъ­ектлари харажатлари албатта тўлаш, муддатли ва ундириб бериш шarti билан банк ссудалари ҳисобидан қопланади.

ЛИКВИДЛИК — активлардан тўлов воситаси сифатида фойдаланиш ёки уларни тўлов воситасига айлантириш имконияти.

МЕДИЦИНА СУҒУРТАСИ — соғлиқни сақлаш бўйича аҳоли манфаатларини химоя қилишнинг формаси бўлиб, аҳолининг медицина хизмати харажатлари ва соғлиқни сақлаш бўйича бошқа харажатларини ва соғлиқни компенсация қилиш (қоплаш) билан боғлиқдир.

МОЛИЯ — кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш, ишловчиларни моддий рағбатлантириш, жамиятни ижтимоий ва бошқа эҳтиёжларини кондиритиш мақсадлари учун давлат ва хўжалик субъектлари ихтиёрида шаклланган пул формасидаги ва жамғармалар формасида моддийлашган тақсимланган характерга эга бўлган объектив иқтисодий муносабатлар мажмуасидир.

МОЛИЯВИЙ АППАРАТ — жамиятни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш учун қулай шароит яратиш мақсадида жамиятда қўлланиладиган молиявий муносабатларни ташкил қилиш формалари, усуллари мажмуасидир.

МОЛИЯВИЙ БОЗОР — пул операцияларининг махсус соҳаси бўлиб, бунда айирбошлаш объекти аҳоли, хўжалик субъектлари ва давлат структураларининг вақтинча бўш пул маблағларидан иборат бўлади ва у фойдаланувчига ёки қимматбаҳо қоғозлар ёки ссуда тарзида берилади.

МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТ — халқ хўжалик барча бўлинмаларида молиявий ресурсларни шакллантириш ва фойдаланишга асосланган назоратнинг алоҳида формаси.

МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАР — давлат ва хўжалик субъектлари қўлида шаклланиладиган даромадлари, жамғармалар ва тушумлардан иборат бўлиб, такрор ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ходимларни моддий рағбатлантириш, мамлакат мудофааси ва давлат бошқариш эҳтиёжлари учун аталгандир.

МОЛИЯВИЙ СИЁСАТ — давлатнинг молиядан маълум мақсадда фойдаланишга қаратилган фаолияти.

МОЛИЯВИЙ ТИЗИМ — ҳар хил тушунчаларни белгилаш учун қўлланиладиган атама: а) ўзаро бир-бири билан боғлиқ бўлган молиявий муносабатлар звенолари ва соҳалари мажмуаси; б) мамлакат молиявий муассасалари мажмуаси бўлиб, унга молиявий органлар ва давлат солиқ хизматининг барча структуралари бўлинмалари киради.

МОЛИЯВИЙ ФОНДЛАР — молиявий ресурслар ҳисобида жамланган пул фондлари.

МОЛИЯНИНГ ФУНКЦИЯСИ — ушбу категория моҳиятининг кўриниши бўлиб молияга хос хусусиятларини, ўзига хос усулларини ифода этади. У молиянинг иктисодий категория сифатида қандай қилиб ижтимоий шаклланишини кўрсатиб беради.

НАФАҚА — гарантияланган ҳар ойлик пул тўлови бўлиб, у фуқароларга маълум ёшга тўлганда, ногирон бўлганда, боқувчисидан ажралганда, шунингдек, фаолиятнинг маълум соҳаларида узоқ йил ишлаганлиги учун берилади.

НАФАҚА ТўЛОВИ (ПОСОБИЕ) — мамлакат фуқароларига ишда вақтинча узилиш бўлганда, шунингдек, ошиқча қилинган харажатларини компенсация қилиш учун мўлжалланган доимий ёки бир вақтда бериладиган пул тўловларидир.

ОБЛИГАЦИЯ — қарз характеридаги қимматли қоғоз тури.

ОБОРОТ ВОСИТАЛАРИ — айланма ишлаб чиқариш фондлари ва муомала фондларида акс этган пул воситалари. Айланма ишлаб чиқариш фондларига хом ашё, материаллар, ёнилғи, тўла тугалланмаган ишлаб чиқариш, кейинги харажатлар ҳисоби каби активларда кўринади.

ОБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ АЙЛАНИШЛИГИ — оборот воситаларидан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичи. У пул воситаларининг ишлаб чиқариш запаслари сотиб олишдан ва пулнинг корхона счётига тушишигача бўлган тўлиқ айланишидан иборат вақт билан белгиланади. Бир айланиш муддати кунлар билан белгиланади.

ПУЛ ФОРМАСИДАГИ ИЖТИМОЙ МАҲСУЛОТ ҚИЙМАТИНИ ТАҚСИМЛАШ — бу хўжалик субъектлари ўртасида пул маблағлари ҳаракати жараёни бўлиб, улардан ҳар бири маълум мақсадга йўналтирилгандир. Биринчи тақсимлашда реализация қилинган маҳсулот (иш хизмат) қиймати бўлинади.

СЕКВЕСТР — жорий бюджет йилининг охиригача қолган вақтда бюджетнинг барча статьялари бўйича (ҳимоялангандан ташқари) давлат харажатларини пропорционал камайтириш.

СМЕТАЛИ МОЛИЯЛАШТИРИШ — тасдиқланган смета асосида муассаса ва ташкилот харажатларини қоплаш методи.

СОЛИҚ — бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга қонун белгилаган миқдорда ва маълум муддатларда тўловчиларнинг мажбурий взноси (тўлови). У давлатнинг миллий даромадини қайта тақсимлаш ва молиялаш ресурслари ва давлатнинг бюджет ва бюджетдан ташқари фондларига жалб қилишда юридик ва жисмоний шахслар билан бўладиган пул муносабатларини билдиради.

СОЛИҚ КРЕДИТИ — солиқни тўлаш муддатини узайтириш, солиқ имтиёзларидан бири.

СОЛИҚ ТАЪТИЛЛАРИ — вақтнинг маълум даври бўлиб, бу даврда солиқ тўлашдан озод этиш тўғрисида имтиёз берилади.

СОЛИҚ ТИЗИМИ — ҳар хил солиқ турлари мажмуаси бўлиб, унинг тузилиш ва ҳисоблаш методлари маълум принциплар асосида амалга ошади. Тўғри ва эгри солиқлар бўлади.

Биринчиси солиқ тўловчининг даромадлари ва мол-мулкига.

Иккинчиси эса товар баҳосига қўшимча сифатида (тариф ва хизматлар) қўшилади ва истеъмолчи томонидан тўланади. Эгри солиққа акциз солиқлари ва божхона бождари киради.

СУҒУРТА АКТИ — суғурта ҳолати бўлими сабаблари ва уни тасдиқловчи фактни белгилаган тартибда расмийлаштирилган хуж-жат.

СУҒУРТА БОЗОРИ — ихтисослашган суғурта ташкилотларидаги юридик ва жисмоний шахслар томонидан қилинадиган суғурта хизмати олди-сотди объекти бўлган пул муносабатларининг алоҳида соҳаси.

СУҒУРТА ЖАВОБГАРЛИГИ — суғуртачининг суғурта ходисалар бўлгандаги оқибатлар ҳақида келишилган суғурта суммасини ёки суғурта зарарини қоплаш мажбурияти.

СУҒУРТА ЗАРАРИ — тўлиқ вайрон бўлган ёки қисман зарар кўриши натижасида қадрсизланган мол-мулкнинг суғуртада баҳоланган қиймати.

СУҒУРТА МАЙДОНИ — у ёки бу суғурта турига жалб қилинадиган объектларнинг максимал миқдори.

СУҒУРТАДАГИ МАНФААТ — суғуртадаги моддий манфаатдорлик чоралари.

СУҒУРТА МАРКЕТИНГИ — суғуртачининг суғурта бозори, суғурта хизматини шакллантириш, ҳар бир суғурта тури бўйича суғурта хизмати баҳосини аниқлаш, суғурта хизматларини сотишни бошқариш бўйича фаолияти.

СУҒУРТА НАЗОРАТИ — суғурта ташкилотлари фаолияти устидан давлат органлари томонидан амалга ошириладиган назорат.

СУҒУРТА ПОЛИСИ (ГУВОҲНОМАСИ) — суғурта тузилганлигини тасдиқловчи суғурта ташкилотининг хужжати.

СУҒУРТА ПОРТФЕЛИ — маълум бир территорияда (корхонада, ташкилотда) суғурта қилинган шахс ва объектларнинг ҳақиқий сони ёки ҳаракатдаги суғурта шартномалари.

СУҒУРТА СУММАСИ — фуқаролар мол-мулки, ҳаёти ва соғлиги суғурталанган ҳақиқий пул маблағлари миқдори.

СУГУРТА ТАВАККАЛЧИЛИГИ — мазмунан ҳар хил маънони билдирувчи атама: а) суғуртани ўтказишга сабаб бўлган вазият ёки вазиятлар муаммоси; б) конкрет суғурта объекти бўйича суғурта суммаси. Қиймаטיга боғлиқ равишда йирик, ўртача ва кичик хавф-хатарни бири-биридан фарқ қилиш.

СУГУРТА ТАЪРИФИ — маълум муддатдаги суғурта суммаси бирлигидаги суғурта тўловининг сўм ва тийинларда ифодаланган ставкаси.

СУГУРТА ТЎЛОВИ — суғуртачи томонидан суғурталанганга тўланган сумма.

СУГУРТА ҲИМОЯСИ — стихияли ва бошқа фаолиятнинг оғир оқибатларини огоҳлантириш, олдини олиш ҳамда етказилган зарарни шубҳасиз қоплаш билан боғлиқ бўлган иқтисодий муносабат.

СУГУРТА ҲОЛАТИ — суғуртачи суғуртани қоплаш (суғурта суммасини) учун тўлаши шарт бўлган амалда юз берган ходиса (ҳолат).

СУГУРТАНИ БАҲОЛАШ — суғурта мақсади учун аталган мулкнинг қиймати.

СУГУРТАНИ ТАЪМИНЛАШ — суғурта суммасининг суғурталанган мол-мулк қийматига бўлган нисбати. Суғуртани таъминлашнинг ҳар хил системаси мавжуд — пропорционал жавобгарлик, биринчи таваккалчилик ҳисобида.

СУГУРТАНИ ҚОПЛАШ — суғурта ходисаси бўлганда мулккий суғурта ва суғурта жавобгарлиги зарарини қоплаш учун суғуртачига бериладиган сумма.

СУГУРТАЛОВЧИ — суғуртани амалга оширувчи ва суғурта қилинувчига зарарни қоплаш мажбуриятини ўз зиммасига олувчи ёки суғурта суммасини тўловчи ихтисослашган ташкилот (давлат, акционер, кооператив).

СУГУРТАЧИ — мол-мулкни суғурта қилувчи ёки суғурта шартномаси қилувчи, суғурта взносини тўлаб турувчи жисмоний ва юридик шахс.

ТАКРОР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНИНИ МОЛИЯВИЙ ТАЪМИНЛАШ — давлат ва хўжалик субъектларида жамғарилган молиявий ресурслар ҳисобида харажатларни қоплаш.

ТЎЛОВ ҚОБИЛИЯТИ — хўжалик субъектларининг савдо, кредит ва пул характеридаги бошқа операцияларидан келиб чиқадиган тўлов мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ бажара олиш хусусияти.

Фойда — тижоратчилик асосида иш юритувчи корхоналар фаолиятининг молиявий натижаси; балансли фойда, ялпи фойда, солиқ олинадиган ҳисоб фойдаларини бир-биридан фарқ қилади.

ФОНДЛАР — ижтимоий маҳсулотни тақсимлашнинг иқтисодий

формаси бўлиб, у ижтимоий маҳсулот таркибидаги тақсимлаш заруриятидан келиб чиққан ва нисбатан бир-биридан ажралган қисмларидир.

Ўз-Ўзини Молиялаштириш — хўжалик субъектларини ўз молиявий ресурсларидан фойдаланишга асосланиб такрор ишлаб чиқариш харажатларини молиявий таъминлаш методларидан бири. Корхонанинг ўз маблағлари етишмаганда улар қимматли қоғозлар чиқариш асосида жалб қилинадиган молиявий ресурслардан фойдаланадилар.

АДАБИЁТЛАР:

Асосий адабиётлар:

«Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси». Тошкент, «Ўзбекистон», 1992.

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари

Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти қонунлари эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни. 2000 йил 15 июль.

Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонуни. 1998 йил 30 апрель.

Ўзбекистон Республикасининг «Кишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат) хўжалиги тўғрисида»ги Қонуни. 1998 йил 30 апрель.

Ўзбекистон Республикасининг «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги Қонуни. 1998 йил 30 апрель.

Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Қонуни. 1998 йил 30 апрель.

Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуни. 1998 йил 30 август.

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Қонуни. 2002 йил 12 декабрь.

Президент Фармонлари

«Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида». 1997 йил 31 декабрь.

«Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 1998 йил 9 апрель.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

«Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида». 1998 йил 22 апрель.

«Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш тўғрисида». 1998 йил 27 май.

«Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида». 2002 йил 6 май.

«Лицензиялашни бекор қилиш ҳамда истеъмол товарларни олиб келиш ва олиб чиқишни тартибга солиш тўғрисида». 2002 йил 20 август.

1. *Каримов И.А.* «Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли». Тошкент, «Ўзбекистон», 1993.

2. *Каримов И.А.* «Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли». Тошкент, «Ўзбекистон», 1993.

3. Каримов И.А. «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида». Тошкент, «Ўзбекистон», 1995.
4. Каримов И.А. «Ўзбекистон – буюк келажак сари». Тошкент, «Ўзбекистон», 1998.

Қўшимча адабиётлар:

1. Абдуллаев Ё., Бобоқулов Т. Кредит. 100 савол жавоб. Тошкент, «Меҳнат», 1996.
2. Абдуллаев Ё. Кредит. 100 савол ва жавоб. Тошкент, 1997.
3. Абдуллаев Ё. Пул. 100 савол ва жавоб. Тошкент, 1998.
4. Борисов Е. Ф. Экономическая теория. М., 1996.
5. Казаков А.П., Минаева Н.В. Экономика. М., 1996.
6. Макконелл К., Брю С. Экономикс. М., 1992.
7. Маликов Т.М. «Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида молия механизми такомиллаштириш масалалари». Тошкент, ТХХИ, 1990.
8. Маликов Т.М., Эгамов Э.Э. «Молия механизми. Муаммо ва ечимлар». Тошкент, «Ўзбекистон», 1991.
9. Общая теория финансов. М., 1995.
10. Общая экономическая теория. Учебник. М., 1995.
11. Финансы и кредит. А.Ю.Казаков тахрири остида. Екатеринбург, 1994.
12. Финансы. А.М.Ковалёва тахрири остида. М., 1999.
13. Финансы. Учебное пособие. Под ред. В.М.Родионовой. М., 1995.
14. Фозилов Н. «Амалий иқтисодиёт». Тошкент, 1996.
15. Чжен В.А. «Бозор қонунияти асослари». Тошкент, «Шарқ», 1996.
16. Чжен В.А. «Бозор ва очик иқтисодиёт». Тошкент, «Шарқ», 1996.
17. Чжен В.А. «Пул ва молия бозори». Тошкент, «Ўзбекистон», 1996.
18. Чжен В.А. «Хусусийлаштириш асослари». Тошкент, «Шарқ», 1996.
19. Чжен В.А. Пул ва молия бозорлари. Тошкент, 1997.
20. Яҳёев К.А. «Ўзбекистоннинг солиқли ва солиқсиз туловлари». Тошкент, Т.М.И. 1994.
21. Улмасов А., Тўхлиев Н. «Бозор иқтисодиёти» изоҳли луғат. Тошкент, 1991.
22. Хайдаров Н. Молия. 1-қисм. Тошкент, 2001.
23. Шодмонов Ш. ва б. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. Тошкент, 2002.
24. Экономическая теория. Учебник. Тошкент, 1999.
25. Расулов М. Бозор иқтисодиёти асослари. Тошкент, 1999.
26. Финансы, денежное обращение, кредит. Учебник для ВУЗов. Под редакцией проф. Дробозиной Л.А. М., «Финансы», 1997.

«МОЛИЯ НАЗАРИЯСИ» ФАНИДАН НАМУНАВИЙ ЎҚУВ ДАСТУРИ

1-БЎЛИМ. МОЛИЯ ҲАҚИДА УМУМИЙ ТУШУНЧА

1.1- мавзу. Молиянинг объектив зарурлиги, моҳияти ва функциялари

Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш, товар-пул муносабатлари ва давлат ҳақидаги таълимот — молия ҳақидаги таълимотнинг назарий асоси. Бозор иқтисодиётини бошқариш ва тартибга солишда, шунингдек, жамият манфаатлари йўлида давлат томонидан мақсадга мувофиқ фойдаланишда молиянинг роли.

Молия муносабатларининг пуллик характери, уларни тақсимлаш характери. Пул маблағлари фондлари — молиявий муносабатларнинг моддий кўриниши сифатида. Молиявий ресурслар — молиявий муносабатларнинг моддий асоси.

Молиянинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти. Унинг тарихий характери. Бозор муносабатлари шароитида молиянинг объектив зарурлиги. Молиянинг келиб чиқиши, амал қилиш ва ривожланишининг сабаблари ва асосланганлиги. Давлатнинг ўз функцияларини бажаришда молиянинг роли.

Молиянинг функциялари. Уларнинг объектив характери ва ўзаро боғлиқлиги. Молиянинг тақсимлаш функцияси. Тақсимлаш объектлари ва субъектлари. ЯИМни бирламчи ва қайта тақсимлашда молиянинг роли. Тақсимлаш турлари. Жамиятда қайта тақсимлашнинг зарурлиги. Молиянинг назорат функциясининг роли.

Бозор шароитида молия функцияларининг такомиллашуви. Молиянинг моҳияти ва функциялари хусусидаги баҳслашувлар.

1.2- мавзу. Молия тизими

Молиявий муносабатларнинг кўнрақлиги. Молия — ижтимоий такрор ишлаб чиқаришнинг ажралмас элементи. Молиявий муносабатларни гуруҳлаш.

Молиявий тизим тушунчаси. Молиявий тизимнинг тузилиши, Молиявий тизим звенолари ва соҳалари, уларнинг ўзаро алоқаси.

Микродаражадаги молиявий муносабатлар. Корхона молияси ва уни ташкил қилиш — мамлакат бутун молиявий тизимининг асо-

си. Корхона ва ташкилотлар молияси звенolari ва бўғинлари.

Суғурта. Суғуртанинг иқтисодий ва социал аҳамияти.

Макродаражадаги молия. Давлат молияси, унинг звенolari.

Давлат бюджети. Унинг социал-иқтисодий аҳамияти. Молиявий тизимда давлат бюджетининг ўрни ва роли.

Бюджетдан ташқари фондлар. Бозор шароитида давлат томонидан иқтисодиётни тартибга солишда унинг роли.

Давлат кредити. Давлат кредитининг аҳамияти. Пул муомаласини тартибга солиш ва бюджет дефицитини қисқартиришда давлат кредитининг роли.

Давлатнинг молиявий тизимдаги мунозарали масалалар.

Иқтисодий тақсимлаш категориялари: нарх-наво (баҳо), кредит, иш ҳақи, молия.

Молия ва баҳо. Баҳонинг функциялари. Қиймат тақсимотида баҳонинг роли. Ялпи ички маҳсулот ва миллий даромад қийматини тақсимлашда баҳо ва молиянинг ўзаро боғлиқлиги. Баҳолар тизими. Бозор иқтисодиёти шароитида баҳо амал қилишининг ўзига хос хусусиятлари. Баҳонинг характерли белгилари ва молия категориясидан фарқлари.

Молия ва иш ҳақи. Иш ҳақи — иқтисодий категория сифатида. Иш ҳақининг функциялари. Иш ҳақининг молия категорияси билан умумий белгилари ва фарқлари.

Молия ва кредит. Кредит — иқтисодий категория сифатида. Кредитнинг моҳияти ва функциялари. Молия ва кредит категорияларига хос бўлган умумий хусусиятлар. Молия ва кредитнинг амал қилишидаги фарқлари. Тақсимот жараёнида уларнинг алоқаси ва ўзаро таъсири.

Хўжалик юритиш амалиётида баҳо, иш ҳақи, кредит ва молия категорияларидан комплекс фойдаланишнинг зарурлиги.

1.3- мавзу. Бозор иқтисодиёти шароитида молиядан фойдаланиш

Ижтимоий тараққиёт жараёнлари ривожидида молиядан фойдаланиш. Ижтимоий такрор ишлаб чиқаришда молиядан фойдаланишнинг имкониятлари ва объектив шарт-шароитлари.

Молиявий муносабатларнинг намоён бўлишининг ташкилий шакллари ва улардан иқтисодий бошқаришнинг иқтисодий воситаси, фаол қуроли сифатида фойдаланиш имкониятлари.

Молиянинг иқтисодий восита сифатида иқтисодиётга миқдор ва сифат жиҳатидан таъсири.

Ижтимоий тараққиёт жараёнларига молиявий таъсир этишнинг йўналишлари: кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш эҳтиёжларини молиявий таъминлаш; иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни молиявий тартибга солиш, молиявий рағбарлантириш.

Жамият молиявий ресурсларининг элементлари. Молиявий ресурсларнинг ҳажми, таркиби ва тузилишининг ўзгаришига таъсир этувчи омиллари.

Марказлашган ва марказлашмаган молиявий ресурслар. Бозор шароитида улар ўртасидаги нисбатнинг ўзгариши. Такрор ишлаб чиқариш харажатларини молиявий таъминлаш шакллари: ўз-ўзини молиялаштириш; кредитлаш; давлат томонидан туркумланиши; суғуртали ва суғуртасиз резервлар. Бозор шароитида молиявий резервлар аҳамиятининг ошиши.

Иқтисодиётни тартибга солишда молиядан фойдаланиш. Иқтисодиётга молиявий жиҳатдан таъсир этиш усуллари. Бюджет, солиқ, суғурта усули, божхона божидан фойдаланиш усули. Иқтисодиётни тартибга солишда молиявий дастакдан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари.

Молиявий бозор, унинг мазмуни. Молиявий бозор шакллари, қимматбаҳо қоғозлар бозори, валюта бозори, ссуда капитал бозори. Қимматбаҳо қоғозлар бозори — молиявий бозорнинг муҳим таркибий қисмларидан бири. Молиявий бозор амал қилишининг объектив шарт-шароитлари.

Молиявий бозор ва қимматбаҳо қоғозлар бозори. Қимматбаҳо қоғозлар бозорининг субъектлари. Жамғарувчилар, инвесторлар, эмитентлар. Қимматбаҳо қоғозлар бозори. Қимматбаҳо қоғозлар, уларнинг турлари: облигациялар, акциялар, хазина мажбуриятларн, векселлар, жамғарма сертификатлари ва бошқалар.

Бирламчи ва иккиламчи бозор тушунчалари. Уларнинг мақсади ва вазифалари.

Молиявий ресурсларнинг жалб қилиниши ва тақсимланишида молиявий бозорнинг роли ва аҳамияти. Молиявий бозорнинг ижтимоий аҳамияти.

II БЎЛИМ. МОЛИЯНИ БОШҚАРИШ

2.1- мавзу. Молиявий сиёсат ва молия механизми

Молиявий сиёсат, унинг мазмуни. Молиявий сиёсат давлат иқти-

содий сиёсатининг таркибий қисми сифатида. Молиявий сиёсат бўғинлари.

Молиявий стратегия ва молиявий тактика, уларнинг ўзаро алоқаси. Молиявий сиёсат — устқурма категорияси сифатида. Устқурманинг жамият иқтисодий базиси билан ўзаро алоқаси.

Молиявий сиёсатнинг мақсади ва вазифалари.

Бозорга ўтишда Ўзбекистон Республикаси молиявий сиёсатининг асосий йўналишлари. Ҳозирги шароитда молиявий стратегия ва тактика вазифалари.

Молиявий механизм, унинг мазмуни.

Ҳўжалик механизмда молиявий механизмнинг роли, ўрни ва аҳамияти. Молиявий механизмнинг таркибий қисмлари: молиявий муносабатлар тизими, пул воситалари фонди, молиявий аппарат.

Молиявий механизм соҳалари ва бўғинлари. Молиявий муносабатларни ташкил қилиш усуллари ва турлари. Молиявий механизм элементлари: пул воситалари фондлари, солиқлар ва тўловлар, фондлар ва тўловларни миқдорий аниқлаш усуллари. Бозор шароитида иқтисодиётга молиявий механизмнинг таъсири.

Давлатнинг молиявий сиёсатини амалга оширишда молиявий механизмнинг аҳамияти.

2.2- мавзу. Молияни бошқариш

Молияни бошқариш ҳақидаги тушунча. Бошқариш объектлари ва субъектлари. Молияни бошқаришни ташкил этиш принциплари. Молияни бошқариш элементлари: истикболларни белгилаш, ахборот молиявий муносабатларни молиявий тартибга солиш, назорат.

Молияни умумий ва оператив бошқариш. Умумий бошқариш органлари. Молия вазирлиги, унинг вазифалари, функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Молия вазирлигининг молия-бюджет бошқарувини ташкил этишдаги роли.

Давлат Солиқ қўмитаси, унинг органлари. Солиқ органларининг давлат бюджетига тўловлар ва солиқларнинг тушишини бошқариш ва назорат қилишдаги функциялари, вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Бозор иқтисодиёти шароитида солиқ идораларининг роли ва аҳамиятининг ошиши.

Ҳўжалик юритувчи субъектлар молиясини бошқаришда корхона ва ташкилотлар молия хизматлари.

Бозор иқтисодиёти шароитида молиявий режалаштиришнинг мазмуни ва вазибалари. Молиявий режалаштириш принциплари.

Молиявий режалаштириш босқичлари ва методлари. Бозор қонуни талабларига мувофиқ молиявий режалаштириш методларини такомиллаштириш. Молиявий режалар тизими, уларнинг ўзаро алоқаси. Бозор шароитида айрим молиявий структуралар молиявий режаларининг хусусиятлари.

Бозор иқтисодиёти шароитида фаолиятнинг энг яхши натижаларига эришишда илмий асосланган прогнозлаштиришнинг роли.

2.3- мавзу. Молиявий назорат

Молиядан назорат қуроли сифатида фойдаланишнинг объектив шарт-шароитлари ва имкониятлари. Молиянинг назорат функцияси ва молиявий назорат.

Молиявий назорат ҳақида тушунча.

Молиявий назоратнинг объекти. Молиявий назоратнинг предмети.

Молиявий назоратнинг шакллари: дастлабки, жорий, сўнгги назорат, уларнинг тавсифи.

Молиявий назоратнинг текширув, таҳлил, тафтиш шакллари. Тафтиш турлари. Уларга тавсиф.

Молиявий назорат субъектлари, молиявий назоратни амалга оширувчи органлар, бозор шароитида улар фаолиятини мувофиқлаштириш.

Аудиторлик назорати — молиявий назоратнинг янги шакли сифатида. Қўп укладли иқтисодиёт шароитида дахлсиз аудиторлик назоратининг роли ва аҳамияти.

III БЎЛИМ. МОЛИЯНИНГ МИКРОИҚТИСОДИЙ ДАРАЖАДА АМАЛ ҚИЛИШИ

3.1- мавзу. Фаолиятнинг турли соҳаларида молиянинг амал қилиш асослари

Фаолиятнинг турли соҳалари молиясининг мазмуни. Ижтимоий ишлаб чиқариш соҳалари: моддий ишлаб чиқариш соҳаси ва ноишлаб чиқариш соҳаси.

Моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги бир турдаги пул муносабат-

лари гуруҳлари. Моддий ишлаб чиқариш корхоналари молиясининг мазмуни ва ўзига хос хусусиятлари.

Ноишлаб чиқариш соҳасида содир бўладиган молиявий муносабатларга характеристика. Номоддий ишлаб чиқариш муассасалари ва ташкилотлар молиясининг ўзига хос хусусиятлари ва белгилари.

Тижорат ҳисоби асослари, тижорат ҳисобининг хўжалик ҳисобидан фарқи. Давлат тасарруфидан чиқариш — Ўзбекистон давлати иктисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканлиги. Давлат тасарруфидан чиқаришнинг молиявий масалалари, уларни амалга оширишда молиянинг роли.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқаришнинг босқичлари, хусусийлаштиришдан тушган маблағлар, уларнинг ишлатилиш йўналишлари. Республика Бизнес фондининг тузилиши, маблағларнинг манбалари ва ишлатилиши.

Турли мулк шаклларининг, хўжалик юритишнинг турли ташкилий-ҳуқуқий шаклларининг пайдо булиши: хусусий, кооператив, ижара, акциядорлик, ширкат. Хўжалик юритишнинг турли ташкилий-ҳуқуқий шаклларининг ва тармоқ хусусиятларининг улар молиясини ташкил этишдаги таъсири.

3.2- мавзу. Тижоратчилик асосида фаолият юритувчи корхоналар ва ташкилотлар молияси

Корхоналар молиявий ресурслари тушунчаси. Уларнинг таркиби ва структураси. Бозор шароитида молиявий ресурслар таркиби ва структурасидаги ўзгаришлар.

Асосий капитал. Асосий фондларнинг дастлабки шаклланиши, амал қилиши ва кенгайган такрор ишлаб чиқаришда молиянинг роли.

Амортизация фонди. Унинг шаклланиши ва ишлатилишида молиянинг роли. Амортизация фондини ҳисоблаш методлари: чизиқли, регрессив, тезлаштирилган амортизация нормалари.

Капитал қўйилмаларни (маблағларни) молиялаштириш манбалари. Бозор шароитида капитал маблағларни молиялаштиришнинг қўшимча маблағлари. Асосий фондларни янгилаш ва техник такомиллаштиришда чет эл инвестициясининг роли.

Корхоналарнинг айланма капитали. Айланма ишлаб чиқариш фондлари ва муомала фондлари.

Айланма воситалар ташкил топиши ва фойдаланишда молиянинг роли. Ўзининг айланма воситаларини шакллантириш ва тўлдириш манбалари.

Корхоналар молиявий аҳволи кўрсаткичлари.

Корхонанинг фойдаси корхона ва умумжамятнинг эҳтиёжларини қондириш манбаи сифатида.

Фойдани тақсимлаш принциплари. Фойдани тақсимлашда корхоналар мустақиллигининг ортиши.

Фойдани тақсимлаш тартиби. Бозор шароитида фойдадан фойдаланиш йўналишлари.

Корхонанинг бюджет билан ўзаро муносабати.

Солиқлар ва тўловлар. Корхона томонидан тўланадиган солиқ ва тўловларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби, ставка, имтиёз ва санкциялар қўллаш.

Корхонада молиявий режалаштириш. Молиявий режа, унинг структураси. Корхона даромадлари ва харажатлари баланси. Бозор шароитида молиявий режалаштириш. Корхонанинг бизнес-режаси, унинг роли ва аҳамияти.

3.3- мавзу. Нотижорат фаолиятини юритувчи муассаса ва ташкилотлар молияси

Нотижорат фаолияти билан шуғулланувчи муассасалар ва ташкилотлар. Нотижоратчилик секторининг молиявий ресурслари. Нобозор секторининг молиявий манбалари: бюджет манбалари, корхона, жамоат ташкилотлари манбалари хизматига ҳақ тўлаш, бюджетни шакллантиришдаги ўзгаришлар ва уни такомиллаштириш. Харажатларни ҳисоблаш ва маблағ ажратишдаги норматив методни такомиллаштириш.

Медицина сугуртасини жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш муассасаларини молиялаштиришда унинг аҳамияти.

Бюджет муассасаларида молиявий режалаштириш, унинг молиявий режаси. Харажатлар сметаси, унинг асосий статьялари. Бозор шароитида молиявий режалаштиришни такомиллаштириш. Даромадлар ва харажатлар сметаси, унинг харажатлар сметасидан фарқлари. Сметалар асосий кўрсаткичларини режалаштириш. Режалаштириш учун зарур дастлабки маълумотлар: назорат рақамлари, иқтисодий нормативлар. Асосий реквизитлар, сметаларнинг бўлимлари ва сметанинг аҳамияти.

3.4- мавзу. Жамоат ташкилотлари ва бирлашмалари молияси

Жамоат ташкилотлари молиясининг моҳияти. Жамоат бирлашмалари иштирокида ва улар ичида пайдо бўладиган пул муносабатларининг гуруҳлари.

Жамоат ташкилотлари молиявий режаси, унинг таркиби.

Жамоат ташкилотларининг давлат (бюджет) билан ўзаро муносабати.

Касаба иттифоқлари харажатлари, уларнинг касаба иттифоқлари мақсадлари ва вазифалари билан боғлиқлиги.

Касаба иттифоқлари молиясини бошқариш. Махсус мақсадли фондлар. Уларнинг мақсад ва вазифалари. Махсус мақсадли фондлар тушумларининг манбалари ва харажатларининг йўналишлари.

Мақсадли фондларнинг давлат бюджети билан ўзаро муносабати.

Ўзбекистон Республикасида амал қилувчи махсус ва хайрия фондлари, уларнинг иқтисодий, ижтимоий, экологик муаммоларни ҳал қилишдаги аҳамияти.

IV БЎЛИМ. МОЛИЯНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ ДАРАЖАДА АМАЛ ҚИЛИШИ

4.1- мавзу. Давлат молияси

Давлат молиясининг мазмуни. Ялпи ички маҳсулот ва миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлашда давлат молиясининг роли.

Давлат молиясининг бўлимлари (звенolari): давлат бюджети, бюджетдан ташқари фондлар, давлат корхоналари молияси, давлат кредити. Уларнинг ўзаро алоқаси. Бозор шароитида давлат молияси звенолари ўртасида ялпи ички маҳсулот ва миллий даромад қиймати пропорцияларининг ўзгариши. Ижтимоий тақрор ишлаб чиқаришга давлат молиясининг таъсири.

Давлат даромадларининг мазмуни: даромаднинг ички ва ташқи манбалари. Миллий даромад ва мамлакат миллий бойлигининг бир қисми давлат даромадининг асосий манбаи эканлиги.

Давлат даромадларини шакллантириш методлари: солиқлар, эмиссия, давлат мулкани эксплуатация қилишдан ва давлатга қарашли мулкларни сотишдан келадиган даромадлар.

Давлат харажатлари. Давлат харажатларини ташкил қилиш принциплари. Маблағларни мақсадли йўналтириш, давлат ресурсларини қайтармаслик йўли билан сарфлаш, иқтисодий тежашга риоя қилиш.

Давлат харажатларини молиялаштириш формалари: ўз-ўзини молиялаштириш, бюджет орқали молиялаштириш, кредит билан таъминлаш.

4.2-мавзу. Давлат бюджети. Бюджет тизими ва бюджет жараёни

Давлат бюджети — давлат молиясининг звеноси.

Давлат бюджетининг иқтисодий моҳияти ва мазмуни. Унинг давлат функциялари ва моҳияти билан боғлиқлиги.

Бюджет — иқтисодий категория сифатида. Давлат бюджетининг функциялари.

Бюджет — давлатнинг марказлашган пул фонди эканлиги.

Бюджет — давлатнинг асосий молиявий режаси эканлиги. Унинг даромадлар ва харажатлар қисмлари.

Бюджет — иқтисодиётга таъсир кўрсатиш воситаси эканлиги. Давлатнинг ижтимоий сиёсатини амалга оширишда бюджетнинг роли.

Давлат бюджетининг даромадлари. Бюджетнинг солиқли ва солиқсиз даромадлари. Солиқларнинг мазмуни, унинг классификацияси. Давлат солиқлари ва маҳаллий солиқлар. Солиқларни тартибга солиш ва мустаҳкамлаш. Тўғри ва эгри солиқлар.

Бюджет тизими звенолари ўртасида даромадлар ва солиқларни тақсимлаш асослари.

Ҳозирги даврда Ўзбекистон Республикасида давлатнинг солиқ сиёсати ва солиқ механизми. Асосий солиқ тўловларини ҳисоблаш ва тўлаш усуллари. Солиқ ставкалари. Солиқ имтиёзлари ва санкцияларининг мазмуни.

Давлат бюджетининг солиқсиз даромадлари, уларнинг таркиби. Давлат бюджетининг солиқ ва солиқсиз даромадларининг нисбати.

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети маҳаллий бюджет

даромадларининг таркиби ва структураси, уларнинг тахлили.

Бюджет қурилиши, унинг моҳияти. Бюджет тизими ва унинг звенолари. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг таркиби: республика бюджети, Қорақалпоғистон давлат бюджети, бюджетдан ташқари фондлар.

Маҳаллий бюджетлар, уларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти. Маҳаллий бюджетларнинг таркиби ва тузилиши.

Бюджет жараёни. Бюджет жараёнининг босқичлари.

Бюджетни тузиш. Ҳокимият ижроия органларининг бюджетни тузишдаги роли.

Бюджетни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш.

Бюджетни ижро этиш. Бюджетни ижро этишда иштирок этувчи органлар.

Бюджет ижроси бўйича ҳисобот тўплаш ва тузиш.

Бюджет йили ҳақида тушунча, ҳисоб даври. Даромад ва харажатлар классификацияси, унинг аҳамияти.

4.3 - мавзу. Бюджетдан ташқари фондлар

Бюджетдан ташқари фондлар — умумдавлат молиясининг муҳим звеноси. Реал эҳтиёжлар ва бозор муносабатлари шароитида бюджетдан ташқари фондлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эканлигини белгиловчи асосий омиллар.

Бюджетдан ташқари фондларнинг таркиби. Бюджетдан ташқари фондлар классификацияси: мақсадга қаратилганлиги бўйича; иқтисодий ва социал; бошқариш даражаси бўйича; давлат ва регионал.

Бюджетдан ташқари фондларга амал қилишни ташкил этиш. Бюджетдан ташқари маблағлар шаклланишининг манбалари ва харажатларининг йўналишлари.

Молиявий бозорда бюджетдан ташқари фондларни бошқариш структурасининг ҳуқуқ ва бурчлари.

Давлат ижтимоий суғурта фонди, унинг мазмуни ва йўналиши. Фонднинг ташкил топиш методлари. Давлат ижтимоий суғурта фонди маблағлари харажатларининг асосий йўналишлари.

Пенсия фонди, унинг мазмуни ва вазифалари. Пенсия фонди шаклланишининг манбалари ва бу фонд маблағлари харажатларининг йўналишлари. Пенсия фондининг вазифалари. Унинг дав-

лат бюджети билан узаро муносабати. Пенсия фондини бошқариш органлари.

Иш билан бандлик давлат фонди ва бошқа бюджетдан ташқари фондлар, уларнинг мазмуни, маблағларни шакллантириш манбалари ва харажатларнинг йўналишлари.

4.4- мавзу. Давлат кредити

Давлат кредитининг социал-иқтисодий моҳияти. Давлат кредитининг иқтисодий ва молиявий категория сифатида таърифи. Давлат кредитининг банк кредити билан ўхшаш томонлари ва фарқлари.

Давлат кредит фаолиятининг турлари. Давлат қарздор, давлат — кредитор, давлат гранти.

Давлат кредити формалари: давлат заёмлари, давлат ссуда фонди, хазина ссудалари, гарантияланган заёмлар маблағларининг шаклланиши. Давлат заёмларининг классификацияси. Ички ва ташқи заёмлар. Ички заёмлар классификацияси: эмиссия ҳуқуқи бўйича — давлат ва маҳаллий заёмлар; даромадларни тўлаш формаси бўйича — процентли, ютуқли, процент-ютуқли, ютуқсиз; процентсиз (мақсадли) тўлаш муддатлари бўйича — қисқа муддатли, ўрта муддатли, узок муддатли; жойлашиш методлари бўйича — ихтиёрий; обуна қилиш бўйича — ихтиёрий мажбурий; ҳужжатлаштириш бўйича — облигацияли ва облигациясиз.

Облигация заёмлари, облигация турлари. Давлат заёмлари, облигация курси ва проценти. Облигациянинг даромадлилиги. Давлат қимматли қоғозлар бозори. Ўзбекистон Республикасида Давлат қимматли қоғозлар бозорининг ҳозирги аҳволи.

Халқаро давлат кредити. Халқаро давлат бўйича кредиторлар ва заёмчилар. Халқаро давлат кредитини бериш манбалари ва уни тўлаш манбалари. Халқаро давлат кредит муносабатларининг субъектлари.

Халқаро давлат кредитининг берилиши шарт-шароитлари.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро давлат кредити муносабатларини ўзига жалб қилиши, унинг мамлакат миаллий иқтисодиёти учун аҳамияти ва роли.

Давлат қарзларини бошқариш. Давлат қарзлари бўйича процент

тўловлари. Заёмларнинг консолидацияси ва конвертацияси, уларнинг унификацияси.

Заём тўловларини кечиктириш. Давлат қарзларини бекор қилиш.

4.5-мавзу. Маҳаллий молия

Маҳаллий молиянинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти. Регионал сиёсат юртишда маҳаллий молиянинг роли.

Маҳаллий молиянинг структураси, унинг эволюцияси.

Маҳаллий бюджет. Ҳокимиятнинг маҳаллий органларига қарашли маҳаллий корхоналар ва мулклардан келадиган даромадлар.

Мамлакат миллий даромадини қайта тақсимлашда маҳаллий бюджетнинг роли.

Маҳаллий бюджет даромадлари, уларнинг таркиби ва структураси.

Маҳаллий бюджет тушумлари, солиқдан келадиган ва солиқсиз даромадлар. Уларнинг нисбати. Маҳаллий бюджетнинг ўзининг ва даромадларини қайта тақсимлашдан тушган даромадлари. Маҳаллий солиқлар, уларнинг маҳаллий бюджет даромад базасини таъминлашдаги роли. Маҳаллий солиқларнинг асосий турлари. Маҳаллий бюджет звенолари ўртасида даромадлар ва солиқларни тақсимлаш асослари. Маҳаллий бюджетнинг даромадлари ва солиқларини тақсимлаш асослари. Маҳаллий бюджетнинг солиқдан келган даромадлари, уларнинг турлари ва моҳияти.

Маҳаллий бюджет харажатлари, уларнинг таркиби ва структураси. Маҳаллий бюджетнинг капитал ва жорий харажатлари, уларнинг ижтимоий ва иқтисодий моҳияти. Иқтисодиёт учун харажатлар. Маҳаллий бюджетнинг социал-маданий тадбирлар учун харажатлари. Аҳолини ижтимоий мақсадидаги харажатлар. Ҳокимиятнинг маҳаллий органлари маъмурий бошқариш аппаратлари харажатлар.

Маҳаллий бюджетнинг марказий ҳокимият ва юқорида турувчи бюджетлар билан молиявий ўзаро муносабатлари. Бюджет субсидияси. Маҳаллий бюджет даромад базасини таъминлашда субвенциянинг аҳамияти ва роли.

Ҳокимиятнинг маҳаллий органлари мустақиллигини кучайтириш соҳасида давлат сиёсати. Ҳокимиятнинг маҳаллий органлари

молиявий мустақиллигини оширишнинг асосий йўналишлари. Маҳаллий бюджет даромад базасини кенгайтиришда ҳокимият маҳаллий органларининг тадбирлари:

Маҳаллий органлар заёмларининг ҳокимият маҳаллий органлари капитал қўйилмаларини молиялаштириш методи сифатида.

Ҳокимият маҳаллий органларининг махсус фондлари, бозор шароитида уларнинг тараққиёти. Махсус фондларининг даромадлари ва харажатлари.

V БЎЛИМ. СУҒУРТА

5.1- мавзу. Мулкий ва шахсий суғурта

Суғуртанинг иктисодий моҳияти. Иктисодиётда суғуртадан фойдаланиш зарурати.

Суғуртанинг функциялари: таваккалчилик, огоҳлантирувчи, жамгарувчи ва назорат.

Суғурта тармоқлари: мулкий, шахсий, ижтимоий жавобгарлик суғуртаси, тадбиркорлик, таваккалчилик суғуртаси. Бозор муносабатлари шароитида мулкий суғуртанинг мазмуни, моҳияти ва аҳамияти.

Суғурта объектлари, мулкий суғуртанинг мажбурий ва ихтиёрий шакллари.

Мажбурий суғуртанинг турлари. Хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқаролар мулкининг мажбурий суғуртаси.

Ихтиёрий суғурта. Корхона ва фуқароларнинг ихтиёрий суғурта турлари. Ўзбекистонда мулкий суғурта бўйича суғурта ишининг ҳолати.

Шахсий суғурта ва унинг мазмуни. Шахсий суғуртанинг асосий турлари.

Жавобгарлик суғуртаси: Фуқаролик жавобгарлиги суғуртасининг турлари.

Тадбиркорлик, таваккалчилик суғуртаси, унинг мазмуни ва бозор иктисодиёти шароитида аҳамияти.

5.2- мавзу. Ижтимоий суғурта

Ижтимоий суғуртанинг моҳияти. Унинг фуқаролар конституциявий ҳуқуқларини таъминлашдаги роли.

Ижтимоий суғуртани ташкил қилиш принциплари, вазифалари. Давлатнинг ижтимоий соҳадаги сиёсати. Ижтимоий суғурга во-ситасида жамият томонидан ҳал қилинадиган вазифалари.

Ижтимоий суғуртанинг асосий қисмлари ижтимоий суғурга фон-диниң манбалари.

Ижтимоий суғуртанинг моддий асоси. Ижтимоий суғурга фонд-лариниң объектив зарурлиги. Ижтимоий суғуртанинг молиявий категория сифатида ўзига хос белгилари.

Ижтимоий суғурга маблағларидан фойдаланиш шакллари. Тў-ловлар, хизматлар, имтиёзлар. Тўловлар ва хизматлар класси-фикацияси.

Ишонниң ижтимоий меҳнатдаги иштироки ва меҳнатниң иқ-тисодий характеристикасига кўра тўланадиган тўловлар ва им-тиёзлар. Функционал белгиланишига кўра тўлов ва имтиёзлар.

Пенсиялар, уларниң белгиланиши. Пенсияларниң турлари. Нафақалар, уларниң мазмуни. Нафақаларниң асосий турлари. Ижтимоий суғуртаниң бозор муносабатлариниң ривожланиши билан жамиятда объектив тарзда юзага келадиган ижтимоий му-аммоларни ҳал қилишдаги аҳамияти.

VI БЎЛИМ. ЖАМИЯТНИҒ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИДА МОЛИЯНИҒ РОЛИ

6.1- мавзу. Молияниң ижтимоий-иқтисодий тараққиётга таъсири

Молияниң революцияниң объектив ва субъектив шарт-шаро-итлариниң ривожланишига таъсири. Революцион қайта қуриш-ларниң моддий шарт-шароитларини тайёрлашда молияниң иш-тироки. Ишлаб чиқариш технологиясиниң ўсиши ва такомилла-нишида субъектларниң жадаллашувини молиявий рабатланти-риш. Солиқ сиёсатидаги, давлат бюджети харажатлари сиёсатидаги ўзгаришлар. Маҳаллий бюджет тизимини ривожлантириш чора-лари. Маҳаллий ҳукумат органлари ҳуқуқларини кучайтириш. Мустақилликка эришгандан сўнг молиявий дастақлар: солиқлар, давлат харажатлари субсидиялари, хазина ссудалари, хазина қим-матли қозғалар бўйича процентлар, маҳаллий бюджетлар.

Ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва тартибга солишда мо-

лиявий дастаклар ва воситалардан фойдаланиш. Иқтисодийга таъсир этиш механизми дастакидаги тизимнинг ўзгарувчанлиги. Молия механизмининг иқтисодийга молиявий таъсир этишининг асосий йўналишлари: ишлаб чиқаришни молиявий тартибга солиш ва рағбатлантириш, ФТТни молиялаштириш; ижтимоий ишлаб чиқаришни суғурталашни ҳимоялаш. Аҳоли турмуш даражасини кўтаришнинг молиявий усуллари. Бозор шароитида аҳоли пул даромадларини тартибга солувчи регуляторларни давлат томонидан тартибга солиш. Ишчи ва хизматчиларнинг даромадларига солиқ солиш тизимининг ривожланиши.

6.2- мавзу. Халқаро иқтисодий муносабатларнинг ривожланишида молиянинг роли

Молиянинг халқаро интеграцион жараёнларга таъсири. Халқаро алоқаларнинг ривожланишида молиянинг роли.

Ташқи иқтисодий фаолият молиясининг ўзига хос белгилари.

Молиявий ресурслар ташқи манбаларининг шаклланишида халқаро иқтисодий алоқаларнинг аҳамияти. Марказлашган валюта фондларининг шаклланиши ва ишлатилиши. Республикада марказлашган ва марказлашмаган валюта фондларининг шаклланиши ва ишлатилиш шартлари ва механизми.

Миллий корхоналарнинг жаҳон бозорига чиқишдаги молиявий рағбатлар. Ташқи иқтисодий алоқаларни молиялаштириш манбалари. Корхона валюта фонди, унинг шаклланиши ва ишлатилиши. Ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи корхоналарнинг валюта фондларини тузиш ва ишлатиш бўйича ҳуқуқ ва вазифалари.

Корхоналарда ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан бошқариш ва тартибга солиш усуллари. Экспорт ва импортга давлат йўли билан таъсир этиш, халқаро ҳамкорлик шакллари.

Хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг мақсад ва вазифалари. Чет эл инвестицияларини жалб қилиш йўллари. Чет эл инвестицияларига молиявий имтиёзлар.

МУНДАРИЖА

Кириш.....3

I бўлим. Молия ҳақида умумий тушунча

1. 1-мавзу. Молиянинг объектив зарурлиги, моҳияти ва функциялари.....5
1. 2-мавзу. Молия тизими.....17
- 1.3-мавзу. Бозор иқтисодиёти шароитида молиядан фойдаланиш25

II бўлим. Молияни бошқариш

- 2.1-мавзу. Молиявий сиёсат ва молия механизми.....32
- 2.2-мавзу. Молияни бошқариш.....38
- 2.3-мавзу. Молиявий назорат.....49

III бўлим. Молиянинг микроиқтисодий даражада амал қилиши

- 3.1-мавзу. Фаолиятнинг турли соҳаларида молиянинг амал қилиш асослари54
- 3.2-мавзу. Тижоратчилик асосида фаолият юритувчи корхоналар ва ташкилотлар молияси.....65
- 3.3-мавзу. Нотижорат фаолиятини амалга оширувчи муассаса ва ташкилотлар молияси.....84
- 3.4-мавзу. Жамоат ташкилотлари молияси.....90

IV бўлим. Молиянинг макроиқтисодий даражада амал қилиши

- 4.1-мавзу. Давлат молияси.....97
- 4.2-мавзу. Давлат бюджети. Бюджет қурилиши ва бюджет жараёни.....104
- 4.3-мавзу. Бюджетдан ташқари фондлар.....122
- 4.4-мавзу. Давлат кредити127
- 4.5-мавзу. Маҳаллий молия.....133

V бўлим. Суғурта

- 5.1-мавзу. Мулкий ва шахсий суғурта.....140
- 5.2-мавзу. Ижтимоий суғурта.....145

VI бўлим. Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида молиянинг роли	
6.1-мавзу. Молиянинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётга таъсири.....	150
6.2-мавзу. Халқаро иқтисодий муносабатларнинг ривожланишида молиянинг роли.....	158
«Молия назарияси» фанидан курс ишлари мавзуларидан намуналар	163
«Молия назарияси» фанидан рейтинг ўтказиш бўйича тест саволларидан намуналар	165
Яқуний назорат ишлари материалларидан намуналар.....	172
«Молия назарияси» фанидан иқтисодий атамалар луғати.....	175
Адабиётлар	185
«Молия назарияси» фанидан намунавий ўқув дастури.....	187

Усмон Умаров

«Молия назарияси» фанидан
ўқув-услубий қўлланма

Тошкент — 2004

Муҳаррир *Д.Исмоилова*
Бадий муҳаррир *М. Раҳмонова*
Техник муҳаррир *М.Содиқхўжаева*
Мусахҳиҳа *Д.Илҳомова*

Теришга рухсат этилди 12.08.2004. Босишга рухсат
этилди 16.09.2004. Нашриёт босма табағи 12,5.
Бичими 60x84 1/16, Адади 300 нусха. Буюртма № 018.



Усмон УМАРОВ (1931-2004) Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманида туғилган, 1946-1949 йилларда Термиз педагогика билим юртида, 1953-1957 йилларда Пизомий политехника педагогика институтинда тахсил олган, 1967 йилдан иқтисод факультети доцент, 1968 йилдан доцент, 1983 йилдан профессор. "Сўбий иқтисод ислоҳлари" (1973), "Жамиятшунослик курсида сўбий иқтисодий масалаларни ўқитиш" (1977), "Иқтисодий назариядан тест материаллари" (1994), "Иқтисодий назариядан комплекс ўқув-методик қўлланма" (2003), "Молия назоратини фанидан ўқув-услубий модуль" (2003), "Иқтисодий ва назорат" (2004) сингари кўплай дарслик ва қўлланмалар муаллифи.